

СОДИҚЖОН НОРҚҮЗИЕВ

ИНСОН
ВА
ЖАМИЯТ

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ЭТИКА, ЭСТЕТИКА ВА МАДАНИЯТШУНОСЛИК
КАФЕДРАСИ

ИНСОН ВА ЖАМИЯТ

ЎРТА МАКТАБЛАР ВА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ
ЮРТЛАРИ, ЛИЦЕЙЛАРНИНГ ЎҚИТУВЧИЛАРИ, ЎРТА
МАКТАБЛАРНИНГ 11-СИНФ, ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ
ЮРТЛАРИНИНГ ЮҚОРИ БОСҚИЧ, ЛИЦЕЙЛАРНИНГ
ОХИРГИ БОСҚИЧДАГИ ЎҚУВЧИЛАРИ УЧУН
ЎҚУВ ҚҰЛЛАНМАСИ

НАМАНГАН — 1997 ЙИЛ.

Мамлакатимиз мустақил бўлгандан сўнг мактаблар ва ҳунар-техника билим юртларининг юқори курсларида илгари бир неча йиллар ўқитиб келинган «Жамиятшунослик» фани ўрнига «Инсон ва жамиият» фани ўқитилмоқда. Аммо мазкур фан бўйича ҳали дарслик ҳам, ўқув қўлланмаси ҳам яратилгани йўқ. Ана шу шароитларни ҳисобга олиб, муаллиф қўлингиздаги ўқув қўлланмасини тажриба тариқасида яратди.

ООО

Албатта мазкур қўлланма камчиликлардан ҳоли эмас, муҳтарам ўқувчи-ёшлар, устозлар, китобхонлар ўзларининг қўлланма ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини билдирулар, уни янада такомиллаштириш, мақсадга мувофиқ ҳолатга келтириш мумкин бўлур эди. Фикр-мулоҳазаларни Наманган шаҳри, Наманган давлат университети этика, эстетика ва маданиятшунослик кафедрасига юборишларини сўралди.

Тузувчи-муаллиф::
Содиқжон Норқўзиев

Масъул муҳаррир:
Маҳмуджон Хожимирзаев.
Фалсафа фанлари номзоди, доцент

Муҳаррир:
Эркин Шарипов.
Фалсафа фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:
Абдулазиз Абдураҳмонов
Фалсафа фанлари доктори, профессор
Олимжон Абдуллаев.
Иқтисод фанлари доктори, профессор.

Мазкур ўқув қўлланмаси Наманган давлат университетига илмий-методик бирлашмаси ҳамда Наманган вилояти халқ таълими бошқармаси ўқув-методик маркази Қенгашларида муҳокама қилиниб чоп этишга тавсия этилган. Қайднома №5 16 май 1996 йил.

КИРИШ

Мұхтарам үқувчи, сиз ўзингиз яшаб турған, унинг аъзоси бўлган жамиятни биласизми? Ҳозир XX асрнинг охири, яна уч йилдан сўнг асrimiz тугаб, инсоният XXI асрга қадам қўяди. Хўш, XX аср қандай афзалликлару, қандай салбий томонларга эга бўлди, яъни сиз яшаётган жамият қандай, у келажакка нималарни қолдирмоқда? XX аср кишилик жамиятида сиёсий жиҳатдан 2 марта жаҳон ва жуда кўп маҳаллий урушлар бўлиб, уларда 200 миллиондан кўпроқ одамлар ҳалок бўлдилар. Ижтимоий жиҳатдан XX асрда капитализм, социализм, мустамлакачиликдан озод бўлган ва ривожланаётган «учинчи» дунё мамлакатлари пайдо бўлди. Октябрь инқилоби аср бошида рўй берди; СССР, социалистик лагерь тугатилди. Бу, мана шу биз яшаётган аср якунида содир бўлди. XX аср бошқа даврларнинг ҳаммасидан ҳам кўп техника, моддий бойликлар, маънавий ютуқлар, илмфан инқилоби, атом асри бўлди. XX аср очлик, қашшоқлик ва бойлик, миллионерлар асри ҳам бўлди. Демократияга ўтиб, янгича тафаккур қилиб, турли сиёсий партиялар пайдо бўлиб, мустақиллик бозор иқтисодиёти шароитида яшаётган жамият, бизнинг яшаб турған реал жамиятимиз пайдо бўлди. Хуллас, биз ғоят ранг-баранг, зиддиятларга тўла бўлган жамиятда яшаётмиз.

Ҳар биримиз жамиятда яшаб туриб атрофимиздаги кишилар билан иқтисодий-сиёсий, маънавий-аҳлоқий, диний ва бошқа муносабатларда бўламиз. Шунинг учун ҳам жамият ва инсонлар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар механизми тўғрисидаги қонунларни билиш, уларнинг моҳияти ва аҳаммиятини тушуниш, табиат қонунларини эгаллашдек мұҳимдир. «Инсон ва жамият» курси ҳозирги замонда ҳар бир ўқувчининг (инсоннинг) имкониятлари, истеъоди, қобилиятларини рўёбга чиқаришда тўғри йўлни топиб олишида ёрдам беради. Мустақил республикамизда демократик, инсонпарвар, ҳуқуқий давлат қуриш, келажаги буюк давлатнинг пойдеворини қўйиш йўлида инсонга инсоний ҳаёт шароитларини

яратиш, бу жамиятда одамлар ақлли, гүзал, бир сўз билан айтганда баркамол бўлиб етишишларида жаҳон цивилизацияси қўлга киритган ютуқлардан фойдалангандагина амалга ошади.

Қўлингиздаги мазкур ўқув қўлланмасини яратишда муаллиф қатор адабиётлардан, жумладан республикамиз Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол йўли», «Ўзбекистон миллӣ истиқлол, иқтисодиёт, сиёсат, мағкура», «Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамоиллари», «Янгисини қурмай эскисини бузманг», «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида», рус тилида чоп этилган «Ҳозирги замон цивилизацияси йўлида» Москва, 1992, «Ҳозирги замоннинг сиёсий ва маънавий тараққиёти» Москва, 1993, «Маърифат» газетасида 1992 йилда чоп этилган қатор мақолалар ва бошқа манбалардан фойдаланди.

Мавзуларни қисқа, лўнда, содда баён қилишга ҳаракат қилинди. Қўлланма ҳақидаги таклифлар ва мулоҳазаларни муаллиф бажонудил қабул этади.

Мазкур ўқув қўлланмасини тайёрлаш жарайёнида ўзларининг қимматли фикр ва мулоҳазаларини билдирганликлари учун муаллиф профессор М. Х. Ҳожимираевга, доцент Э. Шариповга ўзининг миннатдорчилигини билдиради.

1 БУЛИМ. ИНСОН ВА ЖАМИЯТ ҲАҚИДАГИ ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИДАН

1 ИНСОН ВА ЖАМИЯТ ҲАҚИДАГИ ШАРҚ ВА ФАРБ ХАЛҚЛАРИНИНГ ТАСАВВУРЛАРИ

ЖАМИЯТ НИМА?

Кишиларнинг илмий дунёқарашини шакллантиришда жамиятнинг келиб чиқиши ва ривожланиши қонуниятларини фалсафий нуқтаи·назардан англаб олиш катта аҳамиятга эга.

Фалсафий ва ижтимоёт фанларида жамият кенг ва тор маънода тушунилади. Кенг маънода бу тушунча табиатдан ажralиб турадиган кишилар ҳаётий фаолиятларининг мажмумини ифодалайди: тор маънода у кишилик тарихининг муайян босқичи ёки ижтимоий тизимнинг аниқ типи (капиталистик жамият ва шунга ўхшашни) англатади.

Кишилик жамияти ўзига хос ижтимоий организм бўлиб, моддий ишлаб чиқариш алоқалари, кишилар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларга асосланади.

Инсоният жамияти табиат узлуксиз тараққиётнинг муайян бир босқичида вужудга келган ижтимоий муносабатлар ийғиндицидир. Кишилик жамияти тараққиёти оламида рўй берастган умумий ривожланиш жараёнининг муҳим бир таркибий қисмини ташкил этади ва у табиатда рўй берастган диалектик ривожланиш билан бевосита боғлангандир.

Жамият — бу кишилар жамоаси, меҳнат жамиятнинг моддий яратувчи кучи, ишлаб чиқаришнинг муайян тарихий босқичи эса ижтимоий тузум (формация), мавжуд тузум моддий ва маънавий (базис ва устқурма) ҳаёти билан бошқа тузумдан фарқ қиласди, жамиятда ривожланишнинг объектив қонулари қамал қиласди.

Буюк мутафаккир Абу Наср Форобий фикрича, жамиятнинг келиб чиқиши зўравонлик ва мажбурлаш таълимотини инкор этиб, инсон жамоасининг келиб чиқиши асосда табиий эҳтиёж ётиши назариясини илгари суради. Табиий эҳтиёж кишиларни бир-бирлари билан бирлашишга, жамоага уюшиш-

га, ўзаро ёрдамга олиб келади. Ана шу ўзаро ёрдам туфайли эҳтиёж қондирилади. Кишилар ўртасидаги ўзаро ёрдам инсоният жамиятини келтириб чиқаради.

Форобий талқинича, инсоният жамияти турли халқлардан ташкил топган бўлиб, улар бир-бирларидан тиллари, урфодатлари, малакалари, хусусиятлари билан фарқ қиласидилар¹.

Жамият қотиб қолган эмас. Инсоният сингари ҳар бир алоҳида олинган жамият ҳам кишилар иродаси, истагидан қатъий назар, ўзига хос объектив қонунларга биноан ривожланади, эски янгиси билан алмашади. Инсоният жамияти ўтмишдан келажакка томон юксалиб, илгарилаб бораверади. Жамият тараққиёти асосини меҳнат, ишлаб чиқарувчи кучлар ва уларга мувофиқ бўлган ишлаб чиқариш муносабатлари ташкил этади.

ИНСОН МУАММОСИ

Инсоннинг эркин бўлиши, фаровон ҳаёт кечириши, ўз тақдирининг эгаси бўлиши ҳақидаги муаммо фалсафа фанинг марказий масалаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Инсон сайёрамизда мавжуд бўлган жонли мавжудотларнинг олий босқичида пайдо бўлган ақлли вужуд, у ижтимоий-тариҳий фаолиятнинг ва маданиятнинг субъектидир. Инсон ва унинг шаклланиши қатор фанлар: социология, психология, антропология, этнография, педагогика, табобат ва бошқалар томонидан ўрганилади. Ана шу фанларнинг маълумотларига асосланиб фалсафа фани инсон ҳақида умумий тушунча ва тасаввурлар ҳосил қиласиди.

Ижтимоий мавжудот сифатида инсон ҳеч қачон жамиятдан ташқарида пайдо бўлмаган. Шунингдек, жамият ҳам инсондан олдин пайдо бўлган эмас. Инсон ўз ҳаётининг бутун мажмуини жамиятдан олади. Жамиятда инсон ўз тўйғу ва ақл-идрокини ривожлантиради, ҳаётининг мақсад ва маъносини тушунади. Шунинг учун ҳам ўз мавқеини жамиятда ўзи белгилайдиган инсон ҳам, шахс ҳам йўқ, балки маълум тарихий, иқтисодий, ижтимоий шароитларда яшовчи, ижтимоий гуруҳ, халқ ва миллатга мансуб бўлган шахс мавжуддир. Жамиятнинг одамларга, одамларни эса жамиятга қиласидиган таъсири хусусида фикр юритиб, классиклар, худди жамият одамни одам қилгани каби унинг ўзини ҳам одам ҳосил қиласиди деган әдилар.

Инсон (одам) биологик ва ижтимоий омилларнинг маҳсулидир. Бунда 1/ одамнинг биологик омиллари — нафас

олади, еб ичади, сезади, жиссий қабуллаб жавоб қилади, умуман тирик мавжудларнинг яшаш қонунларига бўйсунади. 2/ Одам ижтимоий омиллар таъсирида шахс бўлиб камол топади, яъни бошқа одамлар билан яшайди, мулоқотда бўлади, ишлайди, ўқийди, сиёsat, маданият, санъат билан шуғулланади ва шу кабилар.

Инсон муайян ижтимоий муҳитда ҳаёт кечиради, ўйлайди, фикр юритади, ҳаракат қилади. Унинг ижтимоий тажрибаси, билим бойликлари, дунёқараши — у яшаб турган ижтимоий муҳитнинг таъсири ва ижтимоий муносабатлар натижасидир.

Юқорида биз кишилар ўртасидаги ижтимоий алоқа уларнинг амалий фаолиятидаги, ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнидаги муносабатлар билан белгиланади деб айтган эдик. Одам ўзидан бошқа кишилар билан алоқада, муносабатда бўлиши, жамоа орасида ва жамият ичида яшаганлиги туфайли шахс сифатида шаклланади, ўзини ўраб турган муҳитни, ўз-ўзини, ўзининг инсоний моҳиятини англай бошлайди. Бу эса унинг муҳим белгисидир. Инсонинг ўз-ўзини англаши субъектив ҳавища ўзини «мен» деб ҳис қилишида ифодаланади ва у ижтимоий ҳаётда бошқа кишилар билан муносабатда бўлиш асосида вужудга келади ва тараққий этади. Шахс жамият аъзоси, унинг бир қисми бўлганлиги учун ҳам ўзи мансуб бўлган муайян жамият билан боғлангандир. Шахснинг онгги, гоя ва қарашлари ўша шахс атрофидаги ижтимоий муҳитнинг, реал воқеликнинг инъикосидир. Инсон ижтимоий муносабатлар асосида шаклланиб, юксалиб борар экан, демак, унинг ҳатти-ҳаракатлари, феъл-атвори, ҳис-туйғулари ва тушунчаларини ҳам уни қуршаб олган ижтимоий муҳит, иқтисодий ҳаёт белгилаб беради.

Жамият одамларнинг оддий бир йигиндиси эмас, балки кишилар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг алоҳида тизими, алоҳида шаклидир. Инсон ўз амалий фаолиятида ижтимоий тараққиёт қонунларигагина эмас, шу билан бирга табиат қонунларига ҳам бўйсунади.

Инсон энг аввало ижтимоий мавжудотdir. Унинг инсоний белгиси шундаки, биринчидан, у ишлаб чиқариш қуроллари ёрдамида меҳнат қилади, моддий ва маънавий бойликлар яратади, иккинчидан, мавҳум фикрлайди, учинчидан, ўз фикр-туйғуларини тил воситаси билан ифодалайди. Унинг хусусиятларидан бири — меҳнат қилиши, моддий ва маънавий бойликларни, маданият ва санъат асарларини яратади. Шунинг учун ҳам файласуфлар инсоннинг ҳайвонот

оламидан ажралиб чиқишини, жамият тараққиётининг бошланиши ва ривожланиши масаласини меҳнатга, меҳнатнинг тақсимланиши, тилнинг келиб чиқиши билан боғладилар. Меҳнат қилиш, қурол ясаш ва улардан фойдаланиш жараёнида инсон ўзининг инсоний қобилият ва хусусиятларини ривожлантиради, ўзининг алоҳида ижтимоий дунёсини яратади. Бу дунё ижтимоий муносабатлар мажмуи бўлган инсонга нисбатан қандайдир ташқи нарса бўлмай, унинг моҳиятини ташкил этади. Ижтимоий муносабатлар инсонни ижтимоий вужудга айлантиради, унинг фаолиятини ҳамма хусусиятларини, дунёқарашини, ақлидрок ва тафаккурини шакллантиради ва белгилайди.

ТАБИАТ ВА ЖАМИЯТ

Жамият табиатнинг алоҳида, яъни ўзига хос пайдо бўлиш, ўсиш, ўзгариш ва ривожланиш қонунларига эга бўлган қисмидир. Жамият табиатнинг олий маҳсули, унинг бир бўлагидир. Кишилик жамиятини, инсонни қандайдир сирли, ғайри-табиий кучлар яратган эмас, балки у табиатнинг, моддий оламнинг миллион-миллион йиллар давомида амалга ошган узлуксиз тараққиётининг қонуний маҳсулидир.

Кишилик жамияти табиат тараққиётининг маълум бир босқичида ҳайвонлар олами эволюцияси заминида инсонлар жамоаси келиб чиққан даврда юзага келган. Демак, жамият тарихи ва унинг ривожланиши одамсизмон маймунлардан (гарчи бу масала ҳозир мунозарали масала бўлса ҳам) ибди-доий одам ажралиб чиққан даврдан бошлаб эмас, балки улар маълум жамоага бирлашиб меҳнат қилган, ишлаб чиқариш қуролларини яратган, маълум ижтимоий-иқтисодий муносабати.

Жамият тарихи кишилар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маданий муносабатлар тарихидир. Жамият ривожланиши эса шу муносабатларнинг ўсиши ва такомиллашиши шаклида бўлади. Жамият тарихи табиат ривожланиши тарихининг маълум бир давридан бошланади.

Шундай қилиб, инсон ва жамият табиатнинг ажралмас бир қисми бўлиши билан бирга, унинг алоҳида онгли қисмидир. Жамият ҳамиша табиат билан ўзаро алоқада бўлади. Инсон ҳар доим табиатнинг бағрида яшайди.

Инсон ҳеч қачон табиатдан ташқарида, у билан алоқа ва муносабатда бўлмасдан туриб яшай олмайди. Табиат билан жамият, табиат билан инсон табиат тарихи билан жамият

тариҳи диалектик бирлиқда таъсир ва акс таъсирдадир, Уларни бир-биридан ажратиш мумкин эмас. Алоҳида инсон ҳам, умуман жамият ва инсоният дунёси ҳам назарий, жисмоний, амалий жиҳатдан табиат билан узвий алоқадорликда яшайди.

Табиат табиий ресурслар манбаидир. Табиий ресурслар, яъни ёнилғи, нафас олинадиган ҳаво, ичиладиган сув, ҳар хил металлар бўлмаса инсон ва жамият яшай олмайди. Табиат биз учун моддий неъматларнинг биринчи манбай сифатида ҳам, соғлик, шодлик, турмушга мөхр-муҳаббатнинг ва ҳар бир кишидаги маънавий бойликларнинг битмас-туғанмас манбай сифатида ҳам ўзининг ғоят зўр аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайди.

Юқоридагиларни умумлаштириб қўйидаги хуносаларни чиқариш мумкин: 1/ Инсониятнинг табиат билан алоқаси Ерда инсон пайдо бўлган вақтларданоқ юзага келган бўлиб, бу зарурий объектив алоқадорлик ўз аҳамиятини бундан кейин ҳам ҳеч қачон йўқотмайди. 2/ Жамият билан табиатнинг объектив алоқадорлиги, табиий шароитларнинг жамият тараққиётига кўрсатадиган таъсири жаҳондаги айrim бир халқлар ва мамлакатларга тааллуқлигина бўлиб қолмай, балки бутун инсоният учун, барча жамиятлар ва ижтимоий-иқтисадий формациялар учун бир хилда умумийдир. 3/ Табиий муҳит инсоннинг моддий неъматлар ишлаб чиқариш фаолиятининг доимий, абадий, зарурий шартидир.

ҲАЁТ ДОИМО ЎЗГАРИШДА

Инсон ҳаёти, яъни ижтимоий ҳаёт бир жойда тўхтаб, депсиниб туриб қолмайди, у доимо ўзгаришда. Бу ўзгаришларнинг даражаси ва миқёслари турлича: инсоният тариҳида шундай даврлар ҳам бўлганки, шаклланган, тартибга тушган ҳаёт тарзи бир неча юз йиллар ўзгармаган; шундай пайтетиб келганки, ҳаётдаги ўзгаришлар даражаси ва миқёси олға қараб одимлай бошлаган. Инсоният шундай хуносага келганки, ҳаёт тарзининг ўзгариши ўз-ўзича, хоҳлаган ҳолатда намоён бўлмас экан. Аста-секин ижтимоий тараққиёт (прогресс сўзи олға борадиган ҳаракат деган маънони англатиб, у лотинча сўздан олинган), ғояси пайдо бўлди, немис классик фалсафасининг буюк вакили Г. Гегель (1770-1831) дан кейин ҳаёт ҳаракатини такомиллашмаган ҳолатдан юқорироқ такомиллашган, яъни ҳаракат оддийдан мураккабга, пастдан юқорига, спиралсимон ҳолатда ривожланишини ту-

шунила бошланди. Ана шу тараққиёт, яъни прогресснинг мезони нимадан иборат деган савол инсонлар олдида кўндаланг бўлди. Саволга жавоблар ҳам турли-туман берилди.

Тараққиётнинг мезони — ақлнинг ривожланишида. Инсон камбағалчилигининг асосий сабаби саводсизлик ва маънавий қашшоқлиқдир. Аста-секин ақлнинг инсон ривожига таъсири унинг билимини оширади. Бу фактор инсонларнинг қобилиятли, бирор масалани ечишда тўғри йўл топа оладиган истеъдодли кишилар бўлишларига ҳамда ҳаётда ва жамиятда ижтимоий муносабатларни яхшилашда ёрдам беради.

Тараққиётнинг бош мезони сифатида жамиятда ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражасида намоён бўлди, у ўзида ишлаб чиқариш воситалари (мехнат қуроллари, меҳнат предметини) ҳамда моддий бойликларни ишлаб чиқарувчилари бўлган одамни ўз ичига олади. Аста-секин, қадамба-қадам меҳнат қуроллари энг содда тошдан ясалган болта, пичоқдан ҳозирги замон компьютер машиналаригача бўлган йўлни босиб ўтди, бу жараёнда албатта одамларнинг малакалари ҳам такомиллашиб, ошиб борди. Натижада ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлиги ўсади, бу эса жамият ҳаётининг ҳамма томонларига таъсир қилди, бу жараёнда инсоннинг ўзи ҳам такомиллаши ва ривожланди.

Қайтариш учун саволлар ва топшириқлар:

1. «Жамият» тушунчаси кенг ва тёр маънода қандай туши билди?

2. Жамият билан табиат ўртасидаги ўзаро алоқадорлик қандай намоён бўлади? Ижтимоий ҳодисаларнинг ўзига хос хусусиятлари нимадан иборат?

3. Жамиятни ҳаётий фаолияти доирасига нималар киради?

4. Инсоннинг моҳияти деганда нимани тушунасиз?

5. Ижтимоий муносабатлар нима?

6. Ижтимоий тараққиёт нима? Унинг асосий мезони нимадан иборат?

7. Жамиятни қандай фанлар ўрганади?

8. Биз қандай жамият қурамиз?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. Тошкент, «Ўзбекистон», 1995, 49-бет.

2. Туленов Ж., Фофуров З. Фалсафа. Тошкент, «Ўқитувчи», 1991, 180-187, 194-201, 211-214. бетлар.

3. Ҳозирги замон цивилизацияси йўлида. Москва, 1992, рус тил. 3—10 бетлар.

ҚАДИМГИ ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ИНСОН ВА ЖАМИЯТ ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРИ

Бизга маълумки, инсоният маданий тараққиёти сарчашмалари қадимги шарқ мамлакатлари — Миср, Хитой, Ҳиндистон ва кейинчалик қадимги Юнонистонда пайдо бўлган. Улар ҳақида бизгача етиб қелган афсоналар, моддий маданият қолдиқлари ҳамда қадимги муаллифларнинг асарлари орқали маълумотлар тўплланган. Бу борада, айниқса Қадимги Ҳиндистоннинг «Веда»лари, «Упанишад»лари, Марказий ва Ўрта Осиёнинг «Авесто»си, қадимги грек тарихчилари Геродотнинг «Тарих» ва Плутархнинг «Исида ва Осирис ҳақида»ги, Гомернинг «Илиада» ва «Одиссея» асарлари бой материаллар беради.

Қадимги Мисрдаги кишиларнинг жамиятга қарашлари уларнинг умумий дунёқарашлари каби мифологик (афсонавий) тавсифда бўлган. Плутархнинг кўрсатишича, мисрликлар Ра худосини дунёнинг яратувчиси деб ҳисоблашган. Ра кейинчалик Осирис, Исида, Сет ва бошқа худоларни, шунингдек кишиларни яратган. Ра худоси қариб қолгач, унга бошқа худолар ва одамлар бўйсунмай қўя бошлаганлар, шундан сўнг Ранинг ташаббуси билан чақирилган худолар кенгашида одамларни жазолашга қарор қилинган.

Хатлар худоси ерга тушиб одамларни қира бошлаган. Кеийинроқ Ра уларга раҳм қилиб, қирғинни тўхтатган. Шундан сўнг Ра ҳукмдорлик қилишни ўзидан яратилган уч жуфт худоларга топширган. Улардан сўнгилари Осирис ва Исида ҳисобланадилар. Улар кишилар орасига маданиятни ёйиш орқали тарбиялай бошлайдилар. Ушбу худоларнинг ўлимидан сўнг ярим худолар ҳукмронлик қиласидилар, улардан сўнг эса ҳукмронлик қилиш кишиларга насиб этган. Подшолар ўзларининг ҳукмронлигини мустаҳкамлаш мақсадида ўзларини худонинг ўғли деб эълон қилишган. Ўша даврларнинг қарашларида кишиларнинг юқори ва паст табақаларга бўлинишини илоҳий дунё билан, катта ва кичик худолар борлиги билан боғлаб тушунтиришган.

Қадимги Мисрда жамият ҳақидаги фикрлар тугалланган таълимот даражасига кўтарилимаган, балки кишиларнинг ижтимоий руҳиятида ишонч, одат, қарашлар сифатида амал қилган.

Қадимги Ҳиндистонда инсон ва жамият ҳақидаги қарашлар

Қадимги Ҳиндистонда ҳам илк қарашлар афсонавий дунё қарашдан келиб чиққан. Эрамиздан олдинги 2 минг йиллик

да дастлабки билимлар, афсоналарни ўзида бирлаштирган «Веда»лар пайдо бўлган. Бу китобларда Брахманизм таълимоти ўз ифодасини топган бўлиб, ўша даврда кишилар орасида мавжуд бўлган тўрт варна яъни (табақа) Пуруша худоси томонидан яратилган деб тушинтирилади. Брахманлар Пурушанинг сўзларидан (овозидан), кшатрийлар (ҳарбийлар), унинг қўлларидан вайшийлар (савдогарлар) эркин ҳунармандлар), унинг оёқларидан, яъни (сонидан), шудралар (энг паст табақа кишилари) пурушанинг тэвонидан юзага келган, деб ҳисоблашган Эрамиздан олдинги IX-VI асрларда пайдо бўлган «Упанишад»ларда ҳам, э. о. XI асрда пайдо бўлган Ману қонунида ҳам Брахманизмнинг кишилар азалдан касталарга бўлингандиги ҳақидаги қараашлари қўллаб-қувватланади. Уларда ҳатто подшоҳ ва брахманга бўйсимиши, улардан маслаҳатлар олиб туриши, билимлар ва бошқариш санъатини ўрганиши шарт, деб ҳисобланган.

Эрамиздан олдинги VI асрда Ведалар, Упанишадлар ва Брахманизмнинг асосий қоидаларига қарши чиққан Сиддхарха деган кишининг таълимоти/пайдо бўлади. (кейинчалик у Будда, — шуъла таратувчи номини олади). У олий ва дунёнинг яратувчиси ҳисобланган худонинг борлиги ҳақидаги фикрни инкор қиласди. У кишиларнинг касталарга бўлинишини, уларнинг тенгсизлиги илгаридан белгиланганлиги ҳақидаги фикрларни рад қилди. Буддизм ўзининг инсонпарварлиги, ёмонликка ёмонлик билан жавоб қайтармаслик таъмойилига амал қилиши билан ажралиб туради. У жамият қонунларининг табиийлигини таъкидлайди.

Қадимги Хитойда инсон ва жамият ҳақидаги қараашлар.

Қадимги Хитойда илк ижтимоий, фикрлар Конфуций (э. о. 511—479 й.й.) таълимотида ўз ифодасини топган. У давлатни қатта оила деб тушунади. Шоҳ («оғмон ўғли») ҳокимияти оиласидаги отанинг тутган ўрнига ўхшайди, бошқа рувчилар ва ижро этувчилар муносабати эса оиласидаги каталар ва болалар муносабатлари каби амалга оширилади. Унинг фикрича, «қора кишилар», «оддийлар», «паст» кишилар, «олий», «яхши», «юқори» кишиларга буйсиномғи керак. Оиласидек, паст табақадагилар юқори табақадагиларга куч билан эмас, ихтиёрий равишда бўйсимишлари керак, деб Конфуций бошқаришнинг аристократик шаклини қўллаб чиқади. Шунингдек, у ҳокимият учун ва бошқа давлатлар ерини босиб олиш учун бўладиган кураш ва урушларга қар-

ши чиқади. Конфуций қарашлари э. о. XI асрда Қадимги Хитойнинг расмий мафкураси бўлиб қолади.

Э. о. III—II асрларда пайдо бўлган даосизм таълимотида жамиятда мавжуд бўлган тенгсизлик, ҳақсизлик ва маданий ҳаётдаги камчиликлар табиий қонун бўлган даодан чекиниш сифатида тушинтирилади. Табиийликдан ҳар қандай чекланнишни танқид қилган даосизм кишиларни ибтидоий табиий ҳаётга чақиради, ишлаб чиқариш қуролларидан ва барча янги нарсалардан воз кечишга чақиради.

Э. о. 479—400 йилларда яшаган Мо цзи даосизмнинг патриархал пессимилик таълимотига қарши чиқади. У барча кишиларнинг табиий равишда тенг эканлигини, жамиятнинг, давлатнинг шартнома асосида пайдо бўлганлигини таъкидлайди ҳамда барча камбағалларни озод қилиш талаби билан чиқади.

Зардуштийлик динида инсон ва жамият ҳақидаги қарашлар.

Қадимги Марказий Осиё ва Эроннинг ilk маданияти ва ижтимоий фикри эрамиздан олдинги IX асрлардан бошлаб яратила бошлаган «Авесто» китоблар мажмуида мужассамлашган. Бу китоб дастлаб маздайлик, кейинчалик эса зардуштийлик (зороастризм) динининг муқаддас китоби ҳисобланади. Баъзи манбааларда айтилишича, «Авесто» дастлаб 21 китобдан иборат бўлган. Искандар Зулқарнайн босқини даврида улар йўқотиб юборилган, фақатгина уч китоб — «Ясна», «Вендидат», «Висперед» сақланиб қолган. Авесто нинг асосий ғояси барча нарса ва ҳодисалар, шу жумладан, ижтимоий ҳодисалар ёруғлик ва яхшилик тимсоли бўлган Ахура Мазда худоси билан ёмонлик ва қоронфилик тимсоли Анхра. Майнию худоси кучларининг таъсирида бўлади. Бу китобга кўра, инсон олий кучлар қўлидаги ўйинчоқ эмас, балки ўз фаолиятида танлаш эркинлигига эга бўлган шахсdir. Сосонийлар ҳукмронлиги даврида зардуштийлик расмий дин деб эълон қилинади. Зардуштийликда маърифат ва билимнинг кучига қаттиқ эътиқод қилинади ва жамият ҳаётida ҳам оқибат натижада маърифат ютиб чиқади, деб ҳисобланилади. «Авесто»да инсониятнинг келажаги ҳақида, идеал жамият қурилиши муқаррарлиги ҳақида ишонч билан фикр юритилади.

Авесто кишиларнинг тўрт табақага бўлинганлигини кўрсатади: мажусий коҳинлар, ҳарбийлар, деҳқонлар ва ҳунарманлар. Бу ерда қуллар мустақил табақа сифатида тан

олинмайди. Зардуштийлик таълимоти бўйича давлат Ормузд осмон подшоҳлигининг ердаги ифодасидир. Давлатни идора қилувчи ҳукмрон эса Ормузднинг хизматкоридир. ва у ўз фуқароларини давлат ишларида учраб турадиган ёмонликлар ва ёвузликлардан ҳимоя қиласди, улар орасида яхшилик уруғини сочади.

Хулоса қилиб айтганда, қадимги Шарқ мутафаккирларининг жамият тўғрисидаги қарашлари кўп зиддиятлардан иборат бўлган, бир-бири билан чирмашиб кетган мифологик (афсошавий) ва фалсафий томонларнинг мажмуасидир.

Шунга қарамасдан бу қарашларда адолатли жамият идеалларига мунтазам интилиш ва унга эришиш йўлларини қидириш яққол акс этади,

Буддизм динида инсон ва жамият ҳақидаги қарашлар.

Буддизм уч жаҳон динларидан бири бўлиб эрамиздан олдинги 1-минг йиллик ўрталарида Хиндистонда пайдо бўлди, кейинчалик Жанубий-Шарқий ҳамда Марказий Осиё мамлакатларига, шунингдек Узоқ Шарққа тарқалган. Буддизм тарафдорлари унинг пайдо бўлишини Шакья — Муни Будда тарғиботининг натижаси деб ҳисоблайдилар. Аслида унинг вужудга келиши ҳинд жамиятида рўй берган муҳим ўзгаришлар — уруғ қабилачилик алоқалари ва тартибларининг емирилиши, синфий зулмнинг кучайиши ҳамда йирик қулдорлик давлатларининг пайдо бўлиши билан боғлиқ эди. Аввалги қабила динлари янги ижтимоий шароитларига жавоб бера олмай қолган. Брахманизмдан ажралиб чиқиб, ўз диний нажот йўлини таклиф қилган кўп сонли диний гуруҳлар э о. III асрга келиб дунёвий ҳокимият (император Ашока)нинг актив қўллаб-қувватлаши натижасида муайян даражада ягона бўлган. Будда ташкилоти (монахлия жамоаси—сангҳа) ва диний ақидачилик шаклланган. Буддизмнинг таълим беришича, ҳар қандай борлик, барча кўриниш ва шакллардаги ҳар қандай ҳаёт — барча мавжудотга азоб берувчи ёмонликдир. Ёмонлик ва азоб-уқубатларнинг сабаби — инсоннинг ва барча тирик мавжудотларнинг бу дунёга — қайта туғилиш дунёси (сансара)га боғланганлиги, кўнгил куйганлиги дир (бу дунё сезгилар орқали ҳис қилинсада асли, хаёлий дунёдир. Ҳар қандай инсоний туйғу, ҳиссиёт, эҳтирос ва ис-сак азоб-уқубатни чуқурлаштиради, янада даҳшатлироқ тарзда қайта туғилишига олиб келади. «Борлик гирдоби»дан чиқиб олиш учун ғафлатдан уйғониш дунё моҳиятини англаш, ҳаётга чанқоқлиқдан, турмуш кўнгилхушликларига,

лаззатларига, ҳокимиятга, бойликка интилишдан воз кечиц лозим, ердаги барча ҳодисаларнинг беқарор ва ўтқинчи экан лигини фаҳмламоқ даркор. Фақат шундагина «нажот топиш йўлига» кириш мумкин. «Нажотнинг олийжаноб саккизлик йўли» — тақводорлик ҳаёти бўлиб унинг моҳияти шундағи иборатки, киши ўзидағи ҳар қандай ҳаётий интилишни, ҳај нарсаға кўнгил қўйишини сўндириши, батамом зоҳидлик йўлига ўтиши, ҳатто яқинлашиб қолган нажотдан ҳам қувонмаслиги лозим. Нажотнинг ўзи эса сансарадан нирванага, йўқликка ўтишдан иборат. Илк Буддизмда бундай нажотга фақат зоҳид ёки монахгина умид қилиши мумкин эди. Оддий одамлар эса, фақат яхшироқ бўлиб қайта туғилишни умид қилиши, бунинг учун эса у монаҳларга мўл-кўл хайр-садақа бериси ҳамда беш ахлоқий талаб (канча-шила)га амал қилиши керак. Бу ахлоқий талабга кўра, ҳар бир киши ёмонлик қилишдан, ёлғон гапиришдан, ўғирлик қилишдан, ҳистуйғуларга ортиқча берилишдан, ичқиликдан ўзини тийиши лозим эди.

Буддизм таълимоти ҳукмрон синфларга қўл келарди, чунки у ер юзидағи барча иллатларни, жумладан эзишни ҳам азоб че-юзидағи барча иллатларни, жумладан эзишни ҳам азоб чекувчини ўз айбига боғлаб тшуентирар эди, гўё азоб-уқубатдаги ҳар бир киши илгари туғилганларнинг гуноҳлари учун шундай карма (қисмат)га дучор бўлади деб талқин этилар эди. Буддизм итоаткорлик ва ювошликни тарғиб қилиб, уни ер юзидағи азоблардан қутилишнинг асосий йўли деб таъкидлайди. Буддизм таълимотининг асослари унда муқаддас ёзув деб эътироф этилган Трипитакада берилган. Ҳиндистонда Буддизм Кушон подшолиги (милоднинг дастлабки асрлари) даврида гуркираб яшнаган, сўнг унинг таъсири камайиб, ўз ўрнини ҳиндуизмга бўшатиб берган. XII асрга келиб Ҳиндистонда деярли йўқолган ва ундан ташқарида кенг тарқалган. Буддизм ичиди кўплаб секта ва йўналишларнинг кураши доимо содир бўлиб келган Хинаяна Буддизмнинг энг қадимий шаклларидан бири деб ҳисобланади. Буддизмнинг бошқа йўналиши тантризм ёхуд важраяна деб аталади. Ҳиндистондан ташқарида Буддизм асосан махаяна шаклида тарқалган. Хитойнинг Тибетида 14—16 асрларда ламаизм шакл, ланган. Хитойда дзен V асрда Буддизм шаклида вужудга келган йўналиш XX аср ўрталарига келиб Ғарбдаги буржуа мамлакатларидаги оммалашиб кетди. Охирги ўн йилликларда необуддизм ҳамда метабуддизмнинг бир неча йўналишлари пайдо бўлди. Ҳозирги вақтда Осиё мамлакатларидаги Буддистлар ташкилотлари турли ижтимоий роль ўйнамоқда.

Уларнинг баъзилари миллий мустақиллик учун мустамлака-чиликка ва ўнинг янги кўринишларига қарши курашда фал иштирок этмоқда. Бир неча халқаро Буддистлар ташкилотлари тузилган.

Христиан динининг инсон ва жамият ҳақидаги қарашлари

Христианлик жаҳон динларидан бири. І—асрда Рим империясининг Шарқий вилоятларида ўзларини шафқатсиз ҳаёт шароитларидан қутқарувчи халоскор — мессия келишига умид боғлаган мазлумларнинг дини сифатида вужудга келди. Христианларнинг ажр ғояси жафокашлар ва бечораларга илоҳий салтанатда бахт ва озодлик беришни ваъда қилиарди. Фақат нариги дунёдаги марҳаматга умид боғлашгина бу дунёдан стоикларча—филонларча воз кечиш, тарки дунё қилиш ғоясини янги жаҳон динининг асосий ахлоқий принципларидан бири даражасига кўтариши мумкин эди, бу эса мазкур динга мазлум халқ оммасини ўзорқасидан эргаштириш имкониятини яратар эди. Бақт ўтиши билан Христианлик ҳукмрон синфларнинг мақсадларига мувофиқлаштирилди ва IV аср бошларига келиб; Рим империясининг давлат динига айланди. Христианликнинг космополитизм хусусияти, миссионерлик фаолияти ижтимоий миллий тафовутларни бараварлаштириши бу диннинг империядаги турли ижтимоий ва этник (миллий) гуруҳлар ўртасида нисбатан тез тарқалишига имкон берди. Христианликнинг асосий мазмуни — худонинг ўғли, афсонавий худо — одам Исо Маёих (Исус Христос)нинг самодан ерга тушиб, одамларни дастлабки гуноҳидан халос этиш учун қийнонларга ва ўлимга рози бўлганлиги, яна тирилиб, осмонга кўтарилиб кетганлиги ҳақидаги таълимотdir. Христианлик таълимотига кўра, келажакда Исонинг иккинчи марта қайтиб келиши ва тириклару ўликларни суд қилиши кутилади. Исо мухлисларига Исо ўғитларига, васиятларига амал қилиши, ҳаёт машаққатларига Исо каби бардош бериш кераклиги, бунинг эвазига эса улар келажакда, нариги дунёда ажр (мукофот)га эришажаклари фикри сингдирилади. Христиан мафкурасининг таркиб топишига Шарқ диний эътиқодлари, яхудийларнинг мессионизм характердаги секталари (масалан, эссеңлар), яхудий-юонон фалсафаси, кейинги давр стоцзими сезиларли таъсир кўрсатган.

Ислом динида иисси ба жамият ҳақидаги қарашлар.

Ислом дини уч жаҳон динларидан бири. Ислом Арабистонда 7-аср бошида патриарҳал жамоа тузумининг ёмирилиши ва араб синфий давлатининг ташкил топиши даврида пайдо бўлди. Ислом таълимоти унинг муқаддас китоби Куръонда баён этилган. У, мусулмонлар гоясига кўра Оллоҳ томонидан фаришта Жаброил орқали Мұхаммадга ваҳий қилинган. Ислом таълимоти етти ақида: ягона худо — оллоҳга, фаришталарга, муқаддас китобларга, Оллоҳнинг барча элчилари, охиратга, тақдирнинг илоҳийлигига, ўлгандан сўнг тирилишга ишониш талабларига асосланади. Ислом таълимотига кўра, дунёдаги барча мавжудотлар оллоҳ томонидан яратилган, оламда юз берган ва келажакда юз берадиган воқеа ва ҳодисалар дунёнинг тугаши ва охиратгача Оллоҳ томонидан олдиндан белгилаинган ва унинг иродаси билан содир бўлади. Исломда сифиниш бешта (эътиқод асослари) калима келтириш, яъни (Оллоҳдан бошқа худо йўқ, Мұхаммад унинг элчисидир), ҳар куни беш маҳал нағоз ўқиши, рамазон ойида рўза тутиш, закот бериш, Маккага ҳаж знёратини ўз ичитга олади. Булар бошқа диний маросим ва сдатлар ҳамда Ислом байрамлари (Қурбон ҳайити, Рамазон ҳайити, мавлуд), улар диндорларда дин таъсирини сақлаш ва куччайтириш учун катта рол ўйнаган. Ислом бошқа динлар каби ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришларга мувофиқ равишда ривожланиб борди. Бу ҳол Мұхаммад дин расулиллоҳнинг кўрсатмалари ва ҳатти-ҳаракатлари ҳақидаги ривоятлар (ҳадислар) тўпламидан иборат бўлмиш суннада ўз аксини топгаи. Исломнинг икки мазҳаби суннийлик ва шиаларга ажралиши ислом мағкурасининг тараққиётида мухим омил ҳисобланади. Суннийликда тўрт диний ҳуқуқ мазҳаби шаклланганидан, ислом ақидалари ишлаб чиқилганидан (10-аср) кейин илоҳиёт, ҳуқуқ, ахлоқ ва ижтимоий ҳаёт соҳасидаги кўрсатма ва қоидалар бундан кейин ўзгармайди деб эътироф этилган. Ҳозирги ислом дини сиёсий назарияларида замонавий шароитларда ислом жамиятини қарор топтириш ва ислом жамоаси раҳбарлик усули принципларини амалга ошириш кўзда тутилади. Бу назариялар адолатли тузум — жамиятнинг анъанавий ислом модели (ҳокимиятнинг олий ҳукмдори — худо, дунёвий ва диний асосларнинг бирикуви, худо иродаси, яъни қуръонга амал қилиш — ҳокимиятнинг асосий вазифаси ва ҳ.к.), тўгри демократия, диний принциплар асосида тартибга соғлакнувчи иқтисод, даромадларни қайта тақсимлаш, синфлар

хамжихатлигини қарор топтириш ғоялари каби ислом принципларини ўзида мужассамлантиради. Ислом жамияти ёки давлати ғояси ҳозирги амалий ва назарий модел бўлиб у (Эрон, Покистон, Ливия, Саудия Арабистони) бу мамлакатларда ҳар бир жамият аъзосига Оллоҳ Мұҳаммад орқали ижтимоий ғояларни етказишини ифодалайди.

З Қадимги Юнонистонда инсон ва жамият ҳақидаги қарашлар.

Инсон ва жамият ҳақидаги таълимотлар тарихида Қадимги Юнонистон файлафуслари ўчмас из қолдирдилар. Суқрот, Демокрит, Афлотун, Аристотел, Эпикурларнинг ғоялари, номлари инсоният хотирасидан ўчгани йўқ ва ўчмайди ҳам. Қадимги давр файласуфларининг илмий асарларидан жиҳдий тафаккур, тартибли хуносалар ўрнини албатта инсон тўғрисидаги, жамият тўғрисидаги муамолар аста-сёкин эгаллай бошлаган.

Кулдорлик жамияти даврида яшаган файласуфлардан бири Платон (эрамиздан аввал 427-347 йиллар) эди. Платон жамиятдаги тенгиззликлар ва ижтимоий ҳаётни шаклланишида адолатсизликни келиб чиқиши сабабларини билишга ҳаракат қилди. У одамлар ўзларини озиқ-овқатга, тураг-жойга, кийим-бошга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун биргалашиб яшашга эҳтиёж сезадилар. Ана шундай биргалашиб яшаш давлатни келиб чиқишига ғабаб бўлган. Бу жамият ўз ҳалқини хорижий душманлардан ҳимоя қиласди, мамлакат ичидаги тартиб ўрнатади. Мазкур жамиятни қандай қилиб адолатли қилиб қуриш мумкин?

Платон ана шундай адолатли идеал давлатни энг мақбул давлат деб ҳисоблади. У жамиятни уч табақага бўлди: 1. Давлат арбоблари — файласуфлар; 2. Соқчилар (ҳарбийлар); 3. Деҳқонлар ва ҳунармандлар. Бунда давлатни файласуфлар, яъни ақдли одамлар бошқариши лозим, ҳарбийлар эса ана шу давлатни ҳимоя қилишлари ва мустаҳкамлашлари керак. Деҳқонлар ва ҳунармандларнинг асосий вазифаси жамият учун зарур бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариб, этиштиришларидан иборат. Платон тасаввурicha, яккалик умумийликка бутунлай бўйсиниши: давлат инсон учун эмас, балки инсон давлат учун яшashi керак.

Қадимги дунёning яна машхур файласуфларидан бири Демокрит (эр. о. 460-370 йиллар) бўлиб, унинг инсон ва жамият ҳақидаги қарашлари ўзига хосдир. Демокрит таълимотича, кишилар ибтидоий жамиятда табиатдаги тайёр маҳсулотлардан фойдаланиб, ҳайвонлар сингри яшаганлар,

муҳтожлик, эҳтиёж, қўл, оёқ, фаҳм-фаросат, қурол, кийим, уй жой маданийроқ жамиятни яратди. Демокрит таълимотича, эҳтиёж — «кишиларнинг устози», жамиятнинг ҳаракатчи кучидир. Табиатга тақлид қилиш ҳам жамият ривожида, айниқса саноат ривожида муҳим рол ўйнади. Одамлар таъзатга тақлид этиб ундаги гўзалликдан рассомликни; ўргимчак ва асаларидан қуриш ва тўқимачилик саноатини ўргандилар; булбул, қалдирғоч сайрашига тақлид қилиб мусиқани ривожлантирилар.

Яна Демокрит таълимотини давом эттириб, жамиятдаги барча зиддиятларнинг сабаби кишилар ҳарактерининг ёмонлигидир, дейди. Аҳлоқ масаласида Демокрит «колтин ўрта» принципини ҳимоя қилиб, кишиларнинг бойлиги ўрта даражада бўлиши керак, бойликнинг ўртадан ками ҳам, ўртадан ортифи ҳам ёмон, — деб таъкидлайди. Унингча, киши баҳти жоннинг тинчлигидадир.

Платоннинг шогирдларидан бири Аристотел (э. о. 384-322 йиллар) қадимги юонон фалсафасининг забардаст олимларидан бири эди. У жуда кўп фанларнинг асосчиси саналади. Жумладан жамият тўғрисидаги фаннинг асосчисидир. Ўнинг таълимотича кишилар жон ва тан бирлигидир, жон тан устидан ҳукмронлик қиласи, тан эса жонга бўйсениши лозим. Аристотел таълимотича, жамиятнинг қул ва қул эгаларига бўлинниши, қулдорларнинг ҳукмронлиги ва қулларнинг қуллик ҳаёти — табиий ҳолаттир, чунки қуллар бошдан қул бўлиб туғилган, қулдорлар эса ҳукмрон бўлиб туғилган; шунинг учун ҳам қуллар жисмоний томондан бақувват, жисмоний меҳнатга қобилиятли, қул эгалари эса ақлий меҳнатга, давлатни идора қилишга қобилиятли кишилардир; қуллар ўз хулқ-авторига кўра ахлоқий фазилатлардан маҳрум ва яхшиликка қобилиятсиз кишилардир; ахлоқий фазилатлар, яхши фаолият фақат эркин кишиларга, қул эгаларига хосдир.

Қулдорлик жамияти, қулларнинг маҳкумлиги ва қул эгаларининг ҳукмронлиги, Аристотел фикрича, табиий ва мангу ҳарактерга эга. Аристотел жамиятдаги кишиларни (бунга қуллар кирмайди) уч табақага бўлади: 1) энг бой табақа, 2) энг камбағал табақа, 3) ўртача бойликка эга бўлган табақа. Бу ижтимоий табақаларнинг бойлик даражасига қараб уларнинг ижтимоий фазилатлар нормасини ҳам учга бўлади.

Умуман оладиган бўлсак қадимги юонон файласуфларининг бизгача қолдирган асосий ғоялари давлатнинг шахс олдидаги бирламчилиги ғоясиdir. Уларнинг асарларида дав-

лат инсонга нисбатан бирламчи ўринда турган, аммо инсоннинг давлатга нисбатан ҳуқуқлари эса умуман қўйилмаган ва ечилмаган муаммодир.

Саволлар ва топшириқлар

1. Қадимги Шарқда қайси манбааларда инсон ва жамият ҳақидаги қарашлар баён қилинганд?
2. Мисрда инсон ва жамият ҳақида нимани биласиз?
3. Қадимги Ҳиндистонда инсон ва жамиятга қарашлар қандай эди?
4. Конфуций таълимоти қаерда пайдо бўлган?
5. Зардуштийлик дини ва унинг муқаддас китоби «Авесто»да инсон ва жамият ҳақидаги қарашларни гапириб беринг.
6. Буддизм дини ва унда инсон ва жамият ҳақида нималар биласиз?
7. Христиан динида инсон ва жамият тўғрисидаги қарашлар ҳақида нимани биласиз?
8. Ислом динининг инсон ва жамият ҳақидаги қарашлари тўғрисида сўзлаб беринг?
9. Платоннинг инсон ва жамият ҳақидаги қарашлари.
10. Демокритнинг инсон ва жамият ҳақидаги қарашларини гапириб беринг.
11. Аристотел инсон ва жамият ҳақида нима деган?

МАРКАЗИЙ ОСИЕДА ИЖТИМОИЙ ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАР:

Сўфизм (тасаввуф фалсафаси) таълимоти ва ҳаракати, унинг асосий намоёндалари.

Ислом дини пайдо бўлгандан сўнг унинг доирасида, Қуръон ва Ҳадис аҳкомига мос равишда пайдо бўлган тасаввуф таълимотлари X-XI асрларг келиб Мовароуннаҳр (Ўрта Осиё)да ҳам кенг тарқала бошлади.

Тасаввуф мусулмон мамлакатларидағи халқларнинг ижтимоий-фалсафий, маданий-маънавий ҳаётида кенг тарқалган, энг мураккаб ҳамда ўзаро зиддиятларга тўла ғоявий оқимлардан бири саналиб, пайдо бўлишининг биринчи асрларида IX-X еретик (бидъат) таълимотлар қаторига қўйилган, унинг тарғиботчи ва ташвиқотчилари беаёв қувғин қилинган эдилар. Таркидунёчилик, бу дунё бойликларидан ва ноз-неъматларидан воз кечиш, худо висолига етишмоқ учун пок, ҳалол, ўз меҳнати ила яшаш, ихтиёрий равишдаги

фақирлик тасаввуфнинг ўзига хос хусусиятларидан ҳисобланган.

Урта Осиёда тасаввуфий таълимотларнинг пайдо бўлиши йирик мутафаккир ва мутасаввиф донишманд Шайх ушбуху (шайхлар шайхи) Ҳазрати Юсуф Ҳамадоний (1048-1140) номи билан боғлиқдир. Унинг тўлиқ исми Абу Яъқуб Юсуф бин Айуб бин ал-Ҳусайн бин Вахора ал-Ҳамадоний бўлиб, 1048 йилда Ҳамадон (Эрон) яқинидаги Бузанжирд қишлоғида таваллуд топган. Юсуф Ҳамадоний 17 яшарли йигит пайтида илм истаб XI асрдаги халифаликнинг пойтахти — Бағдодга келади ва у ердаги машҳур «Низомия» мадрасасида ўқииди. У ўз даврининг атоқли донишмандлари бўлмиш Абу Исҳоқ аш-Шерозий, Абу Исҳоқ ан-Наззорий, ал-Хатиб ал-Бағдодий, Абу Жаъфар бин Муслим, Абу Ҳусайн ал-Муҳтадий каби олимлардан фиқҳ, ҳадис, тасаввуф ва маънавиятнинг бошқа соҳаларидан чуқур таълим олади, ҳалойиқ орасида ҳадислар тўплаш мақсадида Исфахон, Балх, Марв, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларига бир неча бор сафар қиласди. Ҳамадоний Бағдодда яшаган кезларда ас-Самъоний, Аҳмад ал-Фаззолий (машҳур мутасаввиф Абу Ҳамид ал-Фаззолийнинг акаси)лардан ҳам тасаввуфга оид илмларни ўрганган, уларнинг ваъз-насиҳатларини тингланган, ас-Самъоний қўлидан хирқапўш бўлган.

Юсуф Ҳамадоний умрининг иккинчи ярмини кўпроқ Ҳирот, Марв, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида ўтказади. Марв ва Бухорода хонақо ва мадраса қурдиради ҳамда кўплаб туркигўй ва форсигўй шогирдлар тайёрлайди. Унинг Бухородаги шогирдлари орасида Ҳасан Андоқий, Абдулло Бараккий, Аҳмад Яссавий ва Абдуҳолиқ Гиждувонийлар алоҳида ажralиб турар эдилар. Кейинроқ бориб улар Бухори шарифда ўзларининг устоди бузруквори — Юсуф Ҳамадонийнинг маснадига (ўрнига) навбатма-навбат ўтиришиб, халифалик (шогирдлик) қиласидилар, муваффақият билан Ҳамадоний мактабини давом эттирадилар.

Ҳам «Яссавия», ҳам «нақшбандия» (Ҳожагон) тариқатларининг маънавий отаси бўлмиш Юсуф Ҳамадоний таълимотига кўра, ўзининг тамом фикри-зикрини Оллоҳ-тоолононинг висолига етишишга бағишилаган, бундай эзгу ва нажиб йўлда поклик, тўғрилик, ҳалоллик, ўз қўл кучи билан ва пешона тери билан, ҳалол меҳнати билан кун кечирадиган, бунинг учун ҳормай-толмай мужодала ва мубориза қилувчи, ҳар томонлама камолотга эришган инсонларгина аҳли тасаввуф, деб аталиши мумкин.

XII асрда Үрта Осиёда пайдо бўлган илк тасаввуфий тариқатининг асосчиси Ҳожа Аҳмад Яссавийдир. У 1041 йилда Сайрамда (ҳозирги Қозоғистоннинг Чимкент вилояти) Шайх Иброҳим оиласида дунёга келган.

Алишер Навоий ибораси билан айтганда, «Туркистон мулкининг улуғ Шайх ул-машойихи» ҳазрати Ҳожа Аҳмад Яссавий жуда кўп улуғ мутасаввуф донишмандларни тарбиялаб вояга етказган.

Маълумки XII асрдан сўнг «Яссавия» тариқатидан кейин Үрта Осиёда икки йирик тариқат пайдо бўлади: 1. «Нақшбандия» (Ҳожагон), 2. «Бектошия), «Икония» деб ном олган учинчи тариқат ҳам «Яссавия»дан тарқалган бўлса-да, унинг таъсир доираси фақат ўша даврдаги Шош (Тошкент) вилояти ҳудуди билан чегараланиб қолган.

Тасаввуфдаги барча йирик тариқатларда бўлганидек, «Яссавия» тариқатининг ҳам ўзига хос муайян қоидалари (одоби) бор. «Яссавия» тариқатининг барча ақидалари Ҳожа Аҳмад Яссавийнинг асосий асари бўлмиш «Ҳикмат»да муфассал баён этилган. XII асрдаги туркийзабон шеъриятнинг ажойиб намунаси бўлган, кейинги даврлардаги туркий адабиётга катта таъсир кўрсатган «Ҳикмат» асарида «Яссавия» таълимотидаги поклик, ҳалоллик, тўғрилик, меҳршафқат, ўз қўл кучи, пешона тери ва ҳалол меҳнати билан кун кечириш, Оллоҳ-таоло висолига етишиш йўлида инсонни ботинан ва зоҳирлан ҳар томонлама тақомиллаштириш каби илфор умуминсоний қадриятлар ифода этилган.

XII асрда Үрта Осиёда вужудга келган яна бир йирик тасаввуфий тариқат — «Кубравия» мусулмон оламидаги энг забардаст мутасаввиф донишмандлардан бири Шайх Нажмиддин Кубро номи билан боғлиқдир.

Унинг тўлиқ исми Аҳмад ибн Умар Абул Жанноб Нажмиддин ал-Кубро ал-Хиваки ал-Хоразмий бўлиб, 1145-1146 йилларда Хоразмдаги Хивак шаҳрида дунёга келган. Нажмиддин Кубро ўз даврида «Шайхи валитарош», яъни «валилар тарбиялайдиган шайх» номи билан ҳам машҳур бўлган. Нажмиддин ёш болалик пайтидаёқ илм истаб Миср ўлкасига равона бўлади. Мисрда у Рузбехон Ваззон ал-Мисрий (вафоти 1188 йил) деган олим даргоҳида таълим олади. Ал-Мисрий эса машҳур мутасаввиф донишманд Абу Нажиб ас-Сухравардийдан таълим олган ва унинг қўлида хирқапўш бўлган. Исмоил Қасрий (вафоти 1193 йил) каби улкан му-

тасаввиф донишмандлардан тасаввуфга оид кўпгина зоҳирий ва ботиний илмларни эгалайди. Унга Мисрдаги Шайх Иброҳим «Нажмиддин» деган ном берган бўлса, Табриздағи Шайх Исмоил Қасрий «Кубро», яъни «улугъ» — лақабини беради. Сўнгра у ўз ватанига — Хоразмга қайтиб келиб, у ерда хонакоҳ қуради, кўплаб шогирдлар тарбиясига киришади. «Кубравия» ёки «Заҳобия» тариқатига асос солади. Бу тариқат Ҳадис ва шариатга асосланган бўлиб, ўз даврида Хурросон, Мовароуиннаҳр Ҳиндистон ва бошқа мусулмон мамлакатлари халқлари орасида кенг тарқалди. Мазкур тариқат солиқлари (аъзолари) орасида зйкрнинг овоз чиқармасдан (хуфия) ижро қилиш усули кенг қўлланган.

Шарқдаги машҳур мутафаккир ва мутасаввиф олимлардан бири ҳисобланмиш Фаридуддин Аттор (вафоти 1219 йил) нинг отаси Мажиддин Бағдодий (вафоти 1219 йил) ва Жалолиддин Румийнинг отаси Баҳоуддин Валад каби йирик мутасаввиф олимлар Нажмиддин Кубронинг шогирдлари саналади.

Нажмиддин Кубронинг Хоразмдаги сўнгги ҳаёти ўта оғир, шиддатли ва мураккаб шароитда кечади. Бу даврда мўғулларнинг Ўрта Осиёга қилаётган ҳамлалари кучайиб, Чингизхон лашкарбошиларидан бири Хулогухонга қарши 76 ёшлик кекса Шайх Нажмиддин Кубро халқ орасидан лашкар тўплайди, қўлига найза ушлаб, дуои фотиҳалар ўқиб, ажойиб-ғаройиб мўъжизалар кўрсатиб, Урганч қалъасини бир неча кун душман ҳамлаларидан сақлаб туради. Мазкур шиддатли жанг пайтида (1221 йил) Шайх Нажмиддин Кубро мўғул босқинчилари томонидан вахшиёна ўлдирилади.

«Кубравия» тариқатидан яна еттига кичкина тариқатлар ажralиб чиқдилар: Фирдавсия тариқати, Нурия тариқати, Рукния тариқати, Ҳамадония тариқати, Игтишония тариқати, Нурбахшия тариқати, Неъматуллоия тариқати шулар жумласидандир.

Кубравия тариқатининг моҳияти унинг ўнта қоидасида ифодаланиб берилган, улар қуйидагилардан иборат:

1. Тавба. Тариқат йўлига кирган солиқ (аъзо) илгариги қилмишларидан тавба қилиб, Худони билиш, унинг вәслига етиш учун доимо ўз ақлига яна ақл қўшиши, ўзини ҳам зоҳиран ҳам ботинан поклаб, тақомиллашиб бормоғи лозим.

2. Зухд фи-дунё. Тариқат аъзоси дунёвий бойликлардан, мол-мулк ва ноз-неъматлардан воз кечмоғи даркор.

3. Таваккул ал-Оллоҳ. Тариқат аъзоси Худога мутлақо ишониши, унга чуқур ва сидқидилдан эътиқод ҳамда эътимод қилиши зарур.

4. Қаноат. Аъзо мол-дунёга муккасидан кетмаслиги, унга ҳирс қўймаслиги, сабр-тоқатли ва қаноатли бўлиши шарт.

5. Узлат. Тариқат аъзоси кўпроқ ёлғиз қолиш, ҳалойиқ-дан узоқлашиб, қалбини мустаҳкамлаб, ботинан ўзини чиниқтириб, покланиб бормоғи лозим.

Мулозимат аз-зикр. Тариқат аъзоси кўпроқ Худо номини тилга олиб, унинг шаънига сидқидилдан зикр-самоъ қилиши шарт.

7. Таважжуъ ал-Оллоҳ. Тариқат аъзоси бутун қалби, бор вужуди ила Оллоҳ-таолога мурожаат қилиб юрмоғи лозим.

8. Сабр. Аъзо ҳайвоний, хусусиятлардан, шаҳвоний ҳирсу ҳаволалардан қутулмоғи лозим.

9. Муроқаба. Тариқат аъзоси ўз қалбини ҳар қандай пастқашликлардан сақламоғи, риё ва макру ҳийла-найранглардан ҳолос бўлмоғи шарт.

10. Ридо. Солиқ (аъзо) Худо васлига етгач, ўзини Оллоҳ-таолони таниган (Ориф) ва конеъ, деб ҳисобланмоғи керак.

XIV асрда Ўрта Осиёда пайдо бўлган яна бир энг юрик тасаввуфий тариқат «Нақшбандиядир». Бу тариқат «Ҳожагон» номи билан ҳам машҳур. Мазкур ном Ҳожа Абдуҳолиқ Фиждувоний исми ва таълимоти билан боғлиқдир. Юқорида эслатиб ўтганимиздек, Абдуҳолиқ Фиждувоний Юсуф Ҳамадонийнинг Бухородаги тўртинчи шогирди (ҳалифаси) ҳисобланади. Демак, «нақшбандия» тариқатининг биринчи маънавий отаси ва асосчиси Абдуҳолиқ Фиждувонийдир.

Абдуҳолиқ Фиждувонийдан кейин XIV асрда Марказий Осиёда Нақшбандия тариқатининг иккинчи асосчиси Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳисобланади.

Марказий Осиё мусулмончилиги ва дини тарихидан аёнки, Мовароуннаҳр ва Ҳурсонда яшаган аҳли илмлар «улуми мутодовала» дунёвий илмларни эгаллаб бўлганларидан сўнг, одатда, илми ҳол (авлиёлик) илмйни эгаллашга қўл уришар, бирорта муршид (пирга) қўл бериб, мурид бўлар ва сулукка кирап эдилар.

XIV асрдан кейин юқорида айтганимиздек Ўрта Осиёда машҳур бўлган сұлук Ҳожа Баҳоуддин Муҳаммад асос солған нақшбандия сuluки (йўли) эди. Бизнинг давримизга келиб номлари машҳур бўлган Ҳожа Аҳрори Валий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоийлар, Хушхолҳол Хатак, Аҳ-

мад Шоҳ Дурроний, Сўфи Оллоёр, Бобораҳим Машраб, Махтумқули сингари Шарқдаги юзлаб улкан тараққийпарвар, инсонпарвар шоирлар ва мутафаккирлар нақшбандия йўлини танлаганлар, ўзларининг баракали ижодларида ҳаётни ва инсонни авжи баланд пардаларда куйлаганлар, тарих тазкира, тасаввуф (сўфийлик) ҳақидаги ёзган асарларида, Ҳазрати Хожага бағишиланган боб, фасл, кўплаб бошқа қадриятларни учратамиз. Абдураҳмон Жомийнинг «Нафажот ул-үкс», Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асарларида Ҳазрати Хожага маҳсус бағишиланганлардан ташқари, достон ва ғазалларида ҳам ул зот таърифларида ажойиб мисралар битганлар. Ҳазрати Хожа ҳақида ёзилган «Мақомат» китоби ва бошқа рисолалар ҳам бизгача етиб келган.

Ҳазрати Хожа 718 (1318) йили Бухородан бир фарсах (6 км га тенг) узоқликдаги жойлашган Кўшки Ҳиндувон қишлоғида таваллуд топдилар. Тасаввуфда (сўфийлик) бир қанча сулуклар (оқимлар) мавжуд, масалан, Суҳравардия, Кубравия, Қодирия, Чаштия, Қаландария ва бошқалар. Ҳазрати Хожа асос солган сулук (оқим) Нақшбандия деб аталади. Нақшбандия сўзи Ҳазрати Хожанинг лақаблари бўлиб, матога (газламага) нақш (гул) солишини билдиради. «Мақомат»нинг яна бир бўлимида Ҳазрати Хожага мато тўқийдиган дўконлари борлигига ишора қиласидилар. Бу сўзнинг рамзий маъноси ҳам бўлиб, муриднинг қалбига Оллоҳ муҳаббатининг нақшланганлигини билдиради.

Нақшбандия сулуки (оқими) нинг юқоридаги сулуклардан (оқимлар) дан бир қанча фарқли томонлари мавжуд:

Биринчидан — Нақшбандия сулуки қўл меҳнати билан, ҳалол тер тўкиб ҳаёт кечиришни тарғиб қиласиди. Ҳазрати Хожанинг машҳур «Дил ба ёру даст ба кор» деган сўzlари ана шуни ифодалайди.

Ҳазрати Хожа ўз овқатларини зироат орқали, ерларига дон, сабзи, турп, пиёз экар, хўқизларини эҳтиётлаб асрар, қўй ва сигирларидан доимо боҳабар бўлиб турадилар. Бу эса Муҳаммад пайғамбарнинг «Ҳақиқий мусулмон бу дунёни деб у дунёсини ташламайди. у дунёни деб бу дунёсини қўлдан бермайди», деган суннатларига мувофиқ кела-ди. Нақшбандия сулукига кирган кишиилар оиласини обод қилиш, мамлакатга қараш, савдо-сотиқ билан шуғулланиш ва бошқа ҳуқуқларга эга бўлганлар. Шунинг учун ҳам бу сулук (оқим) тез ривожланиб кенг ёйилган.

Иккинчидан — нақшбандия оқимидағилар «зикри хуфия» билан шуғуллаганлар. Зикрни хуфия айтиш күпчиликка құл келар, оддий ҳунарманддан тортиб, то давлат арбобларынгача қундузи ишлаб, кеңаси бу зикр билан шуғулла-ниш имкониятига эга әдилар.

Учинчидан — Нақшбандия оқимига мансуб валийлар бемордан қағалликни ўзларига тортиб олиб, бу иллатни ўзла-ридан чиқарып ташлаш құвватига эга әдилар.

Тұрттынчидан — нақшбандия сулуқида авлиёлар қаромат-фурушликка кескин қарши борғанлар. Муриднинг асосий мақсади маънавий ва руҳий покланишdir. Оллоға етишиш ва вәҳдат ҳосил қилишдан иборат.

Ҳазрати Хожа ўзларининг кучлари ва авлиёлик құвват-лари билан одамларни маънавий ва руҳий покланишга, халққа жағо етказаётган золимларнинг пойини қирқишигa, Расууллоҳ, суннатларига тұлық амал қилиб, динни бидъат-лардан тозалашга ҳаракат қылдилар. Халқ ичидә бу зотнинг шу қадар обрў-эътибор топишининг сабаби ҳам ана шун-дадир.

Үрта Осиё ҳалқлари Хожа Баҳоуддин Нақшбандни жуда юқсак қадрлайдылар. Халқимиз ул Ҳазратга баланд эътиқод қўйиб, «Баҳоуддин — балогардон!», дея беҳад эъзозлайди.

Ўзбекистонимиз ҳозирги мустақиллик йўлидан ривожла-наётган бир шароитда «яссавия», «кубравия», «нақшбандия» каби ўлкамизда (Туркистанда) вужудга келган тари-қатлар ҳам ҳар томонлама чуқур ўрганилмоқда. Хожа Аҳ-мад Яссавий, Шайх Нажмиддин Кубро ва Хожа Баҳоуддин Нақшбанд сингари буюк мутафаккир, мутасаввиф дониш-мандларнинг поклик, тўғрилик, художўйлик, меҳр-шафқат, адлў-инсоф, имон, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик каби иљфор умумбашарий фикрларидан халқларимиз тўла баҳра-манд бўла бошлади.

ҮРТА ОСИЁНИНГ ИРИК МУТАФАККИРЛАРИ, УЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ ФАЛСАФИЙ ФИКРЛАРИ, ДУНЕВИЙ БИЛИМЛАРГА ҚУШГАН ҲИССАЛАРИ

Имом Исмоил Бухорий. Имом Исмоил 809 йил 13 майда Бухорода таваллуд топади.

Имом Бухорий Балх, Басра, Кұфа, Бағдод, Дамашқ, Фа-ластин, Қоҳира, Макка ва Мадина каби күплаб шаҳарлар-даги машҳур ҳадис олимларидан шу илм сир-асорорини ўр-ғанади. Имом Бухорий йигирма ёшидан бошлаб китоб ёза

бошлаган. У кишининг шоҳ асари «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» («Ишончли тўплам»)дан ташқари йигирмага яқин китоблари бўлиб, кўплари бизгача етиб келмаган. Мовароуннаҳр мусулмонлари диний Бошқармаси қарамоғидаги кутубхонада И мом Бухорийнинг «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ», «ат-Тарих ал-Кабир». (Катта тарих), «ал-Қироату ха́лфа-л-имом» («И мом ортида туриб қироат қилиш»), «Рафъу-л-йадайни фи-с-саллоти» («Намозда икки қўлни кўтариш») каби асарларининг нусхалари мавжуддир. Бундан ташқари, И мом Бухорий «ал-Адаб ал-муфрад» («Адаб дурдоналари»), «ат-Тарих ал-авsat» («Ўртacha тарих»), «ал-Жомеъ ал-кабир» («Катта ҳадислар тўплами»), «Китоб ал-илал» («Нуқсонли ҳадислар китоби»), «Бирр-ал-волидайн» («Ота-онани ҳурмат қилиш»), «Китоб ал-ажриба» («Ичимликлар китоби»), «Асомий ас-саҳоба» («Саҳобаларнинг исмлари»), «Китоб ал-куна» («Ҳадис ровийларнинг тахаллуслари ҳақида») каби катта ва кичик ҳажмдаги бир қанча китоблар ёзганлиги маълум.

И мом Бухорийнинг мусулмон мамлакатлари дини ва маънавиятини ривожи учун қилган хизматлари бир неча асрлар ўтишига қарамай ҳозиргача ниҳоятда улуғланади, ҳурмат қилинади. Унинг бой меросида диний таълимотлар билан бирга ахлоқ-одоб, урф-одат, инсонпарварлик, меҳршафқат, дўст-биродарликка катта эътибор берилган.

И мом Бухорий баён этган ҳадисларда қатор диний тушунчалар, қоидалар, тартиблар исломнинг инсон учун, унинг маънавияти учун аҳамияти, ижтимоий ривожланишга таъсири, жамиятдаги роли каби масалалар кенг акс этирилган.

Шу билан бирга И мом Бухорий ўз асарлари ва таълимотида диннинг ахлоқий томонлари ва таъсирини ривожлантиришга ҳаракат қиласи. Унинг бутун мусулмон дунёсида машҳур бўлиб кетган асосий асари «Ал-Жомеъ-ас-саҳиҳ»да тўпланган ҳадисларнинг асосий мазмуни ислом динида, Муҳаммад пайғамбарнинг кундалик фаолиятида ахлоқий масалаларнинг ниҳоятда муҳим роль ўйнаганини исботлайди. Унда ахлоқнинг энг муҳим ва асосий қирралари — инсонпарварлик, инсонийлик, дўстлик, ҳамкорлик, ўзаро ёрдам, садоқат, меҳрибонлик, вижданлилик, раҳмдиллик, поклик каби ҳислатлар ифодаланган, масалан, ота-онага, ёру-биродарга, қўни-қўшнига, болаларга, молмулкка муносабат мисолларида намоён этилган.

Имом Бухорий мероси мусулмон мамлакатларида ислом дунёқарashi ва ахлоқи, унинг инсонпарварлик мазмунининг кенг тарқалишида муҳим роль ўйнайди ва чуқур из қолдирди.

Форобийнинг ижтимоий қарашлари.

Абу Наср Форобий Яқин ва Ўрта Шарқда илғор ижтимоий-фалсафий оқимнинг асосчиларидан бўлиб, «Шарқ Аристотели» деган унвонига сазовор бўлган машҳур мутафаккирдир.

Маълумки Аристотель (Шарқда Арасту) қадимги Юнонистоннинг энг машҳур ва атоқли файласуфи бўлиб, мусулмон Шарқида «Биринчи муаллим» деб юритилар эди. Форобий эса «Иккинчи муаллим» сифатида ном қозонди.

Абу Наср ибн Муҳаммад Форобий 873 йилнинг охирида Арис сувининг Сирдарёга қўйиладиган ерида, Фороб деган жойда дунёга келди. У Шош, Самарқанд, Бухоро каби шаҳарларда таҳсил кўрди. У яратган асарларнинг умумий сони 160 та бўлиб, кўпчилиги биззагача етиб келмаган.

Форобий ўрта аср мутафаккирларидан биринchi бўлиб жамиятнинг келиб чиқиши ва давлатни бошқаришининг асоси ҳақидаги билимлар тизими니 ишлаб чиқди. У бу масалаларни бир қатор асарларида батафсил баён этиб берди. Унинг бу хизматлари жаҳон тарихий-фалсафий адабиётларида тан олиниб, юксак баҳоланди. Форобий ўз асарларида хусусан бир қатор муҳим ижтимоий масалаларни ёритищга уринди, булар:

1) Ижтимоий ҳаёт ҳақидаги фан ва унинг вазифаси; 2) Инсон жамоасининг вужудга келиши, таркиби ва турлари —бу соҳадаги турли фикрлар; 3) Шаҳар—давлат жамоасининг ҳаёти ва фазилати, давлатнинг фаолияти—вазифаси ва уни бошқариш шакллари; 4) Инсоннинг жамиятдаги ўрини ва вазифаси, ақлий, ахлоқий камолоти масалалари; 5) Давлат жамоасининг мақсад ва вазифалари, инсонни бахт-саодатга эриштиришнинг усул ва йўл-йўриқлари. Бу масалалар талқини Форобийнинг иқтисодий, сиёсий ҳуқуқшунослик (давлатшунослик), ахлоқий ва педагогик қарашларини бир бутун ҳолда қамраб олади.

Форобий талқинича, ижтимоий ҳаёт ҳақидаги илм, шаҳар давлат ҳақидаги илм, (илм-ал-маданийа), ахлоқ ҳақидаги

илм, ҳуқуқшунослик — фиқҳ ва мусулмон илоҳиёти — камдан иборатдир.

Унингча, бу фанлар а) турли гуруҳдаги кишиларнинг онгли ҳаракатларини, хулқ-одатларини, ахлоқ қоидаларини, табиий майлларини, районларини ва ҳ. к.; б) кишиларнинг яшашдан мақсадларини ва улар қандай, қайси йўллар билан амалга оширилишининг усул ва шаклларини; в) кишиларнинг ҳаракатларини бошқариш ва бу бошқаришнинг йўл-йўриклини ҳамда усулларини ўрганади.

Форобий фикрича, давлатни бошқариш икки хил бўлади: инсонларни ҳақиқий ва хаёлий, сохта бахтга олиб борадиган давлат тузиш, давлатни бошқариш санъати эса бошқаришнинг умумий қонунларига биноан назарий билимларга ва шунингдек давлатни бошқаришнинг амалий талабларига асосланади.

Форобий жамиятнинг келиб чиқиши устида мулоҳаза юритар экан, зўравонлик ва мажбурлаш таълимотини инкор этиб, у инсон жамоасининг келиб чиқиши асосида табиий эҳтиёж ётганлиги ҳақидаги назарияни олға суради. Табиий эҳтиёж кишиларни бир-бирлари билан бирлашишга олиб келиб, жамоага уюшишга, ўзаро ёрдамга олиб келади. Ана шу ўзаро ёрдам туфайли эҳтиёж қондирилади. Кишилар ўртасидаги ўзаро ёрдам инсон жамоасини келтириб чиқаради¹.

Форобий талқинича, инсоният жамияти турли ҳалқлардан ташкил топган бўлиб, улар бир-бирларидан тиллари, урф-одатлари, малакалари, хусусиятлари билан фарқ қиласидилар².

Форобий давлатларни — ўз аҳолисини бахт-саодатга етакловчи ёки идеал—фозил ҳамда жоҳил давлатга ажратади ва ўз навбатида, бундай давлатларнинг бир қанча тури мавжудлигини ҳам таъкидлайди. У идеал—фозил шаҳар (давлат) энг адолатли, юксак ахлоқли ва маърифатли раис —раҳбарни ўзида мужассам этган донишманд томонидан бошқарилиб, бу давлат — шаҳар аҳолисининг ўзаро кўмаклашувига, бир-бирига ёрдам беришига асосланади, деб ҳисоблайди.

«Одамларга нисбатан, — деб ёзади Форобий, — уларни бирлаштириб турувчи ибтидо — инсонийликдир, шу туфайли

¹ Форобий. Трактат о взглядах жителей добровольного города. Карагнг: С. Н. Григорян. Из истории философии Средней Азии и Ирана VII-XII вв. М., 1960 г. 136-бет.

² Форобий. Ас сиёсат ал-маданийа. Ҳайдаробод. 1927.

одамлар одамзод туркумига оид бўлганлиги учун ҳам ўзаро тинчликда яшамоқлари лозим¹.

Форобий идеал (фозил) давлатни кишининг соғлом организмига ўхшатади, инсон танининг саломатлигини сақлаш, унинг нормал фаолиятини давом эттириш учун унинг аъзолари доимо бир-бирларига боғлиқ ҳолда ўзаро ёрдам бериб туради.

Форобий фозил (идеал) ва жоҳил шаҳарларни бир-бири билан таққослаб, ўз замонасида бўлиши мумкин бўлган мавҳум давлатни таърифлайди. Фозил шаҳарда хусусан касб-хунарга катта эътибор берилади, чунончи, деҳқончик, чорвачилик, тўқувчилик, балиқчилик қабилар муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бироқ Форобий бунинг ижтимоий моҳиятини тўла тушуниб етишдан анча узоқ эди, чунки у яшаган давр шуни тақозо қилган.

Форобий бошқа халқларни босиб олиб, улардан қуллар сифатида фойдаланишга, ўз бойлигини, фаровонлигини таъминлашга асосланган давлатни адолатсиз, жоҳил, босқинчи давлат деб инкор этди.

Форобий ўзининг фозил жамоасида одамларни турли белгиларига қараб ҳар хил гуруҳларга бўлади ва бунида уларнинг аввало ақлий қобилияtlарига, илмларни ўрганиши ва ҳаётий тажриба тўплашлари жараёнида ортирган билим ва қўникмаларига катта аҳамият беради. Форобий дии эркинлиги тарафдори бўлади². Зоро, ижтимоий такомилга ва умумий баҳт-саодатга илм ёрдамида эришилади.

Давлат ташқи ва ички фаолиятга эгадир. Унинг ташқи фаолияти ўз аҳолисини ташқи хуруж, душманлардан ҳимоя қилишдан иборат, ички фаолияти — аҳолининг баҳт-саодатга эришуви учун зарур бўлган вазифаларни амалга оширишдан иборат. Форобий давлатни халқ сайлаб қўйган ҳар томонлама етук шахслар томонидан бошқарилиши, кишиларнинг катта бўлмаган гуруҳи ҳокимияти ҳамда якка шахс ҳокимияти каби уч усул билан давлатни бошқарилишини айтади³.

Форобий таъбирича, юқори маданиятли шаҳарларда, ҳар ким ўз истаган касб-хунарига эга бўла олади, барча учун тўла эркинлик ва тенг ҳуқуқлик ҳўкмрон бўлади ва якка

¹ Форобий. Трактат о взглядах жителей добровольного города. С. Н. Григорян китоби, 158-бет.

² Форобий. Ас-сиёсат ал-маданийа, 56-бет.

³ Форобий. Ас-сиёсат ал-маданийа, 60-71-бетлар.

ҳокимиятчилик бўлмайди. Бу шаҳарларнинг ахолиси ўзи ўз ичидан бошлиқ сайлайди.

Форобий давлат бошлирининг энг зарур фазилатлари сифатида мулоҳазали бўлишни, адолатпарварликни, камтаринликни, ҳақиқатни севишни ва энг асосийси ақллиликни алоҳида қайд қиласди. Фозил давлат бошлиғи — ўқитувчи сифатида ўз ўқувчиси — ахолисига илм ёрдамида баҳт-саодатга эришиш йўлларини ўргатади.

Форобий бу фазилатларни бир кишида мужассамлаштириш мумкин эмаслигини тушуниб, ана шу фазилат турларини ўзида мужассамлаштирган щахслар биргалашиб давлатни идора этишлари мумкин, дейди. «Билим, — деб кўрсатади Форобий, — яхши ҳулқ-автор билан безалган бўлиши керак».

Форобий фикрича, ижтимоий такомилга ва умумий баҳт-саодатга илм ва маърифат ёрдамида ҳосил қилинадиган ақлий ва ахлоқий фазилатларнинг қўлланиши туфайли эришилади.

Ҳақиқий баҳт мавжуд нарсалар тўғрисидаги, ўларнинг келиб чиқиши сабаби ҳақидаги ва ниҳоят сўнгги бошланғич сабаб — биринчи сабаб ҳақидаги билимни эгаллаш ва билиш орқали қўлга киритилади¹. Ҳақиқий баҳт ва камолот ҳар қандай ёвузлик бартараф этилган, инсон руҳи ва ақли эса мөҳияти ва барча эзгу ишларни билишда энг юқсан даражага эришганда дунёвий руҳ ва дунёвий ақл билан қўшилган пайтда бошланади. Инсон (тани) ўлади, лекин у ҳаётлигига қўлга киритган баҳт, маънавийлик йўқ бўлмай, балки умумий дунёвий ақлга қўшилиб кетади.

Форобий илмни ва унинг асосида донолик, ақлни баҳтга эришишнинг асосий воситаси сифатида талқин этади; унингча ақл ва фан ёрдамида шундай маънавийлик даражасига кўтарилиш мумкинки, бу маънавийлик авлодлар ўлимидан кейин ҳам инсоният учун хизмат қиласди. Ҳар қандай одам ўз мақсадига ердаги ҳаётда эришиши мумкин, унинг энг яхши орзу-умидлари мангудир.

Унинг фозил давлат, адолатпарварлик ҳақидаги таълимоти, умумий ўзаро ёрдам, тенг ҳуқуқлик ҳақидаги фикрлари ўз даври учун ва сўнгги ижтимоий ривожланишда муҳим аҳамият касб этади.

Форобий инсон жамоасининг келиб чиқиши асосида таббий эҳтиёж ётганлиги ҳақидаги фикри илгари суради.

1. Фаробий. Қитоб таҳсил ас-саодат Ҳайдаробод, 1927.

Форобий динга, исломнинг асосий манбай Қуръонга ниҳоятда катта ҳурмат ва ишонч билан қаради. Уни ахлоқ одобнинг асоси деб билди. Лекин ундан фойдаланиб, ўз шахсий манфаатларини амалга оширишга уринувчи, жаҳолатга тортувчи дин арбобларидан юз ўғирди.

Форобий утолист сифатида ҳақиқатпарварликка асосланган эркин, «идеал давлат»нинг ўрнатилишини орзу қилади, унга эришиш манбай илм-фандада эканлигини таъкидлайди.

Форобий ғоялари фақат Шарқдагина эмас, балки Европада ҳам илфор ижтимоий-фалсафий фикрнинг кейинги тараққиётидаги муҳим роль ўйнайди.

Абу Али ибн Синонинг инсон ва жамият ҳақидаги қарашлари.

Ибн Сино Урта Осиё, бутун мусулмон Шарқининг табиий-илмий, ижтимоий-фалсафий фикрининг буюк намоёндаси, тиббиёт, фалсафа, қатор табиий-илмий фанлар, бадиий адабиёт соҳалари бўйича кўплаб асарлар муаллифи, машҳур қомусий олим—мутафаккирdir.

Ибн Сино, Урта аср фалсафий, табиий-илмий, ижтимоий сиёсий ахлоқий фикрлар тарихига буюк ҳисса қўшиди. Форобий ўз хизматлари қомусий ақли учун Шарқда «ал-муаллимус-соний»—«Иккинчи муаллим» (Аристотель «Биринчи муаллим» деб юритилган) деган ном билан машҳур бўлган бўлса, Ибн Сино «Шайх-ур-раис» (Олимлар бошлиғи) деб ном қозонди.

Ибн Сино 980 йили Бухоро яқинидаги Афшона қишлоғида туғилди. Биринчи билимни Бухорода олди. Форобий ва Ибн Сино фалсафаси на фақат Мөвароунаҳр, балки бутун мусулмон Шарқидаги ижтимоий-фалсафий таълимотларнинг асосини ташкил этади.

Ибн Сино 450 дан ортиқроқ асар ёзиб қолдирди. Унинг ижтимоий қарашлари «Йшорат ва Танbihот» ҳамда «Рисолату тадбири манзил» доб номланган асарларда баён этилган.

Ибн Сино фалсафани назарий ва амалий фалсафа сифатида иккига бўлади. Ижтимоий-сиёсий масалалар, давлат, инсон жамиятининг тузилиши, инсоннинг хулқ-одатлари, ахлоқ, жамоа ва оиласидаги ахлоқ мезонлари кабилар амалий фалсафа томонидан ўрганилади.

Аристотель сингари Абу Али ибн Сино инсонни ижтимоий ҳайвон деб талқин этади. Инсонлар жамоа бўлиб яшашлари учун ўзаро мулоқотда, турли муносабатда бўлишлари, бир-

бирларининг эҳтиёжларини қондириш учун хизмат қилишлари ва умумий интилш, мақсадга эга бўлишлари лозим.

Ибн Сино ўзининг «Ишорат ва Танbihот» асарида шундай таъкидлайди: «Инсон ўз шахсий талаблари жиҳатидан бошқалардан ажралган ҳолда (яшай) олмайди, чунки у инсониятнинг бошқа вакиллари билан муносабатда бўлибгина уларни қондира олиши мумкин». Бунинг учун барча жамоа аъзоларини бирлаштириб турувчи ҳуқуқий қонунлар зарур бўлади. Жамоанинг барча аъзолари фойдали меҳнат билан шуғулланмоқлари зарур. У инсонларни жамиятдаги тутган ўрни ва вазифаларига қараб уч гуруҳга ажратади:

а) давлат идораларида хизмат қилувчи ва жамиятни бошқариш ишлари билан шуғулланувчилар

б) бевосита хом ашё, зарур маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан машғул бўлганлар;

в) давлатни қўриқлаш, уни турли ташқи ҳужумлардан сақлашни таъминловчи ҳарбийлар.

Жамиятнинг бу гуруҳлари ўзаро бир-бирларига боғлиқ ва доим мулоқотда бўладилар, бир-бирларисиз яшай олмайдилар.

Ибн Сино ўзининг «Рисолату тадбири манзил» асарида шундай ёзади: Демак, «одамларнинг мулкий тенгсизлиги, вазифасининг бир хил эмаслиги, ўзаро фарқлари, инсон ижтимоий фаолиятининг асосий сабабидир».

Бу фикр Урта аср феодал тузумининг асосий хислати, шу билан барча ижтимоий ривожланишнинг муҳим томонини ифодалайди.

Ибн Сино шундай ёзади: «Ўзаро боғлиқлик ва алмашув жараёнида инсонлар бир-бирларини қандайдир муҳтоҷликдан холи этадилар. Бунинг учун инсонлар ўртасида ўзаро келишув зарур бўлиб, бу келишув туфайли адолат қондайлари ва қонунлари ўрнатилади. Қонуншунос эса бу қондайларга бажарилиши шарт бўлган мажбурият тусини беради. Шунингдек, ўёмон ишларни қилувчilarга ҳам, яхши ишларни рӯёбга чиқарувчilarга ҳам баҳо бериши зарур. Бунинг учун олий қонуншунос ва судьяни тан олиш зарурки, инсонлар ўз фаолиятларида уларнинг ҳукмларидан фойдалансинлар»¹.

Демак, ҳар қандай жамият, давлат маълум адолатни ҳимоя этувчи ҳуқуқий қонунлар асосида идора этилиши, ад-

1 Б. Э. Рыховский. Философские наследие Ибн Сины. Журн. Вопросы философии, 1955, 5-сон.

латсизликка йўл қўймаслиги керак. Ибн Синонинг ижтимоий-сиёсий қарашлари шакланишида исломдаги демократик оқимлардан исмоилизм мұхим роль ўйнайди. Ибн Синонинг отаси ва акаси исмоилийлар диний-ижтимоий ҳаракатининг фаол иштирокчиларидан эди. Унинг ўзи бу оқим таълимотига хайрихоҳлик билан муносабатда бўлган.

Ибн Синонинг ранг-баранг илмий фалсафий, ижтимоий ахлоқий, бадиј мероси нафақат Урта Осиё, мусулмон Шарқи, балки бутун дунё маданиятига ноёб олтин ҳазина бўлиб қўшилди. У илмий-фалсафий, маданият тараққиётига, Урта аср Европаси маданиятининг сўнгги юксалишига жуда катта таъсир кўрсатди.

Абу Райҳон Берунийнинг ижтимоий қарашлари.

Хоразмлик буюк олим Абу Райҳон Беруний жаҳон фани тарихида энг машҳур сиймолар қаторида туради, ўз давридаги деярли ҳамма фанларга катта ҳисса қўшган, машҳур қомусчи, йирик файласуфdir.

Беруний 973 йили Хоразмнинг қадимги пойтахти Кот шаҳрида дунёга келади. У ўз умри давомида 152 асар яратди. Шулардан энг машҳурлари «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», «Масъуд қонуни», «Ҳиндистон», «Геодезия», «Минералогия», «Сайдана»dir.

Беруний ўз ижтимоий қарашларини акс эттирган маҳсус асар қолдирмаган. Шунга қарамай, олимнинг кўпгина қомусий асарларида у ёки бу ижтимоий масалалар бўйича ўзининг нуқтаи назарини изҳор этишга ёки улар юзасидан таңқидий фикрлар айтишга ҳаракат қилган.

Беруний илмий фаолиятининг дастлабки давриданоқ ижтимоий-тариҳий масалаларни зўр қизиқиш билан ўргана бошлади. Масалан, «Ал-осор ал-боқия» асарида Берунийнинг ўзи эътироф этишича, «Оқ кийимликлар» ва карматийлар хабарлари ҳақида китоб» номли асарини ёзган¹. Мазкур асар ўрта аср Шарқида тараққийпарвар ижтимоий ҳаракатлардан бири бўлган карматийларга бағишлиланган. Беруний, ўзинингдек Хоразм тарихига оид маҳсус асар яратди. Афсуски, унинг бу тарихий-ижтимоий масалаларга оид айрим асарлари бизгача етиб келмаган.

Тўғри, Беруний Форобий каби ўзининг ижтимоий қарашлари тўғрисида бир бутун яхлит ижтимоий таълимот

¹ Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар, 1-том, Тошкент, «Фан», 1968, 247-бет,

яратмаган. Бироқ унинг фикр мuloҳазалари ва умумлашмалари шунинг учун ҳам қимматлики, олимнинг фикрлари, бир томондан, Ўрта Осиё, Қадимги юон ва ҳинд мутафаккирларининг илғор анъаналарини ижодий ривожлантирган.

Беруний томонидан «сабабларнинг сабаби» — инсон ва инсоният жамиятининг юзага келиши масаласининг қўйилиши диққатга сазовор¹. «Қадимги тарихларнинг энг аввалигиси ва энг машҳури башариятнинг бошланишидир»². Беруний кишилик жамиятининг пайдо бўлиши ҳақида ақлга асосланиш қарашида турганини кўрамиз. У бу воқеалар содир бўлган давр номаълум, бу ҳақидаги маълумотлар мазкур саволни ечишга етарли эмас, деб билади, бундай мавқеда туришнинг ўзи унинг бу масалага табиий равишда ёндошганлигидан далолат беради. Оламнинг мавжудлиги масаласига келганда Беруний эҳтимол у бир неча минг миллион йиллардан бери мавжуд бўлгандир, деган тахминларни айтади.

Беруний инсонлар ўртасида тафовут борлиги ҳақида гапирав экан, у фақат ташқи фарқлар тўғрисида фикр юритади. Унинг фикрича, кишиларнинг ички тузилиши барчада умумийдир. Ана шу нуқтаи назардан ҳалқларнинг турли аждодларидан пайдо бўлган деган эҳтимолни бутунлай рад этди. У инсон билан маймун ўртасида ўхшашлик борлигини таъкидлайди: «Улар аъзоларининг ўхшашлиги билан, ташқи кўринишлари ҳам ўхшаб кетади»³.

Беруний фикрича инсон ҳайвондан ақл билан фарқ қиласди. Лекин мутафаккир инсоннинг ҳайвондан тубдан фарқ қиласдиган бу хусусияти қандай пайдо бўлганлигини тушунтырганда, худога мурожаат қилиб, инсонни худо азалдан шундай яратган, дейди.

У инсоннинг жисмоний тузилиши ва бутун ҳаётини аниқлашида географик омилнинг роли ҳақида ажойиб фикрларни айтади:

«...(одамлар) тузилишларининг ранг, сурат, табиат ва ахлоқда турлича бўлиши фақатгина насабаларнинг турличалигидан эмас, балки тупроқ, сув, ҳаво ва ер (одам яшайдиган жой) ларнинг турличалигидан ҳамдир»⁴.

¹ Ўша жойда, 50-бет.

² Ўша жойда.

³ Абу-р-Райхон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний. Собрание сведений для показания драгоценностей (Бундан кейин, Минералогия), М., 1993 г. 224-бет.

⁴ Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар, 1-том, 236-бет.

Беруний ўзининг «Ҳиндистон» асарида мусулмонлар билан ҳиндиларнинг урф-одатлари ўртасидаги фарқларни таҳлил этиб, улар географик боғлиқ деган фикрни илгари сурди. Бояги фикрни давом эттириб, ҳатто тилларнинг турличилиги ҳам географик шароитларга боғлиқ деб қарайди, ва «тилларнинг турлича бўлишига сабаб одамларнинг гурухларга ажралиб кетиши, бир-бириларидан узоқ туриши», дейди.

Мутафаккирнинг инсоният ҳаётида ва жамиятда географик омилнинг муҳим ролини эътироф этиши ўз даври учун катта аҳамиятга эга эди.

Берунийнинг руҳий ва моддий эҳтиёжларнинг роли ҳақидаги фикри ҳам ўша давр учун ниҳоятда қимматли фикр эди. У жамият юзага келишида кишиларнинг моддий эҳтиёжининг ролини кўра олди. Эҳтиёжлар (овқат, кийим-кечак, ва ҳ. к.)ни қондирувчи заруриятлар каби моддий омиллар инсонларни биргаликда яшашга даъват этади. «Эҳтиёжлар турли-туман ва сон-саноқсиздир. Фақат уларни бир қанча кишилар биргаликда таъминлай олишларни мүмкин. Бунинг учун кишиларда шаҳарлар ташкил этиши зарурияти туғилади»¹. Беруний, одам эҳтиёжининг кўплиги, химоя қилиш қуролига эга бўлмаганлиги, бир-бирини душмандан ҳимоя қилиш зарурлиги, ўзини ва бошқаларни таъминлаш учун бирор ишни бажариши лозим бўлганлиги туғайли ўз қариндош-уруғи билан жамиятда бирлашишга мажбур бўлган, деган холосага келади. Уларнинг биргаликдаги турмуши инсонни ҳақиқий қудратга, унинг эҳтиёжларини қондиришга олиб келмайди, бунинг учун меҳнат қилиш ҳам зарурдир.

Беруний фикрича, ақл, меҳнат, эркин танлаш инсоннинг ҳаётини ва ижтимоий ҳолатини белгилайди. Беруний инсон бошқа одамларнинг баҳт-саодати ҳақида доим ўйлаш керак дейди ва шундай ёзади: «муайян вазифаларни бажариш зарурияти инсон фаолиятининг бир умрга яшаш қоидасидир»². Бу фикрни давом эттириб инсоннинг қадр-қиммати ўз вазифасини аъло даражада бажаришдан, шунинг учун ҳам инсоннинг энг асосий вазифаси ва ўрни меҳнат билан белгиланишидан иборат эканлигини таъкидлайди. Зоро, инсон ўз ҳоҳишига меҳнат туғайли эришади.

¹ Ал-Беруний. Минералогия, 11-бет.

² Ал-Беруний. Геодезия, 83-бет.

Бинобарин, у «инсонларнинг мақсад ва ниятлари ҳар хил бўлгач санъат ва ҳунар ҳам турлича бўла бошлайди» — дейди. Бу эса меҳнатнинг тақсимланишига олиб келади деган фикри олға суради.

Беруний подшолар «эркин бўйсимишни» қўрқув ва зўравонлик йўли билан бўйсиндиришга айлантирганликларини қайд этади.

Маълумки, ўрта аср мутафаккирлари ўзларининг энг эзгу орзу-умидлариниadolatli шоҳ зиммасига юклаган эди. Шу мақсадда ҳукмдорларни инсоф ваadolat, тенгликка чақирмоқчи, инсониятни зулм ва истибоддан халос этмоқчи бўлдилар. Бундай йўлни Форобий, Навоий, Беруний ҳам тутди. Чунки улар феодализм даврида яшаб бошқа йўлни кўра олмадилар ва кейинчалик у (ҳукмронлик) бошқа шунга лойиқ бир кишининг қўлида тўпланиб, авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўта бошлайди, деб ўйладилар¹.

Подшолик мансаби меросга айланганини кўрган Беруний инсоннинг жамиятда тутган ўрни наслнинг қадимиилиги, авлод-аждодларнинг хизматлари билан белгиланишига қарши чиқади ва кимки ўзининг марҳум қариндош-уруфи ва бувалари орқали мансабга эришаман деса, ўзи марҳумдир, лекин марҳумга авлодлари барҳаётдир, дейди.

Беруний жамиятни бошқаришда жамият подшога хизмат қилмай, балки подшо жамиятга хизмат қилиши кераклигини тушунган ҳолда: «идора қилиш ва бошқаришнинг мөҳияти азият чекканларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бироғларнинг тинчлиги йўлида ўз тинчлигини йўқотишдан иборатдир», — дейди.

Берунийнинг фикрича, табиатан бошқаришга мойил бўлган ҳоким ўз фикри ва қарорларида қатъий бўлиши, ўз ишларини амалга оширишда файласуфларнинг қонунларга, Александр Македонский Аристотелнинг фалсафий донишмандлигига амал қилганидек, бўйсимиши, шоҳнинг ўзи ҳам «яратувчанлик онгигига» эга бўлиши, кўпроқ дехқонлар ҳақида қайфуриши керак. «Зоро, подшоҳлик дехқончиликсиз яшай олмайди». Одил ҳокимнинг асосий вазифаси олий ва паст та бақалар, кучлилар ва кучсизлар орасида тенглик,adolat ўрнатишдан иборатдир. Ҳокимнинг муҳим вазифаларидан яна бири фан тараққиётида, олимларга фамхўрлик қилишдир. Беруний бунга афсонавий пешдодийлар сулоласини мисол қи-

¹ Минералогия, 27-бет.

либ келтириб, бу сулола вакиллари «янги шаҳарлар қурдилар, конларга асос солдилар, ер юзидан адолат барпо этди-лар; дейди¹.

Беруний синф ва табақалар асосида бойлик ва насл-насабнинг улуғлиги эмас, балки тегишли вазифа — машғулот ва ҳунар ётмоғи лозим дейди. Шунинг учун у Ҳиндистондаги мавжуд табақачиликни қаттиқ танқид қилиб, тенгликни ёқлаб чиқди.

Беруний ўзининг орзу-умидларини одил ҳокимлар билан боғлаган бўлса-да, лекин идеал шоҳ ўша даврда топилмаслигини ва бўлиши ҳам мумкин эмаслигини ҳис этди. У жоҳил ва золимларнинг мавжудлиги туфайли зулм ва зўравонлик кучаяди, бойликка ҳирс қўйилади, деб таъкидлайди. Шундай қилиб, Берунийнинг жамият ва инсон ҳақидаги қарашлари асосида чуқур инсонпарварлик ётади.

Юсуф Ҳос Ҳожибнинг инсон ва жамият ҳақидаги қарашлари.

Юсуф Ҳос Ҳожиб XI асрнинг кўзга кўринган шоири, ва мутафаккири эди. У Ўрта Осиёда қорахонийлар ҳукмронлик қилган даврда яшади ва ижод қилди. У Боласоғун (ҳозирги Қирғизистоннинг Тўқмоқ шаҳри яқинида), бу шаҳар ғоят гуллаб яшнаган бир даврда туғилди.

Юсуф Ҳос Ҳожиб ўзининг бирдан бир достони бўлмиш туркий тилда ёзилган «Қутадғу билик» («Саодатга элтувчи билим») билан машҳур бўлиб, бу достон бизга тўла ҳолича етиб келган. («Қутадғу билик»нинг Ҳирот, Қоҳира, Наманган нусҳалари борлиги бизга маълум. Ҳирот нусҳасини даставвал Г. Вампери, сўнгра эса академик В. В. Радлов ўрганганлар). Мутафаккирнинг бошқа асаллари ҳам бўлган деб тахмин қилинади.

Юсуф Ҳос Ҳожиб инсон фақат жамиятда, бошқа кишилар билан мулоқотда ва ўзаро муносабатларда, ижтимоий фойдали меҳнатдагина чинакам камолотга ётишади, деган шиорни олға сурди. «Инсонга фойда келтирмайдиган инсон — ўликдир². деб таъкидлайди. У жамиятда меҳнат аҳли (дехқонлар, чорвадорлар, ҳунармандлар) ҳал қилувчи роль ўйнашини уқтиради. Бинобарин Ҳос Ҳожиб ҳокимга адолатли бўлишни,

¹ Қаранг: Абу Райхон Беруний. Таъланган асаллар, 1-Том, 74-бет.

² Юсуф Ҳос Ҳожиб, Қутадғу билик, «Фан», 1972, 26-бет.

ўзбошимчалик ва қонунсизликка йўл қўймасликни маслаҳат беради. Чунки бу нарса инсоний аҳлоқ-одоб нуқтаи назаридан мутлақо ёмонликдир. Иккинчи томондан, ҳаддан ташқари қилингган зулм халқнинг сабр-косасини тўлдириши — ва исёнга олиб келиши мумкин.

3 Амир Темурнинг ижтимоий қарашлари.

Амир Темур бин Тарагай Муҳаммад Баҳодир 1336 йилнинг 9 апрелида, Шаҳрисабз (Кеиш)дан таҳминан 13 км узоқликда бўлган Хўжа Илғор (бу қишлоқ ҳозир Қашқадарё вилояти Яккабоғ туманига қарайди) қишлоғида таваллуд топди. Отаси Тарагай барлос уруғининг нуфузли бекларидан бўлиб, ўзига тўқ, бадавлат киши эди. Онаси əса Тегуна хотин (Тегина Бегим Моҳ) исмли аёл бўлган.

Амир Темурнинг ижтимоий қарашлари унинг «Темур тузуклари» деб аталган асарида баён этилған. «Темур тузуклари» ҳам феодал тузумнинг мақсад ва манфаатларини кўзлаб ёзилган, ўша даврнинг дунёқарашини ифода этган. Шунга қарамай, асарда фан учун муҳим бўлган маълумот ва далиллар кўп.

«Темур тузуклари»	асосини ўн икки
ижтимоий тоифа таш	
1/ саййидлар, улаи	иilar;
2/ ақлли, иш билар	р;
3/ художўй, дуогў	шилар;
4/ амирлар, сарҳан	ни ҳарбий киши-
лар;	
5/ сипоҳ ва раият,	лқ;
6/ махсус ишончли	
7/ вазирлар, бош	блари;
8/ ҳакимлар, яъни	, табиблар, му-
нажжимлар, муҳанди	
9/ машойихлар, сў	ориф кишилар;
10/ тафсир ва ҳа	
11/ касбу ҳунар э	
12/ ғавдогар ва с	

«Ҳозирги дамгача нунлари ва тур-риш-турмушларини донолардан сўраб-суриштиридим. Ҳар қай-силарнинг йўл-йўриқлари, туриш-турмушлари, қилиш-қилмиш-

лари, айтган гапларини хотирамда сақладим ва хуш ахлоқлари, маъқул сифатларидан намуна олиб, унга амал қилдим. Давлатларнинг таназзулга учраши сабабларини суриштирдим ва давлату салтанат заволига сабаб бўлувчи ишлардан сақландим», — деб ёзади Амир Темур.

Амир Темур оддий халқ аҳволидан доимо огоҳ бўлган, уларнинг улуғларини оға қаторида, кичикларини эса фарзанд ўрнида кўрган. Ҳар шаҳар ва қишлоқнинг урф-одатига, қонун ва қоидаларига ҳурмат билан қараган. Ҳокимлар, сипоҳлар томонидан оддий халққа жабру ситам етказилган бўлса, уларни адолат, инсоф юзасидан жазоланганди.

Алишер Навоийнинг ижтимоий қарашлари.

Алишер Навоий (1441-1501 йиллар) Темурийлар оиласига мансуб ҳонадонда дунёга келди. У Ҳирот шаҳрининг Боғи Давлатхона деб аталган жойида таваллуд топди. Унинг отаси Фиёсiddин Муҳаммад Кичкина Темурийлар саройида эътиборли мансабдор шахслардан эди. Алишернинг онаси Қобулнинг амирзодаларидан Шайх Абу Сайд Чангнинг қизи, бувилари Темурий шаҳзодаларнинг энагалари бўлган.

У 10-12 ёшлариданоқ илк шеърлари билан ном чиқариб санъаткорлар ва адиблар диққатини жалб этган, ўзининг илм-фанга қизиқиши билан замонасининг таниқли маданият арбоблари эътиборини қўзонганди.

Алишер Навоий асарлари марказида турган белгиловчи ва йўналтирувчи бош масала — инсон, халқ, Ватан уларнинг гуллаб-яшнаши, истиқболи ҳақидаги муаммолардир. Навоий инсон ва унинг тақдирни, халқ ва унинг манфаатлари йўлида Famxўrlik қиладиган кишиларни улуғлайди.

Алишер Навоийнинг «Ҳайратул-абор» достонида диний, фалсафий ижтимоий-ахлоқий қарашлари ўз ифодасини топган. У комил жамиятни ўз асари қаҳрамонлари тимсолида тасвирлайди. Жумладан у шундай дейди: «Қимнинг халқ ғамидан ғами бўлмаса, ҳақиқий одам бўлсанг, уни одам дема». Бирорнинг ўлимидан севинган одам ё гўрков, ё ювгувчи, ёки жаллод бўлади. Уларнинг қайси бирини тасаввур этсанг ҳам табиатнинг кўрки нафрат билан тўлади. Лекин бирор сенга яхшилик қилмоқчи бўлса, сўз билан жон бағишламоқчи бўлса-ю, лекин гап билан ифодалай олмаса, яхшиликни тилга олганининг ўзи қиши таъбига осойиш бағишлайди»!¹

¹ Алишер Навоий. Ҳайратул абров. Тошкент, 1974, 97-98-бетлар.

Алишер Навоий инсонни бутун койнотнинг марказий сиймоси, бутун мавжудотнинг тожи, деб билади. Бутун мавжудотнинг олий нуқтаси бўлган инсонни безайдиган хислат ва фазилатлар сифатида одоб-ахлоқни камтар, муруватли, ростгўй, меҳнатсевар, сахий бўлишни алоҳида таъкидлайди. Навоий меҳнатсеварликни текинхўрликка қарши қўяди, текинхўрликдан нафратланади. Унинг асарларида давлат, жамиятга бўлган қарашлари инсон, дин, кишилар ўртасидаги муносабатлар, кишининг маънавий дунёси, унинг ички кечинмаларининг муҳаббат ва гўзаллик образи билан тасвиrlаниши ғоят муҳим аҳамиятга моликдир. У ҳаётнинг сири гўзалликда деб ҳисоблайди.

Навоий деҳқонларга жамиятнинг асосий моддий бойликларини яратувчи куч деб қарайди, уларнинг меҳнатини юқсак даражада баҳолайди. Деҳқон меҳнатидан ҳамма тирик жон баҳра олади, деҳқон ҳаммага ризқ берувчидир. Бу жиҳатдан унинг «Маҳбубул-қулуб» асарида айтган қўйидаги фикрлари диққатга сазовордир:

«... Деҳқонки тузлук била дона сочар, ҳақ бирига етти юз эшигин очар. Сочган донаси кўкарғунча, уруб хирмон қилиб маҳсулини кўтарғунча, қурт қуш андин баҳраманд, дашт ваҳшийлари анинг била хурсанд. Мурлар уйи андин обод...».

Навоий — инсонпарвар эди. Унинг бу буюк хислати инсонга бўлган қандайдир мавҳумийлик бўлмай, балки у кишиларга бўлган ҳиссиятда ўзгаларнинг ғам-ғуссасига шериклигига, инсонга ва унинг қадриятига ҳурмат билан қарашида ёрқин кўзга ташланади.

Алишер Навоий асарлари қаҳрамонлари жамиятда камитилган ҳуқуқларни ҳимоя қиласи, ижтимоий ҳаётда адолат учун фаол курашади. У инсонга ижодкорликнинг энг олий босқичи сифатида қараб, унинг маънавий, ижодий кучи ва қобилиятига, меҳнатига ишонади. Алишер Навоий Оллоҳга ишонади, уни танҳо деб ҳисоблайди, табиатга илоҳийликнинг ташқи кўриниши деб қарайди, табиатни худо томонидан яратилган гўзаллик деб талқин қиласи.

Навоий бу дунёда қабиҳлик ва яхшилик қилиш тўғрисида галириб, лекин биринчиси кўплигини ёзади. У одамларни қабиҳликка, ижтимоий иллатларга қарши адолат учун, ноҳорларни ҳимоя қилиш учун курашга чақирди. У комил жамият одамларига бахт келтирадиган, уларга муносиб ҳаёт шароитларини яратиб берадиган бўлиши лозим, деб уқтиради.

Алишер Навоий «Маҳбубул-қулуб» (1500—1501) асарида подшо атрофидаги султон, вазир ва ноиблар, беклар садрлар, ва шайхулисломлар, муфтийлар ва қорилар, лакшарбошилар, шунингдек аскарлар, соқчилар, мунажжимлар, дәҳқонлар, ҳунармандлар, савдогарлар, шаҳар камбағаллари, уларнинг турмушлари ва қарашларини акс эттиради.

Уларда Алишер Навоий давлат хизматида банд бўлган шахсларни мамлакатнинг иқтисодий равнақи, шаҳар ва қишлоқларнинг тараққиётини таъминлаш соҳасидаги алоҳида сифатларини кўрсатиб беради.

Навоий «Маҳбубул-қулуб» асарида қуйидагича хуроса чиқаради; жамиятга маъқул бўлмаган ишлар учун йўл очилган мамлакатда қонунга риоя қилинмайди, алдов, нолотинқ пораҳўрлик ноиблар учун ҳақиқатга айланади, жосуларни пора эвазига озод этадилар.

Бўюк файласуф ва улкан шоир, инсонпарвар, зукко олимнинг, минг афсуслар бўлсинки, фалсафий-сиёсий, ижтимоий ҳарашлари ҳанузгача кенг ва объектив ўрганилган эмас. Инсониятнинг маънавий сарчашмаси ўз тадқиқини кутади.

XVI—XIX асрларда Урта Осиёда ижтимоий-фалсафий фикрлар тараққиёти.

Бу даврни Урта Осиёдағи фалсафий тафаккур ривожини белгиловчи икки асосий йўналишда ажратиб кўрсатиш лозим.

1. Биринчи йўналиш Урта Осиёнинг ўзида кузатилган бўлиб; бу ерда ҳам икки даврни ажратиб кўрсатишимиш зарурдир;

а/ XVI—XVII асрлардаги ижтимоий-фалсафий фикрнинг ривожи;

б/ XVIII—XIX асрнинг биринчи ярмидаги ривожи.

Бобораҳим Машраб 1653 йилда Наманганда таваллуд топди.

Машраб яхши фазилатлар инсоний хислатларни Оллоҳдан қидиради, демак худони севган киши инсонларни ҳам севиши, ўзида гўзал фазилатларни мужассамлаштирган бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам Машраб ўз шеъларида илоҳий муҳаббат, худо ва у билан бирлашиш ҳақида фикр юритибина қолмасдан, мавжуд дунё, инсон ва унинг фазилатлари, ёрга бўлган ишқ-муҳаббат, вафодорлик, маҳбуб, ҳалқ ғами тўғрисида қайғуриш, инсонга ҳулқ одоб қоидаларини сингдириш, ярамас иллатлардан халос бўлиш ҳақида гапиради.

Машрабдек мураккаб шахснинг дунёқараши қарама-қаршилик ва ноизчиликлардан иборат бўлганлиги ўша даврнинг ижтимоий-иқтисодий шароити, мамлакатда ўзаро курашлар, синфий зиддиятларнинг кескинлашуви, ҳалқ турмушининг ёмонлашуви, жабр-зулм, зўравонлик ва адолатсизликнинг кучайиши билан чамбарчас боғлиқдир. Бир тарафдан у адолатли жамият ҳақида хаёл қилади, инсон ва унинг энг яхши фазилатларини куйлайди. Иккинчи тарафдан, ҳақиқат ва адолатга эришиш мушкуллигини тушунган шоир руҳий тушкинлик ва умидсизликка тушади, тасаввуф ва таркидунёчилик ғоялари билан суғорилган шеърлар битади, ўзи яшаётган замондан зорланади, кишиларни бу жафокаш ва фоний дунёдан юз ўғиришга, охират умидида яшашга даъват қилади. Булардан қатъий назар, умуман қараганда, унинг ижтимоий қарашлари чуқур инсонпарварлик ва умуминсоний ғоялар билан суғорилган эди. Машрабнинг исёнкорлик руҳи билан суғорилган ғоялари ҳозир ҳам ўз қимматини йўқотгани йўқ.

Нодира, Увайсий, Дилшодларнинг ижтимоий қарашлари

XIX асрнинг биринчи ярмида Урта Осиё ижтимоий-фалсафий фикри тараққиётида Кўқон хонлиги даврида яшаган шоирлар — Нодира, (1792-1850). Увайсий 1792-1843, Дилшод Барно (1800-1850) ва бошқаларнинг ўзига хос ўрни бор. Шонралар бадиий ижоддан, асосан шеърият жанридан ўзларнинг илғор ғояларини, фалсафий-ижтимоий қарашларини ифодалаш учун фойдаланиб, муҳим ижтимоий-сиёсий ва аҳлоқий масалаларни кўтарганлар. Уларнинг ҳар бири хаёт тарзи, фаолияти, айrim масалаларга турлича ёндошиши билан бир-бирларидан фарқ қиладилар. Шу билан бирга уларнинг барчасига хос умумий хусусият мавжуд бўлиб, бу умуминсоний қадриятларни улуғлаш, уларни ривожлантиришга хизмат қилишдир. Бундай фидоийлар қаторида шоира Нодиранинг алоҳида ўрни бор.

Нодира учун муҳаббат кенг ижтимоий маънога эга бўлиб, инсонийликнинг асосий омилларидан биридир. У:

«Муҳаббатсиз киши одам эмасдур,
Гар одамсан, муҳаббат ихтиёр эт»¹.
— деб даъват этади.

¹ Нодира шеъриятидан. Тошкент, 1979, 27-бет.

Сарой мұхитида яшаган Нодиранинг дунёқараши маълум даражада чекланған эди, у ўз даврининг илғор намоёндалари сингари инсофли,adolатли шоҳ бўлишини орзу қилиб, жамиятдаги қарама қаршиликларнинг ижтимоий тенгсизлик туфайли эканлигини англаб етмаган. Зеро, шоира эгаллаб турган мавқеи ва яшаган даври нуқтаи назаридан бунинг акси бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Лекин унинг ўз даври илғор аҳамиятга эга бўлган ғоялари, фикрлари шубҳасиз эътиборга сазовордир.

Жаҳон отин Увайсий эса XIX аср шароитида аёлларнинг жамият ва оиласда тутган ўрни, ҳуқуқсизлигини фош этиш Увайсий ижодининг асосий йўналишидир. Ўзбек аёлининг ижтимоий аҳволи ва маънавий қисмати ифодаланган анор таърифидаги қисқа шеърида шоиранинг ўткир фалсафий мушоҳада кучи намоён бўлади.

Шоира Дилшод 1800 йилда Ўратепа шаҳрида туғилади. Унинг Қўқонга банди қилиб олиб кетилиши ижтимоий адолатсизликни, ҳақ-ҳуқуқсиз аёлларнинг фожиали тақдирини ўз кўзи билан кўради, жамият ҳаётида түғён уйғотади. Шоира-нинг ижтимоий қарашлари, феодал тартибларидан норозилиги уларни ўзгартириш-ҳақидаги мулоҳазаларида, дунё тузилиши айрим дин раҳномоларини кескин танқид остига олган шеърларида ифодаланган.

Туркистонда маърифатпарварлик ҳаракати.

Урта Осиё маърифатпарварлиги худди капиталистик муносабатларни вужудга келиши даврига хос тарихий, феодализмга қарши қаратилган ғоявий ҳаракат эди.

Бухоро хонлик тузумининг бириичи танқидчisi Аҳмад Дониш (1827-1897) эди. Бухоро хонлигини Россия билан таққослаб, Дониш ўз Ватанини орқада қолганлигини, яъни иқтисодий, маданий жиҳатдан қолоқлигини кўрсатиб берди.

Аҳмад Дониш ўз халқини зулм ва ноҷорликдан қутқариш чораларини излади. Унингча Бухоро давлат тузуми ислоҳ қилинса, давлат ҳукмдори одил ва донишманд бўлса халқни қашшоқликдан қутқазиш мумкин бўлади. Мамлакатни бошқариш тартибларини ислоҳ қилиш зарурлигини уқтириш мақсадида Дониш ислоҳ лойиҳаси билан амирга мурожаат қиласиди.

Дониш давлат бир гуруҳ кишиларга эмас, балки халқ манфаатларига хизмат қилиши керак деган, ғояни асослайди. Бунинг учун ҳукмдор билимдон, одил ва донишманд бўлмоғи

шарт. У ўз фуқароларига оид масалаларни ҳал қилишда үзини улар ўрнида, уларни эса ўз ўрнида тасаввур қилиши керак. Мамлакатни идора қилишда, дейди Дониш, ҳукмдор мұхим давлат ишларини ўз атрофидаги давлат арбоблари билан маслағатлашиб ҳал қилиши лозим. Булар ҳам донишманд ва одил бўлмоқлари шарт. Ҳукмдор буларнинг маслағатларига қулоқ солиши ва ҳисоблашиши керак, чунки қўпчиликнинг ақли бир кишининг ақлига нисбатан қўпроқдир. До-ниш фикрича, бу хислатлар фақат давлат бошлигигагина хос бўлмай, унинг атрофидаги барча давлат амалдорларига ҳам хос бўлмоғи шарт. Мамлакатни мана шундай кишилар бошқарғандагина жамиятда тартиб ва интизом ўрнатилади, давлат тараққий қиласди.

Аҳмад Донишнинг қарашларини баҳолашда унинг хаёлий социализм ғояларига бўлган муносабатини ҳисобга олмасдан бўлмайди. Бу назарияга кўра, дейди Дониш, ер юзидағи барча бойликлар одамлар ва ҳалқлар ўртасида тенг тақсим-симланади. Одамлар қадим замонларда тенг бўлишган, ке-йинчалик кучлилар кучсизларнинг мулкларини тортиб олиши натижасида тенгсизлик келиб чиқсан. Агар адолат нуқтаи назаридан ўйлаб қаралса, ҳар ким ўз ери билан қаноатланиши керак. Кучлилар тортиб олинган ерларни ўз эгаларига қайтиб беришлари, агар кимда-ким қайтиб беришни истамаса одамлар иттифоққа бирлашиб ноҷорларға тегишли бойликларни кучлилардан тортиб олишлари керак. Ўшанда одамлар ўртасида уруш ва адіватлар тутатилади, қон тўкишлар тўхтайди. Оқибат натижада ҳалқлар ўртасида тинчлик ва хотиржамлик ўрнатилади.

Аҳмад Дониш бу назарияни амалга ошириш мумкинлиги-га шубҳа билдиради, чунки, у ҳеч ким ўз молу мулкидан осонлик билан воз кечмайди. Бундай тартибни ўрнатиш учун кўп қон тўкилиши керак ва ўшанда ҳам унинг амалга ошиши ноъмалумдир. Кишилик тарихида бундай тартиблар ҳали бўлган эмас, лекин улар ўрнатилса, ер юзида бўлиб ўтган энг хайрли ишлар ҳам унинг олдида кўзга кўринмай кетади, дейди.

Жамият тўғрисидаги илғор ғоялар ўзбек маърифатпарварлари Сатторхон (1843-1902) ва Фурқат (1858-1909) асарларида ҳам ифодасини топган.

Улар мамлакат қолоқлигининг асосий сабаби феодал-хонлиқ ижтимоий тартибларида деб билиб, уни танқид остига олганлар.

Сатторхон хонлик тузумини ўзбошимчаликда, қонунсизлик ва пораҳўрликда, мамлакат фаровонлиги, илм-фан ривожи ҳақида ҳеч қандай ғамхўрлик қилмасликда айблайди. Унинг кўрсатишича, мамлакат ҳамма жиҳатдан кулгили даражада қолоқ бўлса-да, хон, бек, ва ҳокимлар ўз майшатини кўзлайдилар. Хоннинг бек ва ҳокимларга муносабати, уларнинг ишига эмас, олиб келадиган улушига қараб белгиланаарди, мактаб, илм фан, маърифат ўқитиш устидан назорат деярли йўқ эди. Сатторхон, мамлакатнинг қолоқликда қолишига шу-ларни сабаб қилиб кўрсатади.

Сатторхоннинг фикрича, жамият ва тараққиётнинг асосини илм-фан, маърифат ташкил қиласди, бу жамиятнинг фаровон яшаш гаровидир. Унингча, илм-фангага, тараққиётга эришиш воситаларидан бири — бошқа халқлар билан дўстона алоқада бўлиш, ундан ибрат олиш ва ўрганишdir.

Фурқат ҳам феодал-хонлик тартиблари — мамлакат ривожига ғов, деб қараган ва уни фош қилган.

Фурқат илм-фан жамият тараққиётининг асосий кучи деб тушунади. Фурқат хон ва бекларнинг ўзаро уруш ва низомларини қаттиқ қоралайди, бу уруслар халқа оғир кулфат эканини, мамлакатни вайроналикка олиб келганлигини таъкидлайди.

Маърифатпарварларнинг илм-фан орқали мамлакатни қолоқликдан чиқариш, халқнинг моддий фаровонлигини кўтариш, зулмат ва мусибатларни тутгатиш ҳақидаги ғоялари албатта, хаёлий эди. Улар «доно ва маънифатпарвар ҳукмдор» ҳақидаги тасаввур доираларидан батамом чиқиб кета олмадилар, уларнинг феодал қолоқлигига қарши, маърифат ва ижтимоий тараққиёт учун олиб борган кураши тарихий тараққиёт эҳтиёжларини ифодалар, муҳим аҳамиятга эга бўлган эди.

Маънифатпарварлик ҳаракатининг демократик намоёндагари Муқими (1850-1903), Завқий (1853-1921), Анбар отин (1870-1914), Ҳамза (1889-1929)лар XIX асрнинг 90 йиллари капиталистик муносабатларнинг жонланиши натижасида ўлкада ижтимоий зиддиятлар кескинлашган, меҳнаткашлар оммасининг зулмга қарши норозилиги ошиб борган пайтда яшадилар. Юқоридаги зиддият ва норозиликлар ижтимоий тафаккурда ҳам ўз аксини топди. «Доно ва маърифатпарвар ҳукмдор» ҳақидаги ғоя ўрнига монархия ҳокимиятини инкор

қилиш ғояси кучая борди. Бу ғоялар Мұқимий, Завқий, Аңбар отин, Ҳамза асарларида яққол сезилади.

Жадидизм.

Шу вақтга қадар жадидизмни ўрганишда унга ақидапа-растлик билан ёндашиш, материалларни илмий таҳлил қилиш ва назарий умумлаштириш ўрнига оддий изоҳлаш каби хатоларга йўл қўйилди.

Аслида эса жадидизм маърифатпарварлик ҳаракатининг юқори босқичи бўлиб, унинг намоёндалари мамлакатни бошқаришда уни феодал қолоқликдан чиқариш, миллий мустақилликка эришиш учун қурашда жонбозлик кўрсатдилар. Жадидлар ҳаракати ўзининг бошланғич даврида таркиби жиҳатидан бир хил бўлмай улар ўз сафларида жамиятнинг ҳар хил табақалари вакилларини бирлаштирган эдилар. Улар асосан мадраса талабалари, янги усул мактаб ўқитувчилари, майда савдогарлардан иборат эди. Кейинчалик йирик савдогарлар, эндигина пайдо бўла бошлаган саноат корхоналари эгалари ҳам улар сафига қўшилиб, жадидлар ҳаракатини асосан мoddий жиҳатдан қўлладилар.

Жадидлар ҳаракатида миллий зиёлиларнинг деярли Сарча илфор вакиллари қатнашгандилар. Улар орасида Ҳамза, Авлоний, Холмуҳаммад Охундий, Иброҳим Даврон, Сиддиқий, Мирмуҳсин Шермуҳамедов, Назир Тўрақулов, Мунаввар қори ва бошқалар бор эди.

Жадидлар ҳаракатининг йирик намоёндаси, унинг назарий асосчиларидан бири Маҳмудхўжа Беҳбудийдир (1879-1919).

Беҳбудий Самарқанд шаҳрида имом Беҳбудий Хўжа ойласида туғилган. У болалик чоғларидан илм-фанга қизиқди, ҳисоб, ҳукуқ, дин, араб ва форс тилларидан сабоқ олди.

Беҳбудий ўзи мактаб очди ва мазкур мактабда география, адабиётдан, тарихдан дарс берди, ўзбек ва форс тилларидан бир неча дарсликлар ёзди. «Алифбо», «Қитоб атиф», «Амалиёти исломия», «Мухтасари тарихи исломия», «Жуғрофи умрони ва руси», «Мухтороби жуғрофияти турки» китоблар шулар жумласидандир.

Россия мусулмонларининг миллий-озодлик ҳаракати натижасида 1905 йилда ташкил топган мусулмонлар партияси нинг раҳбарлари давлат думасининг мусулмонлар фракцияси Беҳбудийнинг фаолиятини юксак баҳолади. Давлат думасининг мусулмонлар фракцияси Туркистон масалалари бўйича Беҳбудий билан маслаҳатлашиб турарди ва 1914

йчлда фракциянинг дастурини ишлаб чиқиш жараёнида иштироқ қилиш учун уни Петербургга таклиф қилган эди.

Беҳбудий жадидчилик ҳаракатининг бошқа бир қанча раҳбарлари — Мунаввар қори, Фитрат, Файзулла Ҳўжаев билан биргаликда умрининг охирги дақиқаларигача ўз халқининг маънавий ва сиёсий озодлиги учун оташин курашчи бўлиб қолди. Беҳбудий 1919 йил Бухоро амири қўлига тушиб, унинг буйруғи билан Қарши шаҳрида ўлдирилди.

Жадидчилик ҳаракатининг асосий мақсади маориф тизимини ислоҳ қилишдан иборат эди. Жадидлар миллый мустақиллик манфаатларини ҳимоя қила оладиган, иқтисодий ва сиёсий қарамлик ва қолоқликдан чиқиш муаммоларини биладиган замонавий билимга эга саводли кадрлар бўлиши зарурлигини яхши англашарди. Мана шунинг учун ҳам дунёвий билимларни ўрганиш ишлари, маориф тизимини ислоҳ қилиш масаласи XIX аср охири XX аср бошлари Туркистон ижтимоий фикрининг диққат марказидаги масала бўлиб қолди.

Саволлар ва топшириқлар:

1. Сўфизм таълимотининг асосчиси ким?
2. Аҳмад Яссавий ва унинг «Ҳикмат» асари ҳақида гапириб беринг.
3. «Яссавия» тариқати ҳақида нималарни биласиз?
4. «Қубравия» тариқатининг асосчиси ким ва унинг мөҳияти, бошқа тариқатлардан фарқи нимада?
5. «Қубравия» тариқатининг ўн қоидасини айтиб беринг.
6. «Нақшбандия» тариқатининг асосчиси ким ва унинг бошқа тасаввуфий оқимларидан фарқини айтинг.
7. Имом Бухорий ким бўган ва унинг асосий ёзиб қолдирган асарларини айтиб беринг.
8. Абу Наср Форобийнинг ижтимоий қарашлари ҳақида гапириб беринг.
9. Абу Али ибн Синонинг ижтимоий қарашлари тўғрисида нималарни биласиз?
10. Берунийнинг инсон ва жамият ҳақида қарашлари унинг қайси асарида баён этилган?
11. Юсуф Ҳос Ҳожибининг ижтимоий қарашлари ҳақида гапириб беринг.
12. Амир Темур инсон ва жамиятга бўлган қарашлари ҳамдай номланган асарида баён этган?
13. XVI-XIX асрдаги Ўрта Осиёдаги ижтимоий-фалсафий

қарашлар неча йўналишга бўлинади?

14. Бобораҳим Машрабнинг ижтимоий қарашлари тўғрисида гапириб беринг.

15. Нодира, Увайсий, Дилшодларнинг ижтимоий қарашлари тўғрисида нималарни биласиз?

16. Туркистонда маърифатпарварлик ҳаракати қачон бошланди ва унинг асосий намоёндалари, ғоялари ҳақида гапириб беринг.

17. Аҳмад Донишнинг ижтимоий қарашлари ҳақида нималарни биласиз?

18. Сатторхон ва Фурқатнинг ижтимоий қарашлари ҳақида гапириб беринг.

19. Маърифатпарварлик ҳаракатининг демократик намоёндалари ҳақида нималарни биласиз?

20. Жадидизм нима? У ҳақда нималарни биласиз?

21. Жадидизмнинг асосий намоёндалари ва унинг мөҳиятини айтинг?

22. Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг ижтимоий қарашлари ҳақида нималарни биласиз?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Соифназаров И. ва Ҳукумов А. Қадимги Шарқ муваффакирларининг қарашлари, «Маърифат» газетаси. № 19, 15 февраль 1992 йил.

2. Диншуносликдан қомусий луғат. Тошкент, УСЭТ, 1988, 70-72, 160-161, 185-186, 410-411 бетлар.

3. Бобоев Ж. Материализм билан идеализм курашининг асосий даврлари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1972, 26-48 бетлар.

4. На пути современной цивилизации. Москва «Просвещение», 1992, 15-16 бетлар (рус тилида).

5. Носиров Р. Н. Ўрта Осиёда тасаввуф оқимлари. Қаранг: Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан, «Ўзбекистон», 1995, 103-123 бетлар.

6. Хайруллаев М. М. Форобийнинг фалсафий ва ижтимоий қарашлари. 5 номерда кўрсатилган адабиётнинг 40-52 бетлари.

7. Хайруллаев М. М. Абу Али ибн Синонинг илмий-фалсафий ва ижтимоий қарашлари. Юқорида кўрсатилган китобнинг 59-81 бетлари.

8. Жумабоев И. Юсуф Ҳожибининг ижтимоий қарашлари. Кўрсатилган адабиётнинг 91-98 бетлари.

9. Орипов М. Алишер Навоийнинг дунёқарashi ҳақида. Кўрсатилган адабиётнинг 165-179 бетлари.

10. Алиқулов А. Машрабнинг ижтимоий қарашлари. Кўрсатилган адабиётнинг 194-198 бетлари.
11. Ниғмонова Д. Нодира, Увайсий, Дилшод. Кўрсатилган адабиётнинг 200-204 бетлари.
12. Йўлдошев С, Воҳидов Х, Эшмуродова З. XIX аср охири ва XX аср бошларида ижтимоий-фалсафий фикрлар. Кўрсатилган адабиётнинг 212-231 бетлари.
13. Сураймонов Х.ва бошқалар. Сиёсатшунослик, Наманган. 1993, 88-93 бетлар.
14. Баҳоуддин Балогардон. Тошкент, «Езувчи», 1993, 5-16 бетлар.

ІІІ. ЎРТА АСР УИҒОНИШ ДАВРИ ВА ЯНГИ ДАВР ЕВРОПАСИДАГИ ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАСАВВУРЛАР

Христиан назариётчиларининг инсон ва жамият ҳақидаги қарашлари.

Европадаги христианлик бирданига ҳукмрон динга айлангани йўқ. Византия ва Римда, Олд Осиё, Шимолий Африкада, Фарбий Европада христиан дини ўзининг ҳукмронлигини ўрнатиш учун узоқ ва мураккаб кураш олиб борди.

XVIII асрда христиан схоластикаси (схоластика термини лотин тилдан олинган бўлиб, мактаб деган маънони англатади) энг йирик вакилларидан бири Фома Аквинский ҳисобланади. Ф. Аквинский (1225-1274 йиллар), итальян графи оиласида дунёга келди. Маълумотни биринчи Неополитан университетида, кейинчалик Париж университетларида олди. Фома Аквинский Альберт Больштедскийни шогирди ҳисобланади. Альберт Больштедский эса ўзининг ижтимоий-фалсафий қарашларида буюк ҳаким, шайхур-раис Абу Али ибн Синонинг издоши эди.

Фома Аквинский инсон ва жамиятга қарашларида ўзига хос йўлдан борди. Унинг фикрича, инсонлар жамияти одамларни католик дини ахлоқи ва руҳиятини ўрганишда қўлга киритиладиган ютуқларга ёрдам бериш учун яратилган. Давлат ҳокимияти худо томонидан бериладиган совға, унинг шаклини ҳар бир халқ шароит билан келишиб олади. Ф. Аквинский ўзи монархияни қўллаб-қувватлайди. У ўзининг ижтимоий назариясида черковни фуқаро жамиятидан устунлиги тўғрисидаги фикри билан тасдиқлайди, давлатдаги, ердаги ҳаёт — келаси руҳий ҳаёт учун тайёргарлик давридир деб ҳисоблайди. Давлат бошлигининг ҳокимияти олий, ру-

хий ҳокимииятга бўйсимиши лозим. Унинг юқорисида, осмонда Исо Масих, ерда эса — рим папаси турмоғи керак. Фоманинг бу таълимоти томизм деб ном олади ва католик дини мафкурасининг таянчи ва назарий қуролига айланди.

Уйғониш даври мутафаккирларининг ижтимоий-фалсафий ғоялари.

Эрамиздан олдинги қадимги давр маданияти қадриятларини тиклашга уриниш, янги туғилиб келаётган буржуза жамияти элементлари билан ҳамоҳанг эди. Шунинг учун ҳам бу даврни уйғониш даври ёки бўлмаса, Ренессанс даври деб ҳам номламади.

Уйғониш даври маданиятининг энг асосий элементи, ўзига хос ҳусусияти шундан иборатки, инсон шахси манфаатлари ва ҳуқуқларини тан олиш даври эди. Шунинг учун ҳам бу давр инсон устидан ҳукмронлик қилган феодал тартибларни, диний ахлоқни ва аскетизмни инкор этади.

Янги давр, уйғониш даври ҳаётда жамият моҳиятини тушунишда янгича тасаввурларнинг келиб чиқишини тақозо этди. Жамият янгича қарашларнинг бош элементларидан бири — жамиятни бутунлай ажратиб бўлмайдиган индивидлар йиғиндисидан иборат деб тушуниш эди.

Ана шундай ғояни биринчи бўлиб илгари сурган жамият-шунеслардан Флоренциялик Николло Макиавелли (1469-1527 йиллар) эди. У ўзининг «Тит Ливийнинг биринчи декададаги мулоҳазалари», «Ҳукмдор», номли асарларида одамлар фаолияти асосида — шахсий манфаатпастлик, моддий манфаатпастлик ётишини исботлаб берди.

Унинг фикрича, давлатнинг ўзи инсон бўлиб, унга хизмат қилишнинг ўзи ҳам инсон ҳаётининг асл мақсади, туб моҳияти ва эзгу баҳт-саодатини таъминлайди.

Макиавелли христианларниң инсон табиати азалдан ёвузликка мойилдир деган анъанавий тасаввурларига қўшилган ҳолда, давлатнинг одамларни тарбия қилиш вазифасини адо этишни шу пайтга қадар бўлиб келганидек дин арбобларининг қўлида қолдириш эмас, балки давлат елкасига юклатиб қўйиш зарур деб ҳсоблайди. У давлат бошқармаси зарурлигини инсоннинг ўзбошимчалик табиатини зўрлик билан бўлса ҳам қолилга солиб туриш ва унинг танобиини тортиб, туриш зарурияти билан исботламоқчи бўлади.

Макиавеллининг энг юксак орзуси — қадимги Рим республикасига айнан тўғри келадиган давлат тузумини қарор топтиришдан иборат эди.

Николло Макиавеллининг ижтимоий қарашларидаги энг муҳим томони шундаки, у ўз замонаси учун ўта дадил ва ғоят мардонавор фикрни — давлат ишларини черков ишлари билан аралаштириб, қўшиб олиб боришга қарши кураш зарурлиги, черковни давлатдан ажратиш лозимлиги тўғрисидаги ғояни тафаккур тарихида биринчилар қаторида қўрқмасдан илгари суради, у ўзининг машҳур «Хўкмдор» номли асарида халқ сиёсий руҳиясида фуқаролик фазилатлари унча привожланмаган шарт-шароитда ҳам қудратли давлат барпо қилиш мумкин, лекин бундай ҳолатда давлат олдига қўйилган сиёсий мақсадларни ғўёбга чиқариш учун ёнласига ҳамма (ҳам яхши, ҳам ярамас) воситалардан фойдаланиш қораланмаслиги шарт деб ҳисоблайди. Унинг ҳар қандай сиёсий мафкура ва сиёсий ахлоқ доирасидан ташқарига чиқадиган бундай йўлга ўтиб қолиши аслида илғор ғоялар эгаси бўлган Николло Макиавелли номини ҳам безамас эди. Шунинг учун ҳам сиёсий тафаккур тарихда «макиавелизм» деб ном олган бу ғоя ўзининг сиёсий мақсадларига эришиш йўлида ҳеч нарсадан тап тортмайдиган, кези келганда энг разил, энг ваҳшӣй, энг даҳшатли воситалардан ҳам юз ўғирмайдиган сиёсий муносабатлар ва сиёсий жараёнлар тараффорлари бўлган субутсиз сиёсий арбоблар, майдакаш сиёсатчилар, ёки энг оддий сиёсий фирибгарлик рамзи бўлиб қолди.

Ўйғониш даври мутафаккирларидан Томас Мюнцер (1490-1525 йиллар), Томас Мор (1478-1535 йиллар), Томаззо Кампанелла (1568-1639 йиллар)нинг улуғвор сиймолари ҳам ижтимоий фикр тарихида ўчмас из қолдирган.

Голландиялик Ислоҳотчилик ҳаракати ва Деҳқонлар уруши раҳбарларидан бирни бўлган черков тарғиботчиси Т. Мюнцер Ислоҳотчилик ҳаракатини умуминсоний манфаатлар тантанаси учун бошланган жаҳонни инқилобий қайта қуриш ҳаракати сифатида қабул қиласи ва Деҳқонлар урушида фаол иштирок этади. Мюнцер ер юзида синфий фарқ ва зиддиятлардан ҳоли бўлган, хусусий мулкчилик тугатилган жамият аъзоларига қарши ва уларга ёт бўлган алоҳида давлат ҳокимиётини инкор этган бутунлай янги мазмунли, моҳиятли ижтимоий тузум учун кураш зарурлиги тўғрисидаги ғоясини ўзининг «Хон-беклар олдида тарғибот» номли асарида ифодалаб, халқ оммаси номидан ва унинг манфаатлари йўлида амалга оширилганда гина у қонуний ҳамда ҳуқуқий ҳисобланиши мумкин дейди.

Томас Мор эса ҳакам амалдорлари оиласидан чиққан инглиз ёзувчиси ва давлат арбоби бўлиб, ижтимоий жамият тўғрисидаги таълимотнинг дастлабки хаёлий оқимига ном берган, бутун тараққийпарвар инсониятга маълум ва машҳур бўлган «Утопия» («Ҳеч қаерда йўқ жой») асарининг муаллифидир. Мазкур асарда фараз қилинган хаёлий орол аҳолиси яратган тузум Мор томонидан барча ижтимоий-сиёсий тузумлардан энг афзали, энг инсонпарвари, энг демократлашгани, энг оқили, интизом ва эркинлик, тартибот ва ташаббускорлик, меҳнат ва роҳат жамияти сифатида, ўта жозибали бўёқларда тасвирланади. Т. Морнинг ижтимоий қаравшаидаги энг кучли томони — инсоният ижтимоий фикри тарихда биринчи марта хусусий мулкчилик, тенгсизлик ва адолатсизликнинг асосий сабабчиси сифатида инкор қилинишидир.

Т. Мор «Утопия» оролида ранго-ранг бўёқлар билан тасвирлаган жозибали ҳаётга эришишнинг инқилобий йўлини ҳатто тасаввур ҳам қила олмаган, шунинг учун ижтимоий тенглик ва ижтимоий адолат жамияти орзудаги, хаёлдаги эришиб бўлмайдиган жамият бўлиб қолаверган.

Томаззо Кампанёлла эса ўзининг «Қуёш шаҳри» деб номланган асарида умумий мулк асосида ялпи қайта қурилган ижтимоий муносабатлар тизими сифатидаги жамиятни орзу қилган. Мазкур ғояларни ривожлантириб Кампанелла «Мессия подшолиги» номли асарида бутун дунёга ялпи ўрнатилиши керак бўлган диний подшолик муқаррарлиги хаёли билан бойитади.

Кампанелланинг орзусидаги бекаму кўст ижтимоий жамоада мулкчилик ва оила бекор қилинган, болалар тарбиясини давлат ўз зиммасига олган бўлиб, меҳнат қилиш барча учун баробар ва 4 соатдан ошмайди. Бундай ижтимоий тузум шароитида фан, маориф, таълимга ва меҳнат тарбиясига катта эътибор берилади.

XIV—XVI асрларда Фарбий Европа мамлакатларида феодализм ичида тез ўсиб бораётган янги ишлаб чиқариш кучлари билан ўз даврини яшаб бўлган феодал ишлаб чиқариш муносабатлари ўртасида зиддият кесқинлаша бошлади. Бунинг оқибатида дастлаб Италияда, сўнгра Европадаги мамлакатларда феодал тартиблар ичида капиталистик ишлаб чиқариш муносабатлари тез ўса бошлади, ишчилар ва банкирлар табақалари пайдо бўлди. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожи табиатни, ундаги предмет, ҳодисаларнинг сифат ва ху-

сусиятларини ўрганишга, табиат кучи ва бойликларидан жамият манфаатлари йўлида фойдаланиш эҳтиёжини кучайтириди.

XVI—XVIII асрларда инглиз, француз маърифатпарварларининг ижтимоий-фалсафий қарапашлари.

Буюк инглиз файласуфи Томас Гоббснинг (1588-1679 йиллар) дунёқараши — йирик инглиз буржуазияси ва янги дворянлар — илгор аристократик қисми манфаатларининг ғоявий ифодасидир. Гоббснинг асосий фалсафий асарлари — «Жисм тўғрисида», «Инсон тўғрисида», «Фуқаро тўғрисида», «Левиафан» ва бошқалардир. Гоббс схоластикага узил-кесил зафба берив, фалсафанинг асосий вазифаси табиат ва жамиятни ўрганиб инсонга хизмат қилишdir, деб таъкидлайди.

Гоббснинг жамият тўғрисидаги назарияси, асосан унинг «Левиафан» ва «Фуқаро тўғрисида» асарларида берилган. Гоббс таълимотича, кишилар дастлаб табиий ҳолда яшаганлар, уларни табиат жисмоний ва ақлий томондан тенг яратган бўлиб, хусусий мулк ва бойликка эга бўлмаганлар. Ўша даврда кишилар «меники», «сенники», демас, давлат ҳам йўқ эди. Бу табиий ҳолат даврида кишилар табиатнинг ўз-ўзини сақлаш қонуни асосида иш тутардилар. Бу даврда кишилар ҳамма нарсага эга бўлишга ҳақли эдилар. Бироқ хусусий мулк вужудга келгач кишилар орасида муносабат ҳам ўзгаради ва кескинлашади. Бу даврда кишилар ўртасида муносабатлар, Гоббс таълимотича, «киши кишига бўри» формуласида ифода этилади. Бу уруш катта ҳалокат хавфини туғдирганида, жамият аъзолари ўртасида ўзларининг муайян ҳуқуқларидан кечиш ва ўзаро келишиб шартнома тузиш зарурияти туғилади. Шартнома тузим ва шу шартнома асосида яшаш — жамиятнинг табиий ҳолат давридан фуқаролик даврига ўтишдан иборатдир. Шартномани бузмаслик ва кишиларни идора қилиш учун жамиятда кучли иродага эга бўлган якка шахс ёки шахслар гуруҳидан иборат идора давлат зарурати туғилади. Жамиятдаги бошқа шахслар эса ўз ихтиёрини ана шу шахсга, ёки шахслар гуруҳига буйсиндириши лозим. Шу равишда жамиятда давлат келиб чиқади. Давлатнинг энг такомиллашган формаси, Гоббс фикрича, кучли ва мутлоқ монархиядир, чунки мутлоқ монархия ўша даврда буржуазия билан янги дворянлар ўртасида ҳамкорликнинг энг синаалган сиёсий шакли эди. Мамлакат ичida, халқаро миқёсда доимий кескинлик, Гоббс таълимотича, кишиларнинг табиий ҳолатидир.

Инглиз файласуфи ва мутафаккири Жон Локк (1632-1704 йиллар) биринчи бўлиб, либерал ҳаракат ғоявий — сиёсий гаълимотини ишлаб чиқсан ва уни кенг тарғиб қилган, ўз даври ижтимоий ҳаётининг фаол иштирокчиси бўлган сиймочир. Унинг ижтимоий қарашлари «Бошқариш тўғрисида икки мажмуя» асарида баён қилинган бўлиб, биринчи қисмида замондоши Р. Фильмернинг мутлоқ қирол ҳокимииятининг иложий ҳуқуқ асосида эканлигини исботлашга уринган қарашларини танқид қилди.

Француз маърифатпарварларининг инсон ва жамият ҳақидаги қарашлари.

Француз маърифатпарварлари қаторига Ш. Л. Монтескье (1688-1755 йй), Ж. Ж. Руссо (1712-1778 йй), Ф. Вольтер (1694-1778 йй), Г. де Мабли (1703-1785 йй), Н. Ф. Бабёф (1760-1797 йй), киритиш мумкин, уларнинг ҳаёти ва ижоди алоҳида аҳамиятга моликдир.

Француз файласуфи, ёзувчisi, тарихchisi ва маърифатпарвар файласуфлар гуруҳининг фаол аъзоси. Ш. Монтескье ўзининг машҳур «Қонунлар руҳи тўғрисида» асарида, унинг фикрича, иқлим, замин ва замин усти ҳолати халқлар руҳининг шаклланишини ҳамда ижтимоий тараққиёт табиатини белгилаб беради. Тарихий тараққиётнинг муштарак қонунлари, деб таъкидлайди Монтескье, чунончи ишлаб чиқариш—иулкчилик муносабатлари бошқариш ақидалари, урф одатлар ва диний эътиқодлар каби ижтимоий-сиёсий омиллар мажмуаси билан белгиланади ҳамда шу омилларда намоён бўлади.

Ёзувчи Жан Жак Руссо ҳам Монтескье сингари Буюк француз инқилобининг маънавий-аҳлоқий шарт-шароитларини яратишида фаол иштирок этди. Руссо ўзи ҳаёт пайтидаёқ кенг тарқалиб шуҳрат қозонган «Фан ва санатънинг равнақи ахлоқ-одобнинг яхшиланишига хизмат қиладими?», «Одамлар ўртасида тенгсизликнинг келиб чиқиши ва асослари тўғрисида мулоҳазалар», «Жамоат шартномаси ёки сиёсий ҳуқуқ ақидалари ҳақида», «Эмиль ёки тарбия тўғрисида», «Юлия ёки янги Элоиза» каби асарларнинг муаллифидир, у мазкур асарларида ўзининг ижтимоий қарашларини баён қилиб, жамиятда ҳукм суроётган ижтимоий ва мулкий тенгсизликка қатъян қарши чиқади.

Буюк француз маърифатпарвари Франсуа Вольтер Монтескье ва Руссо — замондоши, юртдоши, ҳамкасби, ҳамкори

бўлиб, улар фаолиятидан баҳра олган, илҳомланган ҳамда ўз навбатида уларга катта таъсир ўтказган сиймодир.

Вольтер ўзининг «Кандид» деб номланган асарида эркесвар фикрларни илгари суриб, ўзининг баҳт-саодатли ҳаётга бўлған табиий ҳуқуқини ҳимоя қилишга қодир бўлган фаол инсон сиймосини куйлади.

Мабли таркидунёчилик жамиятини тарғиб қилгандек бўлади, чунки у мулк умумийлиги шароитида ўша камтарона ва ғарифона умр кечириш натижасида яхши ниятли, олий фазилатли, тўла баҳтли фуқаролар жамоаси вужудга келади, деб ҳисоблайди.

Морелли ижтимоий тенглик ва ижтимоий адолат жамиятни яратиш дасттурини баён қилиб, унинг учун учта «асосий ва муқаддас қонунлар»ни ишлаб чиқиш зарурлигини ва уларга амал қилган ҳолда жамиятни туб ўзгартириш мумкинлигини белгилаб беради: биринчи — қонун — ҳусусий мулкни бекор қиласди, иккинчи қонун — ҳамма фуқароларга меҳнат қилиш ҳуқуқини беради, учинчи қонун эса — барча фуқароларнинг ижтимоий фойдали меҳнат фаолияти билан шуғулланиши шарт эканлигини белгилайди.

XIX—XX асрларда ижтимоий фалсафий ғоялар тараққиёти.

Инсониятнинг тарихий тараққиётида, жаҳон цивилизациясининг официал мутаносиб ривожланиб боришида, ижтимоий-сиёсий қарашларнинг мутаносиб ривожланиб бориши жараёнида ишчилар синфи ва барча меҳнаткашлар оммасининг асл туб манфаатлари, мақсад-интилишларини ўзида акс эттирган мафкуранинг Карл Маркс (1818-1883 йиллар) ҳамда Фридрих Энгельс (1820-1895) йиллар томонидан ишлаб чиқилганилиги ижтимоий-сиёсий тафаккур тарихидаги муҳим босқични бошлаб берди.

Маркс ва Энгельснинг ижтимоий қарашлари капиталистик ишлаб чиқариш муносабатлари ўрнатилган, ишчилар синфи эса мустақил сиёсий кураш майдонига тобора кенг чиқаётган шароитларда уларнинг иқтисодий, ижтимоий қарашлари билан узвий, чамбарчас боғлиқ равишда шаклана бошлади.

Маркс билан Энгельс ижтимоий борлиқ ижтимоий онгни белгилаши тўғрисидаги ғояни илгари сурдилар.

Маркс одамлар мөддий нөйматлар ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқариш кучлари билан ишлаб чиқариш муносабатлари бўлиши ҳақидаги таълимотни яратдилар.

Улар жамиятни муайян ижтимоий-иктисодий шаклда босқичма-босқич ривожланиши тўғрисидаги «ижтимоий-иктисодий формация» тўғрисидаги таълимотни ҳам асослаб бердилар.

Уларнинг таълимотини Владимир Ильич Ленин (1770-1924 йиллар) томонидан ривожлантирилди ҳамда унга анча-мунча ўзгартиришлар ҳам Ленин томонидан киритилди. Ленин Марксизм фикрича революция бирданига бутун ер юзида әмас, балки битта мамлакатда амалга оширилиши мумкин. революция албатта капитализм ўзининг юқори босқичи империализм босқичига кўтарилгандан сўнг амалга ошади, деган ғояларни илгари сурди. Ленин пролетариат диктатурасининг ядроси албатта коммунистик партия бўлиши лозим деган хуносага келди. Ҳозирги пайтда мутахассисларда Ленин ҳаётининг охирги йилларда ёзилган «сиёсий васиятлари» катта қизиқиш уйғотмоқда. Чунки агар Маркс социализмни «яхлит фабрика» деб номлаган бўлса, Ленин уни «кооператорларнинг цивилизациялашган қурилмаси» деб атаган эди ва уларни бозор шароитларида товар-пул муносабатларида на-мён бўлади деб ҳисоблаган эди.

Шу кунларда марксизм ҳам, ленинизм ҳам жуда кўп тарихчилар, файласуфлар, иктисадчилар ва ижтимоий фанлар вакилларининг қизғин мунозара объектига айланган.

Марксча-ленинча сиёсий таълимотнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларга қўпол равишда бузилган ҳолда тадбиқ этилиши натижасида ўз моҳият эътибори билан тўғри бўлган ва у ижодий жорий қилингандагина яхши, кутилган, ижобий са-маралар бериши муқаррар бўлган қудратли ғоявий-назарий қурол чаласавод сиёсий амалдорлар қўлида ишдан чиқди, барбод қилинди, обрўсизлантирилди. Кундалик оддий онг нуқтаи назаридан келиб чиқиб, жамиятшунос, файласуф, сиёсатшунос олимлар қаерда эдилар, нима учун улар сиёсатчиларга тўғри илмий-методологик қўлланмалар ишлаб чиқиб, етказмадилар деган савонни қўйиш ўринли бўларди, албатта. Мана шундай давр тараққиёти талабига жавоб бера оладиган сиёсий тавсиялар ва таклифлар ишлаб чиқсан олимлар, қатағон қилиниб, бу оқилона қўлланмалар дарҳол ҳалқдан беркитиб қўйилар эди ва унинг ўрнига ҳукмрон ҷаласаводларнинг беъмани, тутуриқсиз фикр-мулоҳазалари

марксча-ленинча ижтимоий-сиёсий тафаккурининг олий си-
фатли ҳосиласи, меваси, ютуғи сифатида кўкларга кўтари-
лар эди.

Субъектив тарзда, ғайриқонуний воситалар ёрдамида ўр-
натилган бундай сунъий қурилма бир кун эмас, бир кун ал-
батта қулаб, барбод бўлиши турган гап эди.

Эскириб, қотиб қолган, ҳаёт тажрибасида ўзини оқлама-
ган ижтимоий ғоялардан, ижтимоий қарашлардан қатъиян
воз кечиш ва ҳозирги реал воқелик моҳиятини акс эттиради-
ган ижтимоий таълимот жамият ҳақидаги янги назария за-
минида қурилиши мумкин эди.

Ижтимоий фалсафий ғоялар тараққиётининг ҳозирги замон босқичидаги қўринишлари.

XX аср ижтимоий тизимлар учун бўлгани каби ғоявий-фал-
сафий, дунёвий принциплар ва қадриятлар учун ҳам жиддий
синов давридир. Бизнинг асримизда марксча-ленинча дунёқа-
раш билан бирга бошқача, бизга номаълум бўлган дунёқа-
рашлар ҳам мавжудки, уларда ташқи оламга инсон ва жа-
миятга бошқача баҳо берилади.

1. «Умумий фаровонлик давлати» назарияси монополистик
капитализмни муқимлаштириш воситаси бўлмиш иқтисодиёт-
га давлатнинг фаол аралашуви назариясини инглиз иқти-
садчиси Д. Кейс (1883-1946) ишлаб чиқсан эди. Кейинчалик
унинг ғоялари қўпсоноли «умумий фаровонлик давлати» дас-
турлари учун асос бўлиб хизмат қилди. Бу дастурларни Ж. Мюрдалъ,
Ж. Стречи, А. Пуги, У. А. Робсон, Д. Нейл, К. Бо-
улдинг, С. Струми, В. А. Мунд ва бошқалар ишлаб чиқсан
эдилар. Улар иқтисодни давлат-монополистик бошқариш»
«ижтимоий яра»ларни, синфий қарама-қаршиликни бартараф
этишга олиб келади, деб ҳисоблайдилар. Аралаш иқтисодни
яратиш, давлатнинг фаол бошқариш роли ва ижтимоий хиз-
матлар сиёсати — булар айрим олинган юксак ривожланган
капиталистик мамлакатларда «умумий фаровонлик давлати»
нинг пайдо бўлишига ва ривожланишига, келажакдá эса бу-
тун «фаровонлик дунёси»нинг яратилишига олиб келади.
Уларнинг фикрларича, бундай шароитларда буржуа давла-
ти туб моҳияти билан қайта туғилади, ўзининг синфий ха-
рактерини йўқотади, бутун жамиятнинг, қолаверса, меҳнат-
кашларнинг қуролига айланади. «Умумий фаровонлик давла-
ти» нафақат монополистик капитализм балки, энг аввало,
социализмнинг муқобилидир.

2. «Турли фикрли демократия» назарияси. Агар «умумий Фаровонлик давлати» назарияси замонавий буржуа давлатининг иқтисодий ва ижтимоий фаолиятига қаратилган бўлса, «турли фикрли демократия» ёки сиёсий кўп фикрлилик асосан сиёсий ҳокимиятнинг буржуа-демократик тизимини кўриб чиқади. Ушбу назария вакиллари — Г. Ласки, М. Дюверже Р. Дарендорф, Р. Аллен, Р. Даль ва бошқаларнинг таъкидлашларича, ҳозирги замон капиталистик жамиятида синфлар йўқолиб кетди, улар ўрнида у ёки бу қизиқишларнинг муштараклиги натижасида пайдо бўладиган ўзаро ҳаракат қилювчи турли қатламлар фаолият кўрсатмоқда. Бундай қизиқишлар бир-бирига қарама-қарши эмас, балки келишувчандир. Уларни аниқлаш ва ҳаётга жорий этиш учун «тегишли манфаатдор гуруҳлар» ёки «тайзиқ гуруҳлари» ишбилармонлар уюшмалари, ишчилар, ўқитувчилар, врачлар ва бошқаларнинг касаба уюшмалари, диний уюшмалар, ватанпарварлик ташкилотлари ҳамда маданий ва спорт жамиятлари ва бошқалар ташкил этилмоқда. Уларнинг ҳаммаси ўз манфаатдарини таъсир этиш, сиёсий ҳокимиятга тазиқ ўтказиш йўли билан амалга оширишга ҳаракат қилмоқдалар. Ушбу назарияга мувофиқ ҳозирги шароитда демократик жамиятда сиёсий қарорлар қабул қилиш ўзаро ҳаракат натижаси, турли гуруҳларнинг рақобати натижасидир. Сиёсий ҳокимият ҳукумат ва ноҳукумат муассасалари ўртасида майдаланиб кетмоқда. Турли жамоат ташкилотлари, шу жумладан, меҳнаткашлар, дея таъкидлайди Г. Ласки, ҳокимиятни ҳукумат билан бўлишиб олдилар. «Турли фикрли демократия», сиёсий кўп фикрлилик тушунчасининг келиб чиқиши ҳам шундан. Ушбу назария тарафдорларининг фикрларича, кўпфикрлилик ёрдамида ҳокимият ўз маъноси билан умумхалқ ҳокимияти бўлиб қолади. Бундай ҳолда давлат зиммасига тури гуруҳлар — ҳам ишчилар, ҳам ишбилармонларнинг манбаатларини келиштирувчи қурол бўлиш вазифаси юкланади. Давлат рақобат қилювчи сиёсий гуруҳлар ўртасидаги бош ҳоким сифатида тасвирланади. У эркин сиёсий рақобат шартнарини муҳофаза қилиши лозим. Шу тариқа ушбу назария тарафдорларининг фикрларича, турли фикрли жамиятда давлат қандайдир бир синф ва қатламлар манбаатларини ифода этади.

3. Сараланиш назарияси. Ушбу назария тарафдорларининг фикрича, ҳар қандай жамиятнинг ижтимоий таркибида сарангсан одамлар (олий, бошқариш вазифасинн бажараётган

имтиёзли қатлам ёки қатламлар) ва одамларнинг қолган тоифаси бўлади. Платон, Корлейле, Ницшелар ушбу ғоя мұаллифлари эдилар. Бироқ сараланиш назарияси муайян фикрлар тизими сифатида XX асрда таркиб топди. Уни Моска (1856-1941), В. Паретолар (1848-1923) ишлаб чиқишиган. Ушбу назария тарафдорлари тарихий тараққиётни инкор этадилар; халқ мустақиллиги ғоясини танқид қиласидилар, тенгсизлиқни ҳаёт асоси деб ҳисоблайдилар.

4. Технократик назария («техника» грекча «кратос» — ҳокимият, ҳукмронлик сўзларидан олинган). Ушбу йўналиш тарафдорлари техник мутахассисларнинг сиёсий ҳокимиятини ўрнатиш зарурятини таъкидлайдилар. Бу иш бутун жамият манбаатлари йўлида, илмий билимлар базасида амалта оширилиши зарур. Техницистик ва сциенистик (лотинча) «сциентиа» — фан демакдир) қарашлар Д. Белл (1919 йилда туғилган), З. Бжезинский (1916 йилда туғилган), Г. Саймон (1916 йилда туғилган) ва бошқалар томонидан ривожлантирилган. Бўлажак жамиятни уларда турлича ном билан аташган (Саймон — «илмий бошқариладиган жамият», Д. Белл — «постиндустриал жамият»). Улар 50-60 йилларда ёз ўз башоратларининг амалга ошиш муддатини ҳам белгилаб қўйган эдилар. Шунга кўра технократларнинг ҳокимияти 70-80 йиллардан бошлаб фаолият кўрсатиши керак эди.

Улар 50-60 йилларда ҳозирги кун ва келажак ҳақидаги ҳаётбахш тасаввурда эдилар. 70-80 йилларга келиб жамият мисли кўрилмаган илмий-техник ютуқларга дуч келди, меҳнат унумдорлиги, қатор мамлакатлarda ҳаёт даражаси ўсади, бироқ муаммолар кўпайди, қарама-қаршиликлар кучайди. Шунинг учун кейинги ўн йилликларда технократизм тарафдорлари икки лагерга бўлиниб кетдилар. Шундай бўлса-да, ҳар иккала лагерь тарафдорлари илмий-техника тараққиётининг янги тўлқинига умид билан қарамоқдалар.

5. Яқинлашиш назарияси. Бу назарияни П. Сорокин, Ж. Гелбрейт, У. Ростоу, ва бошқалар олға суришган. Бу назария ғарб социологияси, сиёсий иқтисоди ва сиёсатшунослигининг асосий дастурларидан биридир. У ҳозирги даврнинг ижтимоий ривожланишида икки ижтимоий тузум — капитализм ва социализмнинг яқинлашишини назарда тутади. Бу «ара-лаш» жамият ҳар икки тузумнинг ижобий хусусиятлари ва хислатларини ўзида мужассамлаштириб туради.

Сўнгги вақтларда содир бўлаётган ўзгаришлар билан икки тузум ўртасидаги айrim қиёслаш нати-

каларини келтириб ўтиш қизиқарлидир. Бу ижтимоий ривожланишининг номарксистик назарияларнинг ҳаммасини ҳам инкор этиш түғри эмаслигини күрсатмоқда.

6. Фашизм сиёсий оқим сифатида биринчи жаҳон урушидан кейин пайдо бўлди. У империализмнинг энг реакцион ва тажовузкор кучларининг манфаатларини ҳимоя қилди. Унинг ўзига хос хусусиятларидан бири — меҳнаткашлар манфаатларини бостириш учун куч ишлатиш, ирқчилик, иқодни бошқаришда давлат монополистик услубларидан фойдаланиш, жамият ва кишиларнинг шахсий ҳаётда содир ўлаётган барча кўринишларини назорат қилиш ва бошқардир.

Фашизм ўз фаолиятида реакцион таълимот ва назариядан фойдаланиш тизимини олға сурди. Фашизм мафкураси деб аталмиш бу ирқчилик ғояларини, демократияга қарши дастурларни, антисемитизм, янги сиёсат, пангерманизм ва бошқа қараашларни Ницше, Шпеглер, Жийтмле каби мафкурачилар ишлаб чиқишиган.

Фашистлар мафкурасининг асосини ирқий тенгсизлик, тохийлик, давлат машинасининг ҳар жиҳатдан ҳукмронлиги, шахс ҳуқуқларини менсимаслик ва бошқалар ташкил илади. Бу ғоялар Гитлернинг «Менинг курашим» («Майн Кампф»), 1925 йил, китобида ифодалаб берилди.

Фашистлар Германиясининг тор-мор келтирилиши фашизм назариясига қақшатқич зарба берди.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг бошланган «совуқ уруш» муносабати айрим капиталистик давлатлардаги тажовузкор кучларининг, фашист унсурларининг жонланишига одиб елди. Ҳозирги шароитларда фашист кучлари янги кўришига эга бўлиб, ўтмиш хатоларини такрорламасликка ҳаракат қилмоқдалар. Шунинг учун замонавий фашизм ҳақида гапирганда, неофашизм — янги фашизм атамасини иштишади. Бу кучлар айни пайтда аҳолининг кам таъминланган қатламиининг қўллаб-қувватлашига умид боғламоқда.

Бундан ташқари, ҳозирги дунёда яна кўпгина ижтимоий ривожланиш оқими ва дастурлари мавжуд. Улар ҳақида ушбу курснинг аниқ масалаларини кўриб чиқиши чоғида ҳисоя қилинади.

Саволлар ва топшириқлар:

1. Фома Аквинскийнинг ижтимоий қараашлари тўғрисида гапириб беринг?

2. **Макиавелизм нима?**
3. Томас Мюнцернинг инсон ва жамият ҳақидаги қарашлари ҳақида нима биласиз?
4. «Утопия» деган асарни ким ёзган?
5. «Қуёш шаҳри» деган асар автори ким ва унда нима ҳақда гап боради?
6. Т. Гоббснинг инсон ва жамият ҳақидаги қарашларини айтиб беринг.
7. Ш. Монтескьенинг ижтимоий қарашлари ҳақида нима биласиз?
8. Ж. Ж. Руссонинг инсон ва жамият ҳақидаги қарашлари тўғрисда гапириб беринг.
9. Ф. Вольтер ким бўлган?
10. Г. Мабли ким эди?
11. Мореллининг ижтимоий қарашлари тўғрисида нималарни биласиз?
12. К. Маркснинг ижтимоий қарашлари тўғрисида гапириング.
13. Марксизмнинг тарихий тақдирини ҳақида нималар дея оласиз?
14. В. И. Ленин ва ижтимоий тараққиёт?
15. Умумий фаровонлик давлати назарияси ҳақида нималарни биласиз?
16. «Турли фикрли демократия» нима?
17. Сараланиш назарияси ҳақида нималарни биласиз?
18. Технократик назарияларнинг моҳияти ҳақида гапириб беринг?
19. Яқинлашиш назарияси ҳақида гапириб беринг?
20. Фашизм назарияси сизнингча тўғри назариями?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Фалсафа тарихидан қисқача очерклар. Москва, «Мисль», 1971, 110-112 бетлар (рус тилида).
2. Шарипов Ф. Ш. Сиёсатшунослик. Тошкент, «Ўзбекистон», 1992, 37-50 бетлар.
3. На пути к современной цивилизации. Москва, «Просвещение», 1992, 32-38 бетлар (рус тилида).
4. И. Соифназаров, А. Ҳукумов. XX асрда жамиятшуносликни ривожлантириш. «Маърифат» газетаси. № 44, 25 апрель 1992 йил.

II БУЛИМ. ЖАҲОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ ТАРАҚҚИЁТИ.

Кириш қисми: Цивилизация ҳақида тушунча.

1 боб. Цивилизация тараққиёти босқичлари.

Цивилизация — ижтимоий тараққиёт, моддий ва маънавий маданиятнинг эришилган даражаси умумий характеристикасидир. Цивилизация ўз ичига ижтимоий онг, меҳнат қилиш ва ўзаро муносабатлар маданияти, жамиятдаги ҳукмрон аҳлоқий қоидалар ва маънавий қадриятлар ҳамда анъаналарни олади.

Хозирги пайтда амалга оширилаётган жамиятни қайта қуриш инсоният цивилизацияси эришган барча моддий-техникавий, сиёсий ва маънавий ютуқлардан изчил равишда фойдаланиш лозим. Янги шароит талабларига мос равишда сиёсий ҳаётни демократлаш, маънавий-аҳлоқий қадриятларни вужудга келтириш, меҳнаткашлар маънавий маданиятини ошириш талаб этилади.

«Маданият» тушунчаси билан «цивилизация» тушунчаси ўртасида фарқни эътиборга олмасдан уларни бир хилда тушуниш ҳам мақсадга мувофиқ эмас, албатта. Маданият билан цивилизация узвий алоқада бўлади. Лекин «цивилизация» ҳам маданиятни ифодалайдиган тушунча бўлса-да, улар ўртасида фарқ бор. Цивилизация — инсон ва жамиятнинг маданий ўзгартирувчилик фаолиятининг моддий ифодасига тегишли барча шакллар ва турларнинг мажмуи.

Цивилизация тушунчаси қатъий маънода инсон ўзгартирувчилик фаолиятининг натижаларини ифодалайди. Бу натижалар фақат моддий неъматларни, инсоният жамиятнинг яаш асосларини барпо этишдан иборат эмас. Илмий билимлар, фалсафий таълимотлар, ғоялар партиялар, ижтимоий ҳаракатлар орқали моддийлашиб реал қучга, маданий омилга, ўзгартириш воситасига айланади.

Цивилизациянинг хилма-хил турлари мавжуд. Буларга қадимги цивилизация, Шарқ ва Гарб мамлакатлари цивили-

зациялари, ҳозирги жаҳон цивилизацияси ва бошқа шу кабилар мисол бўлади. Ҳозирги шароитда жаҳонда инсоннинг цивилизация ноз-неъматларини яратувчи, улардан фойдаланувчи сифатида роли ва аҳамияти ошиб бормоқда. Бу мустақил Ўзбекистон жамиятига ҳам бевосита тааллуқлидир.

Ҳозирги пайтда баъзан цивилизация ва ижтимоий-иктиносий формациялар тушунчаларини ўзаро қарама-қарши қўйиш ҳоллари содир бўлмоқда. Аслида уларниң ҳар иккаласининг ҳам ўз ўрнида қўллаш маъқул бўлур эди. Кишилик жамияти ривожланишининг муайян босқичини, ишлаб чиқариш усулини англатадиган, жамиятни ўтмишдан келажакка томон тўхтовсиз илгарилаб боришини билдирадиган ижтимоий-иктиносий формацияни цивилизация билан ўзаро тенглаштириш ҳам, қарама-қарши қўйиш ҳам илмий-фалсафий қарашга зиддир.

Варварлик дунёси.

Инсоният жамияти дейиладими, ёки бошқача номланадими ҳозиргача тарихга, умуман фанга жуда кам маънода маълум бўлган инсоният ҳаётининг ёввойилик даврини шартли равишда уч қисмга бўлиш мумкин бўлади. Улар энг қадимги, ўрта ва кейинги ёввойилик давларига ва ана шуларга қараб туриб жамият ҳолатини уч қисмга: энг паст ёввойилик, ўрта ёввойилик ҳамда ёввойиликнинг олий давларига бўлиш мумкин бўлади.

Худди юқоридағидай инсоният жамиятнинг варварлик даврини ҳам уч даврга бўлиш мумкин: қадимги варварлик, ўрта варварлик, кейинги варварлик давлари, буларда ҳам жамиятнинг ҳолати учга бўлинади: энг паст варварлик жамияти, ўрта варварлик жамияти ҳамда варварлик жамиятнинг юқори босқичи. Ер шарининг ҳамма минтақаларида ана шу давларнинг мутлоқ бўлиб ўтганлиги, ёки тараққиёт даражаси мутлоқ бир хил бўлганлиги ҳақида бирор фикр айтиш анча қийин.

Ёввойиликнинг қуий босқичи. Бу давр инсонни гўдаклик жараёни билан бошланиб инсон ҳаётида балиқдан тайёрланган овқатни истеъмол қилиш ҳамда оловни кашф этилиб ундан фойдалана бошланган давр билан тугайди. У пайтда инсоният мевалар ва ёнғоқлар билан овқатланиб ўзининг бирламчи чегараланган яшаш жойида ҳаёт кечирган. Мана шу даврда тил келиб чиққан.

Ёввойиликнинг ўрта босқичи. Бу босқич инсонни балиқдан қилинган овқатни таниноввул қилган ҳамда оловдан

фойдаланишни яхши ўрганган, инсон худди бу босқичда ўқ ва ёйни ихтиро этди. Мана шу босқичда инсоният ўзининг чегараланган яшаш жойидан ер шарининг кўпгина томонлариға тарқалиб яшай бошлади. Ана шу ўрта босқич ёввойилик даври инсонлари вакилларидан уларни қашф этилгунча австралийцлар ва полинезиянинг катта қисми сақланаб қолган.

Инсоният ёввойилик ҳаётининг юқори босқичи. Бу босқич ўқ ва ёйни қашф этишдан бошланиб кулолчилик саноатининг, яъни ҳунармандчилигининг келиб чиқиши билан тугайди. Инсон ёввойилик ҳаётининг юқори босқичида яшаганлардан атапаск қабиласи, гудзон қўлтиғи қабиласи ҳамда Колумбия водийсида яшаган қабилалар, Шимолий ва Жанубий Америкага яқин жойларда яшаган қабилалар ёввойиликнинг юқори босқичи даврига хос қабилалардир. Шу билан инсоният ёввойилиги босқичи тугади.

Варварликнинг ўрта босқичи. Бу босқич шарқий ярим шарда ҳайвонларни қўлга ўргатиш, ғарбий ярим шарда ўсимликларни суғориш воситасида етиштириш, қурилишда хом ғиштдан, тошдан фойдаланишдан бошланди. Унинг охирида эса темир рудасини эритиш қашф этилган.

Варварликнинг юқори босқичи. Бу босқич инсоният яшаш тарзининг бошланиши темирни ишлашдан бошланиб, у фонетик алфавитни қашф этилиши ҳамда хатнинг адабий асарларда ишлатилиши билан тугади. Худди мана шу нуқтадан инсоният цивилизацияси бошланади. Мана шу босқичда грек қабилалари, гомер давридаги, Цезар давридаги Рим ва Герман қабилаларигача бўлган итальян қабилалари ҳам ана шу босқич маҳсулидирлар.

ҚАДИМГИ ШАРҚ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ.

Гарб бу Фарбдир, Шарқ эса Шарқдир.
улар ҳеч қачон учрашмас.

Фақат Оллоҳу Таолонинг оёғи остида
Қиёмат қойим куни учрашурлар.

Бу сатрлар муаллифи англиялик ёзувчи Редъяд Киплинг (қаламига у 1865-1936 йилларда яшаган) мансубдир. Ҳозиргача бу сатрларга дунё афкор оммаси ҳаяжон ва дикқат билан қарайдилар. Айримлар Киплинг билан Шарқни Farb билан ҳеч қачон келиша олмаслигига фикрдош бўлсалар, бошқалари бу фикрга қарши бўлиб, Шарқ европалашмоқ-

да, Фарб эса Шарққа күпроқ қизиқиши билан қарай бошлади, деб ҳисобламоқдалар. Масалан, Фарб Шарқнинг фалсафаси, санъати, тиббиётига катта қизиқиши билан қараб уни ўрганишга ҳаракат қилаётгани ҳақида кўп гапира бошладилар.

Ўрта Осиё цивилизациясининг ўзига хос жусусиятлари.

Ўрта Осиё инсоният оламида жуда қадимдан цивилизация ривожланган, тарихи бой минтақалардан биридир. Бу муқаддас заминда одамзоднинг илк аждодлари фаолиятидан гувоҳлик берувчи кўпгина материаллар топилган. Яқин кунларгача фанда Тешик тош ғоридан топилган неандертал даври одамининг қолдиқларига асосланган ҳолда Ўрта Осиёда энг қадимги аждодларимизнинг излари 80-100 минг йиллик тарихга эга, деган тасаввур мавжуд эди. Бироқ кейинги йилларда Жанубий Қозогистонда, Тожикистонда энг қадимги аждодларимизнинг излари топиб ўрганилди. Шунингдек, археологлар Тошкент вилоятида (Кўлбулоқ) ва Фарғона водийсида (Селенгур) археологик қазишмалар ўтказиб, одамзоднинг Ўрта Осиёдаги илк фаолияти ашель даврига (яқин бир миллион йилга) тегишли эканлигини аниқладилар. Эндиликда Ўрта Осиё ҳудуди жаҳонда одамзоднинг илк аждодлари макон топган минтақага киради. Бу кашфиёт ўзбек археологларининг жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган муносиб ҳиссасидир.

Ибтидоий аждодларимиз дастлаб табиатнинг тайёр нознеъматларини истеъмол қилиб, кун кечирдилар. Кейинроқ эса табиат сирларини ўрганиши туфайли бир вақтнинг ўзида деҳқончилик ва чорвачиликни кашф этдилар. Бу кашфиёт одамзодни табиат қуллигидан абадий озод қилди. Бу воқеалар ибтидоий жамоа тузумининг неолит (янги тош) даврида содир бўлди. Инглиз олими Г. Чайлл инсониятнинг бу буюк кашфиётини «неолит даври инқилоби» деб атаган эди.

Бу инқилобий ўзгаришлар Ўрта Осиёнинг жанубий районларида яшовчилар милоддан аввалги V минг йилликда (Жойтун маданияти) маркази ва шимолий районларида эса милоддан аввалги III минг йилликда (Қалтамиор маданияти) содир бўлди. Деҳқончилик хўжалиги ўз навбатида ҳунармандчилик қатор соҳаларининг ривожланишига замин яратди ва улар асосида қадимги Шарқ цивилизациясининг минтақалари қарор топди. Кишилик жамиятида рўй берган бу инқилобий ўзгаришлар дастлаб буюк Нил, Евфрат, Дажла, Ҳинд ва Хуанхе дарёлари ҳавзаларида юз берди. Бу минтақаларда

милоддан аввалги IV—III минг йилликларда қадимги Миср за Месопотамияда, Ҳинд ва Хитой қулдорлик давлатлари асос берган Махонжо доро Ҳараппа ва Яншо маданиятлари ташкил топди. Кишилик цивилизациясининг илк бор кўриништари қарор топган бу минтақалар бутун инсоният оламининг келажак тараққиётидаги ўзининг маданий ва хўжалик ахтирочилик ролини ўйнади. Ўрта Осиё ўзининг бой тарихи за маданий дунёси билан ана шу қадимги Шарқ цивилизацияси тизимида ривожланиб борди.

Кейинги 30-40 йил ичидаги археологлар Жанубий Туркманистонда қадимги Шарқ цивилизациясининг янги ўчоқларини очиб ўргандилар. Анов ёки Номозгоҳ маданияти номи билан узоқ ўтмиш цивилизациясидан муҳим ўрин олган бу «ўчоқ»лар Ўрта Осиё ҳалқларининг жаҳон цивилизациясига қўшган беназир ҳиссасидир. Туркманистоннинг қадимги деҳқончилик маданияти таъсирида милоддан аввалги II минг йиллик ўрталарида Ўзбекистоннинг жанубий вилояти бўлмиш Сурхондарё ҳудудида Номозгоҳ маданиятига ўхшаш Сополлитепа маданияти таркиб топди. Қадимги Шарқ цивилизациясининг янги ўчоғи-қадимги Бақтрия дунёси шаклланди.

Қадимги Бақтрия ва Сўғдиёна, Парфия ва Марғиёнада Сронза даврида ёқ (милоддан аввалги II минг йилликда Ефрат ва Дажла ҳамда Ҳинд дарёлари ҳавзаларида ташкил топган қадимги қулдорлик шаҳар давлатлари билан бир қаторда турган илк шаҳарлар вужудга келди.

Жанубий Ўзбекистонда олиб борилган археологик илмий-тадқиқот ишлари натижасида қадимги шаҳар маданияти, ўзининг чуқур маҳаллий илдизига эга эканлиги исботланди. Қадимги Бақтрия ҳудудида илк бор бронза даврига оид ипакчилик ва пахтачиликка оид ашёвий далиллар ҳамда оташпарастлар ибодатхонаси топилди.

Кушонлар салтанати даврида Ўрта Осиёning ҳалқаро мавқеи кучайди. У Шарқ билан Фарбни бир-бири билан боғлаб турувчи иқтисодий ва маданий кўприкка айланди, яъни Хитойдан Ўрта Осиё орқали Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатларига ва улардан Юнонистон, Рим, Византия империясига олиб борувчи «буюк ипак йўли» ўтар эди. Ипак йўли муносабати билан Ўрта Осиёning ҳалқаро ўрни шу даражада ошдикӣ, бу заминнинг сўғдий аҳолиси ипак йўли билан боғлиқ бўлган барча ташаббусни ўз қўлларига киритиб, то илк феодал даврига қадар сўғдий тил жуда кенг географик доирада жаҳон савдо тили даражасига кўтарилиди. Ипак йўли

муносабати билан Ўрта Осиёнинг меъморчилик санъатига Юнонистон ва Рим руҳи кириб келди, деҳқончилик хўжалиги ривожланган вилоятларда ўнлаб, юзлаб қадимги шаҳарлар қад кўтарди. Бироқ IV асрнинг иккинчи ярмида кушонлар салтанати инқирозга юз тутди. Аммо ҳудди ана шу давр жаҳон цивилизация тарихига буюқ ипак йўлининг пайдо бўлиши билан кирди.

Милоддан аввалги II асрга келиб Ўрта Осиёда Қовунчи, Жети асар маданиятлари юзага келди. Жети асар маданияти-нинг шаклланиши Ўрта Осиёнинг қадимги Эрон тиллари муҳитига туркий этник қатламнинг фаол кириб келишнни эслатади ва бу жараён биргина Сўғд, Хозам ва Бақтрия қишлоқларидагина эмас, балки улар ҳудудида жойлашган шаҳарлар ҳаётида ҳам сезила бошлади. Энди бу ўлкада икки тиллилик тарихий ҳақиқатга айланди. Сўғд дунёсида туркий этник қатлам кучайди, кўп жабҳаларда етакчи рель ўйнай бошлади. Туркий тилли қабила ва элатларнинг гуруҳ-гуруҳ, қабила-қабила бўлиб, икки дарё оралиғига кириб келиши доимий анъанага айланди. Икки ҳалқнинг бир-бирига яқинлашуви иқтисодий ва сиёсий манфаат нуқтаи назаридан ҳам ҳаётий эҳтиёжга айлана борди. Маҳаллий аҳолининг хўжалик юритишдаги ютуқлари ва уларнинг илғор маданияти таъсирида кўчманчи қабилалар мунтазам суратда ўтроқлашиб борди, Ўрта Осиёнинг ilk феодализм даври цивилизация дунёсини яратишда фаол иштирок этдилар.

Биз цивилизация тарихининг айрим лавҳалари ҳақида эслар эканмиз, табиий равишда Ўрта Осиё ҳалқларининг энг қадимги цивилизация тарихи жаҳон цивилизация тарихининг ажралмас қисми эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қиласмиз.

Дарҳақиқат, Ўрта Осиё цивилизацияси ҳам ўзининг кўп асрлик мураккаб тарихида бутун жаҳон ҳалқлари бошидан кечирган жамият ижтимоий-иктисодий ривожланишининг асосий босқичларини босиб ўтди. Унинг тараққиёт йўлида содир-бўлган босқинчилик урушлари, қирғинлар ва бошқа ёвузликлар меҳнаткаш ҳалқ иродасини синдира олмади. Ҳалқ у жангларда чиниқди, асрлар сари янги-янги кучлар тўплаб, тараққиёт томон интилди.

Оташпастлик динининг қадимги муқаддас китоби бўлган «Авесто» Ўрта Осиё цивилизацияси ривожида катта роль ўйнагац. Риеоятларга кўра македониялик Искандар Эрон ва Ўрта Осиёни босиб олган вақтда «Авесто»нинг энг қадим-

ти нусхаларини ёндириб юборган. Бизгача етиб қелган «Авесто» матни сосонийлар подшоси Шопур II даврида тузиленган бўлиб, унда Ўрта Осиёнинг қатор вилоятлари эслатиб ўтилади ва ўша давр цивилизацияси ривожи ҳақида маълумотлар берилади.

Шундай қилиб, юқоридагилардан қисқача хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Ўрта Осиёнинг қадимги даври цивилизацияси шаклланиши ўзига хос хусусиятга эга эканлигини кўрамиз. Агар Фарб цивилизацияси қадимги Юноистон ва Римдаги қулдорчилик тузуми даврида содир бўлган дейдиган бўлсак, ана шу даврда Ўрта Осиёда таркиб топган Юнон-Бактрия, Парфия, Қанг, Даван давлатлари классик қулдорлик давлатлари эди, дейишга академик А. Асқаровнинг фикрича ҳозирча етарли асос ва материаллар етишмайди. Уларнинг ижтимоий-иқтисодий асоси эркин жамоа ер хўжалиги доирасида қурилган эди. Шунинг учун ҳам Ўрта Осиёнинг цивилизацияси қадимги дунё патриархал қулчилик ҳаракетидаги давлатда шаклланди десак янгишмаймиз.

Ўрта Осиё цивилизациясининг яна бир хусусияти шундан иборатки, антик дунёнинг юксак ривожланган жамияти шароитида Юноистон ва Римда маданият ўзининг энг юқори нуқтасига кўтарилди. Бу юксаклик, айниқса, фалсафа, адабиёт, тасвирий санъат ва меъморчилик соҳаларида намоён бўлди. Аммо Ўрта Осиёда бу юксакликни маданиятнинг ҳамма жабҳаларида кўрмаймиз. Эҳтимол, араблар Ўрта Осиёни босиб олган кезларда юксак маданият дурдоналарини, фалсафа, адабиёт, фалакиёт, табобат ва бошқа дунёвий билим қаламкашларининг ёзма меросини ёндириб юборгандир. Чунки милоддан аввалги VI—II асрлардан бошлаб ўз ёзувига эга бўлган Парфия, Хоразм, Бақтрия ва Сўғдиёна халқи наҳотки ўз ораларидан Хоразмий ва Берунийларни, Рудакий ва Ибн Синоларини етиштирмаган бўлса, йўқ улар бор эди. Шафқатсиз Қутайба бинни Муслим лашкарлари хонадонларга ўт қўйиб, ўқимишли аҳоли вакилларини тинтиб топиб, жаллод қиличига ҳукм қилганликлари ва уламо-фозиллар асарларини ҳар бир шаҳар бозори майдонида куйдириб юборганликлари ҳақида машҳур аллома Абу Райҳон Беруний куйиниб ёзганку.

Тасвирий, меъморий ва ҳайкалтарошлик санъати Ўрга Осиёда Юноистон ва Рим цивилизацияси ривожидан қолишмади. Бу борада Юноистон ва Ўрта Осиё цивилизацияси уйғуналашиб, ўзига хос юксак санъат асарлари яратилди. Бу

жараён айниқса, Парфия ва Бақтрияда, Сўғдиёна ва Марғиёнада, Хоразм ва Чочда ўз аксини топди. Бу асарлар тош ва терракотадан ясалган бўлса-да, бизгача етиб келди. Масалан, антик дунёнинг юксак цивилизациясига хос II—III асрларга оид Фаёзтепа будда мажмуудаги тасвирий санъат на- муналари тошдан қилингани учун яхши сақланган. Бироқ антик давр ёдгорликларига хос санъат асарларининг акса- рият кўпчилиги Ўрта Осиёга хос хом ашё — лойдан қилин- ганилиги учун замонлар ўтиши билан ер қаърига сингиб кет- ди. Бу хулоса, айниқса меъморий иншоотлар ва уларнинг лойдан ишланган безакларига тегишлидир.

Антик давр мулкчилиги ва қулдорлик ишлаб чиқариш му- носабатлари ривожланишнинг чекланган имкоњиятига эга эди. Қўл меҳнати унумдорлигининг чекланганлиги, қуллар- нинг ўз меҳнатидан манфаатдор эмаслиги қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчиликда кескин юксалишлар бўлишини таъми- лай олмади. Қулдорлик тузуми инқирозга юз тутди. Бу та- рихий ҳақиқат Юнонистон ва Римда юз берди. Аммо бу ҳо- латнинг Ўрта Осиёда қандай тарзда ўтганлиги ҳозиргacha ака- демик А. Асқаров таъбирича муаммо бўлиб қолмоқда. Тўғ- ри, С. П. Толстов ўз назарий қарашларida Ўрта Осиё шаро- итида юз берган қулдорлик тузумини асослаш йўлида кўп изланишлар қилган Ҳатто, у IV—V асрларда Ўрта Осиёда қулчилик жамияти чуқур инқирозга учради ва у ўз ўрнини феодал жамиятга бўшатиб берди, деган гояни ўртага таш- лади. Бироқ ҳозиргacha Ўрта Осиёда қулдорлик жамияти билан феодал жамияти ўртасидаги чегара аниқ эмас. Ўрта Осиё шароитида юз берган феодал муносабатларнинг шакл- ланиши жуда секинлик билан тинч ва осойишта, ҳеч бир қул- лар қўзғолонисиз феодал ер эгалигининг ёрқин намоён бўлган унсурларисиз юз берди. Шунинг учун Узбекистон та- рихида бу икки жамият ўртасидаги чегара деб V аср шартли равища олинган.

Қадимги Ғарб цивилизациялари.

Бошқа қадимги цивилизацияларнинг аҳамиятини инкор этмаган ҳолда шу нарсани тан олишимиз керакки, Европа мамлакатлари ҳамда халқларига қадимги Юнонистон ва эллин давлатлари, қадимги Рим ўзига хос таъсирин кўрсат- дилар. Улар нимаси билан инсоният цивилизациясини бойит- дилар? Нега улар ҳақида асрлар давомида маълумотлар сақ- ланиб қолмоқда?

Эрамиздан олдинги VIII—VI асрларда шундай ижтимоий иқтисодий, сиёсий шарт-шароитлар ривожландик, улар бошқа цивилизациялардан фарқли ўлароқ, классик қуллик, пул муомаласининг ўзига хос тизими, бозор, полис — сиёсий ташкилотнинг асосий шакли, ҳалқнинг мустақиллик ҳақидаги ғояси, давлат бошқаришнинг демократик шакли қадимги юон цивилизациясининг ўзига хос ҳусусияти эди. Ана шу пайтда антик оламга таъсир кўрсатган ахлоқнинг асосий принциплари, эстетик идеаллар ишлаб чиқилди. Яна бир асосий нарса худди мана шу пайтда антик маданиятнинг асосий элементлари — фан ва фалсафа, адабиётнинг асосий жанрлари, театр, ордерли меъморчилик, жисмоний тарбия пайдо бўлди. Қишлоқ хўжалигига темир қуроллардан фойдаланиш воситасида ишлаб чиқариш унумдорлигини ўсиши ортиқча меҳнат маҳсулотининг пайдо бўлишига олиб келди. Қишлоқ хўжалигидан жуда кўп одамларнинг озод бўлиши ҳунармандчиликнинг кенг кўламда ривожланишига олиб келди. Қишлоқ хўжалигининг ҳунармандчиликни ривожланишига туртки бўлиши улар орасида доимо ўзаро товар алмашишни пайдо бўлишига, бу эса ўз навбатида бозорнинг пайдо бўлишига олиб келди. Бозорга Юнонистоннинг ҳамма район ва областларидан товарлар олиб келина бошлади. Савдонинг ривожланиши шундай маҳсулотни пайдо бўлишига эҳтиёж сездик, у ҳамма товарлар орасида эквивалент бўлиши керак эди, чунки у бошқа товарга, маҳсулотга тезда алмашиши керак эди. Ана шундай эквивалент вазифасини пул бажара бошлади. Биринчи пайтларда пул вазифасини ҳайвон бажарди, кейинчалик — металл тангалар бажарадиган бўлди.

Уша пайтда Юнонистон ҳали яхлит бир давлат бўлмаса ҳам полис давлатлар ҳалқлари ўзларини бир ҳалқ деб англадилар ва биринчи бўлиб улар эрамиздан олдин 776 йилда Олимпия ўйинларини ўтказа бошладилар, унга фақат эллинлар қатнаша олардилар холос. Қадимги юон жамиятида колективизм ҳиссиёти шаклланди.

Уша пайтдаги алифбо хатининг яратилиши юон маданиятининг яна бир буюк ютуғи бўлди. Финикий алифбосидан ўзгартириб юонлар алифболарини яратдилар. Ўқитиши тизимининг демократлашуви Юнонистоннинг озод кишиларини тўлиқ билим олишига, ёзувдан фойдаланишига, ахборотлар алмашишга, адабиёт намоёндалари ва олимларнинг асарлари билан танишиш имконини берди.

Мифологик дунёқарашдан тубдан фарқ қилувчи фалсафанинг пайдо бўлиши оламни ва инсонни ўрганишда, билишда принципиал янги уфқларни очиб берди ва Европа маданиятининг ривожланишида алоҳида аҳамият касб этди.

Полис фуқаролар жамоаси бўлиб, унинг ўзига хос хусусияти жамоачилик характеристига эгалиги эди. У ўзининг қатор белгилари билан уруғчилик, ҳудудий жамоалардан фарқ қиласи лар эди. Унинг асосида антик даври мулкчилик шакли ётарди, яъни мулк бир вақтнинг ўзида ҳам давлатники ҳам хусусий эди. Ишлаб чиқариш воситаларига жамоани ким тўла ҳуқуқли аъзоси бўлса, ўша эгалик ҳам қиласиди. Ерга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш Олий ҳуқуқига фақат фуқаролар колективи (жамоаси) нинг ҳақи бор эди. Фуқаролар ҳуқуқлари ва ерга эгалик қилиш ҳуқуқига эгалик ўртасидаги ўзаро алоқа ва ўзаро муносабат ҳамма фуқароларнинг тенг ҳуқуқли эканлигини келтириб чиқарди.

Полисларда турлича бошқариш органлари бор эди, аммо кўпгина полисларда халқ мажлиси Олий орган ҳисобланар эди. Охирги қарорни халқ мажлислари қабул этарди.

Полиснинг яна бир хусусияти сиёсий ва ҳарбий ташкилотнинг бир кўринишда мужассамланишидир. Фуқаро мулкдор бир вақтнинг ўзида жангчи ҳам эди, у полисни ва ўзининг мулкини ҳам кўриқларди.

Полиснинг иқтисодий асоси ерни ишлашга, чорвачиликка, боғдорчилик ва узумчиликка таянار эди. Хўжалигининг асосий ғояси автаркия (яъни ўз-ўзини таъминлаш ғояси)га асосланарди. Маҳсулотларнинг ортиқчаси бозорда сотиларди.

Шундай қилиб полис сиёсий, иқтисодий, ҳарбий вазифаларни бажаарди. Полиснинг асосий принциплари манбаида полис бойликлари тизими яратилганди.

Ана шу пайтда қулликнинг классик типи пайдо бўлди. Масалан, Афинада қул на фақат мулк эгаси бўлолмас, айни пайтда ўз ҳўжайинига қарашли гапиравчи қурол, восита эди. Қуллар тирик товарлар эдилар.

Қадимги эллин цивилизациясига Шарққа юриш қилган Искандар Зулқарнайн (Александр Македонский). Эллинизм цивилизациясининг таъсири жуда катта, кенг ҳудудга — Фарбий ва Шарқий Европагача, Олд ва Марказий Осиёга, Шимолий Африкага ёйилди. Бу ерда меҳнат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, савдо-сотиқ ривожланди ва уларни алмашиш ҳам кучайди. Александр Македонский даврида биринчи олтин тангалар зарб этила бошлади.

Эллинизм цивилизациясининг ана шу ютуқлари Византия империяси, араблар томонидан мерос қилиб олинди ва умум-инсоний маданиятнинг олтии фондига кирди.

Қадимги Рим цивилизациясининг қадриятлари. Бир гуруҳ олимлар Рим қадимги цивилизацияга ҳеч қандай таъсир кўрсатмади, антик давр инқизорини ўзида акс эттири деб ҳисобласалар, яна бир гуруҳ олимлар эса Рим — ўзига хос цивилизация, рим фуқаро жамоасида ўзига хос қадриятлар тизимиға эга бўлган эди, деб ҳисоблайдилар. Бу қадриятлар қандай қадриятлар эди?

Қадимги римликлар қадриятлар тизими асосида ватанпарварлик ётади, рим ҳалқи тасаввурида худо танловчилик асосий хусусиятдир. Рим ватанпарварлиги олий қадрият сифатида, фуқаронинг асосий бурчи эса ана шу худотанловчиликка хизмат қилишдан иборат бўлган.

Фуқаро ана шу юқоридағи қадриятларга муносаб бўлиш учун мард, иродали, ҳалол, вафодор, меҳр-оқибатли, темир интизомга бўйсенишга, мойил, уруш пайтида, тинчлик даврида қонун ҳокимиятига, оталар анъаналарига садоқатли, ўртача турмуш тарзига эга бўлган бўлиши лозим.

Рим ҳуқуқи бир неча асрлар мобайнида шаклланди. Унда ҳуқуқий нормалар, хўжалик ва мулкий муносабатларнинг бошқаришни таъминлайдиган қонунлар тизими шаклланди. Сиёсий ҳаёт жараёнида антик цивилизациялар тизимида биринчи бўлиб Римда нотиқлик санъати шакллана бошлади. Рим нотиқлик санъати ўзининг энг юқори чўққисини Цицерон асарларида (106—43 й.й. эрамиздан олдин) кўрди. Бизгача Цицероннинг 50 га яқин нутқлари сақланиб қолган. Цицероннинг риторика (нотиқлик санъатига) назариясига бағишлиланган асарлари ҳам сақланиб қолган.

Кейинчалик Рим цивилизацияси ҳам инқизорзга юз тутди, порахўрлик, сунистеъмолликлар, сиёсий фитналар, бойиш учун жонини жабборга бериш, зулмкор ва қонли фуқаролик урушлари, мансабпаратлик, босқинчилик, жосуслик, чақимчилик Римга варварлар қабиласининг ҳужуми натижасида кучайди ва Рим қулади, аммо бу хусусиятлар римликларнинг вафодорлик қадриятлари аҳамиятини пастга ура олмади.

Қадимги цивилизациялар ҳақидаги қарашларга хотима ясаётуб буюк Рим нотиғи Цицероннинг қўйидаги сўзларини эслаш ўринли бўлур эди: «Сен тугулгунингча нималар бўлганини билмаслик — демак доимо гўдаклигингча қолишидир».

ҮРТА АСРЛАРДАГИ ЕВРОПА ВА ОСИЁ ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАРИ.

Үрта аср Европа цивилизацияларини пирамидага үхшатишади, унинг энг пастида деҳқонлар туради. Чунки үрта аср цивилизациялари Европада ҳам Осиёда ҳам феодализм ижтимоий-иктисодий формацияси даврига түғри келди. Нима учун тадқиқотчилар үрта аср цивилизациясининг энг қўйисига деҳқонларни қўйишади, чунки ўша пайтда жамиятда энг асосий ишлаб чиқарувчи куч деҳқонлар эди. Айни пайтда деҳқонлар жамиятнинг ҳақ-хуқуқсиз қисми эдилар. Жамиятнинг юқори қисми эса деҳқонга ҳурмат билан қарамас эди. Деҳқон үрта асрларда ҳурмат қилинмади. Тенглик ғояси деҳқонлар учун ёт эди. Деҳқон феодални қанчалик ёмон кўрган бўлса, шунчалик уларга пастдан юқори томон қарап эди, чунки феодал деҳқонни ҳимоячиси эди. Қўйидаги мақол ҳам жуда камдан кам ишлатиларди: «Одам ото ер ҳайдаганда, Момо ҳаво тўқийди — ҳокимлар қаерда қолди?».

Рицарлик. Христианлик дини қуролга, айниқса қиличга варварлардек таъзим этишга янги маъно баҳш этди. Энди қиличининг дастасига христианларнинг муқаддас белгилари тасвирлаб қўйиладиган бўлди. Шу тариқа у ғайритабии кучга эга бўлар ва шу тариқа муқаддас буюмга айланар эди. Бундан ташқари, ёрга санчиб қўйилган қилич бут деб фараз қилинар, рицар унинг олдида тиз чўкиб, жанг арафасида худога илтижо қилиши мумкин эди. Умуман, рицарларнинг қуроли үрта асрларда озодлик ва олийҳимматлик рамзи эди. Бошқа табақалар қилич тақиб юришга ҳақли эмас эди лар.

Рицарларнинг «ор-номус кодексида»ги бошқа жиҳатлар орасида қариндошини ёки дўстини ҳақоратлаганилик учун ўчиш (уругчилик тузумининг мероси) мажбурийлигини таъкидлаб ўтиш зарур. Ҳарбий биродарликка ўлгунча содиқ қолиши одати ҳам бузилмас одатлар жумласига киради. Масалан, Қуддусни 1199 йилда ишғол қилиш (1-салб юриш) қатнашчиларига тирикларгина, эмас, йўлда ҳалок бўлганлар ҳам жангга кирдилар, деб тасдиқлаган эдилар.

Ор-номус қоидалари фақат табақаси ичидагина амал қилганини ва бошқаларга жорий этилмаганини айтиб ўтиш ўринлидир. «Үрта асрларнинг хўжайинлари»да жасорат билан олижаноблик; кибр-ҳаво, қонхўрлик, бадавийлик ва шу каби одатлар билан ғаройиб тарзда чатишиб кетганигининг сабабларидан бири ҳам мана шу бўлса, эҳтимол:

Рұхонийлар. Рұхонийларни феодаллар табақаси деб аташ түғри бўлмайди. Ўлар орасида турли кишилар бор эди. Рим папасидан тортиб кичик қишлоқ рұхонийсигача шу тоифага мансуб эди. Катта-катта феодал ер-мулклариға эга бўлган черков аёнларидан тортиб йўқсил зоҳидгача, муттаҳамлар ва фийбатчилардан тортиб, таббаррук шахсларгача шу тоифага кирав эди. Бу тоифа том маънодаги табақа эмас эди. Чунки у аҳолининг барча қатламлари учун очиқ эди. Шундай ҳам бўлардики, аслзода уруғига мансуб фарзанд оддий роҳиб (зоҳид) бўлиб қолар, дехқоннинг фарзанди эса кардинал унвонигача эришар эди. Қандай куч бу кишиларни бирлаштириб туарди? Бу куч фақат битта эди, у ҳам бўлса уларнинг ўрта асрлар мафкураси —христианлик билан боғлиқ бўлган ҳамма ҳолатларини назорат қилиб турувчи қудратли ташкилотга киришлари эди. Бу ҳақда биз алоҳида гаплашамиз.

Христианлик ва унинг ўрни. Орадан неча юзлаб йиллар ўтиб кетгандан кейин ўрта асрларда одамларнинг худога ишончи нақадар ашаддий ва жўшқин бўлганини энди тушунишимиз қийин. Рицарларнинг гояси худога ишонч каби «гўзал ҳаёт»га интилишнинг ифодаси эди. Одамлар ҳаётининг ҳамма соҳаларини, инсон туғилганидан вафот этгунча унинг ҳар бир қадамини дин белгилаб туарди.

Үрта асрлардаги инсоннинг тасаввурида дунё бир саҳнадан иборат бўлиб, унда худонинг лашкарлари билан шайтоннинг лашкарлари доимо курашиб туарди. Бу кураш уч поронадан: 1. Фаришталар билан жинлар ўртасида, 2. Яхши христианлар билан ёмон христианлар ўртасида, 3. Ниҳоят, ҳар бир кишининг қалбида кураш борарди, чунки худо эзгулик билан ёвузиқдан бирини танлаб олиш эркинлигини кишининг ўзига бериб қўйган, деб ҳисобланарди.

Шу билан бирга ўрта аср христианлигида уч поғонани алоҳида ажратса бўлади:

1. Олий (черков) христианлиги. Бутун христианликнинг қиёфасини ва унинг асосий қадриятларини (шак келтирмай ишониш) мажбурийлиги, имонни омон асраш — ҳаётнинг мақсади эканлиги, азиз авлиёларга ишониш ва шу кабиларни айни черков белгилаб беради.

2. Рицарча христианлик. Христианликдаги ҳарбий жиҳат рицарларга жуда яқин ва тушунарли эди. Исо пайғамбарнинг: «Мен сизларга тинчлик эмас, қилич олиб келдим» деган сўзларини том маънода тушунар эдилар, ва шу маънода чер-

ков уларни қўллаб-қувватлар ва дин йўлида курашишни ҳар бир кишининг бурчи деб ҳисобларди. Салб юришлари вақтида вужудга келган ҳарбий роҳибларнинг мазҳабларнинг рицарлар билан христианлар олий мақсадларининг энг тўлиқ монандлиги эди.

З. Черков таълимоти, мажусийлик ва хурофотларнинг қоришимасидан иборат бўлган оддий халқ христианлиги. Черков мажусийларнинг асосий байрамларини христианларнинг байрамига айлантириб, мажусийликни йўқ қила олмади. Шу сабабли христианларнинг кўпгина урғодатлари халқ томонидан варварларнинг сеҳргарлиги тарзида давом эттирилди. Масалан черковда ибодат қилиш пайтида вақт тўхтаб туради ва инсон қаримайди деган ишонч бор эди.

Шаҳар ҳаёти. Айни шаҳарда етилган кучлар ўрта асрлар цивилизациясини ҳалок қилди. Теварак-атрофдаги жойлари билан бир бутун бўлган антик шаҳардан фарқли ўлароқ ўрта асрлар шаҳри ўз қобигига биқинган эди. Қишлоқ ҳаёти ҳам, феодаллар қасрининг ҳаёти ҳам унга баб-баравар бегона эди. У ҳеч қайсисига ўхшамаган ўз ҳаёти билан яшар эди.

Шаҳар ўзини ўзи бошқарар, у қўрғон деворлари билан ўралиб, феодал-дехқонлар дунёдан ўзини ажратиб олган эди.

Аслида у бир митти давлат эди. У барча табақаларнинг намояндларини аралаштириб юборган эди.

Шаҳар аҳолисининг аксарияти ҳунармандлар бўлиб, улар эса дехқонларнинг авлодлари эди. Унда аслзодалар ва руҳонийларнинг намояндлари ҳам яшар эдилар.

Аммо улар шаҳарда янги сифат касб этиб, шаҳарликлар деб аталардилар. Албатта, шаҳар ичida ҳам ўткир кураш борар: аслзодалар савдогарларга қарши, бойлар камбағалларга қарши эди. Аммо, ташки хавф пайдо бўлиб қолса борми, ҳаммалари бир лаҳзада жипслashiб, ягона жабҳага айланар эди. Шаҳарларнинг ўрта асрлар жамиятидан ажралиб қолиши аввало шу билан белгиланар эдики, улар савдо-сотиқ ва ҳунармандларнинг марказлари тарзида вужудга келган эди. Бу эса улардаги турмушнинг алоҳида шароитини ва янги қадриятлар юзага келишини белгилаб берган эди.

Айни «шаҳарлар ҳаёти» туфайли Европада эркинлик ва тенг ҳуқуқлилик юзага келди. Эркинлик ва тенг ҳуқуқлилик ҳақидаги тасаввур ўзини ўзи бошқариш — коммунарлар учун кўп асрлик курашда ҳосил бўлди. Келажакдаги парламент бошқаруви айни шу тариқа бошланди.

Одамларни турли уюшмаларга (роҳиблар ва рицарлар жамоасига, дехқонлар жамоаларига, махфий жамиятларга

ва шу кабиларга) бирлаштириш ўрта асрларнинг ўзига хос хусусияти бўлди. Бу — табиий ҳол эди, чунки шаҳар турмушига солинадиган хавф-хатарга якка-якка қарши турицинг деярли иложи йўқ эди. Шаҳардаги цехлар (ҳунармандларнинг касб-кор бўйича бирлашмалари), аввало, мана шундай уюшмалар ролини ўйнади.

Савдогарларнинг меҳнати ҳам христиан тизимиға мос келмас эди. Чунки Исо пайғамбар кумуш ҳам, олтин ҳам тўлламай, имонни бутун сақлашгагина даъват қиласалар, бўлса, савдогарлар бойлик тўплаш учун меҳнат қилар эдилар.

Хуллас, шаҳар аҳолисининг кўпчилиги фаол турмуш кечиради. Шунинг таъсирида вақт ҳақидаги тасаввур ўзгарди. Деконлар вақт доира бўйлаб айланади деб ўйласалар, шаҳарликлар вақт тўғри чизиқ бўйлаб ва жуда тез ҳаракат қиласади деб тушунар эдилар. «Вақт — пўл» деган машҳур қоида худди шу тариқа юзага келган эди.

Ўрта асрлар жамиятидаги шаҳар ҳаммага қарши турарди. У шаҳар ҳисобига бойлик ортиришга интилувчи феодалларга ҳам, ўзининг ички ишларига аралашган тақдирда черковларга ҳам қарши эди. Шаҳар қишлоқдан ўсиб чиққан, аммо унинг деконлар билан ўзига хос муносабатлари вужудга келган эди. Бир томондан, шаҳарлар кўпинча уларнинг ҳалоскорлари бўлган. Болонья (Италия) 1257 йилда сензорлардан 6000 деконни пул эвазига озод қилиб юборди. Шаҳар ҳавоси «инсонга озодлик баҳш этди». Иккинчи томондан, забун ва қолоқ деконлар шаҳарларга бегона эдилар. Шаҳарлар ўзларига қарашли қишлоқларни ўзлари эзар эди. Шаҳар ҳунармандлари қишлоқ ҳунармандларига қарши курашади. Деконлар озод бўлиш учун шаҳарга қочиб келганинида, кўпинча уларга қараб: «Дангасалар, бориб ер ҳайданглар», дер эдилар.

Ўрта аср кўп жиҳатдан шаҳарлар ҳаётини ёқтирасди. Савдо-сотиқ замирида қандайдир номаъкулчилик, уят ва ифлослик бор, — дейди черков пешволаридан бири Фома Аквинский. Чёрков таълимотига кўра, умуман кўпчилик ҳунармандлар билан савдогарлар дўзахга тушадилар, уларнинг қилмишлари худога ёқмайди, аслзодаларнинг намояндалари эса бундай дейдилар: «Бу дунёда уч тоифага мансуб бақириклар борки, уларнинг овозини ўчириш қийин: ўзларини сензор деб фараз қилувчи омиллар оломони, шаллақи аёллар ва хурилловчи чўчқалар тўдаси мана шулардир. Биз улар:

нинг иккинчилари устидан куламиз, учинчиларидан ҳазар қиламиз. Биринчилардан эса худонинг ўзи арасин».

Бу фикрларнинг ҳаммасидан, шаҳар ўрта асрлар ғояларидан ва анъаларидан ҳоли эди, деган маъно келиб чиқмайди. Одатда, шаҳарлар марказидаги готика услубидаги ибодатхоналар черковнинг мустаҳкамлиги рамзи бўлиб, худога яқинлик ифодаси эди. Шаҳар қудуқлари Роланд ҳайкали билан безатиларди (рицарлар ғоясининг таъсири), давлатманд шаҳарликлар эса феодаллар турмушига тақлид қилишга уринардилар. Шаҳарлар қирол ҳокимияти ва черковнинг доимий назорати остида турарди.

Лекин, ҳар ҳолда, ўрта аср Европасининг ўз моҳиятини яхши англаб олган эркин шаҳар аҳолиси бошқача қадриятлар соҳиби, янги дунёning даракчиси эди.

САНОАТ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИГА ЎТИЛИШИ.

Европа цивилизацияси инсоният тарихида ноёб аҳамиятга эга бўлди. Аввало, айни Европа цивилизацияси орқали, Ер куррасининг бошқа жойларига кириб бориш орқали аввал бошда турлича бўлган ва бир-биридан олисда турган минтақалар бир бутун бўлиб бирлашиди. Европа цивилизациясининг кўпгина ютуқлари умумбашарий қадриятлар аҳамиятига эга бўлиб қолди.

Европа цивилизациясининг тараққиёти сансат босқичига ўтиш давридаги баъзи хусусиятларига тўхталиб ўтиш жоиздир.

Ижтимоий тараққиётнинг тезлашув шароитлари. Турли даврларда техника ҳар хил тезлик билан ривожлангани сизларга маълум.

Ўрта асрлар охирида инсоният илмий ва техникавий тараққиётнинг янги босқичига ўтди. Бу буюк географик кашфиётлар даври, илм-фандা антик даврнинг инсонпарварлик олий мақсадлари тикланган давр бўлди. Бироқ айни вақтда бу даврда энг қонли ва разил усуслар билан амалга оширилган капиталнинг дастлабки тўпланиши даври ҳам бўлди.

Компас, порох, китоб нашриётчилиги, автомат соатлар Европанинг ва кейинчалик бошқа қитъаларнинг ҳам ижтимоий турмушида муҳим ўзгаришлар учун замин яратган энг муҳим техникавий ихтиrolар жумласига киради.

Аслида компас III асрданоқ хитойларга маълум бўлса-да, бироқ XIV асрдан бошлаб европаликларнинг йўл кўрсатувчи энг муҳим асбоби бўлиб қолди. Кемаларга компас ўрна-

тилиши илгари ҳеч ким билмаган мамлакатларни кашф этишга, територияни кенгайтиришга имкон берди. Энди жаҳон тарихининг майдони кенгайди.

Соат ҳам азалдан одамларга маълум эди. VIII асрда сув соатининг ихтиро қилиниши ҳаммани ҳайратга солган эди. XIII-XVIII асрларга келиб Европадаги кўпгина шаҳарларнинг минораларига бонг урувчи соатлар ўрнатила бошлини. Столга қўйиладиган соатлар XV асрда, чўнтақ соатлари ундан кейинроқ пайдо бўлди. Соат янги даврнинг низомаси бўлиб қолди. Ишлаб чиқариш ва турмуш фаолиятининг мароми ўзгариши муносабати билан одамлар вақтнинг қадрига етадиган бўлиб қолдилар. Манфактура (тўқимачилик) ишлаб чиқариши ривожланиши билан механик соатлардан фойдаланишининг аҳамияти, айниқса, ошди, чунки айрим технология жараёнларининг давом этиш муддатини ўлчаш керак эди. Шу билан бирга вақтни аниқ ўлчаш мумкинлиги илмий тажрибалар ва кузатувларни ривожлантиришга катта таъсир ўтказди. Китоб нашр этиш ихтиро қилиниб, XV асрнинг ўрталарида Европада мунтазам равишда китоб чиқарила бошлаганлиги ҳақида батафсил гапиришнинг зарурати йўқ, бу иш илмларнинг кенг тарқалишига ва черковнинг китобчилик ишига ҳукмронлигини узил-кесил туғатишга имкон берди.

Порохдан фойдаланиш (дарвоҷе, порох ҳам аввал Хитойда VIII-IX асрларда кашф қилинган эди), рицарларнинг мудофаа истеҳкомлари ва қуролларига қарши муваффақиятли курашиб имкониятини беришдан ташқари бошқа мамлакатлар ва халқларни босиб олишни ҳам енгиллаштиргди.

XV аср тарихда бурилиш асли бўлди. Айни шу асрда Европанинг дунёга ҳукмронлиги қарор топа бошлади. Испанлар Марказий ва Жанубий Америкада ҳамда Мексикада бу ишга асос солдилар. Шундан кейин Голландия, Англия, Франция денгизчилари ва савдогарлари мустамлакаларни забт этишга киришдилар. Мустамлакаларни босиб олиш давомида ҳарбий талончилик билан шуғулланилди, савдо-сотиқ эса кўпинча жуда адолатсиз тарзда, аммо европаликлар учун фойдали равишда олиб борилди. «Америкада олтин ва кумуш конларининг очилиши, ерли аҳоли қурилиши, асоратга солиниши ва rudа конларида тириклиайн кўмилиб кетиши, Фарбий Ҳиндистонни забт этиш ва талон-тарож қилиш йўлидаги дастлабки қадамлар, Африка қора танлиларини

СВ ҚИЛИШ МАКОНИГА АЙЛАНГАНЛИГИ — КАПИТАЛИСТИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ДАВРИНИНГ ТСЫГТАРИ МАНА ШУНДАЙ БҮЛДИ».

Метрополияларнинг ўзида ҳам капитални дастлабки түплаш давом этди. Бу жараённинг классик шакли Англияда XV асрнинг охирларидан ва XVIII асрнинг бошларигача давом этди. Жун газлама ишлаб чиқаришнинг ривожланиши қўйчиликни манфаатли соҳа қилиб қўйгани сизга тарихдан маълум. Ана шу даврда «қўйлар одамларни ея бошлиди» деган нақл ҳам пайдо бўлган эди.

Капиталнинг вужудгá келиши. «Капитал» сўзи лотинча бўлиб, XII-XIII асрларда юзага келган ва бойлик, ғамлаб қўйилган мол, пул мажмуи ёки музд келтирадиган пул маъносини билдирап эди. Аввал бошда бу атама фақат пул билан боғлиқ бўлган. Пул бошқа ҳар қандай молни сотиб олиш имкониятини берган. Пул савдо муомаласига киритилгач, ўз-ўзидан даромад келтираверадигандек туюлган. Савдогарлар моллар нархларининг турли бозорлардаги фарқларидан фойдаланиб, бойлик ортиришга интилганлар. Судхўрлар муайян музд эвазига пулни қарзга беришга рози бўлганлар. У ҳолда ҳам, бу ҳолда ҳам пул ўз-ўзидан кўпаяверган. Аммо бу ўзгаришлар фақат муомала соҳасида содир бўлган. Капиталнинг ишлаб чиқаришга кириб бориши учун эса муайян ижтимоий муносабатлар керак эди. Пулнинг эгаси бозорда бошқа молларни ишлаб чиқаришга сарфлаш йўли билан барқарор ва доимий фойда берадиган молни бозордан топа оладиган бўлиши керак эди. Шундай мол тошлиди. Иш кучи — инсоннинг ўз меҳнати билан иш кучининг ўз қийматидан кўра кўпроқ қийматга әга бўлган мол ишлаб чиқара олиш қобилияти шундай мол бўлиб чиқди.

Дастлабки жамғарма муносабати билан ишчи кучи молга айланиши мумкин бўлиб қолди. Одамларни крепостной қарамликдан халос этиш ва уларни ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлишдан «халос этиш» орқали шундай бўлди.

Шу тариқа ходимни ишлаб чиқариш воситалари билан бирлаштириш усули ўзгарди. Меҳнатга ғайри иқтисодий йўл билан мажбур этиш ўрнини бошқа усул олди: расман икки томон иштирок этадиган тенг ҳуқуқли шартнома юзага келди. Улардан бири — ишбилармон, ишлаб чиқариш воситаларининг эгаси бўлса, иккинчиси иш кучининг эгасидир. Бироқ иккинчиси «шартдашувчи томонлар» мавқеи сиртдан

тeng бўлса ҳам, у шартноманинг шартларини эркин танлаб ололмасди. Ҳодим билан ишлаб чиқариш воситаларининг эгаси ўргасидаги муносабатлар узил-кесил иқтисодий тус олади, бу ҳол жамият турмушининг бошқа соҳаларига таъсир қилмай қололмади.

Янги цивилизациянинг янги қадриятлари Уйғониш даври Европа тарихининг энг муҳим жиҳатларидан биридир. Мавжуд макон ва вақт чегараларини ўзгартирувчи ноёб давр бўлди. Бу давр янги дунё (Америка қитъасининг очилиши ва антик дунёнинг такрор кашф этилиши) билан бир пайтга тўғри келди.

Капиталистик тузумнинг ривожланиши туфайли рўй берган тарихий силжишлар ўрта асрлар давридаги инсон ўз табақасига ва ҳар қандай вазиятда ҳам ўзгара олмайдигандек туулған ижтимоий аҳамиятга «боғлаб қўйилган» қадриятларни путурдан кетказди. Шаҳарлардаги ўзгаришлар, айниқса сезилиб турарди. Бу ерда катта-катта мол-мулклар жуда тезлик билан жамғарила бошлади, бу эса оиласининг ижтимоий мавқеини ўзгартирди ва бутунлай хонавайрон бўлгунга қадар капитални бой бериб қўйиш ҳоллари тез-тез учрай бошлади.

Ўрта асрлар даврининг умри тугаб борди. Шаҳарлар ва шаҳар ҳунармандлари феодализмдан четлашиб, хусусий ишбилармонликка кўз тика бошлади., ҳодимнинг иш кучидан фойдаланишга интила бошлади. Шаҳарларда ҳўжалик ҳаёти ва сиёсий турмуш жўшқин кечар, демократик муҳитида шахснинг қадр-қиммати ошиб, табиий ҳуқуққа эга бўлган эркин шахс деб ҳисобданар эди.

Турли савдо ва саноат фирмаларидағи хизматчилар, давлат идораларининг амалдорлари, ўқитувчилар, врачлар, ҳуқуқшунослар, мусаввирлар, ҳайкалтарошлар, шоирлар янги ғояларни тарғиб қилишар эди. Айни янги олий мақсадлар ва қадриятларнинг доимий, узлуксиз ўзаро алоқаси туфайлигина уйғониш даври бўюк алломаларни етиштира олди, сўнмас маънавий қадриятларни яратса олди.

Янги қадриятларнинг шаклалниши католик черковига қарши ижтимоий-сиёсий ва мафкуравий ҳаракат билан ҳам боғлиқdir. Реформация деб аталган бу ҳаракат XVI асрда Ғарбий ва Марказий Европани ўз ичига олган эди. Реформация мафкурачилари инсон ўз имонини сақлаб қолиш учун черковнинг воситачилигига муҳтоҷ эмас, балки ҳар бир кишининг ички эътиқоди билангина ўзини сақлашга эришиши мумкин деган фикрни таъкидлар эдилар.

Реформация натижасида католик черкови бир қанча мамлакатлардаги ҳукмронлик мавқейдан маҳрум бўлди ёки давлат ҳокимиятига жуда қарам бўлиб қолди. Маънавий диктатура барбод этилди.

Ўйғониш даврининг маънавий олий мақсадлари пуританларнинг (лотинчә покдомонларнинг) «дунёвий ахлоқ-одоби» тарзида ривожланди ва тури ўзгариб борди. Ҳисоб-китоб билан иш тутиш, меҳнатсеварлик, бойликка сажда қилиш, камбағаллардан жирканиш, мол-мулк йиғишига ҳирс қўйиш уларнинг ўзига хос хусусиятлари эди. Пуританлар мақсадга әришиш йўлида довюрақлик ва саботлилик билан, диний мутасиблик билан, бошқа одамлар орасида гуноҳсизлиги ва мумтозлигига ишонч билан ажралиб турар эдилар. Сизларга таниш бўлган М. Вебер пуританларнинг (покдомонларнинг) ахлоқ-одоби «капитализм ғуҳи»ни, бўлажак жамият ахлоқ-одобини қарор топтиришда катта аҳамиятга эга бўлди, деб ҳисоблаган эди.

Парламентаризмнинг вужудга келиши. Ўрта асрлар охирида Европа мамлакатларининг ижтимоий-сиёсий тузилишида муҳим ўзгаришлар содир бўлди. Парламентаризм ҳукмронликнинг шундай бир тизими бўлди, ваколатли орган бўлмиш парламентнинг мавжудлиги бу тизимнинг ўзига хос хусусияти эди. Парламент қонун чиқарувчилик ҳокимиятини амалга оширадиган ҳамма ҳукуматнинг ички ва ташқи сиёсати кўпчилик йўналишларини белгилаб берадиган бўлиб қолди. XVI асрда Англия парламенти қонун чиқарувчиклик ташаббусига эга бўлди. Парламентнинг қонунлари (статутлари) жамоалар палатасининг талабига биноан қабул қилинар ҳамда лордлар палатаси ва қирол томонидан тасдиқланар эди. Парламент ўз ҳуқуқларини узоқ давом этган баҳслар ва можаролар давомида қирол қўлидан олган эди. XIX асрдан бошлаб Англия икки партияли тизимдан иборат бўлган классик парламентаризм мамлакати бўлиб қолди.

XVIII асрда Фарбий Европа ва Шимолий Америка мамлакатларида капиталистик ишлаб чиқариш усули қарор топганини, Францияда озодлик, тенглик ва қардошлиқ шиорлари остида буюк буржуа инқилоблари ғалаба қилгани тарих дарсидан сизларга маълум. АҚШдаги фуқаролар уруши туфайли буржуа муносабатлари қарор топди.

Иккита буюк буржуа инқилоби давлат билан фуқаролар жамияти ўзаро муносабатининг иккита турли нусхасини

юзага келтириди. Франциядаги инқилоб инқилобий давлат томонидан қолоқ ва эскирган фуқаролар жамиятини ва унинг устидан ҳукмронликни қўлга киритш омилини яратиб берди. Америкадаги инқилоб эса фуқаролар жамиятини давлат васелигидан аста-секин халос этиш ғоясини илгари сурди.

Инсоннинг табиат билан ўзаро алоқаси характерида катта ўзгаришлар рўй берди. Хўжалик фаолияти табиий мұхитнинг ҳолатига тобора ҳалокатли таъсир ўтказаверди. Шаҳар аҳолисининг кўпайиши жами аҳолининг кўпайишидан бирмунча илгарилақ кетди. Дунёда йирик шаҳарлар, жўшқин иқтисодий ҳаёт марказлари борган сари кўпаяверди.

Жамиятни ривожлантиришда техника ютуқлари ва технологиялар тез-тез алмашиниб туриши, иқтисодий рақобат, инсоннинг ўз меҳнати натижаларидан бегоналашуви меҳнаткашларнинг ўз иқтисодий ҳуқуқлари учун кураши каби омиллар равшанроқ намоён бўла борди.

Масофанинг «таноби тортилгандек бўлди». Буғ транспорти ёрдамида энг олис жойларга ҳам етиб борилди. Рўзномаларнинг кенг миқёсда тарқалиши ахборот алмашишни, янғиликлар ва билимлардан баҳраманд бўлишни осонлаштириди. Пулга, бойликка, сармояга сажда қилиш янги одат тусини олди. Сармояга эга бўлиш ҳаёт мазмуни бўлиб қолди. Гўзалликка интилиш билан бирга санъат фаолияти майдони кенгайиб, у кенг омма орасига кириб бора бошлади.

Аср ўрталарига бориб йирик машина ишлаб чиқариши вужудга кела бошлади. Саноатлашган цивилизация кучайиб, инсоннинг жуда катта имкониятларини рўёбга чиқара бошлади. Ижтимоий турмушнинг ҳамма соҳаларида инқилобий силжишлар бошланиб кетди. Европа маърифати майдонга келди, бутун дунёда унинг нишоналаридан нусха кўчира бошладилар.

Дунёда таъсир доирасига эга бўлиш учун урушлар, рақобатлар тобора шафқатсиз тус олиб, ҳатто вайронгарчиликларга ҳам сабаб бўлди, инсоннинг баҳт-саодатга интилиши гарчи кўпинча сароб тусида бўлса ҳам, ҳар холда тобора жўшқин тус ола бошлади. Ф. Энгельснинг саноатдаги гўнтариш ҳақида ёзган қуйидаги сўзларга қўшилмасдан илож йўқ: «Бу инқилоб айни пайтда фуқаролар жамиятида тўла тўнтариш қилди, унинг жаҳоншумул тарихий аҳамияти эндиғина уқиб олина бошлади».

Саволлар ва топшириқлар:

1. Цивилизация деганда нимани тушунасиз?

2. Варварлик дунёси ҳақида гапириб беринг.
3. Ёввойиликнинг уч босқичи ҳамда варварликнинг уч босқичи ҳақида нималарни биласиз?
4. Қадимги Шарқ цивилазацияси қандай хусусиятларга эга.
5. Ўрта Осиёнинг қадимги цивилизациясининг ўзига хослиги нимада?
6. Христиан динининг қарор топишини илфор ҳодиса деб бўладими?
7. Ўрта асрларда шаҳарлардан бошқа ерда қадриятларнинг янги тизими вужудга кела олмаганинг сабаби нима?
8. XIII асрда шаҳар маҳкамалари тепасида механик соатлар пайдо бўлиши нима билан боғланган? Феодализм даври демократик бошқарув шакллари бўла олармиди? Нега?
9. Ўрта асрларда ҳокимият соҳиби бўлиш, албатта, мулкдор бўлиш билан боғлиқ эди. Бунинг сабаби нима?
10. Кўпинча черков судхўрларга ва феодалларнинг дехқонлар устидан зўравонлигига қарши чиқарди. Черков йўқсилларнинг манфаатларини кўзлаб шундай қилган эди, деса бўладими?
11. Сизнинг фикрингизча, ўрта асрларда оммавий даҳшатлар (ғайвастиларни ов қилиш, охират яқин деб ўйлаш ва шу кабилар) нима билан боғланган?
12. Саноатлашган цивилизацияга ўтишнинг асосий шартшароитларини таърифлаб беринг?
13. Саноатлашган цивилизацияга ўтиш пайтида ходимнинг ишлаб чиқариш воситалари билан қўшилиш усули қандай қилиб ўзгарди?
14. Ўйғониш даврида қандай олий мақсадлар ва қадриятлар юзага келди?
15. Парламентаризмнинг моҳияти нимадан иборат?
16. Янги цивилизацияга ўтиш одамларнинг турмушида қандай ўзгаришларга олиб борди?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Морган Л. Г. Қадимги жамият. Ленинград, 1934, 9-10 бетлар (рус т.да).
2. На пути к современной цивилизации. Москва, «Прогресс», 1992, 40-83 бетлар (рус тилида).
3. «Маърифат» газетаси, 1992 йил, 26, 27, 28, 29, 30, 31 сонлари.

III-БҮЛЛМ. ЗАМОНАВИЙ ЦИВИЛИЗАЦИЯ ТАРАҚҚИЁТИ ЙУНАЛИШЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ. ЗАМОНАВИЙ ЦИВИЛИЗАЦИЯНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИ.

Иқтисодиёт, унинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва роли.

Иқтисодиёт нима? Иқтисодиёт тушунчаси тарихан мавжуд ишлаб чиқариш муносабатлари йиғиндисини, яъни жамият иқтисодий базисини ифодалайди. Иқтисодий тараққиёт ҳар бир босқичи учун ишлаб чиқариш воситаларига мулкчилик муносабати характери, ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг бевосита мақсадлари, хўжалик юритиш шаклларий ва услублари ўз иқтисодиётига хос бўлади.

Ҳар бир жамиятнинг ўзигагина хос бўлган моддий бойликлар ишлаб чиқариш усули бўлиб, у

1. Ишлаб чиқариш кучлари:

- а) меҳнат қиладиган одамлар;
- б) меҳнат қилиш қуроллари (техника);
- в) меҳнат предметлари (масалан, ҳом ашё пахта, нефть маҳсулотлари, пилла) бирлигидан ташкил топади.

2. Ишлаб чиқариш муносабатлари:

- а) мулкий муносабатлар (хусусий ёки ижтимоий эгалик қилиш);
- б) ишлаб чиқаришнинг турли соҳа ва тармоқлари (масалан саноат, транспорт, қурилиш, дехқончилик, чорвачилик қаби);
- в) яратилган миллий даромадни тақсимлаб олиш шаклларидан иборат ягона тизим бўлади.

Устқурма, яъни сиёсат, ҳуқуқ, давлат, санъат, аҳлоқ, мафкура ана шу ишлаб чиқариш усули характери билан шаклланиб унга актив таъсир қиласди.

Мавжуд иқтисодий муносабатлар ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиётининг эришилган даражасида ўзининг моддий ифодасини топади. Шунинг учун ҳар бир мамлакатдаги хўжалик тармоқлари йиғиндисини ҳам иқтисодиёт тушунчаси билан ифодалайдилар. Иқтисодиётининг ҳар икки томони (ишлаб чиқариш муносабатлари тизими ва мавжуд ишлаб чиқарувчи кучлар) бир-бири билан чамбарчас боғланиб кетган.

Хўжалик тармоқлари моддий ва номоддий ишлаб чиқаришдан иборатдир. Иқтисодиётининг умумий ривожланиш даражаси ва кўламлари, унинг муайян тармоқлари тараққи-

ётига фақатғына иқтисодий тузумгина эмас, балки мамлакаттинг табиий бойликлари, демографик вазият, географик ҳолати, тарихий миллий анъаналари ва бошқа омиллар ҳам фаол таъсир күрсатади.

Иқтисодни ўрганадиган предмети. Иқтисод фанининг предмети моддий бойликлар ишлаб чиқариш муносабатлари: кишилик жамиятида моддий неъматларни ишлаб чиқаришни тақсимлаш, айрибошлаш ва истеъмол қилиш борасида содир бўлувчи ва турли босқичларда жамиятнинг иқтисодий тузумини ташкил этувчи муносабатларни ўрганади.

Иқтисодий муносабатлар ва ишлаб чиқарувчи кучлар туташувида ташкилий-иқтисодий муносабатлар ётади. Бу муносабатлар бир томондан мулкчилик муносабатларидан келиб чиқади ва уларнинг ифодаси бўлиб хизмат қиласди. Иккинчи томондан эса мавжуд ишлаб чиқарувчи кучларнинг характеристи билан бевосита боғлиқ бўлган. Ташкилий-иқтисодий муносабатларни ўрганиш, ишлаб чиқариш эҳтиёжларига мос равишда уларни такомиллаштира бориши иқтисодий фанинг муҳим амалий вазифаларидан биридир. Шунинг учун ҳам конкрет иқтисодий фанларда, хусусан бошқарув илмида (менеджмент) бу масалалар жуда катта ўрин эгаллади.

Иқтисодий муносабатларнинг устқурма билан ўзаро боғлиқлигини ҳам назардан қочириш мумкин эмас. Ишлаб чиқариш муносабатлари ғоявий ва сиёсий устқурма учун базис бўлиб хизмат қиласди. Айни пайтда ғоявий ва сиёсий муносабатлар иқтисодиётидаги жуда муҳим роль ўйнайди. Ҳозирги шароитда барча ривожланган мамлакатларда давлат ва жамоат ташкилотларининг фаолияти, аввало иқтисодий-сиёсий, сиёсий партияларнинг фаолияти, ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаёт барча соҳаларида ўз-ўзини бошқариш турли шакллари иқтисодиётни ривожланишига белгиловчи таъсир кўрсатади.

Шундай қилиб иқтисод фани жамият иқтисодий тузумини ишлаб чиқарувчи кучлар ва устқурма билан чамбарчас боғлиқ равишда тадқиқ этади, унинг предмети эса — кишилик жамияти тараққиётининг турли босқичларида моддий неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айрибошлаш ва истеъмол қилишни бошқарадиган қонунларни ўрганади. У ишлаб чиқаришнинг ижтимоий томонини, кишиларнинг ижтимоий-иқтисодий муносабатларини, яъни иқтисодий муносабатларни ўрганади.

Иқтисодиётни ўрганувчи фанлар. Иқтисодий жараёнлар ва иқтисодий муносабатлар ҳаракатланиши қонуниятларини ўрганувчи фанлар иқтисодий фанларни ташкил этадилар. Бу фанлар таснифи асосида ишлаб чиқариш муносабатлари ҳаракатланиши, улар ҳаракатининг турли шакллари ётади.

Иқтисодий фанларни уч гурухга бўладилар:

1. Умумий иқтисодий фанлар жамиятдаги иқтисодий тузумни умумназарий ёки тарихий жиҳатдан ўрганадилар. Бу гурухда марказий ўринни иқтисодий назариялар асослари фани эгаллайди. Халқ хўжалиги тарихи, иқтисодий таълимотлар тарихи ҳам шу гурухга киради.

2. Махсус иқтисодий фанлар жамият иқтисодий структурасининг алоҳида томонлари ёки муҳим жиҳатларини ўрганадилар. Уларга халқ хўжалигини планлаштириш, меҳнат иқтисодиёти, молия ва кредит, иқтисодий статистика, маркетинг, менеджмент, иқтисодий кибернетика ва бошқалар киради.

3. Тармоқ иқтисодиёти фанлари халқ хўжалиги алоҳида олинган тармоқларида иқтисодий муносабатларнинг, уларнинг ишлаб чиқарувчи кучлар билан ўзаро таъсири хусусиятларини, ишлаб чиқариш техникаси ва технологияси билан боғлиқ ҳолда тармоқ тараққиёти ўзига хос қонуниятларни ўрганадилар. Тармоқ иқтисодиёти фанлари ишлаб чиқариш соҳаси ва ноишлаб чиқариш соҳаси тармоқлари иқтисодиётини ўрганувчи фанларга бўлинадилар.

Иқтисод барча иқтисодий фанларнинг асоси бўлиб хизмат қиласи, чунки у ишлаб чиқариш муносабатлари тизимининг моҳияти ва ҳаракатланиши энг муҳим йўналишларни очиб беради. Иқтисод фани ўз олдига халқ хўжалиги турли соҳа ва тармоқларида иқтисодий қонунлар юзага чиқишининг хусусиятларини мукаммал тушинтириш вазифасини қўймайди. Бу масалалар билан тармоқ иқтисодиётлари ва махсус иқтисодий фанлар шуғулланадилар, ўз хulosалари билан ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатларини бевосита такомиллаштиришга ёрдам берадилар.

Иқтисод ва сиёsat. Сиёsat ижтимоий фанлар, синфлар, гуруҳлар, миллатлар ва давлатлар ўртасидаги муносабатлар мажмуи бўлиб, у устқурма соҳасига киради. Сиёсий муносабатларда ижтимоий синфларни манфаатлари яқин ва узоқ мақсадлари, бу мақсадларга эришиш учун кураш йўллари, шакллари ва усувлари ўз ифодасини топади. Сиёsat ва сиёсий муассасалар (давлат, сиёсий партиялар ва ижтимоий ташкилотлар) фаолияти билан амалга оширилади.

Сиёсий қараашлар, муассасалар ва муносабатлар иқтисодий муносабатлардан келиб чиқади ва пировард натижада уларга хизмат қиласди. Устқурмавий муносабатларнинг таркибий қисми бўлган сиёсат ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг зарурый шарт-шароитидир. Ишлаб чиқариш муносабатларидаги муҳим ўзгаришлар аксарият ҳолларда муайян сиёсий тадбирлар воситасида амалга оширилади. Бундай ҳолларда сиёсатда иқтисодий тараққиётнинг эҳтиёжлари, иқтисодий субъектларнинг манфаатлари умумлашган ҳолда ифодаланади.

Жамият иқтисодиётини самарали равишда бошқариш учун воқеликни фанда чуқур ва тўғри акс эттирилишига, мавжуд зиддиятларни ўз вақтида аниқлаш ва ҳал этишга муҳтождир. Ана шунда ишлаб чиқариш тараққиётини жадал амалга ошириш ва аҳоли фаровонлигини тинимсиз юксалтира бориш мумкин бўлади, шунинг учун иқтисодий фан хулосалари сиёсий фаолиятнинг аввало давлат иқтисодий сиёсатининг асосида ётиши керак.

Иқтисод ва мафкура. Ижтимоий ҳаёт ҳодисаларини тушинтирувчи ва уларга баҳо берувчи таълимотлар ва назариялар йиғиндиси идеология (мафкура), деб аталади. Мафкура ўз ичига ҳуқуқий, сиёсий, аҳлоқий, эстетик, диний ва иқтисодий қараашларни олади. Жамиятдаги турли синфлар ва ижтимоий гуруҳлар улар туб манфаатларининг фарқланишига мувофиқ равишда ўз мафкураларига эга бўладилар. Ҳар қандай, жамиятда мафкура воситасида жамият аъзолари онгига ҳалқ манфаатларини ифодаловчи ва ҳукмронлигини мустаҳкамлашга хизмат қилувчи қараашлар, ғоялар ва тасаввурлар сингдириб борилади. Шунинг учун ҳам ҳукмрон мафкурадаги мавжуд ижтимоий тизимнинг энг муҳим белгилари ўз аксини топади, ижтимоий тизимга хос тартиб-қоидалар мафкуравий тартиб-қоидалар бўлиб, ифодаланади.

Ижтимоий ишлаб чиқариш натижаларига, ишлаб чиқарувчи кучлар ҳаракатланишига ҳукмрон мафкуранинг қоидалари фаол таъсир кўрсатади. Масалан, турғунлик йилларида камчиликларга нисбатан танқидий муносабат етишмаслиги, қарорлар қабул қилишдаги субъективизм, консерватизм мафкуранинг характерли белгиларига айланиб қолган эди. Маълумки, мамлакатни бир тузумдан иккинчи, янги тузумга ўтишида туб иқтисодий ислоҳот ва жамиятни демократиялашуви талаб этилади. Ҳозирги пайтда мустақил мамлакатимизда амалга оширилаётган туб иқтисодий ислоҳот-

лар, мамлакатимиз президенти И. А. Каримовнинг республикамизнинг бозор муносабатларига ўтишида босиб ўтиши керак бўлган иқтисодий ислоҳотлар ҳусусиятларини; беш устивор йўналиш, иқтисоднинг сиёсатдан устунлиги, ислоҳотларга давлат раҳбарлиги, аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш, қонун олдида барчанинг бараварлиги, бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш бунга яққол мисолдир. Бундай ўзгаришларга тайёр бўлмаганлар қаршилик кўрсатадилар. Демак, жамиятни янгилаш мафкуруни янгилашни ҳам талаб этади. Ҳозирги пайтда мамлакатимизда шакллантирилаётган мафкура, мустақиллик мафкураси бунга мисол бўла олади.

Иқтисоднинг жамиятдаги роли ва вазифалари. Иқтисодий назария асослари фани жамиятда қуйидаги ижтимоий вазифаларни бажаришга хизмат қиласди: 1. Билиш. 2. Амалиёт. 3. Мафкуравий. 4. Методологик (услубий).

Иқтисод фан сифатида энг аввало назарий билим вазифасини адо этади. У ишлаб чиқариш муносабатларининг, уларни ишлаб чиқарувчи кучлар ва устқурма билан ўзаро алоқаларини, миллий тараққиётни турли босқичларига хос иқтисодий қонунларни таърифлаб бермоғи керак. Назарий таҳлил асосидагина иқтисодиёт тараққиёти тарихини, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг ҳозирги жараёнлари ва муаммоларини, келажагини тўғри тушуниб олиш мумкин.

Иқтисодий тараққиёт объектив қонунларини билиб олишдан мақсад улардан ижтимоий амалиётда фойдаланишдир. Ҳозирги шароитда иқтисод фани ҳалқ ҳўялигини бошқаришнинг назарий асосига, давлат иқтисодий сиёсатининг илмий пойдеворига айланмоқда. Албатта, у назарий фан бўлгани учун кундалик ҳаётнинг ҳамма ҳолларига монанд конкрет тавсиялар бера олмайди. Лекин иқтисод фани иқтисодий тараққиётнинг қонуниятлари ва умумий йўналишларини тушунтириб берадики, бундай билимларсиз ҳар қандай конкрет иқтисодий муаммони муваффақиятли ҳал этиш мумкин эмас.

Ҳозирги шароитда иқтисод фанининг мафкуравий вазифаси, яъни унинг жамият аъзоларини сиёсий ва иқтисодий тафаккурини шакллантиришдаги роли қучаймоқда. Иқтисодий ғоялар омма орасига, унинг онгига етиб боргач моддий кучга айланади. Иқтисод илми ҳам шу маънода бошқа фанлар сингари тобора кўпроқ равишда бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айланба боради. Айни пайтда иқтисодий тафаккурининг шаклланиши ва ривожланиши иқтисодий назария ривожининг ҳам шарт-шароити бўлиб хизмат қиласди.

Иқтисодий фанлар комплексига нисбатан иқтисодий назария методологик вазифани бажаради, яъни назарий пойдевор бўлиб хизмат қиласди. Бу фанлар иқтисод фани томонидан ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўналишлари ва истиқболлари қанчалик чуқур илғаб олинишига мувофиқ ривожланади. Иқтисодиётда фаолият амалий шакллари ва методлари танлаб олиниши иқтисодий фанлар бутун тизими хулосаларига асосланган ҳолда амалга оширилади. Халқ хўжалигини бошқаришни туб қайта қуришни амалга ошириш шароитида иқтисодий фанлар тобора муҳим аҳамият касб этмоқда ва иқтисод фанининг методологик роли ҳам кучаймоқда.

Демак, иқтисод фанининг вазифалари қўйидагилардан иборат экан:

а) ўрганиш ва тушунтириб бериш вазифаси бўлиб, бу орқали жамиятнинг иқтисодий ҳаётида рўй берастган ҳодиса ва жараёнларни ўрганиши ҳамда тушунтириб бериши лозим.

б) иқтисодиётда рўй берастган ўзгаришларни ўрганиб, тажрибада қўллаш вазифаси бўлиб, бу орқали илмий йўналишда олинган натижалар амалиётда, реал ҳаётда қўлланилади.

в) ғоявий вазифаси — маълум жамиятда ғоявий кучларнинг мақсад ва вазифаларини таҳлил этади, уларга хизмат қиласди.

г) методолгик вазифаси — иқтисод фани иқтисодиётга онд бўлган фанларни ўрганиш учун методологик-назарий асосдир. Тармоқ (саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо, қурилиш экономикаси (функционал) меҳнат иқтисоди, халқ хўжалигини режалаштириш, молия, пул, муомаласи ва кредит), шунингдек турли билимлар ўртасида амал қилувчи фанлар (иқтисодий география, демография, халқ хўжалик тарихи, бошқариш назарияси кабилар) учун иқтисод назарияси асослари фани методолгик ва назарий асосдир.

Ижтимоий ишлаб чиқариш тизимида инсоннинг ўрни ва роли.

Инсон фақат ишлаб чиқаришнинг субъекти бўлиб қолмай, балки унинг пировард мақсади ҳамдир. Айни пайтда инсон ишлаб чиқаришнинг энг биринчи омилидир. Ҳозирги шароитда қатор сабаблар, энг аввало фан ва техника, технология инқилоби туфайли инсоннинг ижтимоий ишлаб чиқаришдаги ўрни ва вазифаларида туб ўзгаришлар содир бўлмоқда.

Илғор техника ва технологияни инсон бунёд этади. Янги меҳнат воситалари ва технологиялар кенг тарқалиши билан

ишчи кучининг умумий савиасини ҳам шу даражага етказиш эҳтиёжи туғилади. Натижада иш кучини тақрор ишлаб чиқариш харажатларининг объектив, зарур чегаралари (зарурий маҳсулот) кенгаяди. Ишлаб чиқаришни аввалги босқичларидагидан кўпроқ равишда ходимлар фаровонлигини юксалтириш мақсадларига бўйсндириш талаб этилади. Бу талаб бажарилмаса пировард натижада ижтимоий ишлаб чиқаришга ҳам путур етади.

Инсон эҳтиёжларидан энг муҳими меҳнат қилиш эҳтиёжидир. Меҳнат жараённада инсоннинг билим ва малакаси ошади, ижодий қобилиятлари ишга солинади ва ривожланади. Бошқача қилиб айтганда, меҳнат ёки ижтимоий фойдали фаолият сифати инсонни шакллантиради, унинг ривожланиши ва такомиллашувининг бош омили бўлиб хизмат қиласи. Демак ижтимоий шилаб чиқариш ҳаракатланиши натижалари фақат моддий бойликларда эмас, балки инсонда ҳам мужассамлашиши мумкин ва шундай жараён албатта амалга ошади. Инсон — ишлаб чиқаришнинг пировард мақсадидир.

Ишлаб чиқаришнинг инсонийлашуви шакллари.

1. Барча ижтимоий гуруҳлар ҳаёти моддий шароитлари яхшиланана бориши.

2. Илмий-технологик, иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт шахснинг жисмоний, ижтимоий маънавий ва интеллектуал ижодий қобилиятларини янада ривожлантириш учун шароитлар яратиш мақсадларига янада бўйсндирила бориши: Шу шароитларнинг хилма-хиллигини таъминлаш.

3. Жамият барча аъзоларининг ижтимоий жиҳатдан ҳимояланганлиги.

4. Иқтисодиётда жамият ҳар бир аъзоси иқтисодий фаоллиги ва ташаббускорлиги учун реал шарт-шароитлар мавжудлиги, иқтисодий эркинлик.

5. Меҳнат шароитларининг инсонийлашуви, меҳнатнинг тобора кучлироқ равишда инсоннинг жисмоний ва ақлий камолотини тақозо этувчи ва бунга ёрдам берувчи жараёнга айлана бориши.

6. Ишлаб чиқариш натижаларидан меҳнат қилувчиларнинг бевосита манбаатдорлиги таъмин этилиши ва уларнинг ишлаб чиқаришни бошқариш жараёнларида реал иштирок этиши.

7. Жамиятнинг ўз ҳаёт моддий шароитларини, ижтимоий ишлаб чиқаришини ижтимоий мақсадларини назарда тутган ҳолда онгли равишда тартибга солиб туриши.

Ишлаб чиқаришда инсоннинг ижтимоий табиатига мувофиқ келадиган моддий-буюм ва ташкилий-иқтисодий шароитларнинг яратилиши ишлаб чиқаришнинг инсонийлашуви мазмунини ташкил этади. Бу жараён бир жиҳатдан иқтисодий тараққиёт давомида ижтимоий бойликтининг, жамият аъзолари турмуш, маълумот ва маданият даражаси юксалишидан келиб чиқади. Иккинчидан эса меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқариш самарадорлиги юқори даражаси, маҳсулот сифати ҳодимлар учун мувофиқ шароитлар яратиб берилгандагина таъмин этилади. Ишлаб чиқаришнинг инсонийлашуви фан ва техника инқилобининг оқибати ҳамда айни пайтда унинг ютуқларидан ишлаб чиқаришда фойдалана олишнинг энг муҳим шартидир.

Фойда олишга тўла бўйсиндирилган ишлаб чиқаришдаёқ (хусусий капитализм) ишлаб чиқаришнинг инсонийлашуви зарурлиги аён бўлиб қолади. Маҳсулотнинг юқори сифати ва рақобатга бардошлилигини таъминлаш зарурати ишлаб чиқариш аппарати ва технологик жараёнларни, меҳнатни ташкил этишини юксак умумий ва касбий малакага эга ҳодимларнинг сифат жиҳатдан янги эҳтиёжларига мувофиқлаштиришни зарур қилиб қўяди.

Замонавий бозор ҳўжалиги назарияси асослари.

Иқтисодиётни ташкил этишининг асосий вазифалари. Ҳар қандай жамият одамларни яшаш учун зарур бўлган неъматлар билан таъминлаш мақсадида иқтисодиётни ташкил этишининг кўпдан-кўп муаммоларини доимо ҳал қилиб бормори лозим.

Муаммоларнинг биринчи мажмуи ишлаб чиқариш тузилишини белгилаб олиш билан боғлиқ. Жамиятнинг моддий, ишчи кучи ва молиявий ресурслари чекланганлиги туфайли уларни ишлаб чиқариш тармоқлари ўртасида оқилона тақсимлаш, қандай неъматлар қанча миқдорда ишлаб чиқарилиши лозимлигини билиш зарур бўлади.

Ҳар бир маҳсулот турли усуllар билан ишлаб чиқарилиши мумкинлиги туфайли яна бир муаммолар мажмуи пайдо бўлади: уни ким ва қандай ресурслар билан ишлаб чиқаради? Ишлаб чиқариш жараёнини қандай қилиб йўлга қўйиш лозим? Муайян товарни ишлаб чиқаришга қандай корхоналар — ҳунармандлик устахоналари, майда фабрикалар ёки катта концернлар кўпроқ мос? Меҳнатни ташкил этишда қандай шакллар афзал (ишлаб чиқариш жараёнида

аттиқ назоратми ёки пировард натижа бўйича ходимни рағбатлантириши ми?).

Ниҳоят, яратилган жами маҳсулот тақсимланмоғи лозим. Унинг қанча қисми истеъмолга, қанчаси заҳирага кетади? Маҳсулотни яратувчилар унинг қанча улушкини оладилар, унинг қанча қисми ижтимоий фондлар орқали қайта тақсимланади? Алоҳида товар ишлаб чиқариш шароитида) тайёрланган маҳсулотни сотиш муаммоси, яъни кимга ва қандай нархда сотилади деган муаммо туради.

Иқтисодиётни ташкил этишнинг бозор ва буйруқбозлик шакли. Турли жамиятлар ривожланишининг турли босқичларида мазкур муаммолар турлича ҳал этилади. Анъанавий жамиятда неъматларни ишлаб чиқариш ва тақсимлаш шакл ва усуслари анъаналар тарзида авлоддан авлодга ўтиб боради. Индустрялашган жамият анъанавий алоқалар ва муносабатларни барбод қиласди. Урф-одатларга асосланган хўжалик фаолияти шаклларининг суръати иқтисодий ўсишнинг жадал суръатларига тенглаша олмайди. Урф-одат ўрнини бозор ҳамда иқтисодиётни давлат йўли билан онгли бошқариш олади.

Хўжалик ҳаётини бозор ва давлат йўли билан тартибга солиб туриш шаклларидан тоиндустря даврида ҳам фойдаланилган, албатта, Аммо улар анъанавий жамиятнинг умумий асосларига дахл қилмади. Товар ишлаб чиқарувчилар мавжуд ижтимоий тузумга мослашиб, у билан қўшилишиб кетардилар. Ҳатто товар муносабатлари етарлича ривожланган шаҳарларда ҳам амалда бозор рақобати йўқ эди; ҳунармандлар ва олиб сотарлар бозорни монополия қилиш ниятида касбий ташкилотларга бирлашиб, эҳтимол тутилган рақобатчиларга ғоят хилма-хил (ҳам сиёсий) усуслар билан зарба берардилар, иқтисодиётни давлат йўли билан бошқаришга келганда, анъанавий жамиятда бу истисно эмас, кўпроқ қоида бўлиб қолган эди. Давлат индустрялашган даврига қадар анъаналарни сақлашнинг асосий кафолати вазифасини бажаради, бинобарин, давлат йўли билан бошқариш ижтимоий хўжаликни ташкил этиш муаммоларини ҳал қилишнинг «анъанавий» усуслари доирасидан четга чиқмайди.

Индустрялашган жамият иқтисодиётини ташкил этиш муаммоларини ҳал қилишнинг иккита асосий усулига ва шунга мувофиқ тарзда, иқтисодий тизимнинг иккита бозор ва буйруқбозлик турига эга. Бозор хўжалиги шароитида ишлаб

чиқаришнинг тузилишини, хўжалик фаолияти шакл ва усуларини ҳамда неъматларни тақсимлаш усулларини талаб ва тақлиф, бозор нархи, рақобат каби стихияли тартибга солувчилар белгилаб беради. Буйруқбозлик (ёки маъмурӣ-буйруқбозлик) иқтисодиётидаги иқтисодни ташкил этиш муаммоси давлат идоралари берадиган буйруқлар ва кўрсатмалар асосида ҳал қилинади. Нимани, қанча, қай тариқа ишлаб чиқаришни, кимга ва қандай нархлар билан сотишни давлат амалдорлари ўзлари тузган режаларга таяниб белгилайдилар. Аммо иқтисодиётнинг ҳам бозор, ҳам буйруқбозлик тури «соғ» ҳолда бўлмайди. Ҳозирги жамиятнинг ҳар қандай иқтисодий тизимида хўжалик ҳаётини ташкил этишнинг ҳам буйруқбозлик, ҳам анъанавий шакл ва усулларидан, лекин турли нисбатларда, фойдаланилади. Иқтисодиётни ташкил этишнинг бозор шакли шароитида муаммолар қандай ҳал қилинишини кўриб чиқайлик.

Ишлаб чиқариш тузилишини аҳоли талаби белгилайди. Харидор ишлаб чиқарувчиларга таъсир ўтказишнинг қудратли воситаси бўлмиш пулга эга бўлиб, унинг воситасида ёки бу товар учун «овоз беради», уни чиқаришни рағбатлантиради.

Товар ишлаб чиқариш учун ресурсларни танлаш уларнинг нархлари асосида амалга оширилади. Йўллар устини олмослар ва қимматбаҳо металлар билан қоплашни, нефти эса электр станцияларининг ўчоқларида ёқиши тақиқловчи фармойишларни ҳеч ким чиқармайди. Йўл қопламаларини нимадан қилишни, электр қувватини нима эвазига олишни бозорнинг ўзи «айтиб беради». Бозор иқтисодиётдаги нархлар ҳақида қандайдир давлат идоралари бош қотириб ўтиришмайди — уларни сотувчи билан харидорнинг ўзаро битишуви белгилайди. Сотувчи товарни қимматроқ сотишдан манфаатдор, харидор эса арzonроққа олишга уринади. Пировард натижада, нархни талаб билан тақлифнинг нисбати белгилайди. Бозор шароитида ишлаб чиқаришни ташкил этиш шакл ва усулларини такомиллаштиришга, ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришга, маҳсулот сифатини яҳшилашга ҳеч ким мажбур этилмайди. Бу ҳақда бош қотиришга ишлаб чиқарувчиларни рақобат «мажбур қиласи». Акс ҳолда улар ҳонавайрон бўладилар.

Бозор хўжалиги шароитида иқтисодиётни ташкил этишнинг барча асосий вазифалари, кўриб турибмизки, стихияли тарзда ҳал этилади. Аммо стихиялилик билан тартибсизлик

асло айнан бир нарса әмас. Бозор муносабатларыннинг ҳар бир субъекти мустақил иш тутиб, ўз манфаатини рўёбга чиқара бориб, пировард натижада, «кўзга қўринмас бир қўл воситасида ўзи асло кўзламаган мақсад сари йўналтирилади. У ўз манфаатларини кўзлаб, кўпинча жамият манфаатларига ўзи онгли тарзда интилганига анча кўпроқ самарали тарзда хизмат қиласди». (А. Смит. Халқлар бойлигининг сабаблари ва табиати ҳақида тадқиқотлар. М., 1962, 332-бет.). Адам Смит тилга олган «кўзга қўринмас қўл» — бу объектив иқтисодий қонунлар бўлиб, улар инсон иродаси ва онгига боғлиқ әмас.

Миллион-миллион кишилар бир-бирлари билан келишиб олмастан умумдавлат ҳаракат режасига эга бўлмаган ҳолда ҳар куни ишга қелиб, айнан чиндан ҳам жамият учун керакли бўлган фаолият турини амалга оширадиган иқтисодий тизимни тартибсиз дейиш мумкинми? ахир. Гап шундаки, бозор стихияси ўз ички қонуниятларига эга. Бунда содир бўладиган ҳамма, кўринишдан ҳатто оқибатини сира билиб бўлмайдиган жараёнлар (масалан, нархларнинг ўзгариб туриши) ўз сабабларига эга ва буни иқтисод фани тушунтириб бериши мумкин.

Буйруқбозлик иқтисодиёти ҳақида ҳам худди шуни айтиш мумкин. Бунда халқ хўжалигини ташкил этишининг барча асосий масалаларини давлат маҳкамалари ҳал қилиши факти, объектив қонунлар «бекор қилинади» ва иқтисодиёт у ёки бу ҳукумат амалдорининг ўзбошимча истагига мувофиқ ривожланади, деган маънони асло билдирамайди. Буйруқбозлик иқтисодиётига ривожланиш ва ўщ тутишнинг ўз объектив қонуниятлари хосдир. (афсуски, улар ҳали етарлича ўрганилмаган). Ана шулар давлат маҳкамаларини у ёки бу қарорини қабул қилишга «мажбур этади». Мабодо давлат бошқаруви объектив қонунларга таянмаса, у барбод бўлади.

Дастлабки қарашда буйруқбозликка асосланган иқтисодиёт улкан натурал хўжаликка ёки ўз фойдасига ишлайдиган катта фабрикага ўхшайди. Аммо ташкин ўхшацлик кишини чалғитади. Гарчанд буйруқбозлик иқтисодиёти шаротида корхоналар, тармоқлар ва минтақалар ўртасидаги муносабатлар битта улкан корхона касаба ва бўлимлари ўртасидаги муносабатларни эслатса-да, лекин амалиёт кўрсатиб турганидек, бунда кўпдан кўп «норасмий» ва «расман» ижозат берилган товар алоқалари юзага келади. Бу шу боис-

дан содир бўладики, давлат маҳкамалари амалда эплаб бўлмайдиган ишни хозирги ўта мураккаб иқтисодий тузумда ҳамма нарсани кўзда тутиб, тез ўзгариб бораётган вазият муносабати билан ўз кўрсатмаларини доимо тузатиб туришни эплай олмайди. Биронта ҳам буйруқбозлиқ иқтисодиёти товар хўжалигининг пул ва эркин алмашув каби туркумини йўқотишга, етарлича ривожланган ва ҳамма соҳани қамраб оладиган «яширин» бозорсиз кун кўришга қодир бўлмайди. Ниҳоят буйруқбозлиқ иқтисодиёти — бу индустрлашган жамият иқтисодиётидир ва унга натурал хўжаликдан фарқли ўлароқ, жадал иқтисодий ўсиш субъектлари хосдир.

Бозор хўжалигининг яшаш шартлари. Ижтимоий меҳнат тақсимоти ишлаб чиқаришни ташкил этиш бозор шаклининг зарур (лекин ҳали етарли бўлмаган) шарт-шароитидир. У ёки бу иқтисодий неъматларни ишлаб чиқариш борасидаги вазифаларни одамлар, инсонлар гурухлари ва минтақалар ўртасида тақсимламасдан туриб эркин товар алмашувининг бўлиши мумкин эмас. Бироқ буйруқбозлиқ иқтисодиёти, худди бозор иқтисодиёти каби, ижтимоий тараққиётнинг меҳнат тақсимоти даражаси анча юқори бўлган босқичида юзага келади. Демак, жамият стихияли тарзда ривожланувчи бозор муносабатларининг меъёрида амал қилиши учун қўшимча шароитлар яратиши лозим.

Бозор мавжуд бўлишининг биринчи ва асосий шарти эркин тадбиркорликдир. Товар ишлаб чиқарувчи мустақил равища (бозор коньюктурасига ва ўз имкониятларига таяниб) ишлаб чиқаришнинг тузилиши ва ҳажмини белгилаши, хўжалик юритиш шакли ва усулларини такомилластириши лозим. Сотувчи ва харидор бир-бириларини бозорда ўзлари топадиган ва нарх хусусида келишадилар. Тадбиркорлик эркинлиги — бу асло одамлар талаблари ва рақобатдан эмас, балки давлатнинг корхоналар хўжалик фаолиятига тўғридан-тўғри аралашувидаги эркинлигидир. Пул талаби ва бозор рақобати ишлаб чиқарувчини жамиятга зарур маҳсулотни чиқаришга буйруқлар ва қарорларга қараганда анча яхшироқ мажбур қиласди.

Ишлаб чиқариш омиллари ва ҳатижаларига хусусий ва жамоа мулкчилик ҳуқуқи давлат томонидан кафолатланмаса, тадбиркорлик эркин бўлиши мумкин эмас. Бу хил кафолатларнинг бўлмаслиги — хўжалик борасидаги фаоллик заифлигининг энг асосий сабабидир. Оғир меҳнат билан жамға-

рилган мол-мулкни истаган пайтда бирон-бир киши (кучлироқ қўшни, хорижий босқинчи ёки «ўз» амалдори) тортиб олиши (талаш, катта солиқ ёки пора шаклида) мумкинлигидан иборат тайин хавф аҳоли иқтисодий фаоллиги ривожланшини асло рағбатлантирмайди. Бозор тадбиркорлик фалиятининг шакллари хилма-хил ва тенг бўлишини, шунингдек, улар ўртасида эркин рақобат бўлишини тақозо этади.

Ишлаб чиқариш омилларига (шу жумладан иш кучига ҳам) эга бўлиш ҳуқуқи уларни эркин тасарруф қилиш ҳуқуқини ҳам ўз ичига олади. Ишлаб чиқариш воситалари, иш кучи, ахборот бозорлари — ривожланган бозор хўжалигининг зарур унсурлари бўлиб, буларсиз у меъёрида ишлай олмайди. Албатта, мулкчилик ҳуқуқи абадий бўлиши мумкин эмас. Солиқлар, чеклашлар ва қонун асосида ер сотишни, иш кучи ёллашни тартибга солиш ва ҳоказолр ёрдамида жамият унинг «доира»сини белгилаб қўяди. Аммо жамият мулкий муносабатларни тартибга солишига ортиқча берилиб кетса, аҳоли хўжалик фаоллигининг пасайиши хавфига дуч келади. Катта солиқлар катта даромад олишга интилишини, меросни чеклаш, эса — жамғаришга рағбатни сўндириши мумкин.

Бозор хўжалиги, қайд қилиб ўтилганидек, рақобат бўлмаса меъёрида ишлай олмайди. Ҳар қандай монополия (бозор муносабатлари субъектларининг рақобатни чеклайдиган тарзда бирлашиши) бозор қонунларининг амалга қилишига тўғаноқ солади: ишлаб чиқаришнинг тузилишини ва ҳажми хўжалик юритиш ва товарларни сотиш усуллари, нархлар — буларнинг бари монополистик тарзда тартибга солиш обьектларига айланади бозор стихияли бошқаруви амал қиладиган макондан қисман (тўла монополия шароитида — буткул) чиқариб ташланади.

Бозор тузилиши.

Товарларни сотиш борасидаги иқтисодий алоқалар ва муносабатларнинг мажмуй сифатидаги бозор меҳнат тақсимоти ривожланган ҳар қандай иқтисодий тузумнинг энг муҳим таркибий туркунидир. Иқтисодий неъматларнинг каттагина қисми давлат бошқарув идоралари томонидан тақсимланадиган ва лекин, эркин тарзда алмаштирилмайдиган буйруқбозлик иқтисодиёти шароитида бозор гоят чалкамачатти ҳолда мавжуд бўлади. Бозор хўжалиги эса бозорнинг жуда кўп хилма-хил турлари мавжуд бўлишини тақозо этади.

Товар алмашув муносабатлари тузилишида истеъмол бозори марказий ўринни эгаллайдики, унда инсон эҳтиёжларини бевосита қондирувчи моддий буюмлар ва хизматлардан иборат бевосита иқтисодий неъматлар сотилади. Ҳатто буйруқбозлик иқтисодиёти ҳам нисбатан эркин истеъмол бозорисиз иш юрита олмайди. Уни тўғридан тўғри марказлаштирилган тартибда тақсимлаш билан алмаштиришга уринишлар ҳар гал барбод бўлаверади: режалаштириш ва тақсимлаш маҳкамалари ҳар бир инсоннинг барча шахсий табларини ҳисобга олишга, уларнинг келажакдаги ўзгаришини олдиндан аниқ белгилашга, улар ушбу инсоннинг «умум қозони»га қўшган ҳиссасига қанчалик мувофиқлигини ва қай даражада қондирилиши лозимлигини аниқлашга асло қодир эмаслар.

Ишлаб чиқариш воситалари бозори. — Табиий ресурслар (ер, сув, фойдали қазилма ва ҳоказолар) ва инсон яратган билвосита неъматлар (дастгоҳлар, хом ашё, ишлаб чиқариш бинолари ва ҳоказолар) бозори бозор хўжалигида жуда катта аҳамиятга эга. Унда сотиладиган товарлар шахсий истеъмолга эмас, ишлаб чиқариш истеъмолига мўлжаллангандир. Демак, ушбу товарнинг сотувчилари ҳам, харидорлари ҳам товар ишлаб чиқарувчилардир. Буйруқбозлик иқтисодиёти шароитида моддий ресурслар одатда, эркин сотувга келиб тушмайди, балки олдиндан тақсимланган фондлар бўйича марказлаштирилган тартибда тақсимланади. Ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар бир-бирига беркитиб қўйилган ва хўжалик алоқалари бўйича шериклар ташлашда эркин эмас.

Истеъмол буюмлари ва ишлаб чиқариш воситаларини реализация қилишнинг турли усуллари: савдо ташкилотлари воситачилигида сотиш, ким ошдига сотиш, бартер битишуви ва ҳоказолар мавжуд. Улгуржи савдо кўпинча товар биржаси орқали амалга оширилади. Бу ерда оммавий бир хилдаги товарлар (пахта, дон, металл) сотилиши мумкин. Сотувчи муайян маҳсулотни харидорга етказиб бериш мажбуриятини олади.

Инсоннинг қобилияtlари ва билимларини (булар ҳам товардир иш кучи бозорида сотиш мумкин. Сотувчи (ишчи) билан харидор (тадбиркор) бу бозорда ушбу товарнинг нархи — иш ҳақи тўғрисида шартлашиб өладилар. Иш кучи бозори мавжуд бўлишининг асосий шартлари — ходимларнинг шахсий эркинлиги ва тадбиркорлик эркинлиги-

дир. Ходим мәҳнаттага бўлган ўз лаёқатини сотиш, тадбиркор эса уни сотиб олиш имкониятига эга бўлиши керак.

Касаба уюшмалар ва давлат ҳозирги замон меҳнат бо зорига фаол таъсир кўрсатади. Касаба уюшмалари ишчиларнинг куч-файратларини бирлаштириб, уларнинг иш ҳақини ошириш ва меҳнат шароитларйни яхшилаш учун курашни ташкил қиласди.

Пул ҳам сотилиши ва сотиб олиниши мумкин. Уни сотиш кредитлаш дейилади. Кредит истеъмол товарлари сотиб олиш, ўз хусусий ишини ташкил этиш ёки кенгайтириш (ишлаб чиқариш воситалари ва иш кучи сотиб олиш), давлат харажатларини амалга ошириш ва ҳоказо учун олинади. Кредит учун тўланадиган пул «нархи» фойздир. У, ҳар қандай нарх каби, талаб билан таклиф нисбатига боғлиқ. Банклар, корхоналар, давлат, хусусий кишилар пул товарини сотувчилар ва сотиб оловчилардир.

Кредитлаш усулларидан бири — қимматбаҳо қоғозларни—даромад олиш ҳуқуқини берадиган ҳужжатларни чиқариш ва сотишдир. Қимматбаҳо қоғозлар эркин бозори — акцияли компаниялар меъёрида ишлашининг энг муҳим шарти, жамият пул ресурсларини жамлашнинг қудратли воситасидир. Йирик қорпорацияларнинг акция ва облигациялари, шунингдек марказий ва маҳаллий давлат маҳкамаларининг облигациялари фонд биржаларида сотилади ва сотиб олинади. Фонд биржасига кирмаган қимматбаҳо қоғозлар биржадан ташқари бозорда муомалада бўлади.

Ҳозирги замон ишлаб чиқариш шароитида фан-техника ахборот бозори жуда катта аҳамиятга эга. 80-йиллар ўрталарида ахборот бизнеси (ахборотни сотувчи, ахборот шахобчаларига хизмат қилувчи, алоқа воситаларини, ахборотни сақлаш ва қайта тиклаш воситаларини ишлаб чиқарувчи корхоналар) АҚШнинг иқтисодий фаол аҳолисининг 46,6 фоизини ўзига жалб этган эди.

Ҳозирги бозор хўжалиги «пинҳоний» иқтисодиёт деган нарсадан ҳам холи эмас. Саноат ривожланган айrim мамлакатларда у миллий даромаднинг 1/10 қисмигача ишлаб чиқаради. «Пинҳоний» иқтисодиётнинг асосий соҳаси — фаолиятнинг қонун тақиқлаган ёки чеклаб қўйган турлари (наркотик моддалар бизнеси, фоҳишабозлик, қиморбозлик), шунингдек баъзи бир сермеҳнат тармоқлари (қурилиши, уйжойни ва автомобилларни таъмирлаш, хизматлар соҳалари) дир. Яширин бизнес солиқларидан ва иш кучини ёллашни

тартибга солиб турувчи қонун ҳужжатларидан ҳоли бўлганлиги сабабли «пинҳоний» иқтисодиётдаги нархлар ва ишҳақи, одатда, «расмий» иқтисодиётдагига нисбатан пастроқ бўлади.

«Пинҳоний» бозор буйруқбозлик иқтисодиёти шароитида ҳам амал қиласди. Унинг мавжудлигининг асосий сабаблари — ялпи тахчиллик ва эркин тадбиркорликнинг чекланганлигидир. Аммо унда нархлар ва даромадлар, одатда, давлат шуъбасидагидан юқорироқдир. Яширин тадбиркорлик ва «чайқовчилик» бозори қаттиқ марказлаштирилган бошқарувнинг нохушдлиги тақозо этган камчиликларни кўп жиҳатдан қоплади. Уларнинг асосий соҳаси — буйруқбозлик иқтисодиётининг ношудлиги жуда яққол намоён бўладиган давлат хўжалигида ишлаб чиқарилган товарларни тақсимлашдир.

Ниҳоят, яна жаҳон бозори — турли мамлакатларда ишлаб чиқарилган товарлар алмаштириладиган соҳа ҳам бор. Бутун жаҳон меҳнат тақсимоти чуқурлаша борган сайн миллий иқтисодиётларнинг ривожланишига жаҳон бозорининг таъсири кучайиб боради. Биронта ҳам давлат бу таъсирдан ҳоли эмас.

Аралаш иқтисодиёт деган ном олган ҳозирги замон бозор хўжалиги бу ғоят мураккаб, кўп даражада иқтисодий тизим бўлиб, унда стихияли бозор рақобати воситалари давлатни тартибга солиб тuriши билан қўшиб олиб борилади, унда мулк ва хўжалик юритишнинг ғоят хилма-хил шакллари ёнма-ён яшайди ва бир-бирини тўлдиради, булар бир вақтнинг ўзида ҳам рақобат қиласди, ҳам бир-бирига чатишиб кетади. Филипп Марш (француз молия ҳодими)нинг образли ифодасига кўра, «аралаш иқтисодиёт» — бу давлат билан хусусий секторнинг бирон манфаатини кўзлаб ниқоҳдан ўтишидир». («Аралаш иқтисодиёт»: назария ва амалиёт 80-йиллар. Рефератив тўплам. М., 1990, 49-бет. (рус тилида). Бунда давлат, биринчидан, ўзининг «табиий» вазифаларини бажаради (хуқуқ-тартиботни ва хавфсизликни таъминлайди теварак-муҳитни муҳофаза этиш ҳақида жон кўйдиради, пул муомаласини ташкил этади, ишлаб чиқариш ва ижтимоий-майший инфраструктурани қувватлаб туради ва ҳоказо), иккинчидан, бозорни ўзининг зиддиятларини «юмшатади», бунинг учун эса бозорни тартибга солишнинг бўхронға қарши, ижтимоий шаклдан фойдаланилади, солиқлар давлат тадбиркорлиги, хўжаликка оид қонуулар, давлатнинг иқтисодий

режалари ва шу кабилар ҳукумат сиёсатини амалга ошириш «воситаларидир».

Айни чоқда давлатнинг аралашуви, одатда, бозор хўжалиги асосларига дахл қилмайди. Йқтисодиётни ташкил қилишнинг асосий муаммолари стихияли тарзда тартибга солувчилар талаб ва таклиф, эркин нархлар, рақобат воситасида ҳал этилади. Давлат бозорнинг ўринини олмайди, балки уни тартибга солиб туради ва баъзан ўз-ўзидан ёмирилишидан (масалан, юзага келувчи монополияларга қарши курашни амалга ошириб) ҳимоя қиласди.

Бозор иқтисодиёти содда қилиб айтганда — товар-пул муносабатларига асосланган ва уларга хос иқтисодий қонунлар асосида бошқариладиган иқтисодидир. Бозор иқтисоди азалдан мавжуд, у бир неча минг йиллардан буён ривожланиб, турли ижтимоий-иктисодий формацияларда улар доирасида сақланиб келади, иқтисодий соҳадаги умумисоний қадрият ҳисобланади. Дастреб жамиятда бозор иқтисодиётининг илк куртаклари пайдо бўлган, сўнг қамол топиб, оқибат натижада иқтисодиётнинг бош шаклига айланди. Ҳозирги пайтда бозор иқтисодиёти ер юзидаги барча мамлакатларда мавжуд, лекин эркин соҳибкорлик ҳукмрон жойларда иқтисодиётнинг асосий тури ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти ўзининг ҳозирги даражасида бир қатор муҳим сифат белгиларига эга. Улардан асосийси товар ишлаб чиқарувчининг иқтисодий эркинлиги, яъни бозор учун ишлаб чиқарувчи корхона ёки айрим қишининг мустақил иқтисодий фаолият юритишидир. Мустақилликнинг бирламчи асоси — мулк эгаси бўлиш. Товар ишлаб чиқарувчи меҳнат воситаси эгаси ёкуд уни ижарага олиб ўз билганича ишлатувчи бўлади. Шу босидан у ўзи яратган маҳсулотнинг мулкдори, уни ўз билганича сотиш ёки сотмай туришга ҳақли. Бозорга чиқарилган товарни олди-сотди қилиш сотувчи билан харидорнинг эркин ва ихтиёрий муносабатига асосланади, уни чеклаш ёки тақиқлаш ўринсиз ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти иқтисодий монополизмни инкор этади, товар ишлаб чиқарувчиларни бозордаги эркин рақобатини тақозо этади. Бозорда товар эгалари товар сотиш орқали харидорни ўзига қаратишга йитилади. Бозорда ишлаб чиқарувчи эмас, балки истеъмолчи ўз шартини қўяди, ўз измини ўтказади. Ишлаб чиқарувчи истеъмолчининг талаб-эҳтиёжини қондиргандагина даромад кўра блади. Бозор иқтисодиётнинг муҳим томони — ишлаб чиқарилган товарга қишилар эҳтиёжини қондирин учун зарур миқдор ва турда, яъни бозорда тан олинадиган

даражада меңнат сарфланишидир. Унинг яна бир белгиси айирбошлашнинг эквивалент, яъни сарфланган ижтимоий зарур меңнатга мувофиқ амалга ошуви ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти шароитида айирбошлаш албатта пул воситасида, яъни олди-сотди орқали юз бериши керак, олди-сотди эса эркин ва рақобат асосида ташкил топган баҳолар орқали олиб борилади. Товар ишлаб чиқариш бозор воситалари орқали тартибга солинади, бозорда нимага талаб ошиб борса шу нарсани ишлаб чиқариш фойда беради, бинобарин шу тармоқ кенгайиб боради.

Бозор иқтисодиётига хос объектив қонунлар бор. Улардан энг муҳими қиймат қонуни, талаб ва таклиф қонуни, рақобат ва синиш қонуни, пул муомаласи қонунлариридир. Бозор иқтисодиётининг муҳим талаби шуки, товар ишлаб чиқарувчи кам меңнат сарфлаган ҳолда кўплаб ва сифатли товар чиқаргандагина, яъни кишиларнинг талаб-эҳтиёжини тўлароқ қондиргандагина фойда кўриб ишлаши мумкин, акс ҳолда у синади (банкрот бўлади). Бозор иқтисодиётига хос белги—бу товар ишлаб чиқарувчиларнинг, умуман жамият аъзоларининг ўз даромадига кўра табақалашувиdir. Айрим корхоналар, кишилар ва ҳатто давлатлар ўз даромади жиҳатидан тафовутланадики, бу ишлаб чиқариш даржасидаги фарқнинг оқибати ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсиши учун бозор кенгайиб унинг турлари кўпая бориши, рақобат кураши миллӣ доирадан чиқиб, ҳалқаро тус олиши керак.

Тарихан бозор иқтисодиётининг икки тури мавжуд: биринчиси — тартибсиз стихияли ривожланувчи бозор иқтисодиёти. Бундай иқтисод тарихий тараққиётнинг олдинги босқичларида ҳукмрон бўлган, ҳозир ҳам учраб туради. У тарқоқ, бир-бираидан ажралган, ўзибўларчилик асосида ва кўркўона ривожланувчи, мақсад ва ҳаракати бир-бири билан олдиндан мутлақо келишилмаган ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар фаолиятидан иборат, иккинчиси — тартибга солинувчи, бошқариладиган бозор иқтисодиёти бўлиб, жамият бундай бозорга давлат орқали ва иқтисодий воситалар (нарх, солиқ, фоиз, фойда, рента, субсидия ва ҳ. к.) билан маълум йўналиш беради, унга онгли равишда таъсир қўрсатади. Ҳозирги босқичда деярли ҳамма мамлакатларда бозор иқтисодиётининг бу тури ҳукмронлик қиласи.

Бозор иқтисодиётига ўтиш мустақил Ўзбекистонине ва ундаги ҳозир амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар

нинг ниҳоясидир. У гуманистик ва демократик, ҳуқуқий давлат қуришнинг муҳим шарти ҳисобланади. Унга ўтиш дархол юз бермайди. Бунинг учун ўтиш даври талаб қилинадики, унинг давомида босқичма-босқич бозор иқтисодиётига, унинг муҳим унсурлари бирин-кетин жорий этилади. Қўйгина мамлакатларда бозор иқтисодиёти тарихан узоқ йиллар мобайнида шаклланган, аммо бозор иқтисодиётини юритиш соҳасида инсоният тўплаган тажрибадан фойдаланиш унга ўтишини жадаллаштириш имконийи беради.

Узбекистон Республикасида бозор иқтисодиётининг шаклланиши ва хусусиятлари.

Мустақил мамлакатимиз ўз ҳалқи танлаб олган йўл — эркин бозор иқтисодиётига асосланган одиқ жамият, кучли демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлидан босқичма-босқич олга бормоқда. Биз барпо этаётган давлат, аввало умумжоҳон цивилизациясига, давлат қурилиши соҳасида тарақкий этган бошқа ҳалқлар эришган тажрибаларга ва ўзимизга хос миллий анъаналарга, ижтимоий қадриятларимизга асосланмоқда¹.

Узбекистонда кейинги йилларда рўй берадиган чуқур иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ўзгаришларнинг назарий асослари ҳамда амалий дастури Узбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг «Узбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёsat, мафкура», «Биздан озод ва обод Ватан қолсин», тўпламларида, «Узбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Узбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли», «Узбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари» рисолаларида, ҳамда энг сўнгги бутун ҳамдўстлик мамлакатлари ва бир неча хорижий мамлакатлар тиљларига таржима қилиниб чоп этилган И. А. Каримовнинг «Узбекистонда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» номли фундаментал асарида баён қилинган. Уларда ёш давлатимиз олдида турган гоят муҳим вазифалар — мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ислоҳ қилиш, иқтисодий муносабатларни демократиялаш, келажак пойdevори бўлмиш юксак маънавиятдан Ватан равнақи йўлида фойдаланиш масалалари кўриб чиқилган.

¹ Каримов И. А. Узбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. «Узбекистон», Тошкент, 1995, З-бет.

«Пировард мақсадимиз, — деб ёзади И. А. Каримов — ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётiga, очиқ ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборатдир»¹.

Мамлакатимиз давлат қурилишининг бош йўналиши ма-шаққат билан қад ростлаган мамлакатларнинг мураккаб тажрибасини, шу билан бирга республиканинг ўз хусусиятларини ва халқнинг ақл-заковатини ҳисобга олиб ишлаб чиқилган ўз йўлидан аниқ мақсад сари қатъият билан илгарилаб борищдан иборатдир.

Республикамиз Президенти И. А. Каримов кўрсатиб берган йўлни амалга оширишга, иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилишга бешта муҳим машҳур тамойил асос қилиб олинган бўлиб, ўтиш даврининг сиёсати ана шу тамойилларга таянади.

Ишлаб чиқилган тамойиллар ҳаёт синовидан ўтди. Амалий иш жараёнида уларнинг тўғрилиги тасдиқланди. Бу тамойиллар жаҳон жамоатчилиги томонидан маъқулланди, энг муҳими, халқимизнинг ўзи уларни қабул қилди ва қўллаб-куватлади. Ҳозирги вақтда мазкур тамойилларни амалга ошириб, республикада ижтимоий-сиёсий барқарорлик, энг муҳими — бозор муносабатларини жорий этиш сари босқич-ма-босқич илгарилаб бориш таъминланмоқда. Шу боис бундан буён ҳам ушбу тамойилларга амал қилинаверади.

Ҳозиргача бу тамойиллар етарли даражада кенг ва тўла баён қилиб берилди. Уларнинг асосий мазмуни қўйидагилардан иборат:

1. Иқтисодиётни мафкурадан батамом ҳоли қилиш. Иқтисодиёт сиёсатдан устун турмоғи, унинг ички мазмунини ташкил қилмоғи лозим. Айнан иқтисодиёт, уни янада ривожлантириш муаммолари ҳозирги давлат сиёсатининг асосий мазмунидир.

2. Мураккаб ўтиш даврида давлатнинг ўзи бош ислоҳотчи бўлиши зарур. Давлат бутун халқнинг манфаатларини ҳўзлаб, ислоҳотлар жараёнининг ташаббускори бўлиши, иқтисодий тараққиётнинг етакчи йўналишларини белгилаши, иқтисодиётда, ижтимоий соҳада ва суверен давлатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида туб ўзгаришларни амалга ошириш сиёсатини ишлаб чиқиши ва изчил рўёбга чиқариши керак.

¹ Каримов И. А. кўрсатилган адабиётнинг 9-бети.

3. Бутун янгиланиш ва тарақиёт жараёни қонунларга асосланмоғи зарур. Иқтисодий ўзгаришлар синалган, амалий кучга эга бўлган қонунларга таянгандагига бу ўзгаришлар сезиларли натижалар бериши, муқаррар бўлиши мумкин.

4. Демография сооҳасидаги реал аҳволни, аҳолининг мавжуд турмуш даражасини ҳисобга олган ҳолда бозор муносабатларига ўтиш билан бир қаторда одамларни ижтимоий ҳимоялаш сооҳасида кучли чора-тадбирларни олдиндан амалга ошириш керак. Ижтимоий ҳимоялаш ва кафолатларнинг кучли, таъсирчан механизми мавжуд бўлгандагина ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаган ҳолда бозор иқтисодиёти сари тинимсиз ривожланиб боришни таъминлаш мумкин.

5. Янги иқтисодий, бозор муносабатларини пухта ўйлаб, босқичма-босқич қарор топтириш лозим бўлади.

Беш тамойилнинг ҳаммаси ҳам демократик ва иқтисодий ўзгаришларни муваффақиятли ислоҳ қилиб боришда бирдай муҳим аҳамиятга эгадир. Шу билан бирга бозорга босқичма-босқич ўтиш тамойили алоҳида эътиборга лойиқ. Бу етакчи тамойиллардан биридир. У иқтисодий ислоҳотларнинг бутун ички мантиқини, ривожланиб бориши ва характеристерини белгилаб беради.

Ўзбекистоннинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигига эришиш, миллий давлатчилигимизни барпо этиш, бунинг учун мустаҳкам моддий негиз яратиш манфаатларини кўзлаб қўйидагиларни иқтисодиётни ислоҳ қилиш сооҳасида стратегик мақсадлар қилиб белгиланди.

1. Ижтимоий ўналтирилган бозор иқтисодиётини босқичма-босқич шакллантириш, қудратли ва тинимсиз ривожланиб борадиган, миллий бойликнинг ортишини, кишилар ҳаёти ва фаолияти учун зарур шарт-шароитларни таъминлайдиган иқтисодий тизим барпо этиш.

2. Қўп укладли иқтисодиётни яратиш, инсоннинг мулкдан маҳрум бўлишига барҳам бериш, ташаббускорлик ва уддабуронликни бутун чоралар билан ривожлантириш негизи бўлган хусусий мулкнинг давлат томонидан ҳимоя қилинишини таъминлаш.

3. Корхоналар ва фуқароларга кенг иқтисодий эркинликлар бериш, уларнинг хўжалик фаолиятига давлатнинг бевосита аралашувидан воз кечиш, иқтисодиётни бошқаришицинг маъмурий-буйруқбозлик усулларини бартараф этиш иқтисодий омиллар ва рағбатлантириш воситаларидан кенг фойдаланиш.

4. Иқтисодиётда моддий, табиий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлайдиган чуқур структуралык ўзғаришлар қилиш, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш, жаҳон иқтисодий тизимиға қўшилиб бориш.

5. Кишиларда янгича иқтисодий фикрлашни шакллантириш, уларнинг дунёқарашини ўзгартириш, ҳар бир қишига ўз меҳнатини сарфлаш соҳаси ва шаклларини мустақил белгилаш имконини бериш.

Республикамизда, юқорида айтиб ўтганимиздай, бозор ислоҳотларини амалга ошириш дастури устивор вазифаларни босқичма-босқич ҳал қилишга асосланади.

Биринчи босқич — тоталитар ўтмишдан ҳозирги, замонавий бозор муносабатларга ўтишга қаратилган чора-тадбирлар занжиридаги бошланғич бўлимдир. Мазкур даврнинг хусусияти ҳам, мураккаблиги ҳам ана шунда.

Биринчи босқичда республикада иккита ҳал қилувчи вазифани бирданига ҳал қилинди.

Бу вазифалар:

— маъмурий — буйруқбозлиқ тизимининг оғир оқибатларини енгиш, танглилка барҳам бериш, иқтисодиётни барқаорлаштириш;

— республиканинг ўзига хос шароитлари ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бозор муносабатларининг негизларини шакллантиришдан иборатdir.

Мазкур вазифаларни ҳал қилиш учун биринчи босқичда иқтисодиётни дастлабки ислоҳ қилишининг ғоят муҳим йўналишларини белгилаб берган асосий устивор йўналишлар сифатида қуидагиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш талаб қилинади.

Биринчидан, ўтиш жараёнининг хуқуқий асосларини шакллантириш, ислоҳотларнинг қонуний-хуқуқий базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш. Давлат мустақиллигининг ва ҳозирги иқтисодий муносабатларнинг хуқуқий пойдевори бўлган Асосий Қонун — Узбекистон Республикасининг янги Конституциясини қабул қилиш бош вазифа қилиб қўйилди.

Иккинчидан, қишлоқ хўжалигида мулкчиликнинг янги шаклларини вужудга келтириш, маҳаллий саноат, савдо, маший хизмат корхоналарини, уй-жой фондини хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш, ўнингдек, енгил саноат, қурилиш ва транспорт соҳасидаги айrim корхоналарни акциядорлик асосида қайта қуриш ҳисобига кўл укладли иқтисодиёт негизларни яратиш.

Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш хусусий мулкни ҳимоя қилишнинг конституциявий ҳуқуқлари ва кафолатларини таъминлаш. Давлат хўжаликларини жамоа хўжаликларига ёки мулкчиликнинг давлатга қарашли бўлмаган бошқача шаклларига айлантириш, фермер (декон) хўжаликларини, унча катта бўлмаган бошқача шаклларига кооперативларга, пудратчи ва ижарачи оидавий жамоаларни ривожлантириш ҳисобига қишлоқда ишлаб чиқаришнинг чинакам ширкатчилик шакллари ни қайта тиклаш.

Учинчидан, ишлаб чиқаришнинг пасайиб боришига барҳам бериш, молиявий аҳволининг барқарорлашувини таъминлаш иқтисодий ислоҳотларни рӯёбга чиқаришинг гоят муҳим шарти бўлмоғи керак эди.

Иқтисодиёт барқарор амал қилиб турган тақдирдагина бозор муносабатларига муваффақиятли ўтиш мумкин. Биринчи босқичда вужудга келаётган вазият тангликни барта-раф этиш учун жадал, қаттиқ баъзан унча одат бўлмаган чоралар кўришни, аҳолининг турмуш даражаси кескин ёмонлашиб кетишига йўл қўймасликни талаб қилди.

Ўзбекистонни бозор иқтисодиётига ўтиши йўлида олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларни биринчи босқичидан иккинчи босқичига ўтилди. Хўш, ана шу босиб ўтилган биринчи босқичда, қисқа давр ичida мамлакатимиз нималарга эришди?

Ўзбекистоннинг ялпи ички маҳсулоти 1994 йилда 1991 йилдагига нисбатан 83 фоизни ташкил этди, яъни ялпи маҳсулот 17 фоизга камайган ваҳоланки бу кўрсаткич Қозоғистонда 43, Россияда 39, Украинада 40, Беларусда 35 фоизни ташкил этади. Саноат маҳсулоти ҳажми эса Узбекистонда 1991 йилга нисбатан 2 фоизга камайган бўлса, Қозоғистонда 48, Россияда 44, Украинада 38, Беларусда 32 фоизга камайиб кетган. 1994 йили Республикаизда саноат суръатлари 1993 йилга қараганда 101 фоиз ўсади. Ялпи ташқи савдо обороти 1993 йилга нисбатан 5,5 фоизга кўпайди. Нефть ва газ кондесати қазиб олиш 1991 йилга нисбатан 1994 йилда 2 баравар кўпайди. Олтин, доң, енгил саноат моллари, озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш анча ошди.

«Ўзбекистон — деб таъкидлади И. А. Қаримов Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида қилған маъруzasida, — мана ҷондай шароитда иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқи-

чиға кириб бормоқда». Бу босқичнинг энг муҳим вазифалари мулкни ҳақиқий эгаларига беришни жадаллаштиришдан, мулкдорлар дуч келаётган муаммоларни ечишга ёрдам беришдан, тадбиркорлик учун кенг йўл очишдан, фермерларга ер ажратиш ва ер ислоҳотини жадаллаштиришдан, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтиришдан, банк, молия, кредит тизимларини жаҳон талаблари даражасига кўтаришдан, миллий валюта — сўмимизни жаҳоннинг кучли валуталири билан конвертациялашдан, яъни эркин алмашувга эришиш ва бошқалардан иборат.

И. А. Қаримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» номли китобида бозор иқтисодига ўтишнинг қатор мураккаб муаммолари ва жараёнлари чуқур ва атрофлича баён этилган.

Жаҳон хўжалик жараёни ва халқаро ҳамкорлик.

Бизнинг давлатимиз жаҳон ҳамжамиятининг тўла ҳуқуқий аззосидир. У халқаро ташкилотлар фаолиятида фаол иштирок этмоқда. Ўзбекистон ўз миллий манфаатларига жавоб берадиган тинчликсевар ташқи сиёsat олиб бормоқда. Давлатимиз ташқи сиёsatнинг асосий қоидалари Ўзбекистон Республикасининг Асосий Қонуни — Конституциясида қонунлаштирилган.

«Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёsatи давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади.

Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажralиб чиқиши мумкин», — дейилади Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-моддасида.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигини жаҳоннинг 150 дан ортиқ давлати тан олди, уларнинг 74 таси билан дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Тошкентда 50 дан ортиқ элчихона, ваколатхона ва консулликлар очилди.

¹ Ўзбекистон: мустақиллик одимлари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1995, 42-бет.

Ҳозир дунёнинг 20 дан ортиқ давлатида Республика мизнинг дипломатия элчихоналари фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ўз тарихида биринчи марта 1992 йил 2 марта халқаро ҳуқуқнинг тўла ҳуқуқли субъекти сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилинди. Президент И. А. Қаримовнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 1993 йилда бўлган 48-сессиясида иштирок этиши ва унда 27 сентябрда қилган маърузаси Ўзбекистонни жаҳонга кўхна ва ёш навқирон мамлакат сифатида намоён этди. Марказий Осиёда хавфсизлик, барқарорлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича БМТнинг Тошкентда доимий ишловчи семинарини чақириш, наркобизнесга қарши курашни кучайтириш. Орол муаммосини ҳал этиш ва бошқа масалалар бўйича бир қатор таклифларни ўртага қўйди.

1993 йил февралда Тошкентда БМТнинг ваколатхонаси таъсис этилди ва у иш бошлади. Бугунги кунда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси Республика мизда БМТнинг Тараққиёт дастури, Саноат тараққиёти дастури, Қочоқлар иши бўйича ваколатли Олий комиссари, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Аҳоли жойлашиш жамғармаси, Наркотикларни назорат қилиш бўйича дастур, Болалар жамғармаси сингари ихтисослашган муасасаларни ўз таркибига бирлаштиришга муваффақ бўлди.

Ўзбекистон 1992 йил февраль ойида дунёда тинчликни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича катта тадбирларни амалга ошираётган нуфузли халқаро ташкилот — Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (EXXT)га аъзо бўлиб кирди. И. А. Қаримовнинг 1992 йил 9-10 июля бўлган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг мажлисида иштирок этиши, нутқ сўзлаши ва унинг 10 июля бўлган мажлисига раислик қилиши Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаётгандигининг далилидир.

Ўзбекистон жаҳондаги 105 мамлакатни бирлаштирувчи Кўшилмаслик ҳаракатига қабул қилинди, бўлғуси жаҳон парламентининг тимсоли бўлмиш Парламентлараро Иттифоққа кирди.

Ўзбекистон Республикаси бир қатор ихтисослашган нуфузли халқаро иқтисодий илмий-техникавий ва маданий ташкилотлар — Жаҳон иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси, Халқаро қайта тъклаш ва тараққиёт банки, Халқаро меҳнат ташкилоти, Халқаро почта иттифоқи, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташки-

лоти, Электр алоқаси бўйича ҳалқаро иттифоқ, Жаҳон метрология ташкилоти, Ҳалқаро автомобилчилар иттифоқи, Ҳалқаро олимпиада қўмитаси, Осиё ва Тинҷ океан ҳавзаси бўйича иқтисодий ва ижтимоий комиссия, Шимолий Атлантик Ҳамкорлиги кенгаши, Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Қора дengiz мамлакатлари иқтисодий уюшмаси, Божхоналар ҳамкорлиги кенгаши, Атом энергияси бўйича ҳалқаро агентлик, Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банки, БМТнинг таълим, фан ва маданият бўйича қўмитаси (ЮНЕСКО) ва бошқа ташкилотларнинг аъзосидир.

Узбекистон мустақил давлат сифатида қўллаб ҳалқаро Конвенцияларга ва БМТ, EXXT, XMT кабиларнинг иштоказолариға қўшилди.

Узбекистон Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) ғоясини қўллаб-қувватлади ва 1991 йил 21 декабрда МДҲни тузувчи давлатлардан бири сифатида унга аъзо бўлди. Узбекистоннинг МДҲ таркибида бўлиши, унинг миллий хавфсизлителгининг муҳим кафолатидир. Узбекистон Ҳамдўстлик доирасида колектив хавфсизлик тизимини барпо этиш ташаббуси билан чиқди. Бу масалада Тошкентда 1992 йил май ойида дастлабки шартнома имзоланди. МДҲга аъзо бўлиб кирган мамлакатлар билан икки томонлама ва кўп томонлама иқтисодий ва маданий муносабатларни ривожлантириш Узбекистон ташқи сиёсатининг устивор йўналишларидан биридир.

Узбекистон ташқи сиёсатининг асосий йўналишларидан бири Марказий Осиёдаги янги мустақил давлатлар — Қозогистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон билан ҳамкорлик, дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга қаратилган. Бу шунчаки баландпарвоз иштиёқмандлик эмас, балкчى бу мазкур бешта давлатлар тарихи, маданияти, тили ва динининг бирлигидан, томирларнинг туташиб кетганлигидан келиб чиқувчи жiddий сиёсий, иқтисодий, ижтимоий тараққиёт йўлидир. Узбекистон раҳбарияти бу минтақадаги давлатлар, ҳалқлар ўртасида тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатиб, уни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш тадбирларини қадамба-қадам амалга ошириб бормоқда. Тожикистон ҳалқи бошига мусибат тушганда Узбекистоннинг берган сиёсий ва иқтисодий мадади, бешта мамлакатни Ўрта Ер дengизи, Ҳинд океани, Тинҷ океани билан боғловчи Транс Осиё Темир йўл магистрали қурилишида ҳамда Оролни қутқариш ва Орол бўйидаги экологик ҳолатни соғломлаш-

тириш ҳаракатида Узбекистон фаол иштирок этиши фикри-мизнинг далилидир. 1994 йил январь ойида Узбекистон Қозогистон, Қирғизистон ўртасида товарлар, хизматлар, сармоялар ва ишчи қучларнинг эркин ўтиб туришини назарда, тутувчи ҳамда ўзаро келишилган кредит — ҳисоб-китоб, бюджет, солиқ, нарх, бож ва валюта сиёсатини таъминловчи ягона иқтисодий маконни ташкил этиш тўғрисида шартноманинг имзоланиши бу мамлакатлар ўртасида ҳамкорликни янги поғонага кўтарди.

Узбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритган қундан бошлаб жаҳондаги нуфузли мамлакатлар билан давлатлар аро алоқалар ўрнатиш ва уни ривожлантириш йўлини тутди, ташқи сиёсатнинг асосий йўналишларини белгилаб олди.

Яқин ва Ўрта Шарқ ҳамда Араб мамлакатлари билан давлатлараро муносабатларни ўрнатиш ва ривожлантиришга инилиш Узбекистон ташқи сиёсатининг мухим йўналишларидан бири ҳисобланади. Узбекистон Президенти И. А. Каримов бошлиқ давлат делегацияси расмий ташриф билан Туркия, Эрон, Покистон, Хиндистон, Саудия Арабистони, Мисрда бўлди ва улар билан давлатлараро муносабатларнинг асослари тўғрисида шартномалар, иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик битимлари тузди. Туркия, Эрон, Покистон, Хиндистон давлат ва ҳукумат бошлиқларининг Узбекистонга расмий сафари пайтида имзоланган ҳужжатлар эса давлатлараро муносабатларни янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда. 1992 йил 28 ноябрда Узбекистон Покистон, Эрон ва Туркия томонидан тузилган иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлиб кирди. 1992 йил 10 майда Ашхабодда Узбекистон, Қозогистон, Туркманистон, Эрон, Туркия Покистон давлат ва ҳукумат раҳбарлари Транс-Осиё темир йўлини вўжудга келтириш мақсадида Тажан — Серахс — Машҳад темир йўли қуриш ҳақидаги битимни, божхона хизматини ташкил этиш, шу соҳа учун мутахассислар тайёрлаш ҳақидаги ҳужжатларни имзоладилар. Узунлиги 305 километр бўлган мазкур темир йўлини қуриш, бунинг учун 547 миллион АҚШ доллари сарфлашга келишилди. Ана шу орқали Узбекистон ўз маҳсулотини Анқарагача ёки Форс кўрғазигача, кейин дунёning исталган бурчагига етказиши мумкин бўлади.

Республика Президенти И. А. Каримовнинг расмий давлаг сафарлари натижасида Узбекистон Республикасининг Шарқ ва Тинч океани ҳавzasи мамлакатлари—Хитой, Жа-

нубий Корея, Япония, Малайзия, Индонезия билан дипломатик иқтисодий ва маданий алоқалари йўлга қўйилди ва рибозжалмоқда. Чунончи, Жанубий Кореяниң оламга машҳур ДЭУ корпорацияси билан ҳамкорликда Асака шаҳрида «УзДЭУавто» Узбекистон — Корея қўшма автомобиль заводи қурилиши жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Бугунги кунда Корея завод учун зарур бўлган барча ускуналарни етказиб берди. Завод енгил, йўловчилар ташувчи ва юк автомобилларини чиқара бошлади.

1994 йил мобайнида республикага 640 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция кредитлари бериш тўғрисида халқаро молия муассасалари ва хорижий сармоядорлар билан тузилган битимлар амал қила бошлади, шундан салкам 300 миллион доллари аниқ объектларни кредитлаш тарзида расмийлаштирилди. Чунончи, Тошкентда Халқаро савдо-кўргазма комплекси, Хоразм вилоятида қанд-шакар заводи қурила бошлади. Американинг «Ньюмонт-Майнинг» компанияси билан биргаликда қурилаётган олтин қазиб оладиган қўшма корхона иншоотлари битай деб қолди.

Хорижий ҳамкорлар билан республикада «Ўздэуэлектроникс» (Корея Республикаси), «Ўзиталмотор» (Италия), «ЎзБАТ» (Буюк Британия) ҳиссадорлик бирлашмалари, Хоразм Ҳиссадорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси (Германиянинг «Мерседес-Бенц» фирмаси билан биргаликда), тўқимачилик корхоналари сингари ва бошқа қўшма ишлаб чиқаришларни барпо этишга оид лойиҳалар амалга оширила бошлади¹.

Узбекистон ташқи сиёсатида иқтисодий омиллар ҳал қи́лувчи роль ўйнайди. Хорижий мамлакатлардан Республикага илғор технологиялар, сармоялар кириб келиши, кўплаб қўшма корхоналарнинг қурилиши оқилона ташқи сиёсатнинг натижасидир. Ҳозирги кунда Республикаизда хорижий сармоя иштирокида ишловчи қўшма корхоналар сони 1450 тадан ошди, фақат хорижий сармоя билан ишловчи корхоналар сони 110 тага етди. Улар истеъмол моллар, экспорт учун сифатли товарлар ишлаб чиқармоқда, аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Жаҳондаги 80 дан ортиқ хорижий банк билан ўзаро муносабатлар ўрнатилган.

Йилдан-йилга ташқи савдо ўсиб бормоқда. 1993 йилги даражага нисбатан 1994 йилда ташқи савдо обороти бир-

¹ Каримов И. А. Узбекистонда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент. «Узбекистон» 1995, 118-119-бетлар.

мунча ошибб, 5053,3 миллион АҚШ долларини ташкил этди, шу жумладан МДХ мамлакатларий билан савдо 2919,7 миллион долларни ташкил этди. Узбекистоннинг экспорт қуввати ортиб бормоқда. Агар 1992 йилда хорижий мамлакатларга 870 миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилинган бўлса, 1994 йилда эса 1 миллиарддан зиёд АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилинди.

Батанимизнинг мустақилликка эришганига эндиғина беш йил бўлмоқда. Тарихий жиҳатдан қисқа бўлган ана шу даврда ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳаларда улкан ўзгаришлар юз берди. Жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш борасида катта ишлар амалга оширилди. Ислоҳотларнинг биринчи, энг оғир босқичи нисбатан кам йўқотишлар билан босиб ўтилоқда, дастлабки ижобий силжишлар қўлга киритилди.

Республикамиз Президенти И. А. Каримов таъкидлаб ўтганидек, — «Жаҳон хўжалик алоқалари тизимиға кириш, давлатлараро иқтисодий муносабатларни йўлга қўйишининг энг мақбул йўллари изланди».¹

Олдинда буюк вазифалар турибди, илфор цивилизация даражасидаги тараққиёт ва гуллаб-яшнаш истиқболлари кўриниб турибди.

Саволлар ва топшириқлар:

1. Иқтисодиёт деганда нимани тушунасиз?
2. Иқтисод фани нимани ўрганади?
3. Иқтисод билан сиёсатни фарқини айтиб беринг.
4. Иқтисод ва мафкура деганда нимани тушунасиз?
5. Иқтисодни жамиятдаги роли ва ўрни ҳақида нималарни биласиз?
6. Ижтимоий ишлаб чиқариш тизимида инсон қандай роль ўйнайди?
7. Бозор иқтисодиёти деганда нималар тушунилади?
8. Бозор хўжалигининг яшаш шартлари қандай?
9. Бозор қандай қисмлардан тузилган?
10. Узбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишда қандай ўзига хос хусусиятлар мавжуд?
11. Узбекистон БМТга қачон аъзо бўлди?
12. Узбекистон собиқ СССРнинг бошқа республикалари билан Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ)ни тузди, бунинг зарурияти нимада?

¹ Каримов И. А. Узбекистонда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент 1995, 9-бет.

13. Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги қардош мамлакатлар билан алоқалари қандай?

14. Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан давлатларо алоқалар ўрнатиш ва уни ривожлантириш жараёни қандай бормоқда?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўлмасов А., Тўхлиев Н. Бозор иқтисодиёти. Тошкент, ҚБТ, 1991 йил.

2. Сирожитдинов И., Маҳкамов И. Бозор иқтисодиёти мамлакатларининг сиёсий иқтисоди. Наманган, 1992 йил, 3-38 бетлар.

3. Бозор иқтисодиёти назарияси. Тошкент, «Университет», 1993, 4-16 бет.

4. Каримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент, 1995 9, 10, 11, 18, 19, 20, 21, 118, 119 бетлар.

5. Ўзбекистон мустақиллик одимлари, Тошкент, 1995. «Ўзбекистон», 28-39, 43-51-бетлар.

6. Каримов Р. К., Каримова Т. А., Миллий мόдель муаммлари. «Ўзбекистон» 1993, 63-бет.

IV-БУЛИМ.

**ЗАМОНАВИЙ ЦИВИЛИЗАЦИЯНИНГ
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ТАРАҚҚИЁТИ**

Сиёсий тизим ва унинг жамият ҳаётидаги ўрни ва роли.

Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, нега одамлар жамиятда тутган ўрнидан қатъий назар, доимо сиёсатга қизиқиб муносабатда бўладилар? Нима учун? Чунки муҳандис, ишчи, дехқон доимо ҳокимиятни олий органида ким ишлашига бефарқ қарай олмайди. Уларни ҳаммаси телевизор экрани олдида соатлаб ўлтириб, сиёсий мунозараларни, дунёда бўлаётган воқеаларни томоша қилиб, ёки парламентда бўлаётган муҳокамаларни ҳам кўриб эшишиб, улар тўғрисида жуда қизиқарли баҳслар юритадилар. Албатта ҳар хил одамлар сиёсатга турлича муносабатда бўладилар ва албатта улар сиёсат даражасига яъни унинг тизимида турлича иштирок этадилар. Аммо жамиятда сиёсий воқеаларга, муносабатларга бутунлай бефарқ киниларни жуда камдан-кам учратасиз. Чунки сиёсий муносабатлар, муаммоларнинг ечилиши жамият ривожида, шу билан бирга ҳар бир инсоннинг шахсий ҳаётида ҳам, унинг тақдирида ҳам катта роль ўйнайди. Ундан ташқари, психологларни фикрича одамларнинг сиёсий тизимда иштирок этиши унинг кундалик ҳаётидаги

муомала эҳтиёжини ҳам қондиради. Улар кичикроқ ижтимоий гуруҳлар, каттароқ ижтимоий гуруҳлар билан ҳам муомалада бўладилар. Худди ана шу муносабат, ўзаро алоқа шахснинг тараққиётига кучли импульс беради.

Сиёсатнинг ўзи нима?

Сиёсат юононча «полис»—молитика деган сўздан олинган бўлиб «давлат ишлари», «давлатни бошқариш санъати» деб ҳам юритилади. Нега энди давлатни бошқариш санъат бўлади?

Жамият тараққиётини сиёсатсиз тасвур этиш жуда қийин. У орқали ижтимоий ҳаёт бошқарилади, тартибга солинади, ўзгартирилади, ҳамда ривожлантирилади.

Сизга яхши маълумки, ҳар бир муайян жамиятда манфаатлари турлича бўлган миллатлар, табақалар, синфлар мавжуд ана шулар орасидаги муносабатларни бошқариш эҳтиёжи туғилади. Мазкур эҳтиёжни, яъни бошқарувни давлат амалга оширади. Маълумки давлат жамият тараққиётida қатор ижтимоий аҳамиятга молик вазифаларни бажарган ва бажариб келмоқда, ана шу функциялардан айримлари: жамиятда жамоат тартибини сақлаш, жамиятни барқарорлигини таъминлаш; жамиятни иқтисодий ривожлантириш учун барча имкониятларни ишга солиш, мамлакатни мудофаа қилиш вазифалари шўлар жумласидандир.

Сиёсат — мураккаб ижтимоий ҳодисадир. У тузилиши жиҳатидан иккига бўлинади — ички ва ташқи сиёсатга.

Ички сиёсат — бу давлат органлари, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари томонидан мамлакат ичкарисида амалга ошириладиган фаолиятдир. У синфлар ва бошқа ижтимоий гуруҳлар томонидан эълон қилинган мақсад ва вазифаларни амалга оширишга қаратилган.

Ички сиёсат жамиятнинг асосий соҳаларига мувофиқ давлатни ривожлантириш сиёсатига, ижтимоий, иқтисодий, маданий сиёсатларга ажралади. Уз навбатида, бу соҳалар ҳам ички тармоқларга бўлинади. Масалан, иқтисодий сиёсат: ишлаб чиқариш воситаларини хусусийлаштириш сиёсати, нарх ва кредит сиёсати, молия сиёсати, аграр сиёсат ва бошқаларга бўлинади.

Ташқи сиёсат — бу давлат идоралари сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари томонидан ҳалқаро майдонда амалга ошириладиган фаолиятдир. У ички сиёсатнинг давоми бўлиб, давлат ва ижтимоий тузумнинг характерини акс эттиради, муайян синфлар ҳамда бошқа ижтимоий гуруҳлар

томонидан эълон қилинган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун қулай халқаро шароитни таъминлашга қаратилади.

Ички сиёсатда бўлгани каби ташқи сиёсат ҳам турли йўналишларга бўлинади. Масалан, Ўзбекистоннинг Фарбага, Урта Шарққа, Шарққа, Араб мамлакатларига нисбатан сиёсати, ташқи иқтисодий сиёсат, ташқи маданий сиёсати ва ҳоказолар.

Ҳозирги замон давлати ижтимоий аҳамиятга эга бўлган вазифаларни бажариш учун қонун чиқарувчи органларга эга бўлади: парламент (Ўзбекистонда Олий Мажлис), ижро этувчи органлар: вазирлар маҳкамаси, унга бўйсинувчи вазирликлар, идоралар; суд органлари, ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар — прокуратура, адвокатура, милиция, армия, Конституцион суд, ҳокимиятнинг асосий институти бўлган — давлат.

Ҳозирги замон жамиятида сиёсий муносабатлар синфлар, ижтимоийг гуруҳлар, томонидан эмас балки улар томонидан ташкил этилган жамоатчилик ташкилотлари орқали амалга оширилади.

Сиёсий тизимнинг структураси.

Сиёсатшунослик фани сиёсий тизимнинг асосий тўртта элементини ажратиб кўрсатади: 1. Сиёсий муносабатлар; 2. Сиёсий ташкилотлар (институтлар); 3. Сиёсий нормалар; 4. Сиёсий қарашлар, ғоялар, назариялар, сиёсий маданиятлардир.

Сиёсий ташкилотларга (тузилиши бўйича албатта сиёсий тизимнинг) давлат, сиёсий партиялар (Ўзбекистонда Халқ-демократик, Ватан тараққиёти, Адолат-социал демократик, Миллий тикланиш партиялари мавжуд). Касаба уюшмалари, кооператив ташкилотлар, ёшлар уюшмалари, диний уюшмалар, хотин-қизлар ва бошқа жамоат ташкилотлари ва бирлашмалар бор. Улар сиёсий тизимда кўпкіррали ижтимоий манфаатларни ҳимоя қилиш, албатта улар синфлар, гуруҳлар миллий, ёшлар, хотин-қизлар, касаба уюшмалари манфаатларини ҳимоя қиласди.

Нодавлат ташкилотлари орасида сиёсий фирмалар (партиялар) ҳозирги замон жамиятининг сиёсий ҳаётида катта роль ўйнайди. Юқорида айтиб ўтганимиздек республика-мизда ҳозир тўрт партия жамият ҳаётида, унинг ривожида мухим роль ўйнамоқда. Улар: Ўзбекистон Халқ-демократик партияси, Ватан тараққиёти партияси, Адолат-социал-

демократик партияси, Миллий тикланиш партияси, ана шу партиялардан ХДП, ВТП, АСДПлар Олий мажлисга ўтка-зилган сайловларда актив иштирок этишиди ва уларнинг бир неча вакиллари Олий Мажлиснинг ноиблари этиб сайландилар. Улар Олий Мажлисда ўзларининг фракцияларини туздилар. Ана шу уч партияянинг вакиллари турли Олий Мажлис қўмиталарини бошқармоқдалар. Партиялар мустақилликни мустаҳкамлаш, республикамизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида актив фаолият кўрсатмоқдалар.

Турли жамоат ташкилотлари: хотин-қизлар уюшмаси ҳозир республикамизда қўмитага айлантирилди, у ҳам давлат ҳокимиятининг бир қисми бўлиб қолди. Ёшлар ташкилотлари ҳам жамият ҳаётида актив иш олиб бормоқда.

Сиёсий институтларнинг ўзаро муносабати ва ўзаро таъсири муайян шаклланган сиёсий нормалар асосида амалга ошади. Бу нормаларга ҳуқуқий нормаларни сиёсий урф одат ва анъаналарни, ахлоқий нормаларни киритиш мумкин. Улар ичida энг муҳими ҳуқуқий нормалардир — ҳуқуқий нормалар давлатнинг асосий қонуни конституция ва унга асосланган қонунлардир.

Сиёсий ҳаёт кўпинча ахлоқий нормалар билан ҳам бошқарилади, бугунги кунда сиёсат доирасига ахлоқий хулқ, муомала кенг кириб келди. Айниқса, сиёсий ҳаётда виждон, орномус, юксак ҳурмат асосида яшаш кундалик ахлоқий нормага айланиб бормоқда.

Сиёсий тизим — жамият синфий тузилишини, синфларнинг синфий муносабатини ўз ичига олган давлат ва сиёсат ташкилотлари тузилиши.

Сиёсий ҳаёт — сиёсий ҳокимият ва ижтимоий манфаатни жорий қилиш билан боғлиқ бўлган ижтимоий ҳаётнинг бир қисми.

Сиёсий муносабатлар — ижтимоий ҳокимиятни забт этиш ва амалга ошириш соҳасида турли сиёсий ташкилотлар, ижтимоий гурӯҳлар ва индивидлар орасидаги алоқаларни маълум ижтимоий манфаатларни ўз ичига олади.

Сиёсий жараён — ижтимоий субъектлар (индивидулар, синфлар, гурӯҳларнинг) биргаликда амалга оширадиган фаолияти бўлиб, унинг воситасида жамиятнинг сиёсий тизими шаклланади, ўзгартирилади, қайта қурилади.

Сиёсий институтлар — сиёсий ҳаётнинг мустақил воқе-ликларни, сиёсий тизим элементлари ҳокимиятни эгаллаш, уни қўлда тутиш ва ундан фойдаланиш масаласида сиёсий жараён ва воқеликларни шакллантиради, унга таъсир кўр-

сатади, шу муносабат билан сиёсат субъекти сифатида на-
моён бўлади.

Сиёсатнинг субъекти (яъни «сиёсатда ҳаракатланадиган
киши») деб алоҳида шахсни ёхуд ижтимоий гурӯҳни, табақа-
ни, синфни, элатни, миллатни олиш мумкин, чунки улар
доимо сиёсатга ўзларининг ички оламини бир қисмини бе-
радилар — бу уларнинг келажакдаги орзулари, интилиш-
лари, манфаатлари, ҳаётни маъноси ҳақидаги тасаввурлари,
бахт ҳақидаги орзулари сиёсий маданиятда, сиёсий қараш-
ларда, сиёсий назарияларда, ғояларда сиёсий платформа-
ларда ва дастурларда, сиёсий қарорларда сиёсий нормалар-
га нисбатан, сиёсий хулқда ўз аксини топади.

Сиёсий маданият.

Сиёсий маданият — бу мазкур жамиятга характерли бўл-
ган сиёсий ғоялар, қадриятлар, эътиқод, билим анъаналар,
расм-руслар ҳамда сиёсий ҳокимиятни амалга ошириш
технологияси тизимиdir. Ҳар қандай киши жамиятда яшар
экан, у муайян маданиятга, хусусан сиёсий маданиятга эга
бўлади, бу эса ҳар доим унинг фикрлари, ҳиссиётлари сиё-
сий ҳукм чиқаришларда намоён бўлади.

Инсон сиёсатга ўзининг ижобий ёки салбий муносабати-
ни ифодалашга тўла ҳақлий. Шубҳасиз, сиёсий маданият
мавжуд сиёсий тизим ва бошқа маданий ҳолат, ишлаб чи-
қариш, истеъмол, муомала, билим олиш соҳалари билан
бевосита боғлиқ.

Гарб сиёсатшунослари сиёсий маданиятни билиш, сиё-
сий тизимни, ўз ҳиссиётларини ифодалашни (бу тўғри ёки
хато бўлиши мумкин), эълон қилинган сиёсий мақсадларни
баҳолашга катта эътибор берадилар.

Шу тариқа сиёсий маданиятга қуйидагиларни киритиш
мумкин:

1. Сиёсат ҳақида билим, фактлар билан танишиш, улар
билин қизиқиши;
2. Ҳокимият қандай бўлиши кераклиги ҳақидаги сиёсий,
воқеа ва қадриятларга баҳо бериш;
3. Сиёсий кўрсатмаларнинг ҳиссий томони (масалан,
Ватанга муҳаббат, душманга нафрат каби);
4. Жамиятда тан олинган сиёсий фаолият намуналари.

Сиёсий жараёнларнинг, сиёсий ҳаётнинг узвий, таркибий
қисми — бу маданиятидир, субъектнинг (сиёсатнинг қатнаш-
чиси) сиёсий маданиятидир. Сиёсий жараён бир мамлакат

доирасида, жаҳон миқёсида доимо содир бўлади ва ўзига сиёсатшунослар, фуқаролар диққат-эътиборини қаратади. Сиёсат билан қизиқмаган кишини сиёсатда пассив киши деб айтиш мумкин. Сиёсатда қатнашмоқ учун муайян даражада сиёсий билим ва маданиятга эга бўлиш талаб қилинади.

Сиёсий маданият соҳасига кирадиган масалаларнинг муҳимлиги сиёсатнинг ўзидан келиб чиқади. Сиёсат гоҳ қизғин, гоҳ осойишта амалга оширилади, у миллионлаб кишиларнинг тақдирини белгилайди. Маънавий-сиёсий ҳаётнинг энг мураккаб ҳодисаси сифатида сиёсий маданият ўз ичига сиёсий маълумотни, далилларни, билимлар, принципни, сиёсатнинг мураккаб жараёнларидағи қонуниятларни, қўлга киритилган, муҳим аҳамиятга молик қадриятларни, анъаналярни, замонлар оша синаб кўрилган урф-одатларни, умумий аҳлоқ қоидаларини ўз ичига қамраб олади.

Турли сиёсий қарашлар кенг ёйилаётган ҳозирги шароитда сиёсий маданият етишмаётганлиги яққол сезилмоқда, бу экстремизмда, сабр-тоқатсизликда, демократия принципларининг бузилишида, фундаментализм-ақидапарастликнинг авж олишида, диний омийлик (нодонликнинг) жонланишида ёрқин кўринмоқда.

Республикамизда ҳам одамлар онғини ўзгартириш ғоят қийин масала бўлиб турибди. Ўзбекистон истиқлолга эришгач, тўпланиб қолган ғоят мураккаб ижтимоий-сиёсий, маънавий, иқтисодий муаммоларни аста-секин ҳал қилиш ғоят муҳим долзарб масала. Аммо халқимиз сиёсий маданияти ибтидоий ҳолатдалигидан антидемократик, реакцион кучлар ўз манфаатлари йўлида устакорлик билан фойдаланишга уринмоқдалар. Бу жараёнда фундаментализм-ақидапарастлик, пинҳоний, яширин иқтисодиёт фаоллашди.

Сиёсий маданиятнинг ижтимоий ва шахсий шакллари ғоят чамбар-час боғланган бўлиб, бир-бирига таъсир ўтказди, аммо ҳар иккаласи ҳам пировард натижада моддий неъматлар ишлаб чиқаришнинг устун усули билан белгиланди. Моддий турмушнинг ишлаб чиқариш усули билан, умуман ҳаётнинг ижтимоий, сиёсий ва маънавий жараёнила-ри билан боғлиқлиги сиёсий маданиятга тааллуқлидир.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда олдимизда турган энг муҳим масалалардан бири — бу миллий истиқлол мағкурасини яратиш ва ҳаётимизга тадбиқ этишdir. Бу эса ўз навбатида сиёсий маданиятни янада юқори даражага кўтаришда янги омил бўлади.

Шахс ва саёсат.

Инсон шахси жамиятдан мустақил равишида «алоҳида» яшамайди, бу жиҳатдан у табиат ва жамиятнинг маҳсулидир. Инсон ўз моҳияти жиҳатидан у ёки бу жамиятда амал қилувчи ижтимоий муносабатларнинг жамулжамидир.

Табиий ва ижтимоий тарих узоқ ривожланишининг натижаси бўлмиш инсон шахси айни вақтда ижтимоий муносабатнинг ҳам объекти, ҳам субъект, сифатида истиқомат қиласди. Бир томондан, унинг моҳияти ижтимоий тузумнинг характеристери билан, иққинчи томондан, унинг ўз ҳатти-ҳаракатлари билан белгиланади.

Шахс пассив эмас. Кўп шахслар ҳаракатидан тарихий жараён таркиб топади. Демак, ҳар бир тарихий давр, ҳар бир асрдаги одамлар тарихини ўрганилганда айни пайтда ўз турмуш тарзининг муаллифлари, иштирокчилари, бунёдкорлари сифатида тасаввур қилинади. Одамлар ривожланиниш қонунларини билиб олиб, жамиятни илғор ривожланишини таъминлаш жараёнида ўз ижтимоий табиатларини ҳам ўзгартиришлари мумкин.

Демак, одам — бу ижтимоий борлик, у фақат жамиятда шахс сифатида яшаб юксалади. Инсон жамиятда, маълум бир ижтимоий шароитда яшайди, у энг аввал маълум бир оиласининг аъзоси, у ёки бу синф, ижтимоий гурӯҳ ва табақанинг вакили, маълум ирқ, миллат ва ҳалқ вакилидир. Одамнинг бутун ҳаёти инсонлар билан биргаликда жамоада, жамиятда ўтади.

Ҳар бир ижтимоий тузум ўз ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даржасига мувофиқ равишида шахснинг муайян ижтимоий типини яратади. Зоро, ҳар бир аниқ шахс ўзи истиқомат қилаётган жамиятнинг аъзоси сифатида ўндан четга чиқа олмайди.

Маълумки, инсон ўзини ўзгартирмай туриб, демократик жамоани таркиб топтириши қийин. Собиқ Совет Иттилоқида узоқ йиллар давомида ҳар томонлама уйғун, баркамол, ривожланган шахсни тарбиялаш мақсади эълон қилиниб келинди. Аммо бу мақсад ақидага айлантирилди, уни амалга оширишгина эмас, балки унинг моҳияти, мазмуни ҳам сохталаштирилди. Шуни таъкидлаш жоизки, бу вазифанинг қўйилиши тўғри эди. Назарий тушунчада айниқса, амалий тарбияда шахс индивидуаллиги, индивидуал белги четда қолиб кетган эди. Аммо шахсни мавжуд ижтимоий ҳаётга мослаштиришга, тоталитар тузумга мос, қулай ва сўзсиз тобе қилиб тарбиялашга, шакллантиришга интилиш кучли бўлди.

Одамлардаги табиий хилма-хил индивидуаллик ва хусусиятларни рўёбга чиқариш учун қулай ижтимоий муҳит таркиб топмади, оқибатда иккюзламачи шахс кўпайди. Лаганбардорлар, мансабпараст, ҳашаки дидли (паст дидли), фаросатиз, сиёсий маданияти саёз кишилар кўпайди.

Чуқур жамоатчиликка асосланган жамият қуриш учун эса индивидуал хусусиятлари юксак ривожланган одам бўлиши талаб қилинади. Зотан, фақат шундай вазиятдагина ижодий бой, ташаббускор, фаол, бефарқлидан ҳоли, жонкуярлар жамияти вужудга келади. Демак, жамиятнинг ўз-ўзидан ривожлантирувчи ишончли ички манбаа вужудга келади.

Ижтимоий тараққиёт учун интилувчи ва ўзининг ноёб хусусиятига эга бўлган одамлар сулоласи юзага келади. Эркинлик, ҳурлик идеалини ўзлаштириб олган мустақил индивид, ўз манфаатини ўзи белгилайдиган ва уни амалга оширадиган воситаларни билувчи, ўз тақдирни учун шахсан ўзи жавобгар, ижтимоий аҳволи ва фаровонлигини юксалтирувчи, шаъни ва шуҳратини қадрловчи шахс таркиб топади. Демак, демократик жамоа — ҳар бир киши ўзини иқтисадий; сиёсий, маънавий ва ахлоқий, эстетик жиҳатдан мустақил сезган ва ҳис қилган шахс юзага келиши мумкин. Янги жамият нусхаси (модели) ўзини жамиятда бегона ҳис қилмаган шахс таркиб топгандагина юзага келади. Бу, бир томондан, одамни индивидуаллигини оширади, иккинчи томондан, индивидуаллаштиради.

Ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги шароитлари ва истиқололга эришган Ўзбекистонда содир бўлаётган туб ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар ўзига хос сиёсат майдонига олиб келди. Сиёсат ижтимоий турмушнинг барча жабҳаларига дахл қилиб, кишиларнинг яшаш шароитларига, уларнинг онгиға, инсон ҳаётига бевосита ва фаол таъсир кўрсатмоқда. Сиёсатга кенг ҳалқ оммаси тортилиб, улар фаолияти фаоллашмоқда. Бу жараён аҳолининг барча табақаларини ўзига тортмоқда.

Сиёсат ёпиқ, фақат олий даражадаги, мутахассислар гина шуғулланадиган соҳа бўлмай қолди. Сиёсат янада кўпроқ кишилар ҳаракат қиласидиган, шахсий манфаатларини қондирадиган, ҳар бир шахснинг ўзлигини намоён қиласидиган шакли бўлиб қолди.

Сиёсий жараёнга кўп сонли кишиларнинг тортилиши сиёсий арбобларнинг фаолиятини, сиёсатни янада кўпроқ даражада омма назорати остига ўтишига олиб келмоқда. Буларнинг барчаси шахснинг сиёсий мақоми, унинг ҳуқуқла-

ри ва эркинликлари муаммосини кескинлаштириди. Сиёсий жараёнда шахснинг ўрни ва ролига янгича эътибор билан қарашни, унинг сиёсий мақомини аниқлаб олишни, шахснинг сиёсий субъектлиги моҳиятини очишни талаб қиласди.

Синфлар ва ижтимоий гуруҳлар сиёсий муносабатларнинг, сиёсий амалиётнинг субъектлари ҳисобланади. Шахс эса сиёсий амалиётнинг бевосита субъектидир. «Сиёсат субъекти» атамаси сиёсатни ким яратиши, унда ким фаол, онгли ва мақсадли қатнашишини, ўз ҳаракатлари билан ким маълум натижаларга эришишини, ушбу натижаларнинг жамиятдаги ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг ўзгаришига таъсир қилишини англатади.

Сиёсат субъекти сифатида шахс бевосита ҳаракат қиласди, фикрлайди, уларни изоҳлайди, асослайди, бошқа шахслар билан ҳамкорлик қиласди. Шахснинг сиёсий қиёфаси турли сиёсий ролларнинг, у билан боғлиқ қоидалар, вазифаларнинг мажмуи билан белгиланади. Шахс ҳозирги вақтда жамиятни ташвишга колаётган сиёсий муаммоларнинг моҳиятини ўзига тушунтира билиш, сиёсий ҳаётда қатнашиш, ижтимоий ҳаётга таъсир кўрсатишнинг асосий шаклларини эгаллаши лозим.

Ҳар бир фуқаро маълум сиёсий ролларни бажаришга тайёр бўлади. У сайловчи сифатида овоз беради, турли сайланадиган органларнинг, жамоат ташкилотларининг ишида қатнашади, ўз эътиқодларини намойиш қиласди. Булар унинг сиёсий активлигининг шакллариdir.

Шахснинг сиёсатда қатнашиш сабаблари мураккаб ва турличадир. Сиёсий иштирок этиш шакллари давлат белгилайдиган чегараларда, шаклларда шартларда ҳокимиятни амалга оширишда қатнашишини ҳамда ҳокимиятни амалга ошириш жараёнига сиёсий таъсирни қамраб олади.

Шахснинг қўйидаги сиёсий типларини ажратиш мумкин:

- а) Сиёсатдан йироқ тип;
- б) Сиёсий фаоллиги паст бўлган тип;
- в) Сиёсатга ўртача аралашадиган тип;
- г) Қасби сиёсатчи, сиёсий етакчи.

Сиёсатга бутуилай бефарқ, унда қатнашишдан қочувчи шахс сиёсатдан йироқ типга киради. Ҳақиқий бефарқлиги, шахснинг камолга етмаганлиги, ақл-идрокнинг пастлиги пайтида юз беради. Шахснинг актив фаолиятдан чекиниши эса объектив шароитда ҳамда сиёсат истиқболсизлигига қарши норозилигининг ифодаси бўлиши ҳам мумкин.

Ҳозирги ижтимоий ўзгаришлар сиёсий етакчилик түғри-
сидаги қарашларни, тафаккуримизни ўзгартирумокда. Ҳар
бир ижтимоий бирлик ва халқнинг ўз етакчиси бор. Улар
ўз ижтимоий муҳитининг сиёсий етакчисидир. Замонамиз-
нинг кўпгина етилган муаммоларини ҳал қилиш уларнинг
қобилияти ва ташкилотчилигига боғлиқдир.

Ёшлар ва сиёсат.

Жамият ижтимоий тузилишида ёшлар алоҳида ўрин ту-
тади. Улар тарихий давр талабини кескин ҳис қиласди, жамият
муаммолари ва вазифасини сезади, аммо уларнинг ёшлиги,
тажрибасининг озлиги туфайли асосий масалани иккинчи да-
ражасидан ҳамма вақт ҳам түғри ажратса олмай қолади.

Ёшлар — бу ижтимоий демографик гуруҳ бўлиб, ёш да-
ражаси характеристикаси, ижтимоий аҳволи хусусияти би-
лан ажралиб туради.

Мустақил меҳнат фаолиятини бошлаган ёш маълумот,
касб ва фуқаролик ҳуқуқига эга бўлиб, ота-онадан моддий
жиҳатдан мустақил ҳолда, оиласлик ва биринчи фарзандлик
бўлгач, ўзини катта киши ва шунга қараб, мувофиқ мақом-
ни ҳис қиласди.

Аммо юқоридаги воқеалар бир вақтда содир бўлмайди
ва демак, фуқаролик ота-оналик жавобгарлиги ҳам бир
вақтда шаклланмайди.

Айрим муаллифлар ёшликтининг қуий чегарасини 14 ва 16,
юқори чегарасини 25 ва 30 ёнда деб белгилайдилар. Ўзга
муаллифлар эса 17-18, қуий ёш, чегараси: 30-35 ёш деб кўр-
сатадилар.

Ижтимоий аҳволи, ижтимоий-руҳий хусусиятларини ҳи-
собга олиб, ёшларнинг ёшини қуидагича бўлиш мақсадга
мувофиқдир: 14-15 ёш ўсмир, 16-17 ёш илк ўспирин, 18-20
ёш ўрта ўспиринлик, 21-25 ёш юқори ўспиринлик, 26-30 ёш
олди катталик ва 30-35 ёш катталикдир.

Эндиликада Ўзбекистонда қўлга киритилган истиқлол,
мустақиллик даврида ёшларни ўтмиш сарқитларидан халос
қилиш, уларни ватанпарварлик сўзсиз қонунга бўйсиниш
ва уни ҳўрмат қилиш, табиий байналмилаллик, меҳр-шаф-
қатли бўлиш, имон-эътиқодли ва меҳнатсевар бўлиш ҳамда
ижтимоий жавобгарлик каби умуминсоний қадриятлар руҳи-
да тарбия кўрган маърифатли ёшларни тарбиялаб вояга
етказиш умумдавлат иши бўлган долзарб вазифага айланди.

Ҳозирги вазиятда ёшлар тўғрисида ана шу ғояларни
рўёбга чиқаришнинг ягона умумдавлат концепциясини

ишилаб чиқиш ёшлар түғрисидаги сиёсатда марказий ўринні олици әзірлеу. Айни вақтда ёшлар ва жамияттнинг ўзаро ҳамкорлыгини ўрнатып ұмтауда бу инсонпарвар сиёсатни амалға оширишнинг самарали механизмини ишилаб чиқмоқ керак. Бу ўринде ижтимоий фан мутахассис-олимларининг масъулияты алоҳида ақамият касб этади.

Шунинг учун ҳам ижтимоий фанларни ўқитишиңдеги эски, самарасиз, ҳаётдан ажralған ақидапарастилик ва турли соңада «изм»лардан воз кециш, миллий истиқтол мағкураси-ни тарғиб қилишда сўздан амалий ишга ўтиш муқаддас бурчдир.

Ёшларга фақат ишчи кучи сифатида муносабатда бўлиш, маориф қолоқлиги ва давлаттнинг маориф ва маданиятга қолдиқ сиёсати асосидаги муносабат, ахлоқни инсонийликдан маҳрум қилиб маънавий қашшоқликка, эстетик дидлинг ўтмаслашувига олиб келди. Юқоридагилардан келиб чиқадиган хулоса шуки:

1) Ёшлар муаммоси ўрганилмаган, ёшларнинг жамиятда тутган ўрни, аҳволини чуқур ва атрофлича таҳлили йўқ, бу муаммо бўйича давлат статистикаси, ҳисоби йўқ даражада.

2) Ёшларнинг ўз ёшига кўра алоҳида ўзига хос манфаати борлиги ўрганилмаган.

3) Ёшлар ўз қобилияти, ижодий қудратини маълум ижтимоий шарт-шароит бўлмаса рӯёбга чиқара олмайди. Ёшлар сиёсатини амалға оширувчи ягона давлат механизми зарур.

4) Ёшлар ҳаёт фаолиятининг барча жабҳаларида — маориф, меҳнат, ижтимоий-сиёсий, маданий, хизмат кўрсатиш, оиласиий шароитларини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш әзірлеу.

5) Ёшлар муаммосини ёшлар иштирокида эмас, балки бевосита ёшлар орқали Олий Мажлис қошидаги ёшлар иши бўйича қўмита орқали ҳал қилиш керак. Ягона мақсадга қаратилган кучли ва самарали ёшлар сиёсати ишилаб чиқилиши, унинг амалға оширувчи ягона давлат механизмини ишилаб чиқиш шу кун вазифасидир. Ҳозир ана шу масалани ечиш билан қатор муассасалар шуғулланмоқдалар. Ёшлар муаммоси умумдавлат, умумжамият, умуминсоний масала, уни кечиктириш келажак учун жиноят билан баравардир.

Президентимиз И. А. Каримов таъкидлаб ўтганидек, — «Биз йигит ва қизларимизнинг маълумотли, киши учун зарур бўлган барча билимларни эгаллаб олишларига, янги

шароитларга тез ва мاشақкатларсиз мослашишларига имкон беришимиз керак. Янгиланган ўз давлатларини қуриш, ислоҳ қилиш жараёнининг фаол қатнашчилари бўлишларига имкон берадиган, маданий, ахлоқий ва маънавий қадриятларни эгаллаб олишлари учун ёрдам берадиган шаронт яратишимиш даркор»¹.

Ижтимоий сиёсат.

Жамиятнинг ижтимоий ҳаёти ҳам унинг иқтисодий ва бошқа соҳаларидаги каби сиёсат билан чамбарчас боғлиқдир. Сиёсатнинг ижтимоий соҳа билан алоқадорлиги шундаки, ижтимоий соҳадаги вазифаларни илмий жиҳатдан асосланган сиёсий йўлни ишлаб чиқмасдан туриб, ҳал қилиш мумкин эмас. Ижтимоий соҳада йўл қўйилган ҳар қандай хато ва янгилишишлар ижтимоий кескинликни кучайтириши муқаррардир.

Ижтимоий сиёсат — бу жамиятдаги синфлар ва гуруҳлар манфаатларини қамраб оладиган, миллатлар ва элатлар, жамият ва шахс муносабатларига мансуб бўлган, меҳнат ва майший ҳаёт шарт-шароитларини, саломатлик ҳамда ҳордиқ чиқариш жараёнларини бошқарадиган сиёсатдир. Ижтимоий сиёсат шаҳар билан қишлоқ, ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги тафовутларни камайтиришни ҳам ўз ичига олади.

«Ижтимоий сиёсат» тушунчаси кенг қамровли бўлиб, унинг асосини давлат ва сиёсий партияларнинг, оқимларнинг жамият аъзоларининг турмуш шароитларини яхшилашга қаратилган фаолияти ташкил этади. Уларнинг сиёсий йўли олиб борилган ижтимоий сиёсатда ифодаланади.

Ижтимоий соҳага сиёсий ёндошиш эса аниқ — шарт-шароитларни ҳисобга олишни тақозо этади. Чунончи: 1) Ижтимоий соҳани жамиятнинг сиёсий муносабатларидан ажратган ҳолда қараш мумкин эмас; 2) Сиёсат ижтимоий соҳага қанчалик таъсир қиласа, ижтимоий соҳадаги ўзгаришлар ҳам сиёсатнинг ўзгаришига таъсир қилади. Бу икки соҳа бир-бири билан диалектик боғлиқ.

Хозирги даврда янги ижтимоий тузум учун кураш, демократик, инсонпарвар тузум, ҳуқуқий давлат тўғрисидаги қарашлар ҳам ижтимоий сиёсат принциплари билан боғлиқдор. Мавжуд тузумнинг ижтимоий қиёфаси, унинг инсонпарвар

¹ Каримов И. А. Узбекистонда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. «Ўзбекистон», Тошкент, 1995, 260-бет

табиати яққол намоён бўлади. Шундай қилиб, жамиятнинг ижтимоий соҳадаги муаммолари хилма-хил ва мураккаб бўлиб, уларниң ҳал этилиши кўп жиҳатдан сиёсатга боғлиқ дир. **Фақат илмий асосланган** сиёсатни шлаб чиқиш асосида ижтимоий соҳада кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Ижтимоий соҳада ишлаб чиқиладиган сиёсатнинг самарасини амалиёт кўрсатади.

Маълумки ижтимоий соҳани ривожлантиришга қаратилган сиёсий йўл хилма-хил вазифаларни ҳал этади. Демак, бу жараён турли йўналишлар орқали амалга оширилади. Улар:

а) жамият аъзоларининг меҳнат қилиш ва дам олиш шароитларини яхшилаш;

б) аҳолига ижтимоий хизмат қилишини ташкил этишнинг самарали йўлини ишлаб чиқиши;

в) аҳолига имтиёз ва нафақа беришни ижтимоий амалиёт асосида такомиллаштириш;

г) таълимнинг турли соҳаларида банд бўлган ёшлар, кам таъминланган оиласлар, меҳнатга яроқсиз кишиларни ижтимоий ҳимоялаш, ишсизлар, ёшлар муаммосини мақбул ҳал қилиш ва ҳоказоларни ўз ичига олади.

Ижтимоий сиёсат тизимида ижтимоий адолат муҳим роль ўйнайди.

Буюк соҳибқирон Амир Темур ижтимоий адолат ҳақида шундай фикрларни айтган эди: Куч—адолатдадир. Бир кунлик адолат — юз кунлик тоат-ибодатдан афзал. Адоват эмас—адолат енгади. Ҳар мамлакатда адолат эшигини очдим, зулму ситам йўлини тўсдим.

Инсоцпарвар ва демократик жамият қуриш учун зудлик билан ҳамда узоқ муддатда амалга ошидиган комплекс тадбирларни ишлаб чиқиш ва уни босқичма-босқич амалга ошириш керак. Зудлик билан амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирларга қўйидагиларни киритиш мумкин:

а) Бозорни биринчи зарурий моллар билан мўл таъминлаш;

б) Ижтимоий таъминот учун қўшымча маблағлар ажратиш;

в) Тиббий хизмат ва маориф учун ажратиладиган маблағларни кўпайтириш;

г) Уй-жой қуриш ҳажмини кенгайтириш;

д) Тартиб-интизом ва ҳуқуқий ҳимояни, қонунчилликни қатъий кучайтириш, жиноятчиликка (уюшган жиноятчилик-

ка, коррупция ва хуфёна иқтисодиётга) қарши кураш умумдавлат, умумхалқ йишига айланмоғи шарт. Бу йўналишдаги фаолият самарали бўлса жамиятдаги ижтимоий тифизлик, аҳоли норозилиги олди олинган бўлади.

Узоқ даврни ўз ичиға олган тадбирларга қўйидагилар киради:

а) Инсоннинг ҳуқуқий эркинлиги, унинг ҳимоясини ижтимоий аҳволи, жинси, ёши, миллати ва динидан қатъий назар халқаро норма даражасида амалга ошириш;

б) Турмуш ва меҳнат шароитини ҳозирги маданий дунёга мувофиқ даражада таъминлаш;

в) Ижтимоий адолат ва ижтимоий ҳимоялашни кафолатлаш;

г) Болалар, қариялар ва ногиронларга меҳр-шафқат, инсоний муносабат ва ғамхўрликни оширишдан иборат.

Бу вазифаларни амалга ошириш учун ишлаб чиқаришни юксалтириш ва маҳсулот сифатини қатъий ошириш лозим. Бу муаммолар бозор иқтисодиётини ривожлантириш орқали амалга ошади. Бу даврга ўтиш жараёни мураккаб, ўз зиддиятларига эга, вақтинча аҳоли ижтимоий аҳволи ёмонлашуви мумкин. Бозор иқтисодига ўтиш даврида, айниқса, серфарзанд оиласлар ижтимоий аҳволи, ёмонлашади. Нафакахўрлар, ногиронлар, кам таъминланган оиласлар аҳволи ҳам худди шундай бўлади. Шунинг учун ҳам бу даврда пул тўловлари, озиқ-овқат билан таъминлаш, саноат маҳсулотлари билан таъмин қилиш, нафақалар ва бу масаладаги имтиёзлар сақланади. Бу тадбир Ўзбекистон каби давлат учун ғоят муҳим сиёсий масаладир.

Шундай қилиб, агар ижтимоий сиёsat юқорида кўрсатилган шарт-шароитларни яратишга хизмат қилса, демак, инсон омили қудратини ижтимоий тенглик ва ижтимоий адолат жамияти фойдасига ишлата оладиган даражада оқилона шаклланган бўлади. Мазкур йўналишга оғишмай амал қилади. Бунинг натижасида ижтимоий муносабатларда жамият — инсон учун, инсон—жамият учун қабилидаги мутаносиблик қонуни ҳукмронлик қила бошлайди.

Ахборотли жамият, замонавий цивилизациянинг характерли хусусиятлари.

Келажакдаги шаҳарни тасаввур қилинг. Дам олиш боғлари, гулзорлар, тоза, тиниқ ҳаво. Шахсий автомобиллар шаҳар ташқарисидаги гаражларда сақланади. Асфальтлан-

ган йўллар остида турли коммуникациялар алоқалари учун кабеллар кўмилган. Турли шаҳарларга иш юзасидан борди-келдилар йўқ бўлган. Ҳамма энг асосий, зарур ахборот (информация — сўзи лотин тилидан олинган бўлиб, — тушунириш, баён қилиш деган маънони англатади), телевизор орқали одамлар хонадонига етиб келади. Пул, маош тўловлари банк карточкалари воситасида амалга оширилади. Мазкур карточкалар воситасида тўловлар бир банкдаги ҳисобдан иккинчи банкдаги ҳисобга компьютерлар орқали ўтказиб қўйилади. Одамлар ўзлари билан маҳсус радиоускуналар олиб юришади, ана шу радиоускуна орқали милицияни, тез ёрдамни керак бўлган пайтда, хоҳлаган жойидан чақириш мумкин бўлади. Ҳамма хонадонларда ёнғинни олдини олиш учун маҳсус сигнал тизими билан жиҳозланган. Жиноятчилик йўқолган, кўчада ту nab кетиш, ўғирлик ўтмиш сарқитига айланган, одамлар чўнтақларида пул олиб юрмайдилар. Сиёсий ҳаётда ҳам катта ўзгаришлар рўй берган. Ахборотни актив алмашиш, кўпчилик фикрини ҳисобга олиш, турли партиялар ва ижтимоий гурӯҳларни бир нуқта назардаги сиёсий дастурга бирлашишга олиб келган. Мисли кўрилмаган демократия шароити, муҳити, аспи бошланди...

Келажак ҳақидаги бу тасаввурни америкалик социолог Дж. Мартин баён қилди. Бундай жамиятни пайдо бўлишига албатта ахборотни етказиб бериш жараёнидаги ўзгаришлар воситасида эришилади.

Олимлар ахборот тушунчасига на фақат сўз ёки математик белгиларни киритишади, шу билан бирга ҳар қандай сигнал — ер ковлаётган, қисилган ҳавога ишлайдиган болтани овозини, локомотивни гудогини, баргларни шивирлашини, паузани, сокинлик лаҳзасини ҳам ахборотга киритишади. Ахборотни билдириш ҳамда эслаб қолиш эҳтиёжи нутқи, хат ёзишни, тасвирий санъатни, китоб чоп этишни, телеграфни, радио ва телевидениени пайдо бўлишига олиб келди. Албатта, улардан кейин электрон ҳисоблаш машиналари — ЭҲМлар кашф этилди, ЭҲМлар ахборотни автоматик равишда ишлаш, эслаб қолиш, марказлаштириш учун кенг ишлатилмоқда. ЭҲМлар «ахборотли «портлаш»-ларни олдини олиш учун ишлатилмоқда. Масалан, 1985 йилда йил бўйи эълон қилинган илмий ишлар 500 йил мобайнида яратилган илмий ишларга тенг бўлди.

Индустрлашган мамлакатларда одамлар ҳозирни ўзидаёт ахборотни жуда катта оқимига дуч келмоқдалар. Ин-

сои қабул қилиши мумкин бўлган нормадан 2,5 баравар кўп ахборот инсонга берилмоқда. Ҳозирги замон компьютер техникаси турли ҳисоб-китобларни тезда бажариш, турли мааниқий операцияларни инсон мияси ва қобилиятларидан бир неча баравар катта тезликда, жуда оз маблағ ҳисобига бажармоқда. Америка олимларининг ҳисобларига кўра агар 1952 йилда 1 миллион операцияларни бажаришга 10 минут кетган бўлса, ва у 300 долларга баҳоланган бўлса, 1986 йилда ана шу 1 миллион операцияни бажариш учун атиги ярим секунд вақт кетмоқда ва у 0,06 доллар маблағ эвазига бажарилмоқда. Ҳозирга келиб унинг вақти ва маблағи яна ҳам қисқарди.

Юқоридагилардан қўйидаги хуноса ва савол пайдо бўлади. Олам «компьютер инқилоби» арафасида турибдими? У ҳозирги цивилизацияни ҳамма жабҳаларида ўзгаришларга олиб келадими? ва ҳозирги цивилизацияни «ахборотли жамиятга» айлантирадими?

Канадалик олим Мак Люэн жаҳон тарихини уч босқичли моделга ажратади. Биринчи босқич — қабилавий индивид («эшитувчи одам»), у одамда оғзаки нутқ асосий ахборот воситаси бўлган; Йиккинчи босқич — босмахона даври, ёки саноатлашған индивид, бу давр XV асрда бошланиб оғзаки сўз устидан босма сўзнинг устунлигини намойишидир. Бу босқичда «кўрувчи одам» рамзи ҳукмронлик қилди. Учинчи босқич — электрон қоммуникациянинг тантанаси.

Ахборотли эрани бошланишини тадқиқотчилар Ернинг сунъий йўлдоши учирилиши билан боғлайдилар. Кейинчалик бу воқеа глобал алоқани шаклланишида төхнологик катализатор вазифасини ўтади, ҳамда у планетар цивилизациянинг нерв тизимига айланди. Қоммуникацион ер йўлдош, кабелли ойнаи жаҳон ҳамда шахсий компьютер «муқаддас учникка» айланди.

Жамият ҳаётида электрон техникаси ва ахборот 60 йилларнинг охирида ривожлана бошлаб 80-йиллар бошларида «ахборотли жамият» термини мустаҳкам ўрин олди. Бу жараёнда информатика ва тижорат рекламаси атрофидаги шов-шуввлар, компьютерни келажакка ишора (парол) сифатида шакллантирди.

Фарб социологлари Д. Белл, Ҳасудилар ва бошқаларнинг фикрича «ахборотли жамият» бутун ҳаёт қирраларини ўзида акс эттирган, умумлашгац тушунчадир. Техниканинг турли жабҳаларида ахборотли технология, иқтисодий жабҳада, моддий неъматлар ишлаб чиқаришда, тижоратчи-

лиқда, таълим тизимида, майший турмушда кенг құлланилмоқда. Иқтисодий ишлаб чиқаришда ахборот товарга айланди, ижтимоий ҳаётда эса у ҳаётни сифат жиҳатидан ўзгартиришнинг асосий факторига айланди, сиёсий ҳаётда у жуда күп ахборотларга, манбаларга бемалол кириш ва улардан фойдаланиш имконини берди. Яна у жуда күп турли фикрларни алмашиш воситасига айланди. Маданий ҳаётда янги жамиятни әхтиёжларини қондирувчи янги нормаларни ва қадриятларни шаклланишида ахборот катта роль үйнамоқда.

Шундай қилиб, «ахборотли жамият» деб — шундай жамиятга айтиладики, бу жамиятда ахборот ва ундан фойдаланиш даражаси жамиятнинг иқтисодий тараққиетига ва ижтимоий ўзгаришларга таъсир кўрсатади. Бундай жамиятда ҳаёт даражаси, меҳнат, дам олиш характеристи, таълим тизими, бозор ўзига ахборот ва билимнинг ўсиб бораётган таъсирини сезмоқда.

Меҳнатни ташкил этиш тизимини ўзига хос йўл билан тараққий этишда «ахборотли портлаш» катта роль үйнамоқда. Масалан, «индивидуал танлаш жадваллари» яратилмоқда. 1980 йилларда ГФРда ишнинг сирғанчиқли графики билан 38 фоиз, АҚШда 27 фоиз «кўк ёқалилар» ишладилар. Ана шунинг натижасида меҳнат унумдорлиги ва санарадорлиги ошди. Меҳнат интизоми мустаҳкамланди. АҚШда хизмат кўрсатиш соҳасида тунги сменада ишловчилар 15-25 фоиз кишиларга ортди. Супермаркетлар 24 соат мобайнида тўхтамай ишлай бошлади.

Электрон техникасидан фойдаланиш ҳисобига пайдо бўлаетган ишлаб чиқариш кўп бўлмаган меҳнат жамоаларини ташкил бўлишига олиб келади. Ҳозир жуда кўп фирмалар ишчиларини уйига иш-топшириқ бермоқдалар. Завод ишлаб чиқаришни асосий модели бўлишдан тўхтади. Заводларнинг ўзи ҳам тубдан ўзгармоқда. Янги корхоналарнинг маҳсулотлари оммавий бўлмасдан, уни тайёрлашда озмиқдорда хом ашё, энергия ишлатилмоқда.

Дизайнни (инглизчадан «дизайн» — шакл, буюмни, нарсани ташқи шакли), Ҳозирга қадар дизайннинг мазмунни, унинг мақсадлари ва имкониятлари ҳақида баҳслар юритиб келинмоқда. Чунончи, машҳур итальян меймори ва дизайнери Д. Понти дизайннинг мақсади — гўзал нарсалар, шакллар дунёсини яратишдан иборат бўлиб, улар цивилизациямизнинг чинакам характеристини очиб бериши лозим,

деб ҳисоблайди. Дизайнни юқори даражага күтаришга ҳаралат қилинмоқда. Одамлар автоматик поток линиялари ритмларига кўнишиб қолдилар. Шовқин энг паст минимумга пасайтирилмоқда. Иш жойларида машиналар яшиллик ва гуллар билан қўшни, ҳамоҳангидир. Албатта, бундай корхоналар ҳозир жуда оз, лекин келажак ана шуларники.

«Ахборотли жамият» жуда катта энергия манбаалариға кенг йўл очиб бермоқда — булар: сув, қуёш, еости иссиқ сувлари (геотермал), биомассадан олинадиган энергия ва термоядро энергия манбааларирид.

Замонавий мактабларда компьютер жуда кўп вазифаларни бажаришни ўз зиммасига олмоқда: компьютер дастурлари хорижий тилларни, мусиқа асбобларида чалишни ўргатмоқда. Америкаликлар талабаларнинг уйларидаги компьютерларини университетлардаги компьютерларга улаб, таълимда ҳақиқий инқилоб ясамоқдалар.

Ахборот техникаси демократия учун жуда катта имкониятлар очмоқда, хусусан, электрон референдумлар, ижтимоий сўровлар, ҳукумат билан телеанжуманлар ўтказмоқда. Кабелли телекоммуникация тармоқлари оддий фуқаро билан сиёсий арбоблар ўргасида икки томонлама алоқа ўрнатмоқда (Ўзбекистон телевидениясида ҳам «Мулоқот» мавзусидаги кўрсатувда бу жараён ўз ифодасини топмоқда), мазкур икки томонлама мулоқотлар энг муҳим сиёсий қарорлар қабул қилишда кўпчилик аҳолининг фикр-мулоҳазаларини ҳисобга олишда муҳим роль ўйнамоқда.

«Ахборотли жамият» муаммолари.

Илмий-техника, технология тараққиёти инсониятга жуда кўп ижодий ютуқлар билан бирга айrim ҳолларда салбий ҳослатларни ҳам туғдирмоқда. Ахборотли жамиятни роботлаштириш ва автоматлаштириш жиддий муаммолардан бири бўлиб, ишсизликни янада мураккаблаштирунган. 1988 йилда АҚШда ишлаб чиқарилган 50 фоиз автомобилларни робот-автоматлар ёрдамида йигилди, бу ҳолат автомобил заводлари ишчиларини оммавий равишда ишдан бўшатишига олиб келди. 1990 йилда бу кўрсаткич янада ошди ва 1 миллион ишчини ўз иш жойидан маҳрум этди. Франция ҳукуматининг ҳисоб-китобларига қараганда ЭҲМ шу юз йилликнинг охирига бориб саноат корхоналарининг 40 фоиз ишчисини, идора хизматчиларидан ва муҳандис-техник ходимлардан 30-35 фоизини қисқартишига олиб келиши кўзда тутилмоқда. 80-йилларнинг бошларида Японияда одамлари бўшаб қол-

гай корхоналар пайдо бўла бошлади. Ишсизлар орасида ма-
лакали кадрлар: тажрибали мұхандислар, конструкторлар,
хисобчилар кўпайиб бормоқда.

Рим клуби — олимларининг докладида таъқидланишича «пўлат ёқалилар» (роботлар) армияси — «кўқ ёқалилар» ва «оқ ёқалилар»ни (ишчилар ва хизматчиларни) ишлаб чи-
қариш жараёнидан сиқиб чиқара бошлади.

Электроника ва уруш муаммолари ҳам мураккаблашиб бормоқда. Англиялик физик Барнабининг Фиқрича, қурол-
яроғларнинг янги турларини яратиш ва тадқиқ этиш учун йилига 50 миллиард доллар маблағ ишлатилмоқда. Ҳамма маблағларнинг 10 фоизини ташкил этадиган бу факт муаммо-
нинг нақадар долзарб эканлигини кўрсатиб турибди. Қурол-
яроғларни янги янги турларини яратиш ва тадқиқ этиш билан бутун дунёдаги малақали тажрибали олим ва мұхан-
дислардан 400 мингга яқин киши машғул бўлмоқда. Бу жараёндаги энг ҳавфли ҳолат деб ҳисоблайди, Барнаби, бу электроника соҳасидаги ҳозирги замон ютуқларидир. Бу термоядро урушининг ҳавфини камайтириш ўрнига, кўпчи-
лик, ҳолларда кучайтиради. Ана шу электроника ютуқларига асосланган қуроллардан бири, аниқлиги, тезлиги кундан-
кунга ортиб бораётган даҳшатли стратегик ракеталардир.

Жамиятни, инсониятни компьютерлаштириш яна бошқа бир соҳада, инсон эркинлигига ҳавф солиш муаммосини ҳам келтириб чиқармоқда. Ҳозирги пайтда америкаликларнинг ярмидан кўпи гигант корпорацияларда меҳнат қилмоқда. Компьютерлар улар ва уларнинг оила аъзолари тўғрисида, хизматчиларнинг ҳусусиятлари тўғрисида кенг ва чуқур ах-
боротларни ўзларида жамлаганлар.

Компьютерлар ахборотнинг миқдори ва сифатини ҳам ўзгартириб юборди. Ҳоҳлаган пайтда АҚШнинг, керак бўлса, ҳоҳлаган фуқаро тўғрисида компьютердан ахборот олиш мумкин.

Инсон ва техника ўртасидаги ўзаро муносабат янада му-
раккаблашди. Инсон борган сари роботга айланмоқда. Үнинг тафаккур қилиш ҳусусияти иккинчи планга ўтди.

Оммавий ахборот воситалари.

Оммавий ахборот воситаларига, кино, радио, телевидение, матбуот ва видеони киритиш мумкин. Агар мазкур тизимни кенгроқ тушиниш лозим бўлса, унга яна реклама, фотография, мода, дизайн — технология эстетикасини киритиш ҳам мумкин бўлади.

Ҳозирги пайтда оммавий ахборот воситалари термини билан бир қаторда оммавий коммуникация воситалари термини ҳам қўлланилмоқда, бу ҳолат ахборот ишлаб чиқарувчилар билан уларнинг истеъмолчилари ўртасидаги алоқани кучайтирмоқда. Бу газеталар, журналлар таҳририятларига, радиотелеэшиттишлар таҳририятларига келаётган хатлар ёрдамида, телефон кўнғироқларида, телекўприкларда ўз ифодасини топмоқда.

Оммавий ахборот воситаларини айрим пайтларда (қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимиятидан кейин), «тўртинчи ҳокимият» деб ҳам айтишмоқда, бу албатта, ахборотнинг ахолининг ҳаётига таъсирини даражаси, миқёси, жамиятга умумий таъсири нуқтаи-назаридан шундай баҳо берилмоқда.

Оммавий ахборот воситаларининг роли тинмай ошиб бораётган бир пайтда матбуот, радио, телевидение, реклама, кимнинг қўлида, қандай ғояларни тарғиб қилмоқда, у умуминсоний қадриятлар билан ҳамоҳангми? деган савол туғилиши табиий. Мустақил Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари истиқлонни мустаҳкамлаш, миллий мафкурани шакллантириш, олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг ҳаётда тўсиқларсиз амалга ошишига ёрдам беришга хизмат қилмоқда.

Ҳозирги замон жамияти ахборотнинг янгидан-янги турларини яратмоқда. Айрим ҳолларда инсон ана шу ахборотлар денгизида фарқ бўлиб, уларни идрок этиши мураккаб ҳодисага айланмоқда. Ҳозир биргина мамлакатимизда 96 та республика газеталари, 86 та журналлар, ундан ташқари Қорақалпоғистоннинг ўзида қатор газета, журналлар, 24 та вилоят газеталари, 157 район, 118 та шаҳар газеталари чоп этилмоқда. Қуйидаги факт, яъни 1991 йилда Тошкентдан республика шаҳар ва қишлоқларига жўнатилган вақтли матбуотнинг сони 1 миллиард 300 миллиондан ошиб кетди. Бу факт республикамизда оммавий ахборот воситаларининг ижтимоий ҳаётда қандай роль ўйнаётганлигини кўрсатиб турибди. Ҳар бир вилоятда радио, телевизиттишлар, тижорат видеоканаллари ишлаб турибди.

Юқоридагилардан шундай хуроса қилиш мумкин: Оммавий ахборот воситалари ҳозирги жамиятнинг ажралмас қисмига айланди. Улар нафақат турли маълумотлар, ахборотлар бермоқда, шу билан бирга у ижтимоий фикрни шакллантиришда фаол роль ўйнамоқда. Оммавий ахборот воситалари жамият аъзоларига қандайдир муаммоларни ечиш

да ёрдам берса, айрим ҳолатларда уни тўғри қарорлар қабул қилишдан бошқа томонга жалб қилиш ҳоллари ҳам мавжуд, шунинг учун ҳам инсон ахборотларни қабул қилишда тўғри мақсадни амалга ошириш томон ўрганиши муҳим аҳамиятга моликдир.

Саволлар ва топшириқлар:

1. Сиёсат тушунчаси тўғрисида гапириб беринг.
2. Сиёсий тизим структурасига нималар киради?
3. Сиёсий маданият нима?
4. Шахс ва сиёсат деганда қандай муносабатни тушунасиз?
5. Ёшлар билан сиёсат ўртасида қандай алоқадорлик бор?
6. Ижтимоий сиёсат ҳақида гапириб беринг.
7. Ахборот нима?
8. Қандай газета ва журналларни ўқиб борасиз?
9. Телевизордаги қайси кўрсатув сизга кўпроқ ёқади ёки ёқмайди?
10. Нега оммавий ахборот воситаларини «тўртинчи ҳокимиёт» деб номлашади?
11. Узбекистонда нечта газета ва журналлар чоп этилади?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Сулаймонов Ҳ. ва бошқалар. Сиёсатшунослик. Наманган, 1993, 10, 112-129, 231-246, 283-324 бетлар.
2. Политология асослари. Тошкент, «Университет», 1992, 64-81, 105-123 бетлар.
3. Каримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент, «Ўзбекистон», 1995, 17-29, 119-139, 246 бетлар.
4. Ўзбекистон мустақиллик одимлари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1995.
5. Ўзбекистон республикаси. Тошкент, «Ўзбекистон», 1995.
6. Хомянский Л. М., Шипанов А. С. Дизайн. Тошкент, «Ўқитувчи», 1991, 3-бет.
7. Жильцова Е. И., Егорова Э. Н., Сухолет И. Н., Политическое и духовное развитие современного общества, Москва, «Просвещение», 1993, 83-89 бетлар.

ХОЗИРГИ ЗАМОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИННИГ МАЊНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРИ

Мањнавий маданият.

Цивилизация ўз ичига одамларнинг ҳаётидаги иқтисодий, ижтимоий, сиёсий компонентлардан ташқари маданиятни ҳам олади. Маданиятнинг юксалиш даражаси конкрет тарихий цивилизациянинг ютуқларини ифодалаб беради, унинг ҳозирги ва келажакдаги цивилизациялардаги ўрнини аниқлайди.

Маданият нима ўзи? У инсон ва жамият ҳаётида қандай ўринни эгаллайди ва қандай элементлардан ташкил топган, деган саволларга қўйида жавоб беришга ҳаракат қиласиз.

Маданият нима?

Маданият термини — арабча ал-мадина (шаҳар), маданийа — сўзидан олинган бўлиб инсон яратган моддий ва мањнавий қадриятлар, бойликлар мажмуаси деган мањони англатади. Маданиятни қатор фанлар: маданиятшунослик асослари, археология, этнография, тарих, эстетика, этика, фалсафа ва бошқа фанлар ўрганадилар. Мазкур фанлар маданиятга ўзларича таъриф ва тафсив берадилар. Жаҳон илмий адабиётларида ҳозиргача маданиятга 500 дан ортиқ-роқ таъриф берилган.

Маданиятнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши кишилик жамиятининг энг қадими, илк босқичларига бориб тақалади. Бошқача айтганда, маданият инсоннинг келиб чиқиши билан узвий алоқадордир. Маданият тарихи — жамият тарихининг ажralmas бир қисмидир. Шунинг учун ҳам унинг вужудга келиши ва ривожланишини жамият тарихидан, моддий бойликлар ишлаб чиқаришдан ажратиб олиш мумкин эмас. Жамият бор экан маданият ҳам мавжуд бўлади. Инсоннинг инсонга хос хислат ва фазилатларига эга бўлиши, табиатга таъсир этиши, ижтимоий фаолиятга киришуви, маданий ва мањнавий бойликларни ишлаб чиқиши ва истеъмол қилиши маданиятга, унинг ютуқларидан қанчалик фойдалана олганлигига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Маданиятнинг ривожланиши инсоннинг ўзи қанчалик ўсганлигини, унинг билимлари нечоғлиқ ҳенгайганилиги, қобилияти нақадар такомиллашганини кўрсатади.

Айрим олимларнинг фикрларига кўра, маданиятнинг ижодкорлари, сақловчилари, наслдан-наслга қолдирувчилари аси-

зодалар, машхур шахслардир. Ҳақиқатда эса халқ ғақат моддий бойликларгина эмас, шу билан бирга маданиятни ҳам яратади. Ҳалқ оммаси битмас-тұганмас қобилият әгаси ҳисобланади. Ғай ва техника соҳасидаги әңг муҳим иктирия тәсілдердең ишлаб чиқарувчи күчлар ва маданиятни ривожлантириш якка-якка кишиларнинг иши эмас, балки тарихнинг ҳақиқий ижодкори бўлган халқ оммасининг ишлаб чиқариш фәолиятидан иборатdir.

Маънавий маданиятнинг барча турлари, жумладан қўшиқ, мусиқа ҳам кенг халқ оммаси амалий фәолиятининг маҳсулидир. Бундай дейилишининг асосий бўйси шундан иборатки, кун бўйи қилинган меҳнатдан кейинги чарчаш, толикиш, ҳорғинликни енгишда, кайфиятни яхшилашда, руҳни төтиқ ва бардам қилишда қўшиқ ва мусиқа кишиларга ёрдам берган. Қўшиқ ва мусиқа меҳнатнинг йўлдошидир, у халқ ҳаётидан, тарихдан ажралмасдир.

Барча моддий ва маънавий маданият дурдоналари — инсон ақл-идроқи, истеъоди ва меҳнати маҳсулидир. Ҳалқ оммаси маданият ижодкоригина эмас, балки уни тўхтовсиз равишда бойитувчи, ривожлантирувчи, авлоддан-авлодга етказиб турувчи ҳамdir.

Маданий тараққиётнинг умумий қонунларидан бири — унинг тўхтовсиз равишда бойиб бориши ва ривожланишидан иборатdir.

Маданият жуда мураккаб ва кўп қиррали ижтимоий ҳодиса бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг моддий-техник, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва бошқа соҳаларини, инсон ва меҳнат фәолиятининг барча самараларини ўзида қамраб олади. Ҳалқ оммаси томонидан яратилган ҳамма моддий ва маънавий бойликлар юқорида айтиб ўтганимиздай, маданиятга киради. Маданият дейилганда меҳнат қуролларини яратиш ва улардан фойдаланиш, фан-техника ютуқлари ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, кишиларнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий кўнімлари, меҳнатни ижтимоий ташкил этиш, саломатликни сақлаш ишини йўлга қўйиш, аҳоли ўртасида билимларнинг ёилиш даражаси ва маълумот, умумий, ўрта маҳсус ва олий таълимни амалга ошириш, адабиёт ва санъат асарлари, ижтимоий-Фалсафий ғоялар ва бошқа шу кабилар назарда тутилади. Маданият, аввало, жамиятнинг ижтимоий тараққиёт йўлида эришган босқичини; кишилар ҳаёти ва фәолиятининг турли кўринишларини, улар яратадиган моддий ва маънавий бойликларни ифодалайди.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, моддий ишлаб чиқаришнинг икки асосий тури — моддий ва маънавий ишлаб чиқарышга қараб маданият ҳам йирик икки турга — моддий ва маънавий маданиятга бўлинади. Моддий маданият деганда меҳнат қуролларини, меҳнат кўникмаларини, шунингдек ишлаб чиқариш жараёнида яратилган ва мэддий ҳаёт учун хизмат қиладиган барча бойликларни англаймиз. Моддий маданиятга моддий бойликларнинг бутун мажмуи, уларни ишлаб чиқариш воситалари (ишлаб чиқариш жараёнида яратилган төхника ва технология, машиналар, техник юшоотлар, ижтимоий меҳнатни уюштириш шакли, қурилиш ва деҳқончиликни йўлга қўйиш ва бошқалар), киради.

Моддий маданиятта кишиларнинг ишлаб чиқариш тажрибаси, қобилияти, малакаси ҳам кирадики, буларсиз ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш мумкин эмас. Моддий маданиятнинг асосий қисмини кишиларнинг меҳнат фаолияти жараёнида фойдаланадиган меҳнат предметлари ва ишлаб чиқариш воситалари ташкил этади.

Моддий маданиятдан ташқари маънавий маданият ҳам мавжудки, у инсонлар томонидан яратилган маънавий бойликларни, ижтимоий онгнинг илмий, бадиий, ҳуқуқий, диний, ахлоқий, фалсафий ва бошқа шаклларини, янада аниқроқ айтадиган бўлсак, эстетик маданиятни, ахлоқий маданиятни диний маданиятни, сиёсий маданиятни, экологик маданиятни, иқтисодий маданиятни, тафаккурнинг барча шакллари, дунёқарашнинг бутун соҳасини, жамиятдаги ғоялар ва таълимотларни, бадиий асарларни, эстетик ва ахлоқий қарашларни ўз ичига олади. Маънавий ишлаб чиқариш жараёнида сиёсий ва ҳуқуқий мафкура, фалсафа ва ахлоқ, санъат соҳасидаги бойликлар, яъни маънавий маданият бойликлари яратилади. Маънавий бойликлар олимлар, мусавиirlар, бастакорлар, щоир ва ёзувчилар, назариётчилар, хуллас; халқ оммаси томонидан яратилади ва истеъмол қилинади. Маънавий бойликлар авлоддан-авлодга, бир тузумдан иккинчи тузумга мерос сифатида ўтади ва жамият тараққиётига катта таъсир кўрсатади.

Урта Осиё ҳалқлари маънавий маданиятининг ўзига Зарслар хос хусусиятлари.

Урта асрчилик щаронтида ҳам маданият анча ривожланди. Бу даврда қийинчиликлар, зиддиятлар беҳад чукурлашиб, ўзаро феодал урушлар ва ички низолар ниҳоятда авж олиб ва кескин тус олиб кетганлигига қарамай, ишлаб чи-

қарувчи кучлар бирмунча ривожланди, техника тараққий этди, ҳунармандчиллик ва савдо ўси, йирик-йирик шаҳарлар юзага келди, денгиз йўллари, карвон йўллари очилди, фан ютуқларидан ишлаб чиқаришда фойдаланиш янада ривожланди. Феодализмда математика, механика, астрономия ва бошқа табиий фанларнинг ривожланиши сунъий сугоришга асосланган дэхқончиликнинг тараққиётига замин яратди. Урта асрлар шу билан бирга жаҳон маданияти тараққиётига чексиз ҳисса қўшган буюк ақл соҳиблари ва тафаккур даҳоларини етиштириб берганлиги билан ҳам тавсифланади. Буни Яқин ва Урта Шарқ мамлакатлари халқларининг, жумладан ўзбек халқининг маданий-маънавий ютуқлари мисоли-да ҳам кўриш мумкин.

Ўзбек халқининг маданияти жуда қадими бўлиб, унинг тарихи бир неча минг йилларни ўз ичига олади. Ўзбек халқининг маданияти ҳам жаҳон маданиятидан четда юзага келган ва ривожланган эмас. Биронта халқ маданияти ўз мамлакати доирасида, тор миллий биқиқликда эмас, балки бошқа халқлар маданияти билан ўзаро алоқада, ўзаро боғлиқликда, ўзаро таъсири ва акс этиш асосида тараққий этади. Ўзбек халқи маданияти ҳам ҳудди шу йўл билан ривожланди.

Ўзбек халқи маданияти фақат миллий асосда эмас, шу билан бирга умуминсоний маданиятлар таъсири остида ўси, ривожланди. Хитой, қадимги дунё ҳамда Рим даври маданияти, жаҳондаги бошқа маданиятлар ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди. Ўз навбатида ўзбек халқи ҳам бошқа халқлар маданиятининг юксалишига, умумжаҳон маданияти тараққиётига ўзининг фаол таъсирини кўрсатди. Урта Осиё маданиятининг буюк намоёндалари Хоразмий, Абу Наср Форбий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Улуғбек, Али Қушчи, Қозизода Румий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқа алломалар томонидан яратилган нодир асарларнинг инсоният маънавий ҳазинасининг дурдонаси, жаҳон маданиятининг ажралмас қисми эканлиги бунга яққол мисол бўлаолади.

Урта Осиё халқлари, жумладан ўзбек халқи моддий ва маънавий маданиятининг ривожланишида алоҳида яна бир таъкидлаш лозим бўлган хусусияти шундан иборатки, у бир текисда амалга ошган эмас. Унда бир неча бор юксак чўққиларга кўтарилиш, уйғоним даврлари ҳам, аксинча, буюк Ўй-

ғониш давларидан кейин эса маълум объектив ва субъектив омиллар таъсирида нисбий турғунлик, тушкунлик, давлари ҳам бўлган. Маданий тараққиётдаги нотекисликнинг, баъзан жуда катта тезлик билан беҳад илгарилаб кетишининг, гоҳида эса сустлашиб, секинлашиб турғунликка учраб қолишининг асосий сабаби ва туб моҳиятини унинг ўзидан эмас, балки ҳукмрон ижтимоий-иқтисодий муносабатлар моҳияти ва хусусиятидан, ички ва ташқи сабаблар таъсиридан қидиришга тўғри келади. Инсоният тараққиёти ҳар доим узлуксиз ва бир текисда боравермайди. Маданиятдаги тараққиёт ҳам оддийдан мураккабга, пастдан юқорига, спиралсимон ҳолатда ривожланади.

Феодаллар ўртасидаги ўзаро жанжаллар, урушлар, сувва савдо йўлларининг ўзгариши, чет эш босқинчиларининг, асосан араб ва мўғулларнинг бостириб кириши Урта Осиё иқтисодиёти ривожланишига халақит берди, маданият ва фанинг юксалишига салбий таъсир кўрсатдики, бу ердаги халқлар иқтисодий ва маданий ҳаётини издан чиқариб юборди. Босқинчилар маҳаллий аҳоли маданиятини яксон қилдилар, ноёб маданият ёдгорликларини таладилар, кутубхоналарга ўт қўйдилар. Олимлар, ҳунармандлар, шоир ва ёзувчиларни таъқиб остига олдилар. Араб босқинчиларининг ваҳшийликлари Абу Райхон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», асарида кескин фош этилганлиги кўпчиликка яхши маълум. Босқинчилар қанчалик ваҳшийликлар қилган, маданий тараққиётни кейинга улоқтириб ташлаган, маданиятнинг моддий заминига путур етказган бўлишмасин, лекин уни бутунлай йўқ қила олмадилар. Гарчи қийинчиллар, баъзан орқага қайтиш, турғунлик, депсинишлар асосида бўлса-да, маданий тараққиёт умуман тўхтамади, тўхтатиши мумкин эмас эди.

Маданият дейилганда уни моддий ва маънавий маданиятга бўлиш билан чегараланиб қолмаслик керак. Инсон томонидан амалга ошириладиган ишниң ҳар бири хилма-хил меҳнат қуролларидан фойдаланишни, ҳунарларини ишга солишни, билим бойликлари, малака, маҳорат, тажрибага асосланишни зарурӣ равишда тақозо этади.

Ер юзидағи барча моддий ва маънавий бойликларнинг агаси бўлган инсонни улуғлашда IX—XVIII асрларда яшаган Шарқ олимлари, айниқса Урта Осиё мутафаккирлари ва шоирларининг қўшган ҳиссалари таҳсинга сазовор ва бу

жараённи Урта Осиё халқлари маънавий маданиятининг шаклланишидаги асосий хусусиятларидан энг муҳими десак муболага қилмаган бўламиз.

Бу анъаналарнинг бешиги бошида турганлардан бири Абу Наср Форобий бўлиб, унинг ижтимоий-фалсафий қаражаларининг марказида инсоннинг баҳт-саодатга эришиши ҳақидаги ғоя туради. Форобий ўз аҳолисини баҳт-саодатга етакловчи, бутун фаолият ва вазифаларини ана шу мақсадга йўналтирувчи шаҳарни, энг яхши, фазилатли деб атайди. «Ҳақиқий баҳтга эришиш учун зарур бўлган ишларда ўзаро ёрдамни мақсад қилиб олган кишилар бирлашмаси мавжуд бўлган шаҳар — фазилатли, идеал, шаҳардир; баҳтга эришиш учун кишилар бир-бирларига ёрдам берувчи жамоа — фазилатли, идеал жамоадир.

Баҳтга эришиш учун шаҳарларда ўзаро ёрдам берувчи халқ — фазилатли, етук ҳалқдир. Шу тартибда барча халқлар баҳтга эришиш учун бир-бирларига ёрдам берсалар, бутун ер юзи фазилатли, етук бўлади»¹.

«Шоҳнома» номли нодир асари билан жаҳонга машҳур бўлган Абдулқосим Фирдавсий инсонни бутун мавжудотнинг энг баркамоли, тараққиёт чўққиси деб, таърифлайди:

Занжирнинг охирги халқаси — инсон
У — калит, бандларни очади инсон.
Сарвдек тик бошинй кўтармиш мағрур.
Борлиғи — яхши, ақлу тафаккур.
Ақл бирла идрок фақат унга ёр,

Бутун тилсиз олам фармонига зор.

Фирдавсий инсон ўзининг ақл-идроки ва тафаккури, онги билан бошқа мавжудотлардан ажralиб туришини алоҳида уқтиради. У ақлни ҳақиқатнинг ўлчовига тенглаштиради.

Урта Осиё ва умуман Шарқнинг ифтихори-ва улур олимларидан саналган Абу Райҳон Беруний дунёда инсоннинг тутган ўрни, истиқболи масаласига катта эътибор билан қаради. Онгли ҳаётий фаолият одамни ҳайвоннинг онгсиз ҳаётий фаолиятидан фарқлантирадиган муҳим жиҳатдан бири эканлиги унинг «Минералогия» асарида кенг баён этилган. Одамда тафаккур қудрати бўлмаганида эди, деб таъкидлайди Беруний, унинг аҳволи ҳайвонлар ҳолатидан ҳам тубанроқ бўл-

¹ Ҳайруллаев М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккирлари. ўзФЛ нашриёти, 1963, Тошкент, 254-бет.

ган бўларди, чунки одам куч жиҳатидан ҳайвонлардан заиф, қучли табиий ҳимоя воситаларида маҳрумдир.

Берунийнинг қайд қилишича, инсондаги мактоворхислат олижаноблик, мардлик, муруват, нафсни тия билиш, покизалик, ёқимли кийинишdir. Мутафаккир ростгўйликни ҳамма нарсадан устун қўяди, билиб-бilmай нотўғри хабар тарқатувчиларни, атайин ёлғон сўзловчиларни қоралайди.

Инсоннинг соғлом, баҳтиёр ҳаёт кечириши, умрини узайтириш, одамнинг табиат билан узвий алоқадорлиги, болалар тарбияси сингари энг муҳим масалалар Абу Али ибн Сино таълимотида кенг ўрин тутади. Алломанинг кўрсатишича, инсон олам ривожланишининг тожи бўлиб, у шон-шараф ва ҳурматга тўла лойиқdir. У табиат яратган ноз-неъматлардан ташқари озиқ-овқат, кийим-бош, уй-жойга муҳтоҷлик сезади, буларни эса касб-ҳунар ўрганиш, меҳнат қилиш асосида яратади.

Ибн Сино тиб олими сифатида инсон саломатлигини сақлашда соғ ҳавонинг мижозга қараб овқат тановвул қилишнинг, ичиладиган сувнинг, бадан тарбиянинг, ҳар хил гиёҳларнинг аҳамияти ҳақида ҳам жуда қимматли фикрларни баён этди.

Энг олий мавжудот бўлган инсонни мадҳ этиш, унинг келажаги ҳақида қайғуриш Шарқнинг забардаст файласуф олими Умар Ҳайём ижодида марказий ўринни эгаллади. У ўзининг рубонийларидан бирида инсонни оламнинг безаги, гултоҷи деб юксак баҳолайди:

Дунёнинг тилаги, самари ҳам биз,

Ақл кўзин қораси — жавҳари ҳам биз.

Тўғарак жаҳонни узук деб билсак,

Шаксиз, унинг кўзи — гавҳари ҳам биз.

Инсон ўзининг тафаккур қуввати, даҳоси, меҳнати билан табиат ва жамиятни ўз эҳтиёжлари йўлида ўзгартиради. Буюк мутафаккир Алишер Навоий таъбири билан айтганда, дунёда инсондан улуғроқ камолот йўқ, кунки унга «бебаҳо марварид» — ақл-заковат кучи ҳадя этилганки, унда» «сирасорларни ва юксак чўққиларини билиш қобилияти» бўлиб, унинг кўмагида инсон «улуг вазифалар»ни бажо келтиради.

Хозирги замон кишисининг маънавий маданияти *Кулес*

Инсоният маданияти тарихи — бу инсон ақлининг, тафаккурининг тарихидир. Авлодларнинг тарихий тажрибаси — улар яратган маданият бойликларида мужассамлашган. Ин-

соннинг ўтмиш маданиятлари билан танишуви, маънавий бойликлар билан танишуви—бу инсоннинг, яъни шахснинг маънавий оламини шакллантиради ва унинг ахлоқий, интеллектуал тараққиётида катта роль ўйнайди.

Инсон ўзининг қалбий, ички ҳаёти жараёнида қилган ишлари тўғрисида ўйлаб кўради ва келажак ҳаётида қиласиган ишларини олдиндан ўйлаб, тасаввур қилиб, олдига қўйган мақсадини амалга ошириш учун ишга соладиган режаларини чуқур ўйлаб кўради. Муваффақиятли ёки муваффақиятсиз ҳаракатлар келажакдаги мақсадни амалга ошириш ва уларни баҳолаш учун асос беради.

Инсоннинг ҳаётий тафаккурига, унинг маънавий ҳаётига қўйидагиларни киритиш қоидага айланган: билим, ишонч, эътиқод, ҳиссиёт, эҳтиёжлар, қобилият ёки истеъод, интилиш, одамларни мақсад ва истаклари. Инсоннинг маънавий ҳаётини, яъни шахснинг ички оламини безовчи ҳаяжонлар: қувонч, келажакка ишонч, ҳаётдан қониқмаслик, ношукрлик, ҳаётга бутунлай ишонмаслик. Инсонга ўз-ўзини англаш, ўз-ўзини такомиллаштириш хосдир.

Инсон қанчалик камолотга эришган бўлса, унинг маданияти ҳам юқори, маънавий ҳаёти бой бўлади.

Инсонни жамиятдан ташқарида яшай олмайди, деган фикр энди ҳеч кимда мунозарага ўрин қолдирмайди. Шунинг учун ҳам инсоннинг цивилизациялашган ҳаётини маданият билан йўғрилмаган деб ҳам ҳеч ким айта олмайди. Инсон туғилгандан кейин, у ўзи яшаётган асрдаги тарихий-маданий муҳитни танлаб олмайди. Жамият ва инсоннинг одатдаги ҳаётий фаолиятининг шароити учун тарихий жараёнда йиғилган билим, малака ва бойликларни ўзлаштиришдан иборатdir, чунки ҳар бир инсон — авлодлар эстафетасида боғловчи халқа, ўтмиш билан инсоният келажагидаги тирик алоқадир.

Жамиятнинг ҳозирги маънавий ҳаёти, маданияти турли туман илмий, диний, еиёсий назариялар, ахлоқий, эстетик тасаввурларни ва идеалларни ўз ичига олади. Уларда инсоният ҳаётий тизимидағи инсоннинг ҳаётдаги ўрни, вазифаси мужассамлашган. Инсониятнинг ҳар бир тарихий яшаш даврида одам яхшилик нима? гўзаллик нима? инсон нима қилиши керак? деган саволларга турлича жавоб берган. Илгариги ва ҳозирги ҳар бир ахлоқий тизим фаравонликка, шахсий камолотга эришишнинг ўзига хос қўйидаги йўлларини тавсия этади: билим орқали, ички осойишталик, ўзини қурбон қилиш орқали ва бошқалар.

Шундай қилиб, инсоният томонидан ўзлаштирилган ва яратилган маънавий маданият ҳар бир инсонга маънавий бойликларни танлашда амалий нуқтаи-назардан чексиз имкониятлар яратиб беради, бу маънавий бойликлар, инсоннинг яшаш тарзига, дидига, истеъдодига жавоб беради.]

Агар инсон шахс сифатида камолотга етган бўлса, ўзининг қайтарили мас ҳарактерини, энг қийин, мураккаб, зиддиятли ҳолатларда ўзлигини сақлаб қола олади. Шахс бўлиб камолотга етиш — демак, турли ҳолатларда, кўп қиррали илм тизимида мўлжални тўғри олиш қобилиятининг мавжудлиги, ўз танлаган йўли учун масъулликни тўла ҳис эта олади, кўпгина салбий таъсирларга қарши турла олади.

«Мустақиллик йиллари — деб таъкидлайди мамлакатимиз Президенти И. А. Каримов, — демократик давлатни фаол қуриш, унинг сиёсатини ишлаб чиқиш давридир. Бу давр маънавий ўйғониш (таъкид бизники—С. Н.) ва миллый ўзлигини англашнинг ўсиши давридир. Бу озодлик руҳи билан, ўз кучларига, мамлакатнинг, халқнинг ёрқин келажагига ишонч билан тўлиб-тошган давридир»¹.

Инсонни ўраб турған маданият билан ўзаро муносабати цивилизация тараққиёти жараёнида доимо ўзгариб келди, аммо бу муносабатлардаги бош йўналиш — умуминсоний маданиятнинг алоҳида шахс маданиятига ўзаро боғлиқлиги масаласи алоҳида аҳамиятга моликдир. Ахир, инсоният маданиятининг асосий яратувчиси, ўзлаштирувчиси, ташувчиси, танқидчиси ҳисобланади — умуминсоний маданият — шахс маънавий маданияти ривожининг шаклланиш шароитидир.

Шахснинг маънавий маданиятида бош йўналиш бу, ҳаётга актив, ижодий ва масъуллик билан муносабатда бўлиш, шу билан бирга, ўзига, бошқаларга, табиатга ҳам масъулият ҳисси билан муносабатда бўлишдир. Инсоннинг маънавий маданияти фақат унинг ўта ақллилигига бориб тақалмайди, балки бу ерда унинг эрудициясига ҳам боғлиқдир. Инсонда қанчалик юксак маданиятлилик шаклланганлигини аниқлаш учун амалга ошириладиган жараён анчагина мураккаб жараёндир. Бу жараёнда муҳими шу нарсани билиш лозимки, ким ва нима учун маданиятлилик даражасини баҳоламоқчи, бу баҳонинг мезони қандай бўлиши керак? (ма-

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент, «Ўзбекистон», 1995, 8-бет.

салан, шаҳарликлар қишлоқликларни ўзларича баҳолашади, қишлоқликлар шаҳарликларга берадиган баҳоси бошқачароқ ёки қариялар — ёшларни, ёшлар эса қарияларни ва ҳоказо) шунинг учун бу баҳолар турлича ва айрим ҳолларда зиддиатли бўлишини ҳисобга олиш зарур бўлади.

Собиқ иттифоқнинг барча жумҳуриятларида бўлгани каби Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий ва маданий тараққиетига ҳам шахсга сифниш ва турғунлик даврларидаги ижтимоий адолатсизлик ва бузилишлар, маъмурий-буйруқбозлик асосидаги бошқариш усуллари салбий таъсир қилди. Сўнгги ярим аср давомида биз тилимиз, маданиятимиз, тарихимизга бепсанд қарадик, ўтмишимизни қоралаш ва камситишлардан нарига ўтмадик. Бир неча минг йиллик маданий меросимизни унута бошладик. Мамлакатимизда қисқа муддат ичиде икки марта алфавит ўзгариб, халқ икки марта бутунлай саводсиз бўлиб қолди. Араб алфавитидан возкечиш халқни бир неча асрлик она тарихидан бутунлай узоқлаштириди. Қатағончилик йилларида араб алфавитида ўқийдиган ва ёзишни биладиган зиёлилар таъқиб остига олинди, бу тилда ёзилган жамики китоблар, нодир кўлёзмалар мазмунидан қатъий назар деярли йўқ қилиб ташланди, ёкиб юборилди, сувларга оқизилди, ерларга кўмиб чиритиб юборилди. Натижада бутун бир маънавий бойлиқдан маҳрум бўлинди.

30-йилларда ва ҳатто яқинларда ҳам Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Урганч, Хива, Кўқон, Шаҳрисабз, Кармана ва бошқа жуда кўплаб шаҳарлар ҳамда қишлоқлардаги масжид ва мадрасалар, жамики қўхна осори-атиқалар динга қарши кураш ниқоби остида бузиб ташланди, халқимизнинг меҳнати ва ақл-идроқи билан дунёга келган гўзал тарихий обидалар ўйламай-нетмай яксон қилинди. Наманган шаҳрида аср бошида қурилган Отавалихон тўра масжиди ароқ-вино заводига омбор вазифасини ўтади ва охири адолат қарор топди ва у диндорларга қайтарилди. Ислом динига нисбатан ноҳолисона муносабатларда бўлиш оқибатида халқимизнинг тарихи, тили, маданияти, анъаналари, адабиёти ва санъати шу қадар катта зарар кўрдики, буни ҳеч бир нарса билан ўлчаб бўлмайди.

Тил халқ тарихи ва маданияти калитидир. Кимки ана шу калитдан фойдалана билса у халқнинг юрагига йўл топади, маданият тарихини, миллий хусусиятларини чуқурроқ тушуна билади. Тил одамлар ўртасида алоқа воситасигина бў-

либ қолмай айни пайтда маданиятнинг шундай буюк ютуғи-
дирки, унда халқнинг кўп асрлик ижтимоий-сиёсий, иқтисо-
дий ва маънавий ҳаёти тараққиётининг тарихи кўзгудек акс
этади. Энг кам сонли элат бўлсин, барибир, унинг тилини
унитиш тарих олдидағи, келажак авлод олдидағи жиноят ҳи-
собланади.

Тилни билиш — ҳар бир шахс маънавий камолотининг
зарур шартларидан биридир. Кўп тилларни билиш жаҳон
маданияти ҳазиналарини ўрганишга, миллий маданиятлар,
миллий онг ва руҳиятни аниқроқ ва чуқурроқ билишга им-
кон беради. Бошқа тилларни билиш ўз она тилини билмаслик
ҳисобидан бўлмаслиги керак. Ўз она тилини билмаган киши
бошқа халқлар тилини билган тақдирда ҳам унинг қадрига
ета олмайди.

Ўз она тилисини билмаган кишини маданиятли киши деб
бўлмайди. Она тилини билмаса, уни ҳурмат қилмаса маъна-
вий жиҳатдан тўлақонли шахснинг ўзи ҳам бўлмайди, бу
нарса маънавий қашшоқлик белгиси саналади. Бинобарин ўз
она тилисини билмаган одам ўзининг шажарасини, илдизи-
ни, келажагини ҳам билмайди.

Миллат мавжуд экан, миллий тил ҳам, миллий маданият
ҳам, миллий онг ва руҳият ҳам сақланади ва ривожланади.
Тилсиз миллат ривожлана олмайди. Бусиз унинг келажаги
йўқ. Тилга ҳурматсизлик билан қараш — шу тил эгаси бўл-
ган халқقا, унинг тарихи ва маданиятига нописандлик билан
қарашдир. Буни ҳеч бир халқ ва миллат кечира олмайди.

1989 йил 21 октябрда Узбекистоннинг Давлат тили тўғри-
сидаги Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда тили-
мизга бўлган ҳурматсизликка чек қўйди, унинг ривожлани-
ши маънавий қадриятларни тиклаш йўлида яна бир муҳим
қадам бўлди.

Қадриятлар, уларнинг жамият ва инсон ҳаётидағи, маъ-
навиятидағи ўрни. Қадриятлар дейилганда инсон ва инсо-
ният учун аҳамиятли бўлган, миллат, элат ва ижтимоий гу-
рухларнинг манбаатлари ва мақсадлари йўлида хизмат қи-
ладиган эркинлик, ижтимоий адолат, тенглик, ҳақиқат, маъ-
рифат, гўзаллик, яхшилик, ҳалоллик, бурчга содиқлик синга-
ри фазилатлар мажмун тушунилади. Қадриятлар ўзининг мо-
ҳияти ва хусусиятига кўра бир неча турларга бўлинади.
Унинг муҳим турларида бири табиий қадриятлар бўлиб,
унга инсоннинг яшashi ва ривожланиши учун зарур бўлган
табиий шароитлар: ер, ер ости бойликлари, сув, ҳаво, ўрмон-

лар, ўсимликлар, ҳайвонот дунёси ва бошқалар киради. Улар яна иқтисодий (мөхнат предметлари, ишлаб чиқариш қуроллари, моддий неъматлар ва бошқалар) қадриятлар ва ижтимоий-сиёсий (эркинлик, тенглик, адолат, тинчлик, халқаро дўстлик ва бошқалар) қадриятлардан иборатdir. Илмий-фалсафий, бадиий, диний ғоялар ва бошқа шу кабилар маънавий қадриятларни ташкил этади. Яхшилик, ҳалоллик, бурчга содиқлик сингарилар эса ахлоқий қадриятларdir. Эстетик қадриятлар устида фикр юритганда биринчи навбатда барча табиий ва ижтимоий гўзалликлар кўз олдимиизга келади.

Моддий ва маънавий, ижтимоий-сиёсий, миллий ва умуминсоний қадриятларниг омили бўлган инсоннинг ўзи дунёда энг олий қадрият бўлиб ҳисобланади. ...Ҳамма нарсани қиладиган инсондир... Тарих инсон Фаолиятидан бошқа нарса эмасdir... деган эди Ф. Энгельс.

Миллий, ҳудудий ва умуминсоний қадриятларни дилида жо қилиб олган табиатни обод, жамиятни гўзал ва фаровон қилиш, тинчлик, демократия, инсонпарвар, ҳуқуқий жамият учун курашаётган мөхнаткаш инсон — энг олий даражадаги бойлик — қадриятdir. Инсоннинг қадриятдор эканлиги унинг даставвал ўз-ўзига ва жамиятнинг инсонга бўлган ахлоқий муносабатини акс эттиради. Қадриятлар инсонлар ўртасида ўзаро муносабатда ва шахснинг ўз хулқини тартибга солишида ижобий роль ўйнайди. Ўз қадр-қимматини англаш шахснинг ўз-ўзини назорат қилиши бўлиб, унинг ўз-ўзига нисбатан талабчанлиги ана шунга асосланади.

Ўз-ўзини ҳурмат қилиш кўп жиҳатдан шахснинг тақдирини белгиловчи ғоят муҳим хислатdir, чунки у инсонни камситадиган, ерга урадиган, ҳўрлайдиган ва шу билан унинг бошқа кишилар кўз ўнгидаган ўз қадр-қимматини йўқотишига сабаб бўладиган қилиқларга йўл қўймайдиган тўсиқ-қа айланади. Ҳар бир инсон энг аввало ўз-ўзини ҳурмат қилиши, қадр-қиммати, ор-номуси, шаънига доғ туширмаслиги лозим — бу муҳим инсоний фазилатdir. Ўз иззат-ҳурматини билмасдан туриб маънавий бойликка этишиш, элда қадр-қиммат топишни тасаввур қилиш қийин. Ўзини ҳурмат қилмаган киши ўзгаларни қадрлай олмайди. Қадр-қиммат инсонни энг юксакка кўтарадиган, унинг фаолиятига, бутун интилишларига олижаноблик бағишлайдиган нарсадир.

Қадр-қиммат шахсн ҳурматлашни, унинг ҳуқуқларини эътироф этишини ҳам ўз ичига олади. Қадр-қиммат шахснинг

ижтимоий ва маънавий эркинлигининг муҳим томони сифатида юзага келади.

Демократик, инсонпарвар, ҳуқуқий давлат қурилиши жараёнида ҳалқларимизнинг яхши анъаналари, удумлари, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, меҳмондўстлик, яхши қўни қўшничилик, маҳаллада бир ойла бўлиб яшаш, катта ва кичиклар, фарзандлар ва ота-оналар ўртасидаги ҳурмат сингари ажойиб инсоний хислатлари тикланмоқда. Минг йиллар мобайнида шаклланган маънавий ва миллий қадриятлар ҳозирги даврда яратилган маънавий бойликлар билан қўшилиб тараққиётимизни тезлатади, ғоявий ва маънавий покликни таъминлашга кўмаклашади.

Ҳозирги дунёда дин, унинг инсон ва жамият тараққиётидаги ўрни ва роли.

Дин маданияттнинг энг қадимги шаклларидан бири ҳисобланади. Сизга тарих дарсларидан маълумки диний тасаввурлар жуда қадим замонлардаёқ пайдо бўлган. Диний ақидалар, урф-одатлар, маросимлар ўзининг турли-туманилиги билан бир-бириларидан ажралиб, фарқланиб турадилар. Инсоният тарихи жараёнида энг муҳим воқеалардан бири, бу дунёвий динлар: буддизм, христианлик, ислом динларининг пайдо бўлиши ва ривожланишидир.

Динларнинг ривожланиш босқичларида руҳонийларнинг табақалари, руҳонийлар, чёрковлар масжидлар пайдо бўлди.

Ҳозирги бизнинг кунларимизда ҳам дин ўзининг аҳамиятини йўқотганий йўқ.

Американинг Геллап институти 1985 йилда берган маълумотларига биноан Африканинг 95%, Лотин Америкасининг 96%, АҚШнинг 94%, Осиёнинг 89%, Фарбий Европанинг 78% аҳолиси худога ишонишларини баён этишган. Бу маълумотлар диннинг ер юзида нақадар катта таъсирга эга эканлигидан далолат беради. Динни одамлар ҳаётининг турли доираларига таъсирини бир томонлама баҳолаш жато бўлур эди.

Динни инсоннинг маънавий ҳаётига, хусусан унинг ахлоқий ҳаётига ўтказадиган таъсири жуда каттадир. Бирорларни ҳақини ема, ёки унга кўз олайтирма, ўғирлик қилма, зино қилма, ўлдирма, ота-онангни иззат қил, дейилган ахлоқий қондалар илгари инсонлар ҳаётida қандай роль ўйнаган бўлса, ҳозир ҳам уларнинг аҳамияти пасайганий йўқ, аксинча ана шу қондаларнинг аҳамияти ҳозирги кунда ҳам одамлар ҳаётida чуқур из қолдириб кучайиб бормоқда. Дин ва-

киллари ҳаётида адашганларни масжидларга чорлаб улар билан суҳбат қилиб ҳаётда ўз ўринларини топишларига, ҳаётдан воз кечишини ўйлаганларга эса тўғри йўл кўрсатишга ҳаракат қилмоқдалар. Доимо одамлар ҳаётида ўлимдан қўрқиши, ҳаётда йўл қўйилган хатолар, гуноҳлари учун худодан тавба-тазарру билан кечирим сўраш муаммолари кўндаланг турарди. Айрим ҳолларда бутунлай соғаймайдиган касаллар худодан ялиниб ёлбориб соғлиқ ато этишини сўрашлари ҳозир ҳам давом этмоқда. Масжидлар айрим кам таъминланган оиласларга меҳр-шафқат хайриялари қилиб ёрдам бермоқда.

Яқин ўтмишдаги динга қарши кураш тарғиботини кучайтириш ниқоби остида халқ анъаналари зўрлик билан барбод этилди, асрлар мобайнида қабул қилиб келинган маросимлар ва урф-одатлар таъқиқланди. Қадимги замонларда Шарқда нишонланиб келинган Наврӯз байрами сунъий равиша ўйлаб чиқарилган Навбаҳор тантаналари билан алмаштирилди. Халқимизнинг бир неча минг йиллик тарихини ўзида чуқур акс эттирган беҳисоб нодир асарлар диний мазмунга эга, деган баҳонада чоп этилмади. Бобур, Аҳмад Яссавий ва бошқа алломаларнинг илмий-фалсафий меросларига бир ёқлама муносабатда бўлинди. Динга қарши кураш шиори остида олиб борилган бундай ноўрин ҳатти-ҳаракатлардан халқимиз беҳад кўп заарар кўрди. Афсуски, бундай чалкашликлар 20-30 йиллардагина эмас, балки бизнинг давримизда, 80-йилларда содир бўлди.

Ҳозир бу камчиликларнинг кўплари тузатилди ва тузатилмоқда. Ёлиб қўйилган масжидлар очилди. Қуръон ўзбек тилига таржима этилиб бир неча юз минг нусхада чоп этилди. Диний асарларни чоп этиш йўлга қўйилди. Жаҳонда машҳур бўлган буюк ислом муҳаддиси, хадисшуноси Йомом ал-Бухорийнинг «Адаб ал-Муфрар» (Одоб ҳазинаси), «Ишончли тўплам» хадислар тўплами ўзбек тилига таржима этилиб чоп этилди. Буюк муҳаддис ислом олимларидан Ат-Термизий, Ҳожа Баҳоуддин Нақшбандларнинг юбилейлари ўtkазилди. Руҳонийлар ва диндорлар инсонпарварлик ташкилотларига ҳамкорлик қилишга жалб этилмоқда. Ўзбекистон мустақил бўлгач фуқаролардан бир неча минг киши муборак ҳаж сафарига бориб келдилар ва ҳозир ҳам, ҳам умра, ҳам ҳаж сафарига бормоқдалар.

Мовароуннаҳр мусулмонлари диний бошқармаси, ислом дини арбоблари ичкиликбозликни, нашавандликни, қон тўкишларни гуноҳ деб қораламоқда. Ислом дини

одамларни тинчликни сақлашга, ядро фалокатига йўл бер-
масликка, табиатни муҳофаза этишга, Оролни асраб қо-
лишга, экологик ва демографик муаммоларни ижобий ҳал
етишга, тарихий обидаларни ўтмиш маданий меросини авай-
лаб-асрашга даъват этмоқда. Ислом маданияти жаҳон ма-
даниятининг ажралмас бир таркибий қисмидир. Унда ўрга-
нишга ва ҳозирги давр учун оқилона, танқидий ва ижодий
фойдаланишга арзийдиган жуда кўп ижобий фикрлар мав-
жууд.

Ҳозирги дунёда фан ва маориф тараққиёти.

Фан жамият маънавий маданиятининг шаклларидан би-
ри ҳисобланади, унинг ривожланиши — инсон ҳаётий фао-
лиягининг ҳамма жабҳаларининг янгилашида асосий фак-
торларидан биридир: маънавий ҳаёт, моддий ишлаб чиқариш
ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг ривожланишида фан
муҳим роль ўйнайди.

Фанни уч нуқтаи-назардан ўрганиш мумкин: 1) билим-
ларни ўзига хос тизими сифатида; 2) ўзига хос хусусиятга
эга бўлган одамлар ишлайдиган ташкилотлар ва корхоналар
тизими сифатида; 3) ўзига хос кўрининшга эга бўлган фаолият
кўрсатувчи — илмий тадқиқотлар тизими сифатида. Бу ерда
қатор қўйидаги саволлар туғилиши табиий: «Ўзига хос би-
лимлар тизими» тушунчаси остида нимани тушуниш керак?
Илмий билимлар нимаси билан инсоннинг кундалик тажри-
басидан фарқ қиласди? Бу саволларга жавоб бериш учун
қўйидаги инсон нималарни билади ва нималарни ясашга
қодир деган саволларни кўриб чиқамиз.

- 1) Мен токарлик станогида бирор буюмни йўна оламан;
- 2) Мен ҳозирги замон ЭҲМ лари учун Муқаддима ёки
Лисп тилида дастур туза оламан ёки тузищни биламан;
- 3) Мен нима учун ҳаводан оғир бўлган аппарат осмон-
га кўтарилади ва учишини (товушдан тез учар самолёт) би-
ламан, уни бошқара оламан.

Юқоридаги жавоблардан кўриниб турибдики, инсоннинг
билими турли-туман ва улар турли фаолиятларга бориб та-
қалади. Яна юқоридаги келтирилган мисоллар инсоннинг
амалий фаолиятига хос бўлган, яъни «инсон амалга ошира
оладиган» ҳолатлар деб тушунмоқ даркор.

Илмий билимларни ҳар бир воқеа ва ҳодисанинг, нарса-
нинг ҳар томонлама, чуқур моҳиятига ва мазмунига назарий
томондан ёндошиш деб тушунмоқ лозим бўлади, илмий билим
қачонки нарсаларнинг умумий ва энг асосий белгилари ўр-

тасидаги алоқалар, уларни тушуниб етиш ҳақидаги қонунитлар — умумиашган фактлар жараёнида бошланади. Аста-секин илмий-назарий билимлар — амалий томонга ўта бошлади.

Фаннинг бевосита мақсади эса — борлиқдаги воқеа, ҳодисалар, жараёнларни олдиндан айтиш ва уларни баён қилиш, тушунтириб беришдан иборатдир. Кенгроқ маънода олинадиган бўлса, оламдаги нарса ва ҳодисаларни назарий томондан акс эттиришдир.

Фаннинг тили маданиятнинг бошқа шакллари тилларидан кескин фарқланади ва у аниқлик, жиддийлик санъатидир. Фан — тушунчаларнинг тафаккурдаги ифодаси бўлса, санъат — бадиий образлардаги тафаккурдир.

Хозирги замон фанининг жамият ривожидаги асосий вазифалари нималардан иборат? Бу саволга жавоб берар эканмиз, фан тараққиёти тарихига мурожаат қиласиз.

Жамият тараққиётининг турли босқичларида илмий билимлар хилма-хил вазифаларни бажардилар. Шароит ва тараққиётнинг эҳтиёжларига кўра фаннинг жамият тараққиётидаги ўрни ва роли ўзгариб ҳам турган. Масалан, қадимги фан математика ва астрономия фанларининг тадқиқотлари натижасида тўпланған тажрибаларга суюнган (Миср ва Месопотамиядаги қадимги жамиятларда). Уша пайтдаги илмий билимларнинг элементлари жамиятнинг ривожланишида ва бойишида катта роль ўйнаган. Бу илмий ютуқлар чекланган эди, аммо улар ерга ишлов беришда, қурилишда, савдо ва санъатда фойдаланилган.

Уйғониш даврида эса инсон муаммолари ва унинг озодлиги масаласига, яъни якка ижод ва гуманитар таълимга фанда катта эътибор берила бошланди. Эрамизнинг биринчи минг йиллклари ва иккинчи минг йиллклари охирларида фаннинг теэкор ривожланиши учун объектив шартшароитлар вужудга келди. Мана шу пайтга келиб фаннинг вазифаси дунёқарашни шакллантиришга қаратилди. Дунёқарашни шакллантиришга аҳамиятли бўлган жуда кўп, қатор муаммоларни ечишга: моддий материянинг тузилиши, Оламнинг тузилиши, ҳаётнинг пайдо бўлиши ва унинг мөҳияти, инсоннинг келиб чиқиши масалаларига катта эътибор берилди. Дунёқарашга даҳлдор бўлган саволлар умумий таълимнинг асосий элементига айланди. Чунки бусиз фан маданиятнинг асосий шаклларидан бирига айдана олмас эди. Шундай қилиб, хозирги пайтда ҳам энг долзарб бўлган, фан маданий дунёқараш вазифасига айланди.

XIX асрға келиб фан билан ишлаб чиқариш ўртасидаги муносабатлар ўзгара бошлади, яғни фан бевосита ишлаб чиқаришга айланы бошлади. Қейинчалик олимлар ва саноатчилар фанда ишлаб чиқаришни узлуксиз тақомиллаштиришнинг кучли катализаторлик ролини күра бошладилар. Бугунги кунда фанда яна бир мұхым вазифа ойдирға өткізу үшін анықроқ күрина бошлади. Бу вазифа — фаннинг жамият тараққиетидеги ижтимоий күч бўлиб майдонга чиқиши, бевосита ижтимоий тараққиёт жараёнларини бошқаришга қўшилишида намоён бўлмоқда.

Фан ривожининг комплекс характерга эга эканлиги ва бу масала гуманитар ва табиий фанларнинг ўзаро таъсири ва боғлиқлиги масаласидир. Бу контекстда гуманитар фанлардан бозор иқтисодиётiga ўтиш иқтисоди назарияси, фалсафа, социология, психология, сиёсатшунослик ва бошқа ижтимоий фанлар алоҳида роль ўйнамоқда. Фаннинг социал вазифаси айниқса ҳозирги замоннинг умумбашарий муаммоларини ечишда алоҳида аҳамиятга моликdir.

Шундай қилиб, фан ижтимоий ҳаётнинг ҳамма жабҳаларига комплекс таъсирини ўтказмоқда, бу жараён жамиятни бошқариш ва техник-иктисодий тараққиётда фаннинг таъсири яққол кузатилмоқда.

Мустақил мамлакатимиз ҳам құдратли, илмий ва маънавий потенциалга эгадир. Республика ҳудудида Фанлар академияси, 120 дан зиёд илмий-тадқиқот институтлари ўз фаолиятларини амалга ошироқ даалар. Бугунги кунда Республиканинг 60 га яқин олий, 262 та ўрта-максус силим юртларида 470 мингдан ортиқроқ йигит-қызы таълим олмоқда. 9 мингдан ортиқроқ умумтаълим мактаблари ва лицейлар ишлаб турибди. Илмий ходимлар сони 100 минг кишидан ортиқ бўлиб, улар орасида 209 академик ва мухбир аъзо, 2500 фан докторлари, профессорлар, 16 мингга яқин фан номзодлари ва доцентлар бор. Ишлаётган кишиларнинг ҳар 4 тасидан бири олий ёки ўрта-максус маълумотга эга.

Жуда катта табиий бойликлар мавжудлиги, құдратлы саноат базаси, илмий ва интеллектуал потенциал давлат суверенитети билан биргаликда янги жамият барпо этиш учун, туб иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, бозор муносабатларини шакллантириш, Узбекистонни ривожланган, гуллаб-яшнаётган давлатга айлантириш учун зарур бўлган иқтисодий, ижтимоий, маънавий, ҳуқуқий омиллар ва имкониятларни яратиб беради.

Маориф тараққиёти. Ҳар қандай жамиятнинг янгила-ниши, унинг мактабининг янгиланишидан бошланади. Жамиятга янги күчлар, янги одамлар керак—уларни албатта мактабда тайёрланади. Қаерда ижтимоий ҳаёт ўзига хос шакл билан яшаётган бўлса, у ерда албатта мактаб ҳам аниқ шаклланган жамиятни кайфиятига тўла жавоб беради. XIX асрнинг иккинчи ярмида айтилган бу гаплар ҳозир ҳам ўзининг долзарблигини йўқотгани йўқ. аксинча, янада долзарблашди. Инсоннинг бутун ҳаёти бу унинг ижтимоийлашувидир — яъни инсон томонидан ўтмишдаги ва ҳозирги ижтимоий тажриба-ни ўзлаштиришдан иборатдир. Бу жараён икки хил йўл билан амалга оширилади: жамият томонидан мақсадли таъсири этиш, ҳаётий ҳолатларнинг инсонга стихияли таъсири, қамда инсонни тарбиялаш, албатта, маориф воситаси-да амалга оширилади. Аммо жамият бир хил эмас, ҳар қандай ижтимоий гурӯҳ, миллат маорифни амалга оширишини ўзича тушунади.

Тарихдан маълумки, маълум ўқув курсларини ким мэддий томондан қўллаб-қувватлайди, деган савол туғилганда, албатта, сиёсий, илмий, диний ва бошқа зиддиятлар пайдо бўлган. Албатта, бу жараённи охир-оқибатда яна давлат бошқарган, моддий томондан қўллаб-қувватланади, у ҳозирги цивилизация учун ҳам долзарб муаммо бўлиб турибди.

Мисол сифатида Швеция ва Германиядаги ҳозирги маориф даражасини олиб қўрайлик: компьютерлаштириш кучай-ган ҳозирги замонда юқори билимли кадрларнинг жамият учун қанчалик қераклигини Швецияда жуда яхши билишади. У кадрлар ўзига ишонган, ҳозирги замон техникаси ва тех-нологиясини чуқур билган ва ҳис этган, керак пайтда масъ-улиятли қарорларни қўрқмай қабул қила оладиган кадрлар қераклигини шведлар жуда яхши билишади. Шунинг учун ҳам уларнинг мактабларида ҳар бир ўқувчига индивидуал муносабат шаклланган, шахсий сифатларни ҳисобга олиш йўлга қўйилган. Бундай тарбия тизими ва маориф ўқитувчилар сонининг қерагидан ортиқча бўлишини талаб қилади. 70-йилларда Швеция мактабларида бир ўқитувчига 19 ўқувчи тўғри келар эди. Ҳозирги кунда эса бир ўқитувчига 9 та ўқувчи тўғри жемлоқда. 8-синфларда баҳо қўйиш ўқўлиги учун бу ҳолат ўқувчиларни руҳий тенглик ҳолатини шакллантироқда. Швед маориф системасининг демократизми шундан иборатки, бу мамлакатда алоҳида талантли болалар учун мактаблар йўқ. Аммо, швецияда математикани ўқитишига, болаларнинг математикани чуқурроқ билишларига катта

эътибор берилади. Яъни математикага сажда қилиш кучли. «Маориф математика билан тўлиқ, яхлит ва бойроқдир». — деб ҳисоблашади. Бу мамлакатнинг у ёки бу муаммосига эътиборни қаратиш мумкин, лекин ундан қатъий назар швед маорифи тизими ўз мамлакатини юқори малакали мутахассислар билан тўлиқ таъминламоқда.

Германияни олиб кўрайлик. Қачонки ғарбий германиялик менежерлар, молиячилар, журналистлар, депутатлар, ўқитувчилар, амалдорлар, ва бошқа кишилардан бошқа мамлакатлардан келган ёш мутахассислар ва инженерларни мамлакалари даражасини баҳолаб беришни сўрашганда улар Ғарбий Германия олий ўқув юртларини битирган мутахассисларга бошқа мамлакатларнига қараганда юқорироқ баҳо берганлар. Федератив Германия техник олий ўқув юртларидағи бундай юксак билим беришнинг сирлари нимада? деган мантиқий савол туғилади.

Германияда ҳар йили қўшни Францияга нисбатан икки баравар кўп, яъни 25 минг мұҳандислар тайёрланади. Мұҳандислар Германияда икки йўналишга хизмат қилиш учун тайёрланади. Улар ё ишлаб чиқаришга бориб ишлашади, ёки илмий-тадқиқотлар билан шуғулланишади, ё бўлмаса тажрибайлаш ишланмалари системаларида хизмат қилишади. Битта мисол фикримизни ойдинлаштиришга катта ёрдам беради. Германияда 4,5 миллион телефон абонентига атига бета инженер қарайди, уни бошқаради, бизда эса сон-саноғи йўқ.

Талабалар асосан олий ўқув юртларида бепул ўқишади. Аммо диплом олиш учун бўлган масъулият немис талабаларида жуда юқоридир. Ҳар қандай студент 8-9 семестрдан кейин бемалол диплом ҳимоясини қилиб, олий ўқув юртини тугатиши мумкин, аммо кўпчилик немис талабалари ўқишни 12-14 семестр ўқишади. Чунки Германияда диплом эмас, балки билим олиш учун ўқишади, компаниялар учун дипломли мутахассислар эмас, балки юқори малакали, билимли мутахассислар зарур. Маорифнинг, таълимнинг юқори сифатлилиги унинг амалиёт билан чамбарчас боғланганлигидadir. Бўлажак мұҳандисларнинг мутахассисларга бўлинishi 1 семестрдан бошланади, диплом ишидаги муаммолар устидаги ишлаш эса 26-ҳафтали амалиёт билан қўшиб олиб борилади.

Бизнинг ҳозирги кунларимизда бутун ер шаридаги ҳар тўрт кишидан бири ўқиш ва ёзиши билмайди. Бутун ер

юзидағи 1 миллиарддан ортиқроқ одамлар саводсиздирлар. Шунинг учун ҳам түрли мамлакатларда мактаб ислоҳотлари олиб борилмоқда. Уларнинг ҳозирги замон стратегияси шундан иборатки, мактаб, таълим XXI аср талабларига жавоб берishi лозим. Шунинг учун ҳам таълимни бутун мамлакатларда инсонпарварлаштириш, байналмилаллаштириш жараёни бормоқда, Инсонпарварлаштиришнинг моҳияти шундан иборатки, жамият кўпроқ шахснинг руҳиятига, эҳтиёжларига, қизиқишларига диққат-эътиборини қаратмоқда. Инсоннинг ахлоқий тарбиясига алоҳида эътибор берилмоқда.

Таълимни инсонпарварлаштириш деганда нимани тушилмоқ лозим? Таълимни инсонпарварлаштириш, жамиятни, ижтимоий фанларни ўрганишга бўлган муносабатини тубдан ўзгартириш, ҳозирги замон одами ҳаётida биринчи даражали роль ўйнайдиган ижтимоий фанларни ўрганишга бўлган диққатни кучайтириш, яъни иқтисодий назария асосларини, ҳозирги замон бозор иқтисодиёти асосларини ўрганишни кучайтириш, социология назарияси ҳам амалиётини, сиёsatшунослик асослари фанини ўрганишни, маданиятшунослик асосларини ва тарихини, (чунки Японияда маданият асосларини билмаган ишчини завод ва фабрикага ишга қабул қилинмайди) ахлоқ назарияси ва амалиётини ҳозирги замон технолоѓиясининг дизайн асослари, яъни эстетикани ҳам назарий, ҳам амалий томонларини ҳар томонлама ўрганишга айтилади.

Таълимни байналмилаллаштириш жараёнининг моҳияти шундан иборатки, таълим тизими бир мамлакат доирасидан чиқиб бир неча мамлакатлар таълим тизими билан ўзаро боғланганлиги, таълим маънавий маданиятнинг бир ажralmas бўлаги бўлиб, у байналмилаллашишга хукм этилган.

Мустақил Узбекистонимизнинг ҳам бир неча юз толиб ва толибалари жаҳоннинг илгор мамлакатлари: АҚШ, Германия, Францияда, Осиё ва Шарқ мамлакатларида: Саудия Арабистони, Миср Араб Республикасининг бутун дунёга машҳур университетларида билим олмоқдалар.

Юқоридагилардан шундай ҳулосага келиш мумкинки, таълим энди энг асосий умуминсоний қадриялардан бири ҳисобланиб, инсоният келажакда таълим тараққиётисиз яшай олмаслиги аён бўлиб қолмоқда.

Келажак тарақиёти ҳақида ижтимоий башоратлар

Инсон доимо келажакда нима бўлишини олдиндан билиш учун ҳаракат қилган. Ўтмишнинг қатор буюк мутафаккирлари инсоннинг келажакдаги жамияти қандай бўлиши мумкинлиги ҳақидаги лойиҳаларини қолдиргандар. Платоннинг «идеал» давлати, социал-утопистларнинг гармоник жамият тўғрисидаги қарашлари шулар жумласидандир. Юқоридаги қарашлар ҳақида озми-кўпми мазкур қўлланмани баён қилиш давомида кўриб чиқдик. Энди эса келажакда жамият қандай бўлади, деган саволга жавобларини кўриб чиқамиз.

Футурология нима? Ҳозирги юз йилликда жамиятшуносликни ўрганувчи қатор йўналишлар пайдо бўлди, Улар келажакдаги ижтимоий жараёнларни ўрганиш ва уларни ишлаб чиқиш учун ҳаракат қилмоқдалар. «Футурология» термини (юнонча футурум — келажак, логос — таълимот деган маънени англатади), келажакни ўрганувчи фан, таълимот дегани, 1913 йили ижтимоётшунос О. Флетхейм томонидан таомилга киритилган.

Асримизнинг 60-йилларида келажакни башорат қилувчи жуда кўп ташкилотлар, илмий марказлар пайдо бўлди. Халқаро майдонда ўзига хос ҳурматга сазовор бўлган ташкилотлардан бири — Рим клуби эди. Бу клуб қатнашчилари инсониятни илмий-техника инқилоби шароитида тараққиёт масалалари билан шуғуллана бошлади. Рим клубида қилинган биринчи маърузаларнинг бирида ер юзида XXI асрнинг биринчи ярмида агар иқтисодий тараққиёт шу йўналишда ривожланадиган бўлса, инсониятни глобал, яъни умумбашарий фожиа кутмоқда дейилди. Маърузанинг айrim бўлимлари олимлар томонидан асосланган ҳолда қаттиқ танқид қилинди. Лекин маъруза муаллифлари жаҳон афгор оммасини ўз маърузаларидаги айrim томонларга диққатларини жалб этдилар. Бу масала экологик характердаги масала эди.

Келажакни башорат қилишда йилларни қўйидагича фарқлашта келишиб олишди; яқин келажак (25-30 йил), ўртачароқ келажак (70-80 йил), узоқ келажак (фантастик узоқдаги келажак). Айrim масалаларда келажакдаги жамият ҳақида тўғри хulosалар берилди. Масалан, планетамиздаги аҳолисони ҳақида, табиий хом ашёнинг заҳиралари ҳақида, иқтисоднинг технологик қўлга киритадиган ютуқлари тўғрисида ва бошқа қатор муаммолар ҳақида тўғри хulosалар ҳам ай-

тиб ўтилди ва айтилмоқда.

Келажакни башорат қилишни асосий услублари. Келажакни тадқиқ этишдаги воситалардан бири экстраполяция услубидир (экстра — лотинчадан энг юқори, ташқарида, полио — түғрилайман, ўзгартираман деган маънони англатади). Бу услуб бўйича ҳозирги йўналиш келажакда давом этади. Бу услуб ёрдамида келажакда жамиятда, унинг алоҳида бир қисмида, ижтимоий гуруҳида нималар содир бўлади? деган саволга жавоб бериш мумкин. Лекин экстраполяция услуби бошқа услублар билан биргаликда тадқиқотда иштирок этсагина бирор натижга бериши мумкин.

Келажакни лойиҳалаётib тадқиқотчилар яна бир услуб, моделлаштириш услубидан ҳам фойдаланадилар. (лотинча модилус — меъёр, намуна, норма) деган маънони англатади. Борлиқдаги реал обьект ёки жараён уни назарий ўхшаси, жадвали, модели билан алмаштирилади. Мазкур моделни ўрганиш борлиқдаги ҳақиқий обьект тўғрисида хуносалар қилишга ёрдам беради. Келажакни башорат қилишда модел-ложиҳа билан модел сценарий бир-биридан фарқ қиласди. Келажак лойиҳаларида кўпроқ мақсадга эришиш ўйлидаги ютуқлар, жамиятни келажакдаги лозим бўлган ҳолатини, олдиндан башорат қилишга ҳаракат қилинади. Жамиятда келажакни турлитуман кўринишда лойиҳаланиши мумкин.

Сценарияси олдиндан моделлаштирилган жамиятни келажакдаги ҳолати— бунга ядро бомбаси мабодо портлатилса «ядро қиши» тўғрисидаги сценарий — башорат мисол бўла олади.

Бизни мустақил мамлакатимиз учун келажакдаги унинг лойиҳаси, эмас, балки келажакка, қандай тартиблилик билан бориш жараёни тўғрисидаги башорат модел анча қизиқарли ва долзарб муаммодир.

Ўзбекистонни келажаги буюк давлат деб айтилмоқда, бу башоратнинг лойиҳаси биз учун долзарб эмас, балки ача шу буюк давлат томон бориш муаммоси, унинг тартиблилиги, мантиқийлиги биз учун ҳозирғи кунда катта аҳамиятга моликдир. Биздаги мавжуд моддий ресурслар, құдратли саноат, кучли ақлий потенциал келажакда бизнинг Ватанимиз албатта буюк давлат ва комил жамият бўлишига ишончимиз комил.

Келажакни башорат қилишда қатор муқобил йўналишлар, ғоялар мавжуд. Ана шулардан қайсилари биз учун мақбулу, қайсилари мақбул эмас, деган савол туғилиши табиий. Ху-

сусий муқобил дастурларни ҳисобга олмаган ҳолда шуни айтиши лозимки, ҳозирги замон футурологиясида иккى асосий йўналиш, муқобил дастур мавжуд. Биринчиси социал-оптимистик, иккинчиси эко-пессимистик йўналишдир. Биринчи муқобил дастур асримизнинг 60-йилларида пайдо бўлган. Бу дастурга асосан жамиятнинг ривожланишидаги асосий муаммоларни илмий-техника инқилоби асосида ечиш мумкин, деган фоя. Мана шу дастурга асосан «индустриал жамият» назарияси пайдо бўлди, иккى система конвергенцияси деган назария ҳам келиб чиқди.

Кейинчалик постиндустриал, ахборотли жамият деган оптимистик назариялар ҳам келиб чиқди, улар ҳақида биз ўтган мавзуларда кўриб ўтдик.

Асримизнинг 70-йилларидаги иқтисоддаги ва экологиядаги инқирозлар жамиятда пессимистик кайфиятларни кучайтириб юборди. Бу социал башоратлар характеристида ҳам акс этди. Рим клубининг айрим қатнашчилари келажакда ер шарини; цивилизацияни «фожиа» кутаётганлигини асослаб бердилар, гўё бу фожеа атроф муҳитни ҳаддан ташқари ифлослашиши, табиий ресурсларнинг камайиб бораётганлигиги, иқтисодда ривожланишинг сусайганлиги билан исботламоқчи бўлдилар. Ана шу йўналишнинг асосчиларидан бири американлик олим Д. Форрестер ўзининг «Жаҳон динамикаси» деб номланган китобида «ўсиш меъенинг» назарий асосларини баён қилиб берди. Цивилизациянинг кутилаётган инқирозини тўхтатиб қолиш учун Д. Форрестер ҳамма нарсанинг ўсишини, тараққиётнинг «нол ўсишдан» бошлашгача ўтишини маслаҳат берди, бу дегани янги корхоналар қуришдан воз кечиш, шамол энергиясидан фойдаланиш, аҳолининг ўсишини тўхтатиш, сувни меъёрида истеъмол қилиш, демакдир. Кейинчалик бу назария қаттиқ танқид қилинди.

Ерқин келажакка ишонганлар орасида француз файласуфи Тейяр де Шарден (1881-1955): У цивилизация ривожланиш эволюциясининг уч босқичини фарқлаб кўрсатди: «ҳаёт-олди», «ҳаёт» (биосфера) ва «инсон феномени» (ноосфера). Феномен деган сўзнинг маъноси — пайдо бўлиш деган мазмунни англатади. Тейяр де Шарден фикрича инсониятнинг маънавий бирлашиши, уни юқори ҳаётга ва инсондан юқори бўлган даражага олиб боради. Тейяр ҳамма фанларнинг, маданиятларнинг, ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши инсониятни энг олий нуқтага, «Омега нуқтасига» яқинлашишига ишонар эди.

Тейяр де Шарденнинг тасаввурлари бугунги кунда кимларгадир жуда гўзал бўлиб кўринса-да, лекин у орзулигича қолмоқда. Аммо исосфера асрининг келажакда ҳақиқатга айланиши устида нафақат диншунос-назариётчилар, шу билан бирга табиатшунос олимлар ҳам фикр юрита, мулоҳаза эта бошладилар. Бундан бир неча ўн йиллар олдин рус олими В. И. Вернадский (1863-1945), «ноосфера» тушунчасидан фойдаланган ҳолда келажакда икки йўналишни, ривожланишини — табиатдаги ва ижтимоий-гуманитар тараққиётнинг қўшилиб кетиши тўғрисидаги ғояни асослаб берган эди. Инсоният табиат қонунларини била бориб, техникани ривожлантириб биосфера — янги ҳолат ато этади.

Яна бир ҳозирги замондош рус олимларидан бири Н. Мойсеевнинг фикрича, инсоният — бу денгизсимон турли туман,лик, улар бир бирларига ҳечам ўхшамайдилар, худди мана шу турли туманлилик тараққиётга асос бўлади. Инсонни биологик тур сифатида келажакда соғлигини ҳам гарови бўлади, дейди. Одамлар бирга яашашга ўрганишлари лозим. Ана шу бирга яашасиз келажак йўқ. Инсоният жуда ўша Омега нуқтасига бориб яшаб яхши бўлишидан ундан олдинроқ Омёга штрихда яшаса ҳам бу ёрқин инсониятни келажагидир.

Биз мустақил мамлакатимиизда келажаги буюк давлат қурмоқдамиз, ҳа, бизнинг обод, озод мамлакатимизнинг келажаги порлоқ ва буюк.

Ҳозирги замоннинг умумбашарий муаммолари.

Ҳозирги замон умумбашарий муаммолари — бу инсоният цивилизациясининг тараққиёти билан боғлиқ бўлган энг муҳим ва асосий муаммолардир. Курраи заминнинг барча қитъалари, мамлакатлари ва регионларида яшаётган миллиардлаб кишиларга, умуминсониятга умумий алоқадор бўлган бундай муаммолар сонсаноқсизdir. Улардан энг асосийлари — Ер юзида тинчликни сақлаш, қуролланиш пойгасини тўхтатиш, халқаро хавфсизликни таъминлаш, хавфли касалликларнинг олдини олиш ва экологик муаммони ҳал этишдан иборат. Умумбашарий муаммоларга яна ривожланаётган мамлакатларда иқтисодиёт даражасини ошириш, аҳоли жон бошига олинадиган даромадларни ўстириш асосида очлик, қашшоқлик ва саводсизликка барҳам бериш, саноат ҳом ашёси, энергия манбалари ва озиқ-овқат билан таъминлаш, конкотни ва жаҳон океани ресурсларини ўзлаштириш билан боғлиқ бўлган муаммолар киради.

Қайд қилиб ўтилган умумбашарий муаммоларни мазмұнни ва хусусиятига қараб учта йирик гуруұға ажратиш мүмкін. 1/ жаңоң төрмәйдро урүшининг олдени олиш, Ер юзидағи халқлар ижтимоий тараққиеті учун тинчликни сақлаш, ривожланаётган мамлакатлардаги мавжуд қолоқликларни туғатыш ва янги иқтисодий тартиби үрнатыш каби муаммолар, 2/ Атроф-мухитни фалокатли равища ифлосланишдан сақлаб қолиши, инсониятни ғылыми, хом ашё озиқ-овқат билан таъминлаш, жаңоң океани ресурсларини ва коинотни үзлаштириш сингари муаммолар, 3/ Илмий-техника инқилоби салбий оқибатларининг олдени олиш; соғлиқни сақлаш, саводсизликка қарши қурашиш сингари муҳим ҳәеттій муаммолардан иборатдир.

Ер юзидағи күпчилик халқлар ва мамлакатлар, биринчи нағбатда, миллий мустақиллікни яқындағина құлға кирилган миллатлар ва халқлар учун жуда зарур деб ҳисобланадаётган экологияк, демографик ва озиқ-овқат муаммоларини ҳал этиш, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий қолоқлікка, ривожланишнинг бир томонлама, чекланған хусусиятига бутунлай барҳам беріш, хатарлы қасалліктер олдени олишнинг жаңоң миқесидеги бирдан-бир асоси ва яккаю ягона йўли — уруш ва тинчлик муаммосини оқилюна ҳал этиш, инсониятни уруш хавфи даҳшатларидан бутунлай ва абадий қутултиришдир. Бу тарих ҳақиқатидир.

Табиат ва үндаги барча бойликлар инсониятнинг бебаҳо ҳазинасыдир. Табиат — муқаддас бир даргоҳ, инсон күз очиб күрган дунёдир. Биз яшаб, нафас олиб, кун кечириб турған табиат ҳамма ҳамманинг, бутун инсониятнинг умумий қароргоҳи умумий уйидир. Табиат ва үннің бойликларының күз қорачигидай асраш, атроф-мухитнинг бузилишига йўл қўймаслик — умумдавлат, умумхалқ иши эканлигини асосий сабаби энг аввало шундан иборат.

ХУЛОСА

Азиз ўқувчи! Сиз, биз ва бутун тараққийпарвар инсоният янги минг йиллик арафасида турибмиз. Биз келажакдаги цивилизация тақдири ҳақида қайғуриб, азим мақсадлар билан ёрқин келажаккa қараб турибмиз ва унга тобора яқинлашмоқдамиз. XXI аср одами ва улардан ташкил топган жамият қандай бўлади? Бу ер юзидағи инсониятни, ҳар бир инсонни ўйлантираётган саволдир. Бу саволга жавобни келажакдаги ҳаётнинг ўзи беради. Вақт энг катта ва энг бош ҳакамдир. Кириб келаётган минг йилликда ёмонлик кўп бўладими? ёки яхшилик? Бу саволга биз баралла яхшилик кўпаяди, деб айта оламиз. Ижтимоий тараққиёт, бурилиш чорраҳалари, ўзида турли хил, айрим ҳолларда муқобил имкониятларни ҳам ифода этади. Улардан қайси бири амалиётда ҳаётга тадбиқ этилади? Бу саволга жавоб шуки, охироқибатда одамларнинг онгли, актив фаолияти ва шу жумладан азиз ўқувчи, сизнинг ҳам фаолиятингизга боғлиқдир.

Келажаккa йўл бугундан бошланади. Инсониятнинг тараққиёти ва яшовчанлиғи, унинг янгича фикрлаши, умуминсоний қадриятларга боғлиқ бўлади ва унга асосланади. Ўтган ва ҳозирги замон цивилизацияларининг ютуқларидан фойдаланган ҳолда инсоният, ўзидан олдинги ва ҳозирги қадриятларни кўз қорачиғидай асрайди ва кўпайтиради, янгиларини яратади. Инсон тафаккури, ақли уни ҳар қандай ижтимоий берк кўчадан олиб чиқишга қодирдир.

Қўлингиздаги рисоламизда биз инсониятнинг жуда кўп кашфиётларга асос бўлган фикри ўтмиш цивилизациялари, ҳозирги олам тўғрисида, умуминсоний қадриятларга нималар кириши, ва уларни одамлар идрок этишларининг мураккаб йўллари тўғрисида қўлимиздан келганича, баҳоли қудрат баён этдик. Биз ишонамизки, инсоният кириб келаётган минг йилликка ёрқин орзулар ва мақсадлар билан боради. Бизнинг мустақил Ўзбекистонимиз XXI асрга ҳамма соҳаларда буюк давлат қуриш орзуси ва режаси билан кириб боради. Ўзбекистоннинг буюк давлат бўлишига ҳамма моддий ва маънавий асослар бор. Сиз азиз ўқувчи, ана шу буюк давлатнинг қурувчилари ва яшовчилари бўлишингизга ҳеч қандай шубҳа йўқ, Республикамиз Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобида айтганидек — «Давлат мустақиллигини қўлга киритиш на-

тижасида Ўзбекистон учун иқтисодий ва ижтимоий тараққи-
ётнинг, маданий ва маънавий янгиланишнинг кенг истиқбол-
лари очилди». Ўзбекистон XXI асрга мардона кириб бормоқ-
да.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР:

1. Маданият деганда нимани тушунасиз?
2. Моддий маданият нима?
3. Маънавий маданият деганда нимани тушунасиз?
4. Ўзбек ҳалқи маънавий маданиятининг ўзига хос хусу-
сиятлари нимада?
5. Ҳозирги замон кишисининг маънавий маданияти деган-
да нималар тушунилади?
6. Ҳозирги дунёда диннинг ўрни ва роли деганда нималар
тушунилади?
7. Ҳозирги дунёда фан ва маориф тараққиёти.
8. Келажак тараққиёти ҳақида қандай ижтимоий башо-
ротлар қилинмоқда?
9. Ҳозирги замоннинг умумбашарий муаммолари нималар-
дан иборат?

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1. Каримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чу-
қурлаштириш йўлида. Тошкент, «Ўзбекистон», 1995,
- 2. Туленов Ж., Фофуров З., Фалсафа. Тошкент, «Ўқитув-
чи», 1991, 327, 342, 357-372-373 бетлар.
- 3. Туленов Ж. Ҳаёт фалсафаси. Тошкент, «Ўзбекистон»,
бетлар.
- 4. Жильцова Е. И. Егорова Э. Н. Сухолет И. Н. Полити-
ческое и духовное развитие современного общества. Москва,
«Просвещение». 1993, 44-90 бетлар. (рус тилида).
1993, 154, 309 бетлар.
- 5. Ўзбекистон мустақиллик одимлари. Тошкент, «Ўзбекис-
тон», 1995.

МУНДАРИЖА

1. КИРИШ	3
2. I БУЛИМ, ИНСОН ВА ЖАМИЯТ ҲАҚИДАГИ ИТЖИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИДАН.	5
Инсон ва жамият ҳақидаги Шарқ ва Ғарб ҳалқларининг тасаввурлари	
Жамият нима?	5
Инсон муаммоси	6
Табият ва жамият	8
Ҳаёт доимо ўзгаришда	9
3. Қадимги шарқ мутафаккирларининг инсон ва жамият ҳақидаги қарашлари	11
4. Қадимги Ҳиндистонда инсон ва жамият ҳақидаги қарашлар	11
5. Қадимги Хитойда инсон ва жамият ҳақидаги қарашлар	12
6. Зардустийлик динида инсон ва жамият ҳақидаги қарашлар	13
7. Буддизм динида инсон ва жамият ҳақидаги қарашлар	14
8. Христиан динининг инсон ва жамият ҳақидаги қарашлари	16
9. Ислом динида инсон ва жамият ҳақидаги қарашлар	17
10. Қадимги Юнонистонда инсон ва жамият ҳақидаги қарашлар	18
11. Марказий Осиёда ижтимоий-фалсафий қарашлар: Сўғизм (тасаввуф фалсафаси) таълимоти ва ҳаракати, унинг асосий намоёндалари	20
12. Ўрта Осиёning йирик мутафаккирлари, уларнинг ижтимоий-фалсафий фикрлари, дунёвий билимларга кўшган ҳиссалари, имом Исмоил Бухорий	26
Форобий ижтимоий қарашлари	28
Абу Али ибн Синонинг инсон ва жамият ҳақидаги қарашлари	32
Абу Райхон Берунийнинг ижтимоий қарашлари	34
Юеuf Хос Хожибининг инсон ва жамият ҳақидаги қарашлари	38
Амир Темурнинг ижтимоий қарашлари	39
А. Навоийнинг ижтимоий қарашлари	40
13. XVI-XIX асрларда Ўрта Осиёда ижтимоий-фалсафий фикрлар тараққиёти.	42
14. Нодира, Увайсий, Дилшодларнинг ижтимоий қарашлари	43
15. Туркестонда маърифатпарварлик ҳаракати	44
16. Жадидизм	47
17. Ўрта аср уйғониш даври ва янги давр Европасидаги ижтимоий-фалсафий фикрлар	50
Христиан назариётчиларининг инсон ва жамият ҳақидаги қарашлари	50
Уйғониш даври мутафаккирларининг ижтимоий-фалсафий ғоялари	51
XVI—XVII асрларда инглиз маърифатпарварларининг ижтимоий фалсафий қарашлари	54
Француз маърифатпарварларининг инсон ва жамият ҳақидаги қарашлари	55
XIX—XX асрларда ижтимоий-фалсафий ғоялар тараққиёти.	56

18. II БҮЛИМ. ЖАҲОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ ТАРАҚҚИЁТИ

Кириш қисми. Цивилизация ҳақида тушунча	63
Цивилизация тараққиётининг асбий босқичлари	63
Варварлик дунёси	64
Қадимги Шарқ цивилизацияси	65
Ўрта Осиё цивилизациясининг ўзига хос ҳусусиятлари	66
Қадимги Гарб цивилизациялари	70
Ўрта асрлардаги Европа ва Осиё цивилизациялари	74
Саноат цивилизациясига ўтилиши	78

19. III БҮЛИМ. ЗАМОНАВИЙ ЦИВИЛИЗАЦИЯ ТАРАҚҚИЁТИ ИУНАЛИШЛАРИ ВА ҲУСУСИЯТЛАРИ

Замонавий цивилизацийининг иқтисодий тараққиёти	85
Иқтисодиёт, унинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва роли	85
Ижтимоий ишлаб чиқарни тизимида инсоннинг ўрни ва роли	90
Замонавий бозор ҳўжалиги назарияси асослари	92
Бозор тузилиши	97
Ўзбекистон Республикасида бозор-иқтисодиётининг шаклланиши ва ҳусусиятлари	103
Жаҳон ҳўжалик жарабии ва ҳалқаро ҳамкорлик	108

20. IV БҮЛИМ. ЗАМОНАВИЙ ЦИВИЛИЗАЦИЯНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЕСИЙ ТАРАҚҚИЁТИ

Сиёсий тизим ва унинг жамият ҳаётидаги ўрни ва роли	114
Сиёсий тизимининг структураси	116
Сиёсий маданият	118
Шаҳе ва сиёсат	120
Ёшлилар ва сиёсат	123
Ижтимоий сиёсат	125
Ахборотли жамият, замонавий цивилизациянинг характерли ҳусусиятлари	127
«Ахборотли жамият» муаммолари	131
Оммавий ахборот воситалари	132

21. V БҮЛИМ. ҲОЗИРГИ ЗАМОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ-НИНГ МАҶНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРИ

Маънавий маданият, Маданият нима?	135
Ўрта Осиё ҳалқлари маънавий маданиятининг ўзига хос ҳусусиятлари	137
Ҳозирги замон кишисининг маънавий маданияти	141
Ҳозирги дунёда дин ва унинг инсон ва жамият тараққиётидаги ўрни ва роли	147
Ҳозирги дунёда фан, маориф тараққиёти	149
Келажак тараққиёти ҳақида ижтимоий башоратлар	155
Ҳозирги замоннинг умумбашарий муаммолари	158
Хулоса	160

Муаллиф мазкур китобни ҳаёт юзини кўришда сидқидилдан ўз меҳнатини аямаган Наманганд вилояти Ибрат номли босмахонасининг ходимлари Алишер Қўймуродовга, Юсуфжон Самадовга, Нажмиддин Мўйдиновга, Файзуло Самадовга ўзининг самимий миннатдорчилигини билдиради.

С. Х. НОРҚУЗИЕВ.

ИНСОН ВА ЖАМИЯТ

Бадиий муҳаррир: Ю. САМАДОВ.
Тех. муҳаррир: Н. МУЙДИНОВ.
Мусаҳҳих: Ф. САМАДОВ.

НБГ — 39. 171 164000
40. 9,50 (02) — 97

Теришга берилди 16.XII.96. Босишга руҳсат этилди 25.II.97й.
Қоғоз бичими А-3 9,5 босма табоқ. Буюртма 11491
Нархи келишилган баҳода. Адади 3000 нусха.

Наманганд вилояти Ҳокимлиги матбуот бошқармаси. Ибрат
номли вилоят босмахонаси. Наманганд ш. Гагарин кўчаси, 36-уй.

